



**Жамоатчилик кенгаши:**

Эркин ВОҲИДОВ  
Абдулла ОРИПОВ  
Омонулла ЮНУСОВ  
Муҳаммад АЛИ  
Абдухалил МАВРУЛОВ  
Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ  
Иброҳим ҒАФУРОВ  
Низом КОМИЛОВ  
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ  
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ  
Хуришд ДЎСТМУҲАММАД

**МУАССИСЛАР:**

РЕСПУБЛИКА МАЎНАВИЯТ  
ВА МАБРИФАТ КЕНГАШИ  
  
ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ  
ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ  
  
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

**Бош муҳаррир:**  
Шухрат РИЗАЕВ

**Таҳрир ҳайъати:**

Амир ФАЙЗУЛЛА  
Назира ЖЎРАЕВА  
Отабек САФАРОВ  
Дилдорхон АЛИЕВА  
Алимурод ТОЖИЕВ  
Алишер ОТАБОЕВ  
Даврон РАЖАБОВ  
Севара АЛИЖОНОВА

## МУНДАРИЖА

### ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ

Ш.БЎТАЕВ. Орфей илтижоси халоскори. Эссе. ....7

### НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Алишер НАВОИЙ. Кўргали хуснунгни зору... (Рус ва инглиз тилларига  
Н.Лебедев ва Н.Қамбаров тарж.). ....3

### НОБЕЛЬ СОВРИНДОРЛАРИ

П.МОДИАНО. Тўй саёҳати. Роман. (Француз тилидан Ш.Миноваров тарж.). ....34  
Ж.-М.Г.ЛЕКЛЕЗИО. Эҳ, ўғри, ўғри, шу ҳам ҳаётми?! Ҳикоя. (Француз тилидан  
Р.Ширинова тарж.). ....79

### НАСР

Абдулла ҚОДИРИЙ. Қуёш билан ҳам курашаман. Ҳикоя. ....123

### ЭПОС – ТАФАККУР ДУРДОНАСИ

А.ПУМПУР. Лачплесис – латиш халқ қаҳрамони. Эпос. (Рус тилидан  
М.Қўшмоқов, К.Жўраев тарж.). ....21

### ГЛОБУС

### СЕНЕГАЛ РЕСПУБЛИКАСИ

Сенегал адабиёти ва санъати манзаралари. ....160  
Сенегал шеърляти. ....172  
Сенегал ҳикоялари. ....185

### УСТОЗ ТАРЖИМОНЛАР БИСОТИДАН

Мамарасул БОБОЕВ. ....71

### АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА.

М.АСАДОВ. Патрик Модиианинг ўтмишга саёҳати. ....67  
М.ТУРСУНОВА. Қадим мадрасаларда таълим тизими. ....137  
А.МЕЛИБОЕВ. Тарихнинг унутилмас хатолари. ....142  
Б.МЕНГЛИЕВ. Юксалиш методологияси ҳақида ўйлар. ....151

### АДАБИЙ САЁҲАТ

О.ОТАХОН. Кўнгил фарёди. ....92  
Анн ФИЛИП. Бир лаҳза. Қисса. (Рус тилидан О.Отахон тарж.). ....93

### ЭССЕ

Я.ПАРАНДОВСКИЙ. Сўз кимёси. Эссе. (Рус тилидан М.Акбаров тарж.). ....84

Унутилмас сиймолар. ....201  
Муковамизда. ....203  
Таквим. ....204  
Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни. ....206



## *Алишер НАВОИЙ*

(1441–1501)

### **КЎРГАЛИ ҲУСНУНГНИ ЗОРУ...**

*Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санго,  
Не балолиғ кун эдиким ошно бўлдум санго.*

*Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,  
Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санго.*

*Мен қачон дедим: вафо қилгил манго, зулм айладинг,  
Сен қачон дединг: фидо бўлгил манго, бўлдум санго.*

*Қай пари пайкарга дерсен: телба бўлдунг бу сифат,  
Эй пари пайкар, не қилсанг қил манго, бўлдум санго.*

*Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим, аввора бўл,  
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санго.*

*Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдур мудом,  
Соқийё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санго.*

*Ғусса чангидин навое топмадим ушиоқ аро,  
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санго.*

**“Ғаройиб ус-сизар”, 16-газал**

ЛУҒАТ

Батаррак – ёмонроқ, баттарроқ

Бу сифат – бу каби

Пайкар – сурат, ҳайкал, қома

Жоми Жам – Жамшид (қадимги Эрон ҳукмдори)нинг жоми

Хизр суйи – Хизр (оби ҳаётни ичган пайғамбар) суви, тириклик суви  
 Соқий – май қуувчи (бу ўринда: пири комил)  
 Жоҳ – мансаб, амал; бойлик, давлат  
 Ғусса чанги – ғам чолғуси, қайғу куйи чалинувчи чанг  
 Ушшоқ – 1) ошиқлар; 2) куй номи

### Ғазалнинг насрий баёни

*Дилнавоз ЮСУПОВА шарҳи*

1. Сенинг ҳуснингни бир кўрай деб ўзинга зору мубтало бўлиб қолдим. Сенга ошно бўлган куним қандай балолик кун экан?
2. Сендан кўнгил узмоқчи бўлиб ҳар куни уриндим, лекин, э воҳки, кундан-кунга сенга янада кўпроқ боғланиб қолдим.
3. Қачон менга вафо қилгил, деб айтсам, зулм қилдинг, лекин сен қачон “Менга фидо бўлгил”, деб айтсанг, сенга ўзимни фидо қилдим.
4. Қайси пари суратли ёрга бу тарзда девоналарча ошиқ бўлдинг деб сўрайсан. Эй пари суратли ёрим, манга ҳар қанча жабру ситам қилсанг ҳам розиман, чунки севиб, ошиқ бўлганим бу сенсан.
5. Эй кўнгил, атрофдагиларнинг насиҳатига кулоқ осмадим, сен ҳам овора бўлдинг. Юз бало етмасмидики, мен ҳам сенга яна бир бало бўлдим.
6. Жамшиднинг жоми ва Хизрнинг обиҳаёт суви менга насиб бўлиши учун, эй соқий, молу дунёдан кечиб, энди дарвешлик йўлига қираман.
7. Навоий каби сендек ёрга асиру бенаво бўлмагунча ошиқлар орасида ишқнинг ғамгин куйини топа олмадим.

### Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Ушбу ғазал ошиқона мавзуда бўлиб, лирик қаҳрамон ва ёрнинг ўзаро суҳбати асосига қурилган. Ёрнинг ҳуснини бир бор кўрмоқчи бўлиб унга назар ташлаган лирик қаҳрамон охир-оқибат унга ошиқу мубтало бўлиб қолади ва ундан кўнгил узишга ҳар қанча уринмасин, кундан кунга унга янада кўпроқ боғланиб бораверади. Матлаъда келтирилган “мубтало” қофиясининг кейинги байтда қайта қўлланиши, яъни иккинчи байтда радд ул қофия (қофияни такрорлаш) санъатининг истифода этилиши тасодифий бўлмай, ошиқнинг руҳий ҳолатини ифодалашга хизмат қилган. Биринчи байтдаги “мубтало” сўзи ошиқ бўлиш маъносини ўзида акс эттирса, иккинчи байтда энди ишқнинг юксалиб, авжланиб боришини – ошиқнинг ёрга тобора боғланиб қолганлигини ифодалайди. Ёр қанчалик жафо кўрсатмасин, ошиқ ишқ йўлида шунчалик фидокор ва вафодор. Ошиқнинг телбаларча ҳолати ёрнинг кулгиси ва ҳайратига сабаб бўлган. Ёрнинг “Бу каби девоналигинга қайси пари сабаб бўлди?” деб сўраган саволига ошиқ “Ушбу пари сенсан”, деб жавоб беради ва ушбу девоналикдан рози эканлигини мамнуният ила баён этади. Мумтоз адабиётда “пари” ва “девона” жуфтлигининг ёнма-ён келиши анъанавий ҳолат қасб этиб, ёрнинг афсонавий ҳусни-ю ошиқнинг бу ҳусндан телба бўлиш

даражасига етишини ифодалашга хизмат қилади. Бу ифода ғазалда тасвирланаётган ёрнинг илоҳий мазҳар эканлигига ҳам ишорадир. Атрофдагиларнинг ошиққа ақл-хушни йиғиб олиш билан боғлиқ қилаётган насихатлари беҳуда (ишқ ақлга бўйсунганини ким кўрибди), ўртада кўнгил сарсон, юз бало устига яна бир бало. Матлаъда бошланган “балолоғ кун” ифодасининг энди ошиққа нисбатан “бир бало” тарзида қўлланилиши ғазалнинг бадий жозибасини янада оширган.

Олтинчи байт “навоийёна услуб”нинг яна бир жилвасини ўзида намоён қилади: ошиқона ғазал таркибига орифона маъно юкланади. Байтда талмеҳ санъати воситасида Жамшид жоми ва Хизр суви билан боғлиқ воқеаларга ишора қилинади. Ривоят қилишларича, қадимги Эрон шоҳи Жамшид майни ихтиро қилгандан сўнг ҳакиму донишмандларга бир жом яшашни буюради. Бу жомнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, унга май куйилса, бутун олам унда акс этар ва Жамшид оламдаги воқеа-ҳодисаларни шу жом орқали кўриб турар экан. “Хизр суви” бирикмаси ҳам ўзига хос маъно-моҳиятга эга. Унга кўра, ер остида зулмат дунёси бор, унинг тубида оби ҳаёт булоғи (тириклик суви) мавжуд. Ушбу булоқдан ичган одам абадий ҳаётга муяссар бўлади. Хизр ер остига тушиб, ушбу булоқ сувидан ичган ва абадий ҳаётга мушарраф бўлган зотлардан. Навоий ана шу ривоятларга ишора қилиб, Жамшид жоми ва Хизр суви соқий (пири комил)нинг пок қалби эканлигини, бу қалб Яратганнинг ишқи билан мунаввар бўлишини таъкидлайди. Шоирнинг фикрича, агар инсон дунё ҳавасларини тарк этиб, пири комил раҳнамолигида дарвешлик йўлига кирса, ана шу абадий илоҳий файз унинг насибасига айланади. Мақтаъда ушбу фикр давом эттирилиб, ишқ йўлига кирмагунча, яъни ҳақиқий ошиқ бўлмагунча, мақсадга эришиш душвор эканлиги таъкидланади. Шоир ўз таҳаллусидаги “наво” сўзини турли шакл ва кўринишларда қўллаб, иштиқоқ (наво – Навоий – бенаво), таносуб (наво – чанг – “Ушшоқ” (куй номи), таъдид (асиру бенаво), ийҳом (бенаво – навосиз, бенаво – бечора, ғариб) санъатларининг бетакрор намуналарини яратади.

## Ғазалнинг русча таржимаси

*Таржимон – Николай ЛЕБЕДЕВ*

*Я красу твою увидел и плененным стал тобой,  
В грустный ден я стал влюбленным, огорченным стал тобой.*

*Дни идут, но нет отрады, нет надежды на тебя;  
С каждым днем люблю сильнее, покоренным стал тобой.*

*Я сказал: «Будь верной другу», – ты жестокою была,  
Ты сказала: «Жертвой будешь», – я сраженным стал тобой.*

*Пери! Обо мне подумай, стал я жертвой для тебя,  
Стал в тебя навек влюбленным, изумленным стал тобой.*

*Мало мне ста злых страданий, сотни бед за то, что я  
Стал бедой себе одною, опьяненным стал тобой.*

*Ты – бокал с водою жизни, ты навек моя судьба,  
Где мой сан? Я стал, как нищий, покоренным стал тобой.*

*Лютню горя меж влюбленных не находит Навои,  
Словно он, я стал плененным, огорченным стал тобой.*

### **Ғазалнинг инглизча таглама таржимаси**

*Таржимон – Носиржон ҚАМБАРОВ*

*Wanting to see you once I fell in love with you,  
What a day it was when I saw you.  
I tried to give it up every day  
But I was used to you day to day.*

*When I asked you to be loyal to me,  
You tortured me, but when you asked me  
To sacrifice myself, I sacrificed myself for you.*

*You ask me which peri-faced beloved  
I fell with love like a mad,  
O my peri-faced beloved,  
I agree to your torture so much  
As you are whom I fell in love with.*

*Oh my soul, I would not listen to anybody around me,  
And you also spared time.  
Would not one hundred problems enough for you  
And I was one more problem for you.*

*In order to have Jamshid's goblet and Hizr's life-giving water,  
Oh cupbearer, I will give up everything to be a hermite.*

*I could not find love's sad tune for a beloved like you as Navoi did.*







## **Шойим БЎТАЕВ**

### **ОРФЕЙ ИЛТИЖОСИ ХАЛОСКОРИ**

Эссе<sup>1</sup>

**Игорь Витальевич  
Савицкий хотирасига**

*Орфей барча нарсани унутиб, ортига ўгирилди. Эвридиканинг кўланкаси қарийб ўзи билан ёнма-ён бораётганини кўрди. Унга томон кўлларини узатган эди, кўланка борган сайин узоқлашиб, ахийри зулмат ичра ғойиб бўлди.*

**Овидийнинг  
“Эврилишлар” баёнидан**

*Бошяланг ва оёқяланг пиёда мусофир Ҳижоз карвони билан Кўфадан келиб бизга кўшилди. Унинг ҳеч нарсаси йўқ эди, лекин виқор билан қадам ташларди.*

*Туя минган бойлардан бири унга деди: “Эй дарвеш, қаёққа борасан, йўл оғир, унинг машаққатига бардош беролмайсан, орқанга қайт”. Дарвеш унинг гапига қулоқ солмай, йўлида давом этди. Карвонимиз Наҳлаи Маҳмудга етганида бояги туя минган бой оламдан ўтди. Дарвеш унинг жасади тепасига келиб деди: “Мен пиёда юриш машаққатидан ўлмадим-у, сен нортуюда юриш роҳатидан жон таслим қилдинг!”*

**Шайх Саъдий**

*Азим тоғларни ерга урмасдан, дашту чўлларни юксакка кўтармоқ керак.*

**Ўлжас Сулаймонов**

*Юртимизнинг бой тарихи, халқимиз маънавияти, ўзига хос урф-адумлари бебаҳо бойликдир. Бу кўҳна заминимиз қадим-қадимдан нафақат сиёсат нуқтаи назаридан, айни чоғда илм-фан, маданият-санъат жиҳатидан ҳам барчанинг эътиборини тортиб келган. Шу асно маданиятлар алмашинуви, урф-одатлар ўзлаштирилиши каби ижобий жараёнлар кечган. Элларнинг элларга боғланиши, турли халқлар маданиятининг бир-бирини бойитишида жонкуяр инсонларнинг ҳиссаси катта. Игорь Витальевич Савицкий ана шундай фидойи инсонлардан эди.*

\* Шойим Бутаев – ёзувчи, публицист.

<sup>1</sup> Журнал варианты.

Журналимиз тахририяти буюртмасига кўра ёзилган “Орфей илтижоси халоскори” номли мазкур эсседа муаллиф Киевда туғилса-да, тақдири Қорақалпоғистон билан боғланган Игорь Савицкий ҳаётига ўзига хос бадиий тафаккур кўзгусидан теран назар ташлайди. Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, Мустақиллик йилларида Игорь Савицкийнинг орзу-умидлари тўла амалга ошди. У 1966 йилда асос солган Қорақалпоғистон Давлат санъат музейи бугунги кунда Халқаро музейлар қўмитаси (ИКОМ) аъзоси. АҚШ, Франция, Германия, Италия, Япония, Россия каби давлатлардаги кўرғазмаларда иштирок этади. Унда “Нукус музейининг дўстлари” клуби мавжуд. Тўқсон мингга яқин ноёб экспонатларни таъмирлаш устахонаси, ўн мингдан зиёд асарларга эга кутубхона унинг таркибида фаолият юритади. “Оқ қалъа. Умумий кўриниш”, “Қорақумда”, “Кегейли канали”, “Чимбой оқшоми”, “Қайрағочлар” сингари турли музейларда сақлаётган картиналарида Игорь Савицкий график-рассом сифатидаги истеъдодини намойиш этган эса-да, унинг буюк хизмати барибир Марказий Осиёдаги санъат асарларини тўплаш, қорақалпоқ маданиятининг генофондини яратиш билан белгиланади. Унинг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси эса Третьяков, Морозов, Шчукинлар фаолияти билан тенглаштирилади.

Игорь Савицкий вафотидан ўн саккиз йил ўтгач, 2002 йили Ўзбекистон Президенти Фармонида биноан “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди. Юртбошимиз ташаббус кўрсатиб, Нукус шаҳри марказида мрамрдан Қорақалпоғистон Давлат санъат музейи қад кўтарди ва унга Игорь Савицкий номи берилди.

1984 йилда вафот этган Игорь Витальевич Савицкий васиятига кўра Нукусда дафн этилган. Унинг қabri пойига битилган “Ўзалликнинг буюк халоскорига миннатдор авлодлардан” ёзуви заҳматкаш инсон фаолиятининг умумбашарийлик касб этганини англайтиб туради.

Тахририятдан

Энди унинг аҳволи янаям оғирлашди, қув-қув йўталганча қийналиб нафас олар, шундаям ҳаёлини битириши лозим бўлган юмушлар банд этганди. Сал-пал ўзига келган заҳотиёқ кўлига қалам-дафтар олиб, беморлик алаҳсирашлари исканжасида ҳали буткул тарк этишга улгурмаган фикрларини қоғозга тушириб қолишга уринарди. Ҳар бир тарихий ашё ва расмлар ҳақидаги мухтасар маълумотларни адоғига етказиш, газета-журналлар буюртмасига кўра ёзган мақолаларини, тузган каталогларини яна бирсидра назардан ўтказиш ташвиши уни безовта қилгани-қилган эди. Шифохона палатаси деразасининг очик дарчасидан куз ҳавоси ёмғир ҳидини уфуриб турар, қон босимидан шикоятчи ошиб-тошган беморлар ўзларини қаёққа уришни билишмасди. Унинг ҳам кўнгли булут қоплаган осмон сингари хира, аммо ўзини хотиржам тутишга ҳаракат қилади. Ҳарқалай, безовталанишнинг ҳожати йўқ – сирасини айтганда, у ҳаётда олдига қўйган мақсадига ета олди – энди бу ёғи Худодан. Салкам ўттиз йил орасида йўқолиб кетаётган минглаб тарихий ашёлар, бебаҳо санъат дурдоналарини йиғиб терди, сахро ўртасида бекиёс музейга асос солди. У ўз ишининг нечоғли мухташамлиги, вақти келиб бутун дунёни ҳайратга солишини ўйламас, муҳими, бебаҳо хазинанинг сақланиб қолингани эди. Гап шундаки, XX асрнинг дастлабки чорагида импрессионизм, кубофутуризм, фовизм, экспрессионизм, символизм сингари йўналишларда ижод



қилувчи авангард рассомлар шўро ҳукумати томонидан шаклбозликда айбланиб, уларнинг энг истеъдодлилари қатағон этилди.

Аслида улар санъатнинг санъатлигидан бўлак даъвони хаёлларига келтирмаган, унинг тамойилларини ҳар нарсадан устун қўйган ажойиб қалбли, беғараз инсонлар эди. Ожиз томонлари ҳам шунда, ғоят даражада истеъдодликлариди эди. Истеъдодсизлар ўз йўлларини топиб кетишади, истеъдодлиларга ёрдам бериш лозим, деган гап рус инқилобининг кўзгуси деб аталган таниқли графга<sup>1</sup> тегишли эканлигини кўпчилик эътироф этса-да, эстетик диднинг расвоси чиққани учун сохтани ҳақиқийдан, чинни ночиндан ажратиш ғоят мушкул давр – кўркув ва ваҳима ўз ўзидан туғилиб, эпидемия каби ёйилар, ундан қочиб қутулмоқликнинг ҳеч иложи йўқ, қанчалик узлат ва кунжакка чекинган сайин у янаям маҳобатли тус олиб, инсонни эсдан оғдириб қўяр экан. Амаллаб чет элларга чиқиб кетиб, орзу-умидларини шамолларга совурмаганлари ҳам дарбадарлик ва ватангадолик билан ўз истеъдодларининг бадалини тўлашдан қочиб қутулолмаган эдилар. Мана шундай оғир ва мураккаб даврда авангард йўналишида, модернизм услубларида ижод қилиш хавфини тасаввур этиш мумкин. Буни, эҳтимол, мутлақо бегона бир муҳитга тушиб қолган жонзотнинг ҳимоясиз ва ожизона жовдирашларига қиёслаш жоиздир. Устига-устак, сохта шўрочи лўттибозларга янгича йўналишларда ижод қилаётганларнинг санъатида ҳам, ўзларини тутишларида ҳам қандайдир хавф ёғилиб тургандек кўринар эди. Улар айюҳаннос кўтаришиб, совет санъатида асосий нарса совет воқелиги – бирламчи мазмун, шакл эса кейинги ўринда туриши, бунга амал қилмаганлар душманларнинг малайлари эканликлари ҳақида уялмай-нетмай жар солар эдилар. Мана шундай айюҳаннослар таъсирида санъат ва адабиётга дахлдор қарорлар чиқа бошлади. Бу ҳужжатларда, совет санъаткорининг маънавий-ахлоқий жиҳатлари, шахси, ижодий йўналишлари сариқ чақа каби аниқ кўрсатиб берилди. Ўзи шусиз ҳам бошларида таёк синиб турган бошқача йўналишдаги ижодкорларга бундай қарорлар янаям кўпроқ ғавғолар келтирди, боёқишлар бошларини қаёққа уришни билолмай қолишди. Бундай англашилмовчиликлар, завоил билмас деб таърифланган санъатни сиёсий манфаатлар йўлида қурбон қилиш жуда ғуссали, аламли эди, албатта. Ўзларича оқилона деб ҳисоблашган таҳлиллару мулоҳазалардан сўнг ҳимоясиз қолган боёқишларнинг ижодига нисбатан формализм – шаклбозлик айби тақалди. XX асрнинг дастлабки чорагида рус маданияти ва санъати шу тариқа жуда катта авлодни бой берди. Мана, орадан юз йил – бир аср вақт ўтиб, хокитуроби мангулик масканларида тўзиб сочилган кезларда, билгич мутахассислар ва ихлосмандлар қадимшунослар каби улар яратган бебаҳо дурдоналарни заррама-зарра йиғиб тиклашга уринишаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. XX аср бўсағасида Европада шакллана бошлаган модернистик йўналишларда, футуризм, авангардизм ғояларида мужассам бўлган шакл масаласи фақат санъатнинг ўзига дахлдор бўлмай, унинг ўзагида жамият ва сиёсатга оид ишоралар ҳам мавжудлигини эслатиб қўйди. Ҳаттоки кейинчалик барча миллий қадриятларнинг илдизига болта урган, халқларни тарихий хотирадан мосуво қилиб, ягона мафкура туғи остида бирлаштиришга уринган шўро сиёсатининг асоси – социализм, коммунизм ҳам аслида футуристик ғоялар сифатида майдонга чиққан эди.

Дастлаб Италияда ўз манифестларини эълон қилган футуристлар-

<sup>1</sup> Лев Толстой назарда тутилади.

нинг теварак-атрофида меъморчилик, мусиқа, адабиёт, тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик соҳаларининг дунёдаги энг илғор вакиллари бирлашгани бежиз эмасди. Улар кейинчалик бу санъат соҳаларининг барчасида инқилобий ўзгаришлар ясадилар. Дарҳақиқат, кейинчалик бус-бутун шаҳарлар, мегаполислар мана шу йўналишдаги меъморчилик маҳсули ўлароқ дунё қиёфасини ўзгартириб юборди. Ижодкор – ўзи бир дунё, мутлақо феноменал ҳодиса, унинг ички имкониятлари – Яратган тухфаси. Унинг дунёни илғаш жараёни ҳам бошқача йўсинда кечади. Шундай экан, унга кўрсатма бериб бошқаришга ҳеч ким ҳақли эмаслиги, у “инсониятнинг мухтор вакили”, “ўз халқининг гувоҳномаси” эканлигини эътироф этган мамлакатларда ўша вақтларда янгича йўналишдаги санъат турлари шу даражада ривожланиб кетдики, энди у эъзозли хилқат – инсон шаънидан буюкроқ ва улуғворроқ қадриятнинг ўзи бўлмаслигини таъкидлай бошлади. Муттасил янгиланишда, эврилишда бўлмиш коинот, камалак ранглар жилоси, еру кўкнинг сир-синоати – барча ҳодисалар инсоннинг ўзида мужассам эканлигини бизнинг улуғ боболаримиз сингари улар ҳам санъатнинг турли лаҳжаларида айтишга журъат этишди. Шу тариқа янги-янги мусикий асбоблар, тасвирий санъат технологиялари, меъморчилик мўъжизалари, сўз санъатининг бекиёс имкониятлари ўзини намоён этди, коинот билан инсон ўртасидаги сарҳадларни нигоҳ илғай бошлади. Бу ҳаракат барибир ўзини исботлай олди, шу туфайли наинки дунёга қараш, балки дунё қиёфаси ҳам ўзгарди. Бошқаларни қўя турайлик, эндиликда бутун дунё мусулмонлари муқаддас ҳаж сафарига борадиган мамлакат ифтихори, Каъбанинг ёнгинасида кўкка бўй чўзган дунёдаги энг баланд осмонўпар бинонинг меъморий ечими постмодернизм услубида эканлигини эслаш кифоя. Эндиликда буюм ва нарсаларнинг структураси ўзини ўзи инкишоф этиши, уни ягона қолипга солиш нодонлик эканлигини эсини таниётган бола ҳам билади. Бу ўша маҳалларда “чопаётган жойидан тўхтатилган авангард”нинг тантанаси ҳисобланади. Аммо бу ҳақиқат нечоғли улкан йўқотишлар, қурбонлар эвазига келгани тасаввур этиладиган бўлса, лўттибоз замонасозларнинг безарардек кўринадиган хатти-ҳаракатлари қанчалик ҳалокатли оқибатларга олиб келгани ойдинлашади. Разолат чўққисига чиққан мана шу мураккаб жараёнда, муқаддас китобларда эслатилганидек, бир халоскор пайдо бўлди. Жавонмардлик қиссаларида битилганидек, бир шери мард ўртага чиқди. У ўзи ижодкор бўла туриб, ҳеч қачон кўрмаган, таниб билмаган, хаёлига ҳам келтирмаган авлод картиналарини ва соҳилларидан чекиниб бораётган денгиз бўйида саҳро инжикликларига дош бериб яшаётган халқ руҳияти акс этган ноёб ашёларни сақлаб қолишга бел боғлади. Археологик изланишлар, антропологик таққослашлар муаррихларнинг Киев шаҳри дастлаб турмуш тарзи кўчманчиликка асосланган туркий қавмларнинг даҳмалари бўлган, улар қабрларни мангу макон сифатида ҳашаматли қилиб қуришган, ҳаётни эса ўткинчи деб билишган, деган хулосага келишларига туртки берган эди. У мана шу шаҳарда, ҳуқуқшунос оиласида туғилди. Оила аъзолари гўзалликнинг қадрига етадиган закий ва донишманд кишилар эди. Бобоси ўз илмий мактабини яратган таниқли славяншунос профессор бўлса, буви-си тасвирий санъатга ошуфта аёл эди. Ота-онаси тез-тез Европанинг турли мамлакатларига бориб, у ердаги санъатдаги янгиликлардан хабардор бўлиб қайтишар, ўз юртларида ҳам шундай янгиланишлар, юксалишлар, эркин қарашлар юзага келишини орзу қилишарди. Француз гувернанткасидан<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Гувернантка – мураббия, дворянлар ва боёнлар оиласида болалар тарбияси учун махсус ёлланган тарбиячи аёл.

у кўп нарсаларни, жумладан, француз тилини ҳам яхши ўзлаштирганди. Шу сабабли, бу тилда болалик чоғларидан бемалол сўзлаша оларди. Хуллас, кондан қонга ўтиб келаётган зодагонларга хос одатлар, намунали тарбия унинг истикболи порлоқлигини таъминлаб беришга кифоя эди. Аммо бу пайтда “Европа бўйлаб оралаб юрган бир шарпа”<sup>1</sup> реал кучга айланиб, ўз ғояси косасига сиғмаган барча нарсани инкор этарди. Бу ҳол оилани пароканда этди. Қандайдир тушуниб бўлмас асабийлик бошланди. Айниқса, профессор бобога юз бераётган ҳодисаларнинг барчаси бегона, кўз ўнгида топталаётган кадриятлар, оёқости қилинаётган маданият туфайли унинг фиғони кўкка ўрлар, саводсизлик ва шунинг асносида дидсизлик, савиясизликнинг авж олаётганига лоқайд қараб туролмас эди. Уни теварак-атрофни қуршаган, қандайдир бир имога маҳтал турган кўпол ва саводсиз, меҳр-шафқатсиз одамларнинг тўсатдан пайдо бўлиб қолгани ажаблантирар, нахотки тақдир-қисматимиз мана шу муттаҳамлар кўлида қолган бўлса, деб хуноби ошар эди. Буви эса эс борида этак йиғиштириб, Европага кетиб юборишни тарғиб қилар, мана кўрасиз, ҳали буларнинг дастидан ҳеч қанақа муқаддас нарсанинг ўзи қолмайди, деб эртаю-кеч тасаввур қилаётганларидан кўркиб ваҳимага тушганича бир жойда ўтиролмасди. Оила муҳотида азалий эъозлаб келинган зодагонларга хос тутумларга илгарилари ҳамма хавас қилган бўлса, энди кўл меҳнатидан бошқасига беписанд қараб қорин ғамидан ўзга дарди бўлмаган, ёлғон ва диёнатсизликни эътиқодига айлантирган тўдаларнинг танқид манбаига айланди. Ахийри бўлмади, у беш ёшга тўлганда оиласи Москвага кўчиб келди. Мана шу ерда бувисининг таъсирида у тасвирий санъатга қизиқди, устозларидан илк сабоқларни олди. Кейинчалик бувиси хориждан унга машғулотлари учун зарурий ашёларни жўнатиб турди.

Дунё тасвирий санъати ва қорақалпоқ халқи тарихи фидойиси сифатида номи дилларда фахр уйғотиб, ўзи эса якка-ёлғиз, кимсасиз бу дунёни тарқ этиб кетганидан сўнг орадан йиллар ўтиб таниш-билишлари унинг хотирасини ёдга олишганида кечки овқат маҳали дид билан безалган столга таклиф қилинганда у энтиқиб, болалиги ёдига тушганиданми, кўзлари аллақандай ёлқинланиб, сўзамол бўлиб кетишини айтиб беришарди. Зеро, у ҳақиқатан ҳам афсонабоп инсон эди, у ҳақдаги ҳар қандай мулоҳаза-фикр афсонага эврилибгина ўзини оқларди. Аммо қисмат унга ажодларига хос серҳашам ҳаётни раво кўрмади, ҳақирларнинг ҳақири каби ўзини ўйламай дарвешона ҳолда бутун умрини “чошиб бораётган жойида тўхтатилган авангард”нинг намуналарини йиғишга бахшида этди, насаби улуғлиги эса мана шу фидойилигида ўз аксини топди. Дунёдаги барча инсон зотига хос бўлган оила қуриб, бахтли-саодатли ҳаёт кечириш, уй-жой, мансаб-мартаба каби орзу-умидларни у шу йўлда таваккалчи ахийлар каби бой берди. Унинг ҳаёти билан шуғулланиб анча-мунча манбаларни титкилаб чиқишга муяссар бўлганларнинг кейинчалик ёзишларича, ўтмиши шубҳали оиладан чиққанлигини хаспўшлаш ва ўзининг ҳам пролетариатга мансублигини кўрсатиш учун у электрчи, полиграфчи каби ҳар қандай қора кўл бажара олиши мумкин бўлган ишларни ҳам қилди. Шундан сўнггина Москвадаги рассомлик институтига ўқишга кириб, ўз орзусини ошкор этишга муяссар бўлди. Касаллиги туфайли армиядан қолдирилди.

Шўролар тузумининг 30-йилларда бошига солган кўргиликларини унутмаган Украинада фашистлар озодлик элчилари каби кутиб олинди.

<sup>1</sup> Социалистлар назариётчиси Карл Маркснинг “Европа бўйлаб бир шарпа оралаб юрибди, бу коммунизм шарпасидир” жумласига ишора.

Аммо бу озодлик шу заминда истиқомат қилаётган яҳудийларга жуда қимматга тушди: ўн минглаб аёллар, кексалар, болалар гуноҳлари нима эканлигини ўзлари ҳам билмай бу дунё билан видолашди. Иккинчи жаҳон урушининг ана шундай қизгин палласида Москвадаги рассомлик институти Самарқандга кўчирилди. Бу чоғда мусаввирлик ишига унинг анча-мунча қўли келиб қолган, устига-устак, тасаввурини афсоналардаги каби забт этган шаҳарга бориб ўқиш юрагини ҳаяжонлантириб, ҳаприктирарди. Бундан ташқари, томирида оқаётган яҳудий қони уни мутаассиблар<sup>1</sup> сиёсатининг марказларидан узоқроқ юришга даъват этаётгандек бўларди. Ғалати томони шунда эдики, бутун инсониятга қарши кўз кўриб қулоқ эшитмаган жиноятларни амалга ошираётган фашизм ҳам худди коммунизм сингари футуристик ғоя сифатида майдонга чиққан – ҳар қайсиси “қаршимиздан чиқиб келаётган янги авлод бизни ахлатхонага итқитмасдан ўз вазифамизни адо этайлик”<sup>2</sup> деган шошқалоқлик билан инсоният келажagini яратиш даъвосини қилишарди. Оёқ остидагини тепиб, ақидапарастликни инкор этган ҳолда янги ақидаларни кўкартирар ва уларга сиғинишни талаб қилган ҳолда, эскисидан ҳам кўра кучлироқ ва хавфлироқ ақидапарастликни тарғиб этарди. Ғоялар ўртасидаги бу шафқатсиз кураш жабрини одатдагидек халқ чекмокда эди.

У ўзи бораётган Самарқанд шаҳрида соҳибқирон<sup>3</sup> қабри очилганини, унинг руҳини безовта қилиш яхшиликка олиб келмаслиги ҳақидаги гап-сўзларни ҳам эшитганди. Қабр очилишининг эртаси куниёқ бу мудҳиш урушнинг бошланишини кўпчилик тасодиф деб ҳисоблаётган бўлса-да, у бу ерда қандайдир сирли қонуният мавжудлигини қалбининг туб-тубидан ҳис этиб, шунга ишонарди. Нимаики бўлмасин, Ўрта Осиёнинг қадимий маданияти, миниатюра санъати, меъморчилиги, археологияси билан яқиндан танишиш имкони туғилганидан ўзига сиғмас, тизгинсиз хаёллари сарҳадсиз сирли маъволар сари олиб қочарди. Бу вақтга келиб гарчи шаҳар афсонавийлиги тўла-тўқис сақланиб қолмаган бўлса-да, маданий муҳитнинг илдизларини руҳан илғаб олиш қийин эмасди. Бир замонлар бутун дунёдан ҳунармандлар, усталар келиб ўз санъатларини намоён қилишган ўлкада қандайдир руҳан чўккан одамларни учратганда, у ўйга толар, дунёга доврुक солган улуғ зотларнинг авлодлари бу аҳволга тушиб қолганига уруш туфайли юзага келган оғирчиликлар сабаб бўлаётгандир, деб мулоҳаза юритарди. Нимаики бўлмасин, ҳар қандай шароитда ҳам бу одамларнинг қалби очиклиги, самимийлиги, меҳмондўст ва бағрикенглиги ўша олис замонларнинг эпкинни янглиғ кўнгилни яйратарди. Қалби қайноқ бўлғуси мусаввирни, айниқса, бу ердаги камалак рангларнинг жилоси, фактура ва қиёфалар, тақрорланмас ўзига хослик ҳаяжонга соларди. Инсониятнинг таҳликали ғавғоларига парво қилмай ўзининг абадий ҳаракатида бўлган қуёшнинг чиқиши, боғиши, булутлар гирдини қуршаган ранглар, оланган шафақ – бари-бари унинг учун битмас-туганмас илҳом манбаи эди. Унинг қалбида шукуҳли хотира бўлиб муҳрланган Самарқанд умрини Ўрта Осиё билан боғлашига йўл очди.

Болалигидан нимжон, касалманд бўлиб ўсган эса-да, унинг кўнгли инжа ҳис-туйғуларга лиммо-лим, шу сабаблими, ўз севгиси учун бутун борлигини бағишлагша тайёрми-йўқлигини қайта-қайта изтироб билан ўйлайдиган хаёлпараст эди. Шарқнинг улуғ донишмандлари қайд этишганидек, бир ёприлиб келиб узоқ ва сурункали давом этадиган хасталикнинг

<sup>1</sup> Иосиф Сталин, Адольф Гитлер назарда тутиляпти.

<sup>2</sup> Филиппо Томмазо Маринетти (футуризм яловбардори) ибораси.

<sup>3</sup> Соҳибқирон Амир Темур Қўрагон.

табибу ҳабиби қайда эканлиги уни узоқ-узоқ ўйларга толдирар, хаёллари сарҳад билмай кезган чоғларида сабий норасидалигига қайтиб, санъат илоҳаси сас-сабарларини илғаётгандек бўларди. Ўшандаги орзулари ҳақида ўйласа, уларни амалга ошириш имконсизлигидан кўзларига ўз-ўзидан ёш қўйилиб келар, бу ҳаётдан исиз-мақсадсиз ўтиб кетиш фикри уни қийнагани-қийнаган эди. Институтда ўқиб юрган чоғида танишган ўзидан олти ёш кичик маҳбубаси унинг қалбини тушунгандек кўринса-да, фикр-мулоҳазаларини эшитганда хайрон қолар, сенга бунақа гапларнинг нима кераги бор, демокдан ўзини тиёлмасди. У қалбини қийнаб, изтиробга солган ўйлардан халос бўлиш учун ўзини ишга урди. Тонг-сахаргача тинмай нималарнидир қоралар, чизар, аммо тонг отгач тунги туйғуларнинг қандайдир муваққатлигини, алдамчилигини ҳис этгандек бўларди-ю, уларнинг барчасини қайта кўргиси келмай йиртиб ташларди. “Йўқ, – ўйларди у, – тун беҳудуд ёлғизлиги билан мени эзиб ташлайди, ишларни кундузга кўчириш керак”. Кундузги ишда аниқлик, реаллик, маълум мақсад сари интилиш кучли эканлигини туйқусдан англаб қолган чоғидан бошлаб унинг хаёлига ҳеч кимнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган бир фикр келдики, бунинг қаршисида ҳатто афсонавий Кўхи Қофдаги ажойиб-ғаройиб саргузаштлар ҳам хира тортиб қоларди. Гап шундаки, XX асрнинг иккинчи чорагида Хоразм воҳасига бир неча марта археология-этнография экспедицияси уюштирилган эди. Унда иштирок этишган таниқли археолог-этнограф олимларнинг асарларида бу ерда қарор топган қадимий давлатчилик илдизлари, шоликорлик, суғорма дехқончилик азалдан ривожлангани ҳақида археологик топилмалар асосида қизиқарли маълумотлар келтирилган эди. Шу асно археология-этнография экспедициялари натижасида Аёзқалъа, Бозорқалъа, Жонбосқалъа, Тупроққалъа, Қўйқирилганқалъа, Қўрғошинқалъа, Қизилқалъа, Кўзалиқир, Тешиққалъа сингари ноёб археологик ёдгорликлар тадқиқ этилди. Ўзига хос маданияти билан ном қозонганини Хекатей, Херодот, Страбон сингари юнон тарихчилари, географлари ҳам эътироф этишган Хоразм қадим замонларда дунёнинг қиёфа-манзараси мутлақо ўзгача бўлганини, шунга яраша давлатлараро муносабатлар йўлга қўйилганини, дипломатик алоқаларини қадимги Юнонистон ҳам ўзига тенг билган давлатлар билан олиб борганини исботлар эди. Дастлабки экспедицияларнинг натижалари самарали бўлгани йирик олимларнинг асарларида ўз аксини топди. Сирасини айтганда, кўпгина олимлар мана шу изланишлар давомида ном қозонишди. Уларни дунё эътироф этди.

50-йилга келиб Хоразм археология-этнография экспедициясининг Қорақалпоғистон сафари уюштириладиган бўлди. Бу сафарнинг раҳбари – таниқли этнограф олима унга устозлик қилган машҳур рассомнинг қайнсинглиси эди. Шу сабабли, уни таниб билганидан экспедицияга рассомлик қилиш учун таклиф этди. У жон деб рози бўлди. Инсониятнинг қадимги маданияти излари бориб туташадиган қуёшли ўлкада ўтмиш билан бақамти юзлашиш, қумтепалар остидан яна қандай мўъжизалар чиқиб келишини тинимсиз ўйлайверганидан тунлари уйқуси қочиб, борадиган жойининг тарихи билан чуқурроқ танишиш учун тинмай китоб титкиларди. Ўша маҳалларда бунақа мавзуларда манбалар камёб эса-да, қомуслар, тарих китобларининг аввалги нашрларини титкилай-титкилай билиб олганларига қараганда, унинг борадиган жойи кўпчилик тасаввур қилганидек, қуп-қурук сахрою-қумнинг ўзидан иборат маскан эмас, жуда қадим замонлардан аҳоли суғориладиган дехқончилик билан шуғулланиб,



маданий ҳаётнинг илдизларига асос солган экан. Буни милoddан аввалги бешинчи минг йиллик бошларида Амударё дельтаси ҳамда Орол ва Каспий денгизлари ён-атрофларидаги чўлларда яшаган аҳолининг турмуш тарзини ўрганган қадимшунослар далиллар орқали исботлашган экан. У борадиган ҳозирги Қорақалпоғистон ҳудудида милoddан аввалги VII–VI асрларда қадимги давлатчилик марказлари вужудга келгани ҳақида маълумотлар мавжуд бўлиб, қорақалпоқларнинг энг қадимги этногенези мана шу ҳудудларда истиқомат қилишган сак-массагет қабилалари билан боғлиқ экан. Юртига бостириб кирган душман қўшинининг фикрини чалғитиш учун қулоқ-бурнини кесиб уларнинг ҳузурига жабрдийда қиёфасида келган сак қабиласи подачиси Широқ афсонаси эса уни беҳад мафтун этган эди.

Евга бўй бермас бу юртга турли даврларда кириб келган элатлар маҳаллий қабилалар билан аралашиб кетишган. Мана шу этник негизда Орол бўйи илк ўрта аср халқлари – пиченеғлар ва ўғузларнинг шаклланиш жараёни кечган, VIII–X асрларда эса бу муҳитда қорақалпоқлар дунёга бўй кўрсата бошлашган экан. Улар асосан чорвачилик, балиқ овлаш билан шуғулланишган экан. У кейинчалик, мана шу заминга қадам босиб, иссиқни иссиқ, совукни совук демай қум тўзонлари-ю, игнасанчар изғиринларга дош бериб изланишда давом этди. Қўйқирилганқалъа, Ойбўғир ва Бурлиқалъа харобаларини қазиш вақтида топилган қадимги ёзма ёдгорликлар; Қўйқирилганқалъа ва Оқшонхонқалъадаги қадимий тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик намуналари инсониятнинг мукамаллик сари интилишлари ҳар қандай замонда ҳам муттасил давом этганидан, қалбадаги чўғ мангу ловуллаб турганидан далолат берар эди. Бу ўлкаларда милoddан аввалги даврларда ҳам турли фанлар, жумладан, риёзиёт, ҳандаса соҳалари кенг ривожлангани ва ҳарбий санъат юксак даражага кўтарилганини мураккаб қурилмали қадимий қалъа шаҳарларнинг тарҳи эслатиб туради. Пахсали ва ғиштин деворлар, дарвозалар, кўчалар, тўғри ва айланма йўлақлар, ибодатхоналар, мураккаб иншоотлар, ши-наклар, буржлар – такомиллашган меъморий ечимлар ҳосиласи ўларок қадимшуносларни ҳанузгача ёқа тутамлашга мажбур қилади. У Султон Увайс Бобо, Кечирмас Бобо, Қаландарағ, Норинжон Бобо, Мазлумхон Сулу, Миздакхон, Белеули ёдгорликларини кезиб чиқди. Давид Ота мақбараси, Ҳаким Ота мақбараси, Аёзқалъа, Тупроққалъаларда шу наво-нинг далдаларига суяниб изланишлар олиб борди. “Айдар-айдар”, “Ярамазон”, “Ҳеужар”, “Ўлен”, “Сенсн”, “Жоқлау” сингари шамолни чақирувчи, турли маросимларда куйланадиган, кўнгилёзар қадимий қўшиқлардан ўз қалбининг кемтикларини тўлдирадиган, изтироб оғриқларига малҳам бўлгулик, ўтаётган умр мазмуни нима эканлигига чорлагувчи шундай кучли оҳангларни илғар эдики, шу чокқача нималарнидир қидириб юрганини энди-энди англай бошлагандек эди.

У қум барханлари узра шамол тўзғитган чанг-тўзонлар қуршовида дашт навосига қулоқ тутарди. Бу барханлар остидан туртиб чиққан саксовулнинг чайир танаси маломат қичқириви сингари кўкка санчилиб турганидан ҳайратга тушарди. Жингиллар сояларида ғивирлашган ертешар майда жониворлару ҳашаротларгача недандир гувоҳликдан дарак бераётгандек эди. Бу заминда ҳеч нарса сочилиб ётмайди, барчаси буюк қудрат ҳукми асосида бардавом ҳаёт кўнғироқларини чалади. Шунақа, бунда унинг қалби илғаган садолар онгости қатламларини ёриштирди. Узоқ-узоқлардаги уч тўрттагина қора уйлардан иборат овулларгача унинг



қадами етиб борди. У ҳеч қаерда ҳеч нарсани сергак нигоҳидан четда қолдирмасди. Айниқса, қорақалпоқларнинг бағрикенг, эмин-эркин, ўз фикрини яшириб-бўяб ўтирмасдан тиккасига, очик-ойдин айтавериши уни тўлқинлантириб юборар, ўзга сайёрадан келиб қолгандек ҳамма нарсага ажабланиб боқарди. Бу озгин, кўримсиз одамнинг кўзларида чакнаб турган самимият, меҳр-муҳаббат, албатта, уларни ҳам лоқайд қолдирмас, теварак-атрофларини қуршаган нимаики бўлмасин, барча-барчасини унга тушунтиришга, қўлига тутқазиб кўнглини олишга ҳаракат қилишарди. Чунки улар бу кишининг ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган,

аммо барча учун жуда керакли бўлган қандайдир жуда муҳим юмушни бажараётганига чин дилдан ишонишарди. Шу тариқа орадан етти йил ўтиб кетди. Навбатдаги Хоразм археология-этнография экспедицияси ўз ишини тугатди. Москвага қайтишди. Аммо у энди на Киев, на Москва ва на бошқа биронта йирик шаҳарда яшай олишини, тақдир-қисмати дашт навоси чорловлари билан боғланганини дил-дилдан ҳис этар, яна ортга қайтишини, ўшанда ҳеч кимга билдирмаган, кўнглини ёрмаган муҳаббати – гўзаллик илоҳаси висолига восил бўлишини фаҳмлаб турарди. “Мен сенинг салтанатингдаги даҳшатларни кўриш учун ёки Ҳераклга ўхшаб салтанатинг соқчиси – Церберни олиб кетиш учун келган эмасман. Мен бу ерга Эвридикамнинг ҳаётини қайтариб бер, дея ёлвориш учун келганман. Уни ер юзига, ҳаётга қайтар!”

“Уни ер юзига, ҳаётга қайтар!” Кўз ўнгида жамият юз ўгирган авангардизмнинг юзлаб асарлари ҳатто энг машҳур музейлар коллекцияларидан ҳам юлиб олиниб кўчага итқитилаётган, топталаётган, гўзаллик яратувчилари бўлган мусаввирларнинг ҳаёти таъқиб остига тушган даврда унинг илтижо ўтинчи шундай эди.

Маъбуд Аид бирзум ўйга толди-да, сўнгра илтижосига жавобан Орфейга деди: “Бўпти, Орфей! Мен Эвридикани сенга қайтариб бераман. Майли, уни тириклик дунёсига олиб чиқ, қуёш ёғдуларидан баҳраманд бўлсин. Аммо бунинг учун менинг бир шартимга риоя қилмоғинг лозим. Сен маъбуд Ҳермеснинг ортидан борасан, сенинг ортингдан эса – Эвридика. Ёдингда тут, ерости салтанатидан чиқаётганингда зинҳор ортингга бурилиб қарамайсан. Йўқса, Эвридика сени тарк этади ва умрбод менинг салтанатимда қолади”.

Орфей барчасига рози бўлди. У ҳам барчасига рози эди. Энди у қандай бўлмасин, ер устида ўрнатилган Аид салтанатининг сергак нигоҳини шамғалат қилиб инсониятнинг мангу тириклигига хизмат қиладиган гўзалликни қутқариб қолишга бел боғлаганди. У ўз мактабини яратган лингвист бобосининг бот-бот муқаддас каломларни такрорлаганича ўзига таскин-тасалли беришини, шу тариқа ич-этини кемириб бораётган жамият бухронларидан ўзини халос этишга уринишини эсларди. “Ҳар бир сўраган олар, – дерди бобоси, – излаган топар, тақиллатганга эшик очилар”. Ҳа, албатта, бунга ишонмоқ керак. Вақти келиб, зулматга чулганган энг қоронғи пучмоқларга Яратган бир нур ато этиб, куч билан ушатиб бўлмас энг заранг тошларни ҳам митти гиёҳнинг қиёқ тили ёриб чиқа олиши илоҳий ишоралар сифатида инсон қалбига таъсир этади – шу

аснодан у ўзида мўъжизалар ярата олишга қодирлик туяди. Самони кўзлаб юксалтирилган тошқўрғонлар, ер киндигига қадар чуқур кетган зиндонларга бир имо билан тоза ҳаволар уфурилиб, лаҳзада уларни ер юзидан супуриб ташлашга муяссарлик ички қудрати ҳам унда мужассам бўлади.

У Москвада, ўзининг ўша машҳур Арбат кўчасидаги квартирасида ўздан олти ёш кичик маҳбубаси билан яна бир муддат яшади. Улар бир-бирларини тушунишар, аммо ўзини зиёли санаган кўпчилик обивателлар сингари тасвирий санъатдан унча-мунча хабардор маҳбубаси ҳам санъат кишисининг ижодий муҳит қайнаган пойтахтда яшашини ёқларди. Болга ёпишган ари каби ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиганлар ташкил этган бу муҳит ич-ичидан эриб-чириб бораётганини, шу сабабли умри қисқа ва ўткинчилигини ақли бовар қилолмас, ҳамма яшяпти-ку, деб умумоқим ҳаёт тарзини маҳбубаси (о, маҳбуба, маҳбуба!) намуна қилиб кўрсатарди. Шу сабабли, ҳарқанча бош қотириб ўйламасин, айниқса, Москвадай пойтахт шаҳарни, айниқса, анча-мунча одамга насиб этмайдиган Арбат кўчасидаги тап-тайёр уй-жойни ташлаб кимсасиз сахро томон кетишни тасаввур этолмасди.

“Уни ер юзига, ҳаётга қайтар!” У ўзининг Арбат кўчасидаги квартирасини маҳбубасининг ихтиёрига топширди. У билан абадулабад видолашди. Кетди. Кейинчалик унинг ҳеч кимга насиб этмайдиган юксак аъмоли билан қизиқиб ҳаётидаги майда-чуйда тафсилотларгача ўрганиб чиқмоқчи бўлганлар ўшанда у ўз уйдан битта эски жомадон билан чиқиб кетганини айтишарди, жомадон ичида кийим-бошлари ва ўзига керакли майда-чуйдалар бўлганини тусмоллашарди. Нимаики бўлмасин, ўшанда у барча гўёки ўзининг порлоқ истиқболи билан юзлашишга ошиққандай интиладиган, маданият ва санъат маркази эканлигини дунё кўз ўнгида даъво қилиб турган кўркам шаҳардан индамайгина кўнгил узди. Унинг юксак аъмоли билан кейинчалик қизиқиб ҳаётидаги майда-чуйда тафсилотларгача ўрганмоқчи бўлганлар ўшанда у қўлида нима кўтариб кетганини қанчалик тусмол қилсалар қилаверишсин, аммо ёшлик чоғларидан бошлаб тоза қон билан томирларида оққан гўзаллик туйғусини бегона муҳитнинг сассик алафларига алмашмаслик ғурур-ифтихорини олийжаноб қалбининг туб-тубларида муқаддас туғ каби алангалатиб олиб кетаётгани аниқ эди. Бу соф инсоний туйғу эса-да, ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган ва маълум бўлмайдиган, ниятларингиз билан яшанг, деган шарқона буюк донишу улуғворликка йўғрилмиш музаффарлик белгиси эди.

Ўша маҳалларда ўзининг буюклик дағдағаси-ю порлоқ келажак-ги<sup>1</sup> хомхаёлларига маҳлиёланиб, сохта шодлигу бахтиёрлик, зўраки қувончлар уммонига ғарқ бўлган мамлакатнинг ҳатто энг кўзга кўринган музейларидан ҳам кўчага итқитилган чизгидан тортиб етук асарларгача йиғиб, уларнинг йўқолиб кетмаслиги ташвиши қаршисида ўз ижоди ҳам кўзига кўринмай қолди. Жуда ёшлик чоғларидан ўз ишини миридан сиригача пухта биладиган уста рассомлар бувисининг назорати остида унга чуқур тарбия беришгани, олий ўқув юртидаги таҳсиллар ва тўплаган тажрибалари бемалол ижод қилиб, пешқадам мусаввирлар даврасида ялло қилиб юришига етарли эди. Дарвоқе, бу пайтда пойтахтда бастакорлар, ёзувчилар, рассомларнинг турфа дунёқарашларидан тортиб, турли-туман гуруҳларигача барҳам берилиб, давлат томонидан тузилган уюшмалардаги таъминот масалалари бошқа ташкилотларга қараганда анча-мунча устун эди. Аммо у барибир бир кунмас-бир кун

<sup>1</sup> “Порлоқ келажак” – коммунизм ғояси.

яратиб берилаётган бу шарт-шароитлар учун “чошиб бораётган жойида тўхтатилган авангард” сингари жавоб бериш, аравасига тушганнинг кўшигини айтиб “қайт қилиш” кераклигини савқи табиий-ла ҳис қилиб турар эди. Шу сабабли, ҳозирча ўз ижодидан ҳам кўра гавҳар зарралари каби сочилган ноёб асарларни йиғиб қўйишни яратган унинг дилига солди. У ўз ниятларини амалга ошириш учун куш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган сахро ўртасидаги шаҳар – Нукусни танлади. Ўша маҳалларда ҳар қандай жонзот сезгисини ярим йўлда қолдириб кетадиган мафкуравий хушёрликнинг тазйиқлари етиб бормаган жойни тасаввур этишнинг ўзи мушкул эса-да, эҳтимол, ҳамманинг ҳам назари тушавермаслиги, қолаверса, қорақалпоқ халқи тарихининг ҳали очилмаган кўриқ каби бой мероси унинг қатъий қарорга келишига сабаб бўлгандир – зеро, қардош халқ баётларида айтилганидек, “азизим, жона галдим, кечдим, бу ёна галдим”.

Ёмғир тинай демас, тунока томларни тарақлатгани-тарақлатган, у бу товушларга кулоқ тутганча, ўз хаёллари билан банд эди. Ҳашаматли стол агрофида ҳар бири ўзи бир дунё каби жамулжам оила аъзолари, илк муҳаббати ёдига тушарди. У севган куз, у ардоқлаган ёмғирлар палата деразаси ортида намоён бўлиб, тўкилаётган япроқларни оёқ остига тўшамокда эди. Унинг хаста ўпкасига деразанинг қия очик дарчасидан, тиркишларидан кирган ҳаво сурилиб, қув-қув йўталтиради, оғир ва намчил қўрғошин булутлар қоплаган осмон юки вужуди ва руҳини эзади. Келган кун шифокорлар ўпкаси захарланганини айтишганда, буни эшитиб у ажабланмади – сабаби ўзига яхши аён. Археологик топилмани кимёвий йўл билан тозалаш пайтида шошқалоқлик қилди, эҳтиёткорликни унутиб захарланиб қолди. Мана энди шу аҳволга тушиб ўтирибди. Ҳали олдинда битмаган, битиришга улгурмаган қанчадан-қанча чала ишлари турибди, уларни адоғига етказиш истаги кўнглини безовта қилгани-қилган. Ўттиз йилдирки, унинг учун тун билан кун ўз аҳамиятини йўқотгандек эди. Хукмрон мафкуранинг қуюшқонига сиғмаганидан рад этилган, бепоён мамлакатнинг қайсидир худудларида сочилиб ётган, катта шаҳарларида кўчага улоқтирилган авангард йўналишидаги расмларга, қорақалпоқ халқининг такрорланмас дашт маданиятини акс эттирувчи тарихий ашёларга у қайтадан ҳаёт бахш эта бошлади. У изланишларда давом этар экан, бу орада ўз асарини қаерга қўйишни билмаган мусаввирлар аста-секин мамлакатнинг турли чеккаларидан уни излаб кела бошлашди. Шарқ донишмандларидан бири, ҳузуримга ишларингизни қўйиб, ниятларингиз билан келинг, деган бўлса; инсоннинг барча яхши-ёмон, эзгу-ёвуз хатти-ҳаракатларининг илдизи фикрда эканлигига “икки ирқ аро қалқон ушлаган”<sup>1</sup> бошқа бир мутафаккир<sup>2</sup> эътибор қаратади. Унинг эзгу мақсади аждоқларининг урф-удумлари, кадриятлари, бағрикенглик ва самимияти каби ибратли фазилатлари билан бир қаторда асрлар давомида ҳаёт тарзини ҳам ардоқлаб, шунга амал қилган ҳолда турмуш кечириб келаётган қорақалпоқларнинг ҳам кўнгил ойнасида акс этмаслиги мумкин эмасди. Зеро, илоҳиёт қўл билан ушлаб, кўз билан кўриб бўлмас мўъжизаларни ҳамиша намоён этиб бораверади – уларнинг катта-кичиги бўлмайти, юксак тоғларни кулатиб, булутларни қувиш унга писанд бўлмаганидек, қилдеккина ҳисга ҳам катта ҳодиса сифатида қарайди. Унинг пойтахт-шаҳардан бу ерга келишни ҳеч ақлларига сиғдиролмай,

<sup>1</sup> Александр Блок сатри: “Биз қалқон ушладик икки ирқ аро”. (Э.Воҳидов таржимаси).

<sup>2</sup> Лев Толстой назарда тутилляпти.

бунда бир сир-синоат борлигини сўраб-суриштирувчилар ҳам топилса да, оддий одамларни бунақа нарсалар ташвишлантирмасди. Улар даштликларга хос очиқкўнгиллик билан, бу оғамизнинг кимлиги шундоққина юз-кўзларидан кўриниб турибди-ку, деганларича, тили бошқа бўлса-да, дил бир – ўз туғишганларидек қабул қилишарди. Ана шундай оддий халқ орасидан чиққан қорақалпоқ рассоми унга шу қадар қаттиқ меҳр қўйдики, ёнидан бир қадам ҳам жилмай, барча ишларида беғараз ёрдам кўрсатаётганидан катта ишни бажараётгандек ўзида йўқ қувонарди. “Икки инсон учрашиб, бири иккинчисида ўзини кўриб, бири-бирини англаб, бири-бирини севаркан, бу – ҳамиша аломат ҳодиса, эҳтимолки, дунёдаги энг ажойиб мўъжизалардан бири”<sup>1</sup>. Дўст-хамроҳи у билан бирга сахро қўйнидаги энг олис овулларгача кетаверар, қўярда-қўймай халта-хуржунини кўтариб олар, кўзга ташланадиган ноёб буюм ёки ашё чиқиб қолса, эгаси билан гаплашиб берарди. У ўзига ёққан нарсадан пулни аямасди. Ёнида пули бўлмаса, насияга оларди. Шу тариқа қорақалпоқ хунарманд усталари томонидан яратилган заргарлик, ёғоч ўймакорлиги, каштадўзлик, тўқимачилик буюмларини жуда кўп тўплади. Уларнинг сон-саногидан баъзан ўзи ҳам адашиб кетса-да, аммо қайси расм ва буюмнинг қаерда турганлиги, қай аҳволда эканлигини ёдида сақларди.

У топган-тутганига тасвирий санъатнинг турли намуналарини сотиб олар экан, бебаҳо санъат дурдоналарига ўзи тўлаётган ҳақнинг арзимас эканлигини билиб турар, аммо бўлак имкони йўқ эди. Шундаям барибир ундан миннатдор бўлишарди. Ўша маҳалларда уни нурай-нурай деб қолган қорақалпоқ халқ амалий санъати музейи биносининг орқа томонидаги катакакдек қоровулхонада ётиб-туришини, уруш йилларида совет аскарларига асқотган, қамоқхоналардаги маҳбуслар танини илитган фуфайка совуқ кунларда унинг ҳам эгидан тушмаслигини кўришганини кўпчилик кейинчалик ҳам эслашарди. Унинг сиртдан тинч-осойишта кўринган уммон тубларидаги тўфонлар сингари қалб кечинмалари бир-бирига нечоғли қарама-қарши ва туғёнли эканлигини ташқи қиёфасидан билиб олишнинг асти иложи бўлмасди. Беғараз фидойилигига эса бора бора ҳукуматнинг ён босишидан ўзга иложи қолмади, шекилли, унинг раҳбарлигида музей ташкил этилишига рухсат тегди. Намойиш этилиши мумкин бўлган ашёлар, расмлар залларга қўйилди, қолганлари захирада сақлана бошлади. Энди уни излаб, унга юкиниб келувчиларнинг сон-саногини йўқ эди. Ўша маҳалда Қорақалпоғистонда юқори лавозимларнинг бирида ишлаётган фольклоршунос олим<sup>2</sup> унинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб турди, қўлидан келганича ёрдам кўрсатиб, ҳукумат томонидан маълум маблағлар ажратилишига эришди. У барча маблағни ўзини пешма-пеш излаб келаётган рассомларнинг ишларини, аҳоли қўлидаги ноёб ашёларни сотиб олишга сарфлар, шу сабабли пулга танқислик доимий муаммоси эди. Нажот истаб келганлар унинг ўзи нажотга муҳтожлигини кўришганида олиб келган нарсаларини насияга ташлаб ёхуд бепул бериб кетишар эди. Шундаям уни истаб келаётганларнинг адоғи кўринмас эди. У, айниқса, ёшгина мусаввир йигитнинг тинимсиз сарсон-саргардонликлардан сўнг боши оққан томонларга кетиб вафот этгани ҳақидаги оғир ҳикояни эшитганида қаттиқ мутаассир бўлганди. Унинг белгисиз қабри қаердалигини ҳеч ким билмаса-да, бу рассомнинг<sup>3</sup> номини картиналари абадий сақлаб,

<sup>1</sup> Радий Фиш сатри.

<sup>2</sup> Академик Марат Нурмухаммедов назарда тутиляпти.

<sup>3</sup> Владимир Иванович Лисенко исмли ўн беш ёшли ўспирин йигит 1918 йилда Тошкентга келган. Унинг асли қаерданлиги номаълум. Темир йўлда проводник бўлиб ишлаган. Мусаввирликка қизиқиб,



эъзозлайди. Қанчадан-қанча истеъдод эгалари, салоҳиятли инсонларнинг бир бурда нон илинжида ранглари сарғайиб, соғликлари ёмонлашиб, ранг-бўёқлари ва ишлаган қоғозлари пулини ҳам тополмай дарбадар кетганликлари унинг хаёлидан сира ўчмайди.

“Қизилқумда пайдо бўлган ноёб санъат дурдоналари”<sup>1</sup> дан у бепоён дашт бағрида дуч келган яна бир хазина – сарчашмаларининг илдизлари Жанубий Оролбўйидаги қадимги скиф кўчманчилари – массагет апасиақлар, сармат аланлар ҳамда сўнгги номадлар<sup>2</sup> шарқий пиченеғлар, ўғузлар, қипчоқлар, кўнғиротларга бориб тақаладиган, Хоразмнинг ўтроқ маданиятидан таъсирланган қорақалпоқ халқи амалий санъати бўлди. Юнг гиламдўзлиги, каштачилик, қуроқчилик, заргарлик, темир буюмлар ва тақинчоқлар яшаш, тери ишлаш ва унга кашта тикиш, мато тўқиш, ёғоч ўймакорлиги намуналарини кўрганида мўъжизага дуч келгандек унинг кўзлари чакнаб кетарди. Халқ амалий санъати тарихидан маълумки, мато буюмлар вақт синовларига дош беролмай куқундек тўзғиб кетади. Аммо асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келган каштачилик анъаналари, бошқача ибора билан айтганда, номоддий маданий мерос қадрият сифатида халқ онгидан ҳеч қачон ўчмайди. Кейинги даврлардаги кийимларда ҳам тўқ ранглар сақланиб қолгани, тўқувчилар кўпинча жигарранг-қизил ва жигарранг-пушти ранглардан иборат нафис, босиқ ва шу билан бирга тўйинган гаммани ўз ишлари учун асос қилиб олишгани; қизил, кўк, мовий, яшил каби иссиқ-совуқ рангларни чоғиштира бориб, уни безак ечимига умумий бириктириб юборишгани; бўртма гуллар асосан ипда тикилган бўлса, ясси газламалар учун ипак, жун ишлатилгани – асрий тажрибалар натижаси. Қиз болалар, келинлар ва кекса аёллар кийимлари безаклари учун ишлатилган каштачиликда ёшлик, янги ҳаёт, доно кексалик сингари рамзий маънолар мужассам бўлгани эса халқ бадиий тафаккурининг нақадар теранлигидан далолат беради.

У бу ерда қуроқ тикиш санъатининг ҳам ажойиб намуналарини учратди. Дарҳақиқат, қуроқ, қийқим, лахтақлардан тикилган матолардаги уйғунлик, ранглар мутаносиблиги ҳар қандай инсон кўнглида шу қадар илиқ кайфият уйғота оладикки, уни кўрмасдан тасаввур этиш қийин. Бу, эҳтимол, инсоннинг табиат яратган захираларни эъзозлаб, асраб-авайлаш туйғусидир. Балки бу нон ушоғини кўзга суртган момоларимизнинг тилаклари билан уйғунлашган ҳолдаги асрагувчи дуолардир. Жаҳон тарихидан шу нарса аёнки, Европа мамлакатларида XVIII асрда хомашё тақчиллиги сезила бошлади. Хусусан, асрнинг иккинчи ўн йиллиги бошида Ҳиндистон Англияга шу чокқача ўз пахтадан етказиб турган рангли матоларни беришдан бош торгди. Бу мамлакатда мануфактуралар тўхтаб қолмаслигининг биргина йўли қуроқ қийқимларда бўлиб қолди. Ўз эркидан маҳрум қулларнинг пахта далаларида эрта-ю кеч эгатлардан бош кўтармай, рўзгорини амал-тақал тебратувчи арзимаган ҳақ эвазига чеккан заҳматлари энди мустамлакачиларга қадрини ўткази бошлади. Контрабанда йўли билан баланд

---

Тошкентдаги рассомлик студиясига ўқишга кирган. 1919 йили Москвадаги А.Тишер студиясида ўқиган. 1920 йилнинг охирида у Тошкентга қайтиб келади. Владимирнинг кўпгина расмлари хароб бўлганди. Игорь Витальевич Савицкий унинг асарларини жуда ёмон ҳолатда топган. Лисенко оғир хасталикка чалиниб, Волга буйларига кетади ва ўша ерда вафот этади. (Қаранг: XX аср авангарди. Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санъат музейи жамламасидан. Альбом-каталог. –Тошкент, 2003. 80–81-бетлар). “Замин кучлари”, “Буқа” картиналари ёш рассомнинг қанчалик юксак иқтидор соҳиби бўлганини кўрсатади. Айтишларича, Игорь Витальевич “Буқа”ни тўрт юз совет рубли (тахминан шунча миқдордаги АҚШ доллари) эвазига қўлга киритган экан. Ҳозирги кунда бу асарнинг бошланғич нархи етти миллион АҚШ доллари қилиб белгиланган.

<sup>1</sup> Жак Ширак (Франциянинг собиқ президенти) таърифи.

<sup>2</sup> Кўчманчи маъносига.



нархларда келтирилаётган матоларнинг майда-чуйда парча бўлаклари, қуроқ қийқимлар ҳам эъзоланиб, мана шу нарсалардан ҳам кўзқувнатар буюмлар тикилиши урфга кирди, “ямоқчилик” маъносидаги пэчворк бугунги кунда дунёдаги энг зиёли оилалар бекаларининг ҳам севимли машғулотига айлангани тарихининг ғуссали воқеаси эса барчанинг ёдидан кўтарилиб кетди. Эндиликда бу қийқим қуроқлардан турли халқларда тайёрланаётган матоларнинг турфа хиллиги, буюмларнинг сон-саноксизлиги, хона жиҳозларидан тортиб кийим-кечакларгача урфга киргани тасаввур этиладиган бўлса, корчалон мануфактурачиларнинг ҳар қандай шароитда

ҳам эсанкираб қолмай ўзларига йўл топиб ола билишларига тан бермай илож йўқ. Теварак-атрофни бало-қазолар, ғаразли ниятлар, ёмон кўзлар қоплаганида қуроқ қийимлар ҳифзи ҳимоя бўлиб эгасини улардан асрайди, дейишарди момоларимиз. Шунинг учун у қорақалпоқларнинг никоҳ маросимларида гўшанганинг икки ёнига қуроқ тикилишига, келинчак уйига кираверишдаги остона остига қуроқ пойандоз тўшалиши лозимлигига жуда жиддий эътибор қаратишганига гувоҳ бўлди. Оқ-қора, қизил-кўк каби контраст рангларнинг рамзий маъно ташиши, пойандоз, чимилдик, ёстик, хуржун, ойнахалта, ун ва тарик ёрмаси сақланадиган шанаш деб аталадиган халтачалар, туморлар тикилишида бу ранглардан ташқари ишлатиладиган тўққизтадан нақшлар ҳам унинг эътиборидан четда қолмади. Эмишки, тўққиз туркий қавмлар учун муқаддас рақам. Тўққиз тоғора, тўққиз кийим каби тўққизларда ҳам ўша тўққизнинг ҳикмати мужассам эмиш. Қорақалпоқ бешиги матоларидан тортиб дафн маросимларидаги болишгача қуроқ ишлатилишидан у инсон ҳаётининг туғилишидан бу дунёни тарк этгунигача ўтган йўлни илғарди. Халқ руҳининг азалий умтилишлари қадимий безаклар, ранглар, рамзлар ва белгиларда шу тарика жонланишини ҳис этарди. Умумбашарий санъат барча халқлар маданиятида муштарак жиҳатлар мавжудлигини намоён этади. Унинг жамламасидаги ноёб ашёлар бизга мана шулар ҳақида гоҳ ғуссали, гоҳ шодликларга тўлиб-тошган узок-узок жавонмардлик қиссаларини сўйлайди. Коинот сир-синаотларини еча олган инсон тафаккури оёғи остидаги тупроқнинг ярим газ тубида нелар мужассам эканлигини тасаввур этолмаслиги аламларидан ҳикоя қилади. Олислардан излаган бахти ёнгинасида нажот истаётгандай жовдираганча термилиб турганини пайқамай ўтиб кетганини кейинчалик англаганлар афсоналаридан сўз очади.

*(Охири келгуси сонда)*



## Андрей ПУМПУР

(1841–1902)

### ЛАЧПЛЕСИС – ЛАТИШ ХАЛҚ ҚАҲРАМОНИ

*Халқ ривоятлари асосида яратилган латиш эпоси<sup>1</sup>*

*Рус тилидан  
Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ,  
Комилжон ЖЎРАЕВ  
таржимаси*

\* \* \*

*Баҳра топиб кўк шукуҳидан,  
Ясан-тусан аро балққанча,  
Қайтди бақо анжуманидан,  
Стабурадзе хомуш, қасрига.  
Қачонгача, у, асрий хомуш  
Маъбудларнинг даврасида-ю  
Фам қояси, мудроқ Стабурагс  
Бағрида ҳам, барибир, ёлғиз,  
Қачонгача тўкар у кўз ёш  
Балтия шўр қисматин ўйлаб?  
Ё унута олмасми ҳеч вақт  
Ўша, сўнган қадимий шонни?  
У, аждодлар урф-одатлари  
Ҳануз азиз бўлган ерларда,  
Тонг чоғида аёздан асраб,  
Далаларга ёйди туман.  
Йўл кўрсатар: тунда қайиқчи  
Гирдобларни ўтади четлаб.  
Этар чўпон, йўлчини сероб  
Булоқ суви билан туш маҳал.  
Доимий бир севган иши бор:  
Пойқадами дунёга ёққан*

*Эзгу хулқли қизлар ичида  
Ўдагасин танлар-да гоҳо,  
Олиб кетар сув остидаги  
Адамантан<sup>2</sup> саройи томон.  
Ўргатади кўп нарсаларга,  
Эрга берар уларни ўзи.  
“Стабурадзе қизлари” – шулар.  
Лайма кимга кўрса муносиб  
Хотинликка берарди бирин,  
Ўша йигит оламда хушбахт.*

*Тарк этди алп ажсал уйқусин,  
Боқса, жойи – нозик чиганоқ.  
Аланглади, бўлди ҳангу манг  
Қайга келиб қолганин билмай.  
Ётган ўрни оқим устида –  
Гўё қалқиб чайқалаёттир.  
Қуюлмоқда ложувард шуъла –  
Мавжлар биллур девордан сизиб.  
Тилла, кумуш буюм хилма-хил –  
Олий кўшikka бераркан оро,  
Қўйилганки шундай ботартиб,*

<sup>1</sup> Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.

<sup>2</sup> Адамантан – кофур ҳидли рангсиз қаттиқ жисм. Унинг ва олмоснинг таркибий тузилиши бир-бирига ўхшайди.

Яшнатарди унинг кўзини.  
 Жодугарлар ичра бўлганин  
 Эслаётган дамда Лачплесис,  
 Биллур девор эшигин кўрди:  
 Уни очиб, кирди битта қиз.  
 Шундай дилбар – кўз узиб бўлмас,  
 Беихтиёр деярки ҳар ким:  
 Баайники кўкнор рангига  
 Аралашган ой зиёси – бу.  
 Тўқ зангори кўзлари эса  
 Чарақлайди тонгдаги кундай,  
 Синчовроқ боқ, улар тубида  
 Икки гирдоб домига тортар.  
 Мовий либос бурмалари-ла  
 Чирмагандир адл қоматин.  
 Ва ўрилган сержилло сочи  
 Тизигача уради тўлқин.  
 Ё маъбуда қадам ранжиди  
 Қилдимми, деб, Лачплесис ҳайрон.  
 Турмоқ бўлди айтгали раҳмат  
 Нажот берган халоскорига.  
 У-чи, рухсат этмади, чунки  
 Қайта кучга тўлмоғи керак,  
 Ахир, шунча кўргиликдан сўнг,  
 Келгани йўқ ўзига ҳали.

“Жавоб бергил, қаердаман мен?  
 Манов кўшқлар қандай аталур?  
 Жавоб бергил, эй кўк хилқати,  
 Асил исминг нимадир сенинг?”  
 “Стабурадзе қизи” дир номим,  
 Унинг биллур қасридасан сен.  
 Сени тубсиз гирдоб қаъридан –  
 Олиб чиқиб, қутқарган ҳам – у”.  
 Кувонч тўлиб, йигит юраги  
 Қаттиқ урди жўшиб, дукиллаб,  
 Билди, инсон фарзанди экан,  
 Бу дилрабо, бу ажойиб қиз.  
 Келтирибди нонуштага: нон,  
 Асал, буғи чиқиб турган сут.  
 Тилак тилаб, тез соғайинг, деб,  
 Стабурадзе қизи этди тарк.  
 Ювинди-ю кийинди, кейин  
 Овқатга қўл чўзди боодоб.  
 Ўша асно эшикни очиб,  
 Стабурадзе кириб келди-да,  
 Меҳрибонлик билан қотди сўз,

Соғлигини сўради дарҳол.  
 Тавозе-ла, деди Лачплесис:  
 “Соғлигимдан нолисам – гуноҳ;  
 Шафелигин дариг тутмаган  
 Маъбуданинг ажиб қасрида  
 Қани, – деди, – яшасам мангу”.  
 Стабурадзе жумбоқли қилиб,  
 Лачплесисга айлади жавоб:  
 “Учрашармиз сўнгроқ, эҳтимол<sup>1</sup>,  
 Мангулик ҳам адоғсиз эмас.  
 Раво кўрди маъбудлар сенга  
 Қайтмоқликни ҳаёт йўлингга.  
 Жасоратлар кўрсат мардона,  
 Юртга, халққа хизмат қил содиқ.  
 Халқ ичида қозон шон-шараф,  
 Топ севгилинг кўнглидан иқбол!”  
 Лачплесиснинг нигоҳида ўт  
 Ёлқинланди. Деди у қизгин:  
 “Доно маъбудларга минг шукур,  
 Юртга хизмат қилишидан шодман!  
 Не амри бор – қиламан бажо,  
 Нурли, боқий Стабурадзени,  
 Соҳибжамол қизи-ла бирга,  
 Кўзим билан кўрдим – бахтлиман!  
 Эндиликда ҳаётимда сиз –  
 Ҳар иккингиз суянчу таянч”.  
 “Доим зафар бўлсин сенга ёр!  
 Спидала-жодугар, Кангарсдек  
 Зимдан иш кўрувчи мунофиқ  
 Ёвуз ёвлар билан кураида  
 Дуч келарсан мушкулга бот-бот.  
 Сенга омад келтирсин, дея,  
 Ол, мен берай кичик бир ойна,  
 Босим кела бошласа душман,  
 Бу ойнани сен уларга тут,  
 Бари, ботир, ўтмасдан ҳаял  
 Тўзиб кетар кўзинг ўнгида!”  
 Сандигидан, ўша ойнани  
 Стабурадзе олди авайлаб,  
 Лачплесисга узатди уни,  
 Асра, деб, кўз қорачугидек.  
 Бу ажойиб тўхфани олгач,  
 Қуллуқ қилди, раҳмат айтди алп.  
 Хайр-хўш чоғи қизга юзланиб,  
 Эсдаликка ўтинди инъом.  
 Сочи орасидан чиқариб  
 Мунчоқли бир ипак тасмача –

<sup>1</sup> Стабурадзе келгусидаги фожеий яқунга ишора қилмоқда.



Гулдай санчиб қўйди Лачплесис –  
 Сувсар мўйна телпагига<sup>1</sup> қиз.  
 “Балки совгам гаройиб эмас,  
 Лекин, – деди ол бўлиб юзи, –  
 Энди сени дўст деганим – бу,  
 Доимо бахт тилаганим – бу!”  
 Балқитди бу тухфа алп кўнглин,  
 Изҳорига тополмади сўз.  
 Мунис Стабурадзе шу асно  
 Деди: “Ботир, шошилмоқ керак!  
 Улуз Перконс менга амр этган –  
 Бошлаб чиқай чўққига сени.  
 Лаймдотадир бу қизнинг номи<sup>2</sup>,  
 Тез орада кўрарсан уни,  
 Сарик сочи иси яшинатган  
 Бу мунчоқли ипак тасмача  
 Хатарли вақт сенга асқотар,  
 Хизмат қилар ойнадан кўпроқ”.  
 Чиқиб кетар экан Лачплесис  
 Ўғирилиб қаради бир бор.  
 У қиз тубсиз теран кўзидан  
 Нур таралиб турарди майин.  
 Қаср дарвозаси олдида  
 Алп ҳушидан кетди ногаҳон,  
 Гўё жонсиз азамат тошдай  
 Нам ер узра йиқилди, алҳол.

\* \* \*

Тонг ёритди Даугаванинг  
 Тикка жарли қиргоқбўйларин.  
 Чарақлади булутсиз само  
 Иссиқ кундан берганча дарак.  
 Лекин яқин ўрмон устида  
 Кўринди-ку озгина булут.  
 Илгариди ёлдор отини  
 Елдиради қамчи тутган чол<sup>3</sup>.  
 Стабурагснинг қоқ тепасида  
 У оқ оти жиловин тортиб,  
 Урган эди узун қамчисин,  
 Чақмоқ чақиб урилди ерга.  
 Гулдиради момақалдироқ,  
 Зириллатди кўку заминни.

Тош кўчкиси солди гулгула.  
 Алп уйғониб, қайтди ҳаётга.  
 Яқиндаги воқеаларни у  
 Тушдагидай – эсларди аранг.  
 Эслади-ю ишонди охир:  
 Ҳаммаси – чин, туш эмас асло.  
 Икки аёл сиймоси эса  
 Хаёлида қолган нақшланиб:  
 Ёвуз, айёр Спидала – бири,  
 Бошқаси – поккўнгил Лаймдота.  
 У онт ичди ўзи ўзига:  
 Узоқ бўлар биринчисидан,  
 Қозонади иккинчисининг  
 Ҳурматини – зўр иш кўрсатиб.  
 Етди Персе<sup>4</sup> бўйига: маҳтал  
 Ясси кема олдида кўплар,  
 Ҳамма сувдан ўтмоқчи, аммо  
 Журъат қилмас эшигани эшкак.  
 У қиргоққа етиб олмоғи  
 Зарур эди Лачплесиснинг ҳам.  
 Остонатош<sup>5</sup> қалққан тезоқар  
 Ерда, деди, дов тикай ўзим.  
 Барча кўнди, чиқди кемага,  
 Эшкак бандин тутди Лачплесис.  
 Кўлларида худди хивичдай  
 Синиб кетди оғир эшкаклар  
 Ва уларни даргазаб оқим  
 Сурди шитоб, остонатошга.  
 Йўловчилар кетдилар кўрқиб,

Бир ҳалокат рўй беради, деб.  
 Бироқ ишин эттирди давом  
 Эшкак қилиб, у, икки кафтин.  
 Кучли, чуқур буриб тўлқинни,  
 Тезоқарда кемани ўнглаб,  
 Енга олди ваҳший қудратни,  
 Тез орада етди қиргоққа.  
 Бундай зўрни кўрган, эшитган  
 Борми... – дейди омон қолганлар.

Елкасида ўнлаб баҳайбат  
 Дарахтларни қамишпоядай  
 Кўтарганча, бир ёш азамат

<sup>1</sup> Сувсар мўйна телпак қадимда ёш латиш йигитларнинг ифтихори ҳисобланарди. Жангчи сафарга чиқар экан, ушбу фахрли бош кийимига, одатда, унинг қаллиғи ёки синглиси гул тақиб, иззат-икром кўрсатарди.

<sup>2</sup> Лаймдота – бу исм латиш тилида “Лайма тухфа этган” деган маънони билдиради.

<sup>3</sup> Перконс латиш халқ ривоятларида шундай тасвирланади. Жала қуйиши олдидадан ҳавода оқ отлар кўшилган икки ғилдиракли жанг араваси пайдо бўлади. Уни узун қамчи ушлаган мўйсафид бошқаради. Чол қамчи урганда, чақмоқ чақади.

<sup>4</sup> Персе – Даугаванинг ўнг ирмоғи.

<sup>5</sup> Остонатош – дарё тагида кўндаланг кўтарилиб турган тош дўнглик.



Бу зўр ишни кўрди тепадан.  
 Юкин қўйиб, тушиб келди-ю,  
 У ботирга деди юзланиб:  
 “Кокнесис<sup>1</sup>, дер мени одамлар.  
 Бунда менга тенг келгувчи йўқ.  
 Ўсиб ётган яқин ўрмондан  
 Мен қалъага ташийман ёғоч.  
 Қазиб хандақ, кўтараман гов,  
 Дов-дарахтдан тиклайман кўра,  
 Ёв, босқиндан сақланиш учун  
 Шундай пишиқ ишлар – зарурат”.  
 Қуллуқ қилди унга Лачплесис,  
 Номин айтди ва этди маълум –  
 Буртниекс қасрига шошиб,  
 Адашганин кўҳна ўрмонда.  
 Дўст бўлдилар ҳам келишдилар:  
 Топиб бориб Буртниекс қасрин,  
 У даргоҳда олгайлар бирга  
 Донишмандлик бобида таҳсил.

Айни тонгда Спидала... Меҳмон  
 Қайтганини кўрди: соғ экан.  
 Бу жодугар кўрқди қанчалик –  
 Тасаввурга келтириш мушкул.  
 Отасига деди: “Бу ёшлар  
 Суҳбатини олинг ўзингиз.  
 Негадир ҳеч кайфиятим йўқ,  
 Ҳозир бориб, дам олай бироз”.

Лачплесисни кўриб саломат  
 Кекса Айзкрауклис бўлди шод.  
 Шумхабарни Лиелвардларга  
 Йўллаими, деб, ўйлабди роса.  
 Спидалани кўришга биррав  
 Паҳлавоннинг чопмади кўнгли.  
 Айзкрауклис билан хайрлашиб,  
 “Сафарим ҳам қариди, – деди, –  
 Рози бўлинг нон-тузингизга,  
 Энди йўлга чиқмасам бўлмас”.  
 Адашибди ўрмонда, уни  
 Чиқарибди йўлга Кокнесис.  
 Айзкрауклис эди кўп ҳайрон,  
 Бош чайқарди, лекин не қилсин,  
 “Ботирга от келтиринг”, деди.  
 Дўстлар бўлди йўлга равона.  
 Деразадан уларга қараб,  
 Ўт сочарди Спидала кўзи.  
 Шивирлар у: “Хоҳла, кунга қоч!  
 Қайда бўлсанг, топаман сени”.

Йўл юришиди бир кеча-кундуз,  
 Етиб борди ёшлар қасрга.  
 Кутиб олди Буртниекс мамнун.  
 Қизиқди: ким, қаердан улар.  
 Отасидан салом айтди-ю,  
 Мақсадини билдирди ботир.  
 Қабул қилди Буртниекс хуш  
 Шогирдликка иккисини ҳам.

### Учинчи кўшик

#### Кангарс ва Дитрих. Баҳайбат Калапуйсис. Эстлар билан жанг. Чўккан Буртниекслар қасри.

**Буртниекслар қасридаги ўроғлик хатларда битилган афсоналар  
 ва ўғитлар. Ўлганлар кечаси. Лаймдотанинг ғойиб бўлиши**

Шовуллар Кангарс тогин<sup>2</sup> қоплаган қарагайзор тунд,  
 Ботқоқ қаърлари, дўнгликлар аро, уфулар туман,  
 Чангалзорларда изгир йиртқичлар, ўрмалар илон –  
 Лойга беланиб; уккилар улир, додлар тун бўйи.  
 Бу ваҳимали депара солгай кўрқув, ҳасратга.  
 Ботқоқ четида, торгина сўқмоқ ёнгинасида,  
 Чакалакзорда, хилватда Кангарс кўрғончаси бор.  
 Ундай ё бундай – ҳал қилиш қийин ишда маслаҳат,  
 Ё хасталикдан фориг этувчи бирон эм сўраб

<sup>1</sup> Кокнесис – латиш тилида “Дарахт ташувчи” демакдир.

<sup>2</sup> Кангарс – айни сўз “тепалик”, “дўнглик”, “тепаликлар тизмаси” маъноларини билдиради. Латвияда бу ном қадимдан машҳур бўлиб, у тепаликлар, ўрмонлар, ботқоқлар, ўтлоқлар, далалар, қишлоқлар, кўрғонлар, кўрғончаларни биргаликда, ўз мазмун қамровида жамлаб ифодалайди. “Лачплесис”да Кангарс улкан тоғ тизмаси сифатида тасвирланган.

Келган мижозлар охиргисини кузатди ҳозир,  
 Қоронғи тушгач, эшикни ёнди, ёқди машъалин,  
 Ҳисобин олди кун бўйи тушган совға-саломнинг,  
 Ҳаммасин элтиди омборхонага – қўшиди қўр-қутга.  
 Бунда лиқ сандиқ, қути – ёпилмас сира қопқоғи:  
 Ичидан тошар тилла ва кумуш, ноёб мўйна, дур.  
 “Ҳмм! – деб мингиллар юлган-йиққанин кўриб риёкор. –  
 Арзон-гаровга қутултирдимми ўзимни, ахир?  
 Нагцепурс шарти – маъшардан мудҳиш... Эзилсам, не наф?  
 Ҳеч кимса билмас. Бирон жодугар очмайди оғзин:  
 Жазодан қўрқар. Одамлар мени, илгаригидай,  
 Билар авлиё. Улар ишончи ва нодонлиги  
 Фойдамнинг кони. Не дерди?.. Ватан, халқу виждондан  
 Мен учун афзал ўша тентаклар! Ватан, деб, халқ, деб,  
 Қаҳрамон бўлгим, бало-қазога учрагим ҳам йўқ...”  
 Шундай тингиллар, бор бойлигига бўлиб маҳлиё,  
 Иссиқ чакмонга ўраниб. Тишида увиллар шамол.  
 Фарбда гумбуллар Перконс азми-ла момақалдироқ.  
 Дарвозасини қоқди аллаким. Кангарс безовта –  
 “Ким бемаҳалда келган?” – олди у илмоқ, зулфинни.  
 Спидала кирди ишоб – жодугар тусида эмас,  
 Камтару хушфеъл, ораста бир қиз қиёфасида.  
 “Салом! – деди у. – Вақт ҳам кеч... Кўзинг учгани йўқдир  
 Меҳмон келар, деб?” “Йўқ, – деди Кангарс, – аммо хурсандман  
 Кўкдаги ойдаи қўшимни кўриб! Аҳволлар қалай?”  
 “Аҳволлар ёмон! – деб айтди меҳмон. – Пайим қирққани  
 Изн берди чоғи қодир маъбудлар! Маслаҳат сўраб,  
 Келдим ёнингга; бизлар, эҳтимол, ҳамжиҳатликда  
 Ҳаракат этсак, ета олармиз мақсадга тезроқ”.  
 Спидала айтиб берди: Лачплесис қилиб эвини,  
 Яқинда, тунда нақ Шайтончоҳга билдирмай кириб,  
 Бўлган ишларни бирма-бир кўрган. Кейин, гирдобга  
 Ташланса ҳамки, бир сир рўй бериб, омон қолгану  
 Буртниеқс қасри ичра кунларин ўтказмоқда соз.  
 Кангарс тинглади уйиб қовоғин, кўнгли – хавотир.  
 Мана, сирининг тирик гувоҳи; оғзидан гуллаб  
 Қўйса у, тамом: юзи шувуту кўтаролмас бош.  
 “Тўғри иш қилдинг, – деди, – айладинг бу гапдан огоҳ!  
 Сезиш мумкинки, қўллаб турибди маъбудлар уни.  
 Бас, маъбудлари сақлаяптими: хавфлидир бу ёв.  
 Шундай тузоққа туширайликки, у, шон, доврўқ, деб,  
 Ажал ўқига ўзини ўзи этсин гирифтор.  
 Менда тап-тайёр бирмас икки йўл: кор келур уни  
 Этмоққа барбод! Мана, бир йўли: қачондан буён  
 Латиш ерига қадам босгани йўқ Калапуйсис.  
 Пейпус кўлига<sup>1</sup>, у баҳайбатга етказай бир хат:  
 Айни вақти деб бизнинг элларни қийратмоқликнинг,  
 Латишларни-чи, қайрайман бошлаб, уруш очинг, деб,

<sup>1</sup> Пейпус кўли – Чудь-Псков кўли, РФ Псков вилояти ва Эстониядаги кўл. Эстонлар Пейпи-Ярв деб аташади.

*Эстларга қарши. Биламан, жасур Лачплесис ботир  
Бир четда турмас, жангга киради Буртниеке билан –  
Бир жону бир тан. Ва ўлим олар гирибонидан.  
Баҳайбат унинг ишин битказар. Калапуйсисга  
Тенг рақиб йўқдир латиш юртида”. Спидала раҳмат*

*Айтмоқчи эди, кутилмаганда, эсни оғдирар  
Момақалди роқ титратди томни, чақилди чақмоқ:  
Шуъласи кўзни қамаштиргудек; кўпди зилзила,  
Ва кўтарилди даҳшатли бўрон. Бутун кўк ларзон,  
Жала савалар, қарсиллаганча қулар дарахтлар,  
Чакалакзорда ўқирар айиқ, бойқушу укки –  
Улир, қаҳқаҳлар. Бор табиатни қамради даҳшат  
Момақалди роқ, яшинни Перконс бор кучи билан –  
Улоқтирганда замин устига. Кўлга олинган  
Жиноятчидек, юрак ҳовучлаб, турар жодугар  
Ва бадкор титраб – худди ўликдай – юзида қон йўқ,  
Улар, биларки, иблис зотиға кун бермас Перконс<sup>1</sup>.  
“Ваҳшатин қара... – Кангарс шивирлар, – ҳозир уйингга  
Кетишинг маҳол! Бу тинчигунча, шунда қолақол!”  
Шундай деб, ёнди хона дарчасин, ўчириб шамин,  
Кирди дарди бир дўстини бошлаб меҳмонхонага.  
Ўралиб ётиб, қулоқларига босиб ёстиқни,  
Кутини бўрон тинишин – титраб кўркүвдан қалт-қалт.  
Гумбурлар тинмай, басма-басига момақалди роқ.  
Чайқалар тоғлар. Асрий эманлар қулар қасирлаб.  
Гўё маъбудлар ғазаби қайнаб, тошиб қудрати,  
Кўкни қулатиб, заминни сувга айламоқчи гарқ.  
Қаҳрли Перконс чил-чил этгудай кўк гумбазини,  
Қутурган денгиз узра Антримпс тиклар сувтоғлар,  
Отар тўлқинни осмонга, қўшар денгиз, булутни.*

*Даугаванинг этакларига итқитди бўрон  
Яйдоқ бир кема<sup>2</sup>. Чўкишдан кўрқиб, чекарди фарёд –  
Перконс ва Антримпс ўлимга маҳкум этган кишилар.  
Аммо одамнинг эрки – ўзида. Ажнабийларни  
Қутқарди ливлар<sup>3</sup>. Қутқарди ўзин эртаги золим  
Эзувчиларин<sup>4</sup>. Тонгга борганда, тинчиди бўрон,  
Денгизнинг ҳолсиз мавжлари узра қалқди қизғиш кун.  
Кангарс турди-ю боқди меҳмонга: ухларди увиб.  
“Бўларим бўлди! Ўтмасдек эди – ўтди охир тун.  
Қуриди, девдим, шайтон уруги. Кўрмагандим ҳеч*

<sup>1</sup> Латиш ва бошқа халқларнинг ривоятлари ҳамда инончларига кўра, Перконс иблислардан қаттиқ нафратланади, уларни ҳамма ерда таъқиб этади, шикастлайди. “Лачплесис”да бу мотив бир неча ўринда учрайди.

<sup>2</sup> Аини эпизод замирини немислар қадимги Латвияга бўрон сабабли келиб қолгани ҳақидаги ривоят ташкил этади. “Лачплесис”да бўронни Перконс ва Антримпс чақиргани тасвирланади. Воқеанинг бундай ривожини биринчи кўшиқда Перконс ва Антримпс латиш халқини асоратга солмоқчи бўлганларни йўқ қилиш ва келгиндиларнинг кемаларини чўктириш ҳақидаги қасамёдлари билан боғланади.

<sup>3</sup> Ливлар – фин-угор гуруҳига мансуб оз сонли халқ.

<sup>4</sup> XIII асрда, салиб юришлари босқинлари даврида, урушлар оқибатида ливларнинг миқдори ниҳоятда камайиб кетади.

*Бундай шиддатни!” Ўзига сўйлаб, чакмонин кийиб,  
Эшик олдига чиқди. Қийшайиб, мижғиланиб том,  
Азим дарахтлар ҳовлида қулаб, ётар қалашиб,  
Чўпғов – валангор. Яна, кўрсаки, шу, тор сўқмоқдан  
У томон келар икки нотаниш: дарвозасига*

*Етиб келишгач, эсига тушиди унинг дафъатан,  
Ҳа, ридзинялик балиқчи<sup>1</sup> – бири, бошқасин билмас:  
Эғнида узун, оппоқ либосу кўкси узра хоч,  
Жуда толиққан. – “Дарёда, – деди балиқчи, – тунда  
Бўлди бир кема ҳалокатга дуч, бу – оқ кийимли  
Тирик қолганлар бири – шу ерлик кўпни кўрганга  
Учрашмоқ истар; бу депарада Кангарсдан афзал  
Ким ҳам бор, дедим, етаклаб келдим ёнингга уни”.  
Кангарс, ажнабий бири бирига тикилди синчков.  
Не тонг, кўр кўрни қоронгида ҳам танир – янглишмас.  
Бу ер тилида, қийналса ҳамки, сўйлар чет элик.  
У: “Номим – Дитрих, оламни хушбахт этсин, деб, ўғлин  
Ерга туширган улуг худонинг қоҳиниман<sup>2</sup>, – дер. –  
Мен савдогарлар кемаси билан келдим бу юртга.  
Бўрон чархимиз айлантирди терс. Аммо, шукурки,  
Сақлади худо! Биз жилолмаймиз бу ердан минбаъд,  
Немис кемаси ёрдамга етиб келмаса агар.  
Зеро, бу элнинг сардорлари-ла бир қур танишсам!”  
Кангарс дедик: “Болтиқ ерида хуш кўрдик, Дитрих!  
Нега келганинг – мен учун аён! Ҳадиксирама,  
Сенинг қудратли худонга ҳеч ҳам қаришлигим йўқ.  
Гарчи сену мен бир-биримизга ишонмаймиз ҳеч,  
Лекин йўл бошлай шонли Каупо Турайдс қасрига<sup>3</sup>.  
Агар иш кўзин билиб жаҳд этсанг, у ерлар бўлиқ,  
Истаганча мўл ҳосил олурсан. Бугун эса қол,  
Бу ерда дам ол, ўйларинг пишит, билки, Балтия  
маъбудлари ҳам забардаст!..” Балиқчини кузатиб,  
Кейин Дитрихни бошлади Кангарс меҳмонхонага.  
Уйғонган экан Спидала. Жонли ўзаро суҳбат  
Қизиб борди-ю самара берди дўстликдан ортиқ.*

\* \* \*

*Йиллар ўтарди. Бўлди оламда кўп воқеа содир,  
Хўб ўзгартирди Балтияни тинч, осуда ҳаёт.  
Шавқ билан ўқир Буртниеке қасри ичра икки дўст  
Ҳарб илмини-ю бошқа фанларни, яшаш ҳикматин.  
Буртниекедаги қутлуг битиклар магзини чақиб,  
Уқарди ёшлар. Ўта чанқоқлик ила, Лачплесис –*

<sup>1</sup> Ридзиня – Даугаванинг кичик ўнг ирмоғи. Вақтлар ўтиб, саёзлашиб борган, XVIII асрнинг биринчи ярмида кўмилиб кетган.

<sup>2</sup> Дитрих – “Лачплесис”да Латвияга келган илк миссионер – даъватчи (миссионер – ерли халқни христиан динига ўтишга тарғиб қилиш учун ўзга юртларга юборилган шахс) сифатида тасвирланган. Унинг тарихий прототиби “Ливония солномаси” биринчи қисмида зикр этилган Дитрих ёки Дитерихдир.

<sup>3</sup> Каупо – ливлар сардори. У христиан динини қабул қилган ва XIII асрда Латвияда католицизмнинг тарқатилишида сезиларли хизмат этган.

Эгаллар теран. Кўзин ўнгида чўнг сирлар аён,  
 Жаҳонгаишталар кўрган-билгани кафтидагидай,  
 Бўлур намоён: аввалги камол, рўй берар балқиш,  
 Мағлуб ўксиши, янги юксалган голиб сурури.  
 Таҳсил олишу ҳар эзгу ишда бўлмас ноумид,  
 Сабаби борки, этур Лачплесис муродин ҳосил.  
 Стабурадзенинг қизи Лаймдота берган мунчоқли тасма  
 Содир этарди бир-биридан зўр мўъжизаларни.  
 Учратиб қолди Лачплесис ногоҳ: шу ерда юрар  
 Стабурадзенинг фахри – Лаймдота; Буртниекс сардор  
 Қизи экан у. Бахш этди унга бор муҳаббатин.  
 Лаймдотанинг ҳам кўнглин балқитар шу эзгу қуёш.  
 Гоҳ кўл бўйида сайр этадилар кечқурунлари.  
 Сўйлаб берди у кўлга гарқ бўлган қаср ҳақида,  
 Аждодларининг кўҳна, гаройиб ривоятларин.  
 Лаймдота кўлин сўрашга жазм этган чоғида,  
 Кўз оғригидай дориди турли хабарлар: тагин  
 Айқирар Кангарс чангалзорида эст Калапуйсис,  
 Қишлоқни талар, тўкар аямай одам қонини.  
 Одамлар тушган буткул қўрқувга. Бу баҳайбатга  
 Қариши майдонга чиққан йўқ ҳеч ким кўрсатиб мардлик.  
 Шунда Буртниекс жарчилар қўйди бутун юрт бўйлаб:  
 Калапуйсисни ўлдирган ёки Кангарсдан қувган  
 Ботир йигитга борим нисор, деб, қизим берай, деб.  
 Буни эшитиб, Лачплесис билан Кокнесис жўшди,  
 Иккиси бирдай юзланди сўраб донишманддан изн  
 Майдонга чиқиб у баҳайбатнинг додин бермоққа.  
 Аввал, “Йўқ”, – деди, кўзи қиймасдан шогирдарини,  
 Сўнг кўнди, билар: танига сиғмас иккисин кучи,  
 Кузатди алқаб, зафар, бехатар сафарлар тилаб.  
 Яроқлари – соз, тенгқурлар билан саф бўлиб, қуйлаб,  
 “Қайдасан, Кангарс тоғлари”, – дея, жўнади ёшлар.  
 Йўлнинг ярмида, доно Буртниекс қошига шошиб,  
 Отин елдирган чопарларга дуч келди ботирлар,  
 Улар айтдики: бостириб келиб, қиличдин сермаб,  
 Ҳар бир қишлоқни талаб ва ёқиб, сочмоқда кулин  
 Эстлар лашқари. Қўшин юборинг ёрдамга, дер эл.  
 Ёшлар ўзаро келишиб олди: не қилган афзал.  
 Буртниексга ҳам, ёнида туриб қўлловчи керак  
 Баттол ёв билан жангларда. Гапни бир жойга қўйиб:  
 “Маъқул, – дейишди, – биримиз қайтсак чопарлар билан”.  
 Энди Кокнесис қайтмоқчи бўлди. Шундай деди у:  
 “Лачплесис, дўстим! Лаймдота васли сенга буюрсин!  
 Муҳаббатингиз мен кўриб туриб, талашсам – бўлмас”.

Калапуйсис тоғ ёнбағридаги, дарахтлар тикка  
 Териб ўралган қапа ёнида, томир тарафдан  
 Катта тегирмон тош ўрнатилган азим қарагай  
 Чўқморин ўнгай тираб қўйганча, қиларди тушлик:  
 Бир новвосни еб, сихда пиширар бутун қобонни.



Аммо ўрмондан Лачплесис чиқиб келаётганин  
 Кўриб-кўрмас у қўлига олди қуролин шартта.  
 Боши устида айлантираркан, даҳшатли чўқмор  
 Қуюндай гувлар. У дев хохолаб, қилади мазах:  
 “Қандай онаки, йўллар ўлимга бу калжўжасин?”  
 Ботир дедик: “Баҳайбатларнинг ўтган даврони.  
 Сўнггисин айлай Паколс дўзахи сари равона”.  
 Даргазаб, отди: ажсал ўқидай иштоб чўқмори  
 Уриб йиқитди, учириб кетди марднинг бедовин,  
 Ботқоққа тушиди у билан от ҳам. Ўзини ўнглаб,  
 Синини бузмай, солди қиличин душман белига,  
 Шундай солдики, у қирқилгандай, йиқилди ерга.  
 Бехос қўлига илиниб қолди асрий қарагай,  
 У суғурилиб, залвор-ла тушиди эстнинг кўксига.  
 Ботир, тин бермай, бошин танидан жудо қилай, деб,  
 Кўтарди қилич, Калапуйсис-чи, ялинди додлаб:  
 “Тўхта, қудратли ботир! Бу – ўлим олди ўтинчим!  
 Адашмасам, сен Лачаусиссан. Бола эканман,  
 Онам баъзида эслаб қоларди бир баширатни:  
 Вақт келиб, Даугава ёқлардан чиқаркан бир мард,  
 Ҳазир бўлмогим шарт экан ундан – Лачаусисдан.  
 Бундаги халқлар эсини йиғсин, шунда, чиқарар  
 Қандайдир темир зирҳли, еб тўймас махлуқни денгиз.  
 Не бор – ер улар: одаму ҳайвон, нону тупроқни...  
 Тинчлик ўрнатиб, аҳил яшайлик! Ялпи хавф туриб,  
 Халқни ҳимоя этмасак, тўксак ўз қонимизни  
 Ҳамоқат, ахир. Мен, эй ботирим, ушбу сўзим – сўз,  
 Бу ердан чиққач, сақлай ўзаро мангу тинчликни.  
 Мен, эндиликда, денгизимизда бор ороларни  
 Қўриқлагайман, тирик эканман, тупроғимизга  
 Ёв қадам босмас! Ўлсам, мен Зундда<sup>1</sup> топгайман ором”.  
 Оёққа турсин, деб, кўмаклашди Лачплесис дарҳол,  
 Қўл чўзиб, деди: “Ўртамиздаги тинчлик ҳамиша  
 Бўлсин барқарор! Қани, борайлик. Тўхтасин уруш.  
 Икки бирдек халқ жанг қилар унда, майдонда.  
 Бугунги уруш латишлар билан эстонлар аро  
 Сўнггиси бўлсин!” Баҳайбат полвон ярасин боғлаб,  
 Текислик сари йўл олди икков ва тўхтатишиди  
 Бошланган жангни... Унда, тоғ аро, ўша баҳайбат  
 Қулаган жойда, танаси ўрни қолган ўйилиб;  
 Ҳозирга қадар уни “Баҳайбат ётоғи” дерлар.  
 Унинг чўқмори ушбу дамда ҳам ётар ботқоқда.

“Шохлари кўпирган, барглари нақшин  
 Эманлар яшнайди Балтия бўйлаб.  
 Ватан посбонлари, чин қаҳрамонлар  
 Доим камарбаста халқнинг ишига.  
 Сингиллар, уларга беринг кўк чамбар!  
 Гўзал қўшиқларда этинг тараннум!

<sup>1</sup> Зунд – Эресунн бўғози.

Лачплесисни куйланг, латиш қизлари!  
 Калапуйсисни йиқар беомон зарба,  
 Ёввойи тоғ аро енгди Лачплесис,  
 Ноилож баҳайбат тиланди тинчлик.  
 Биз томон эстлар ҳеч доримас энди,  
 Юртимиз таланмас, қўрқмас қизлар ҳам.

Биродарлар! Очинг ўрмондан бўз ер!  
 Оналар! Пиволар пиширинг кузда!  
 Дўстларнинг тўйида барқ урсин шодлик,  
 Келганлар куйласин, ўйнасин яйраб.  
 Аввал Лачплесисга тилак тилайлик:  
 Кўнглига хуш келур қаллиқни топсин!”

Лаймдота билан кўп қизлар бирга, шундайин куйлаб,  
 Чикди қасрдан Буртниекек бошлиқ лашикарни кутиб.  
 Тинчлик шавқи-ла, қайтарди сардор тетик, шод-хуррам,  
 Эманнинг яшиноқ япроқларидан тўқилган чамбар  
 Ила қутлуғлар ўз жангчиларин қизлар бирма-бир,  
 Лаймдота эса алп Лачплесисга тақди гулчамбар;  
 У ва жангчилар шундай қўшиқ-ла айлашди жавоб:

“Эманлар бор ерда аргувонлар хуш.  
 Мардлар бўлган жойда мунис қизлар бор.  
 Жонин фидо этар жангчилар жон деб  
 Ватанни ёвлардан этиб ҳимоя,  
 Синглини, қизларни асраган чоғи.  
 Хурсанд гулчамбарлар жилвалансин шўх,  
 Нур таратсин, хира тортмасин сира!  
 Лайма-она атаб қўйган уларни  
 Латвия дилбару чеварларига,  
 У гар сени менга айласа тақдир,  
 Лаймдота, Латвиям кўркка бой қизи,  
 Ҳаётим бахш этай, севгилим, сенга!”

Буртниекек – хурсанд, беихтиёр жўр бўлди қўшиққа,  
 Ҳамманинг кўнглин жўш урдирарди улуғ бир қувонч,  
 Қасрга чорлаб барча жангчи-ю элни Лаймдота,  
 Берди зиёфат. Буртниекек бол-ла сийлар мириқиб.  
 Лачплесис қувнар ичига сизмай: меҳмонларини  
 Бирдай қутларкан: “Қаҳрамон” деди уни Лаймдота.  
 Бутун Балтия кўнглин тоғ қилди ботирнинг иши.  
 Бу қаҳрамонни йўқ этмоқ бўлган ёвуз бир ният  
 Боқийлар амри ила айланди юксак шарафга.  
 Қаср гумбази остига тушиди Лачплесис бир кеч  
 Кўҳна битиклар махфий махзани – эзгу маъвога.  
 Боқса, деворнинг қуйирогиди эшиклар очик.  
 Ҳеч илгаманган экан. Кўтариб машғаласини,  
 Билдики, эшик ортида бордир яширин йўлак.

Элтар бу сийқа тор тош зиналар ерости томон.  
 Лачплесис туша-туша, ниҳоят, кўрди ўзини  
 Кўҳна қасрда. Қадам саслари англандики, у  
 Чўккан қасрда турибди ҳозир, қурч гумбазларни  
 Сиртдан, устидан теран кўл суви ямлар ва босар.  
 Турли товарлар омборларин ҳам, кўзи кўрмаган  
 Қуроллар тўла омборларни ҳам четлаб ўтди у.  
 Узоқроқдаги бир кошонадан тушар ним шуъла.  
 Ўша масканга кирди. Турарди қанча нафис сандиқча.  
 Чўпхатлар, қадим битик-ўрамлар, хатли тахталар  
 Тўла тоқчалар. Ўртада эса катта тош стол.  
 Унда шамчироқ ёнар буруқсаб, бир қиз ўтирар  
 Битик-ўрамлар мутолааси ичра буткул гарқ,  
 Бу ёш йигитнинг кирганини ҳам сезмади асло.  
 Фақат у яқин келганда, оёқ товушларидан  
 Уйғонган каби, оҳистагина кўтарди бошин.  
 “Лаймдота, ростки, маъзур тут мени, безовта қилдим!  
 Ушбу гаройиб кошона ичра эзгу парини –  
 Сени кўришим башорат этди меҳрибон Лайма.  
 Мен тасодифан кўрдим тепадан сирли эшикни,  
 Ва ер остига тушсам: қаршимда сеҳрли қаср.  
 Бугун шундасан; бир дам ёнингда тин олай, изн бер!  
 Қадимий махфий битикларга ҳам бир назар ташлай!  
 Фаҳмлагандайман, чўккан қаср шудир, унинг ҳақида  
 Сўйлаган эдинг сен менга...” “Худди ўшанинг ўзи! –  
 Деди Лаймдота. – Бугун эшикни ёпмабман нега?  
 Отаму менга маълум эди бу фақат. Сен эса  
 Чўккан қасримиз топдинг, қол, шудир чин сўз! Ўқирмиз  
 Бирга ажодлар ривоятлари, қўшиқларини”.  
 “Нақадар хоҳлар эдим шундайин гўзал ёр билан  
 Мангу қолмоқни юртимиз улуг ривоятларида!”  
 “Бундайин кучли истакни ҳеч вақт қизишиб айтма! –  
 Деди Лаймдота. – Бирдан маъбудлар эшитиб қолиб,  
 Айтганларингни шу он рўёбга чиқариб қўйса,  
 Ўшанда тилинг тишлаб қолмагин! Бил, менинг бахтим –  
 Шу, сеҳрланган қаср. Буртниеқсларнинг охирги қизи  
 Бу қасрда тунаб, соғ-омон чиққан ботир йигитга  
 Этгайдир насиб. Ўшанда сеҳр топади барҳам,  
 Кўтарилади қаҳрамон билан бирликда қаср  
 Кўлнинг сатҳига”. Қиз қўлин тутиб, ёниб дер йигит:  
 “Лаймдота! Шонли Буртниеқсларнинг сўнгги умиди!  
 Аждодларингнинг қутлуг қасрида, бунда, менга айт:  
 Лиелвардларнинг ворисин сева олурмисан чин?  
 О, шундай бўлса... Мен ҳар дақиқа ҳар ишга қодир!  
 Қасрда қолиб, жодуни енгай жону жаҳд билан!”  
 Лаймдота сўйлар оҳиста: “Жоним – гаров! Яшармиз  
 Бир жон-у бир тан. Зарур бўлса биз халқ учун фидо”.  
 Лачплесис қучди ёрини; сариқ кўнгироқ сочли  
 Бошин қўйди қиз – эркаланганча – елкаси узра

Ва икки эзгу қўш машъала қалб кетди сингишиб  
 Бир-бири билан илк бор учрашган қуёшу ойдаи.  
 Қадимий қаср томи устида шовуллар тўлқин.  
 Ўрлаётган сув аро титрар ой. Енгил шарпалар  
 Қаср бўлмалари бўйлаб сирғалар тўп-тўп; жилмаяр  
 Шодон, кўрганда севишганларни. Аммоки улар  
 Ҳеч нени кўрмас, эшитмас – тоза, оламга сизмас  
 Бахт билан тўла қалблари. Бу бахт – илк севги билан  
 Бир бор берилур одам зотига ёлгон дунёда.  
 О, учқур, лекин қисқа бахт! Нечун сен бундай шошиб  
 Учиб кетасан? Бир онда ерда яратиб жаннат,  
 Ўша ондаёқ ундан ҳайдайсан ноил бўлганни.  
 Наҳотки, бахтнинг бир онин тоши босмас – машаққат,  
 Меҳнат бир асрин? Ҳа! Тоши босар! Бахтли муҳаббат –  
 Ёрқин бир они ва азобларнинг узоқ йиллари,  
 Шу қисқа умрда бахтиёрлигинг ё бахтсизлигинг,  
 Эй одам, барин шарт ўчиргувчи ўлим-чун фарқсиз.  
 Лачплесис билан Лаймдота бирга, самовий бахтнинг  
 Шавқин сураркан, қулай пайт пойлар эди адоват.  
 Қоронғи қасрнинг ойналаридан бўйлар сув илон,  
 Нигоҳи – ўтли, гўё Спидала қора кўзлари.  
 Лаймдота бирдан ҳушини йиғди: “Кеч бўлди, – деди, –  
 Тун оғмасидан, юқори чиқиб олмаса бўлмас”.  
 Лачплесис тунни ўтказгай шунда, қарори – қатъий.  
 “Бунда қолма”, – деб, уната олмай, ўзи кетди қиз.  
 Тун оққан вақтда қасрнинг ичи шундай совиди –  
 Ўтди суякдан. Ботир, бурчакда синиқ тахталар,  
 Чурук хампа бор эди, уларни ёқиб исиниб,  
 Гулхан олдидан кута бошлади шининг охирин.  
 Кўҳна қаср бўйлаб айланар қуюн. Қутуради кўл  
 Ойна ортида. Шунда шарақлаб эшик очилиб,  
 Еттита ҳабаиш судраб киритди очиқ тобутни.  
 Унда бир махлуқ: қўк тумишук, сўйлоқтиши чўкичи  
 Тирноғи – қилич. Ўликдай ётган ушбу таъвия  
 Тобутда қаттиқ типирчилади, кўз очди нолон:  
 “У-у-у, мунча совуқ! У-у-у, музладим роса!” Бундан, Лачплесис  
 Жунжикиб кетди. Жазава тўла доду фарёдга  
 Чидаёлмади. Ўтни янада ловуллади-ю  
 Тобутидан даст кўтариб олиб у давангирни,  
 Ўтқизди олов олдига, дея: “Кел, исин, ношуд,  
 Бунча ёқимсиз чинқирма фақат!” У баттар додлаб,  
 Ташиланиб қолди тишлай деб алпнинг айиққулогин.  
 Балки билар: жон жойи, қудрати – қулоқларида.  
 Хавф олдин олди, сўнг қаҳр аралаш, жондорни тўзғри  
 Ўтга итарди. Ёна бошлади жуни лов этиб.  
 Тиш гижирлатар, увлар, ялинар, қўйиб юбор, дер.  
 Алп деди унга: “Мен сени қўйиб юбормасман ҳеч  
 То ушбу қаср чиқмагунича ернинг юзига!”  
 Эшик шарақлаб очилиб, иблис янглиг чийиллаб,

Чопиб киришди ўша, Спидала ва етти ҳабаиш.  
 Қизиб чўғ бўлиб турган панишаха ушлаб қўлига,  
 Ботирга, санчиши учун ташланди ҳаммаси бирдай.  
 Кўзлари ёнган Спидала эди ўта ашаддий.  
 Бу манфурларга босим келолмай қолди қаҳрамон.  
 У Стабурадзе кўзгусин олиб қўйнидан алҳол,  
 Душманларига қаратди. Тутди бутун қасрни  
 Ноумид қий-чув. Қўрқув ичида бу газандалар  
 Ўзини ерга отди, сўнг турди, қочди чангитиб.  
 Жимжитлик чўкди. Чанглар босилди. Намчил шамолнинг  
 Тоза нафаси ювди ҳавони. Ёгилиб ёғду  
 Тўрдаги кўшкдан, чиқди у ердан нуроний бир чол.  
 У Лачплесисни қутлади: “Алтим! Мен бахт тилайман  
 Сенга ва бутун латиш халқига! Қувдинг балони,  
 Иблис зулмидан озод айладинг Буртниекек қасрин.  
 Эрта, айни тонг, бўлур қаср яна ёруғ дунёда.  
 Ота-боболар маънавий нурун таратар халққа.  
 Улар ичида боқий маъбудлар инъом айлаган,  
 Аллақачонлар мен жорий этган қонунлар ҳам бор.

Мен Видуведсман! Латиш палаги мендан тўраган!  
 Бахтли бўл, ўғлим! Бугун уйқунг тинч, оромли бўлсин!  
 Тонггача қўшиқ айтиб қизларим аллалар сени”.  
 Видуведс тинди, оппоқ булутдай, эриди-йитди.  
 Аста кирди уч соҳибжамол қиз. Бор эди улар  
 Қўлида ўрин ёпингичи-ю чойшабу ёстиқ.  
 Ўринни тўшаб, хайрли тун тилаб, қизлар ҳам гўё  
 Эриб кетдилар. Кучли бир чарчоқ, уйқу элитди,  
 Ўринга кирди Лачплесис. Элас-элас бир қўшиқ  
 Эшитилади; жимжит; киприклар ёпишди чиппа.  
 Туш кўрди: руҳлар, битик-ўрамлар, олий қаср билан  
 Бирликда, ўрни ҳам кўтарилди юксакка равон...

(Давоми келгуси сонда)

1 Видуведс – бу шахс номи, бошқа латиш ёзувчиларида Видвед, Видевут, Видвуд шаклида ҳам келтирилади; илмий талқинларда, асосан, афсонавий деб қаралади. Лекин уни VI асрда яшаган скиф қабилаларидан бири – алан донишманди деб ҳисобловчилар (Эразм Стелла, XVI аср) ҳам бор. Унга кўра, қадимги прусслар хом гўшт еб, тураржой қуриш, қонун, дин нима билмай, ўз орасидан етакчилар чиқишига йўл қўймай, турли қабилалар ўзаро тинмай уришиб, ёввойи тарзда яшаган эмиш. Шунда доно Видуведс уларни асарилардан ибрат олиб, тартиб билан яшашга, қирол сайлашга чақирган, улар эса Видевудснинг ўзини қирол қилиб сайлаган, Видевудс тарқоқ қабилаларни бирлаштирган, дин, қонун, деҳқончилик, никоҳни жорий этган, тобеларининг хулқини, одатларини, маросимларини ижобий томонга ўзгартирган эмиш. Тадқиқотчилар бу фикрлар тарихий асосга эга эмас деб толиб, уларни қабул қилган муаллифларга қатъий танқидий муносабат билдирадилар. Э.Стеллага эргашган муаллифлар орқали юқорида танқидий равишда келтирилган мулоҳазалар Г.Меркелнинг “Лифляндиянинг қадимги даврлари” (1798) китобига ҳам ўтган. Унда бу донишманд VI асрда Болтиқ денгизининг жанубий соҳилида яшаган турли тилли қабилалардан латиш халқини “яратгани” ва унга ижтимоий ташкилий тизим, янги аънаналар бергани ҳақида сўзланади. XIX асрнинг 50–70-йилларида бир қанча муаллифлар, Г.Меркель каби, уни тарихий шахс деб билишган.

“Лачплесис” дostonи давомида Видевудс образи воситасида демократик руҳдаги ғоялар тараннум этилади, инсониятнинг эзгу мақсадлари йўлида хизмат қилишга чақирилади, булар эса айни асарнинг маънавий ёрқин жиҳатларидан саналади.





## Патрик МОДИАНО

(1945 йили туғилган)

### ТЎЙ САЁХАТИ

Роман<sup>1</sup>

Француз тилидан  
Шоазим МИНОВАРОВ  
таржимаси

У босинқираб уйғонди. Жимжитлик. Эшиклар товуши кулокка чалин-маяпти. Дарпардадан кундузги ёруғлик тушиб турибди. У Ингрид томон ўгирилди. Қиз юзини билагига қўйганча ёш боладек ухлаётганди.

Четларига пальмалар экилган йўлакнинг охирида ўрта аср меъморчилиги услубидаги, мўъжазгина минораси бор вилла қад ростлаганди. Онасига эргашиб бу ерларга келиб юрганида Риго Вальтер Скотт асарлари – “Айвенго” ва “Квентин Дорвард” даги қасрларни ана шу виллага ўхшатарди. Ҳатто илк келганида америкалик хоним ва жаноб Байлби нима учун ўша китобларда тасвирланган қахрамонларга ўхшаб кийинмаганидан ҳайратга ҳам тушганди.

Консьерж аввал боғни кўрсатмокчи бўлди.

– У ерни ёддан биламан, – деди Риго.

У кўзлари боғлиқ ҳолда ҳам йўлкалардан бемалол юра оларди. Анави ерда соябонни эслатадиган қарағайлар, қизил лавр дарахтлари, инглиз услубида ўрилган майсазорга унча уйғун тушмаган кудук, қадимги Рим вайроналарига таклидан барпо этилган иншоотлар бўларди. Мана бу ерда эса, бир оқшом онаси уни унутиб қолдирганча Каннга ёлғиз қайтиб кетганди.

– Бу ерда хавф-хатардан йироқда бўласизлар.

Консьерж боғни назардан ўтказди. Риго ҳаяжонини босиш учун Ингриднинг тирсагидан маҳкам ушлаб олганди. У ўзини яна воқеаларнинг бошланғич нуқтасига, ҳеч бир ҳис-ҳаяжон уйғотмайдиган болалигига қайтгандек ҳис қилар, деярли унутилаёзган бахтиқаро онаси ҳозир шу ерда тургандек туюларди (аслида ундан фақат ёқимсиз хотиралар қолганди). Бунинг устига энди яна ўша боғнинг тутқинига айланиши керак... Бадани жимирлаб кетди. Уруш уни кўпдан бери чап бериб келатган болалигидаги қафасга қайтараётганди.

– Сизларга бундан беҳавотирроқ жой тополмадим, – такрорлади консьерж.

<sup>1</sup> Охири. Бошланиши ўтган сонда.

Риго ўзини босишга уринарди: онаси ҳаётдан кўз юмиб кетган пайтлар у балоғат ёшида эди.

– Бирор нарсадан безовта бўляпсизми? – сўради консъерж.

Ингрид ҳам унга савол назари билан қараб турарди.

– Йўқ, йўқ. Ҳеч нарсадан безовта эмасман.

– Нимага хаёл суриб қолдинг? – сўради Ингрид.

– Ўзим шунчаки.

Ингриднинг овозини эшитишнинг ўзидаёқ ўтмиш хотираларининг ғуборга айланишига кифоя қиларди: енгилтак она, сув чанғиси бўйича чемпион америкалик хоним, жаноб Байлбининг оқ сочлари ва офтобда қорайган бадани, пастда, кўприк устида коктейл ичаётган меҳмонлар. Ўтмишга айланган бу воқеалар нега энди уни ташвишлантириши керак? Риго бир вақтлар кўзига адашиб, қаср йўлини тополмай қолишдан қўрқар даражада каттакон ўрмон каби кўринган, эндиликда кичкина бўлиб қолган боғ оралаб, ёнида Ингрид билан ўтиб борарди.

– Энди сизларга виллани кўрсатаман...

Вилланинг эсида қолган Вальтер Скотт романларидаги қасрга қараганда анча кичик эканидан Риго ҳайрон бўлди.

Ҳаммаси болалик хотиралари экан...

Улар деворларининг оппоқ эканини ҳисобга олиб, минорали хонани танлашди. Америкалик хонимнинг иккинчи қаватдаги ётоғи кенгрок эди-ку, лекин ёғоч қопламаларнинг ранги тўқ, устига парда тортилган каравот ва ампир услубидаги жиҳозлар унга мотам тусини бериб турарди. Улар кўп вақтини биринчи қаватда жойлашган, боғ ва денгизга қараган айвони бор меҳмонхонада ўтказишарди. Меҳмонхонанинг бир томони тўлалигича китобларга ажратилганди; улар қандай териб қўйилган бўлса, шу тартибда китобларни бирин-кетин ўқиб чиқишга қарор қилишди.

Риго боғни ёқтирмасди. Лекин куёшли кунларда улар тош зинадан пастга тушишар ва бир пайтлар сув чанғиси билан шуғулланишга хизмат қилган кўприк устида чўзилиб ётишарди. Қояни ўйиб қурилган гаражда энди керак бўлмай қолган тиркама ва бир жуфт сув чанғиси бор эди. Булардан яна фойдаланиш насиб қилармикан ёки чириб кетармикан?

Дастлаб “Провансал”нинг консъержи Риго ва Ингридга вилладан чиқмасликни тайинлади ва озиқ-овқат олиб келиб турди. У Ригони Антиб мэриясига олиб борди ва танишини ишга солиб “ишчи гувоҳномаси”ни олиб берди; унда эр-хотин Риголар Альп-Маритим департаменти, Жуанле-Пен шаҳри, Бодуен хиёбонидаги Сен-Жорж вилласида қоровул вази-фасида ишлашади, деб ёзилганди. Қолаверса, консьерж ўз вазифасини бажараётганди, негаки америкалик хоним йўқлигида виллага қараб туриш унга топширилганди. Вилла муҳофазаси Испания элчихонаси зиммасида эди. Ўша кунгача, ҳеч бир ҳужжат билан иши бўлмаган Риго консъерждан Ингридни полициядан тўла ҳимоялаш учун зарур барча гувоҳномаларни топиб беришни сўради. Пировардида, у эр-хотин Риголар номига берилган “ишчи гувоҳномаси”ни ҳамда вилланинг Вишидаги Испания элчихона-сининг бевосита назорати остида эканини тасдиқловчи расмий хатни ёнида олиб юрадиган бўлди. Энди улар нейтрал ҳудудда бўлиб, уруш билан сира ишлари йўқ эди.

Янада эҳтиёткорроқ бўлиш учун у Ингрид билан черковда никоҳ ўқитишга қарор қилди. Уларнинг фуқаролик никоҳини тасдиқловчи ягона далил Ингриддаги “Риго хоним” номига берилган сохта ҳужжат бўлиб, аслида ҳеч қандай никоҳ расмийлаштирилмаганди. Қиш шанбаларининг

бирида Жуан-ле-Пен черковида диний никоҳ маросими ўтказилди. Рухоний консьержнинг дўсти эди, консьерж ва уларга ишчи гувоҳномасини тақдим қилган мэрия хизматчиси гувоҳликка ўтишди. Тўй дастурхони вилланинг меҳмонхонасида ёзилди. Консьерж қазноққа тушиб бир шиша шампан олиб чиқди ва келин-куёв шарафига қадах кўтарилди. Риго ёнида олиб юрган хужжатлар қаторига энди Ингрид билан диний никоҳдан ўтганлиги тўғрисидаги шаҳодатномани ҳам қўшиб қўйди.

Улар коровуллик вазифасини сидқидилдан адо этишар, виллани мунтазам тоза тутишарди. Икковлон жиҳозларни ялтиратиб артишар, ойналарни ювишар, тангадай жойда ҳам чанг қолмасди. Риго тиркама ва сув чанғисини тозалаб қўйди. Урушдан кейин америкалик аёл ва жаноб Бейлби қариб қолмаса, булардан бемалол фойдалана олишарди. Ҳа, уруш, албатта, тугайди. Ахир, шу алфозда давом этиши мумкин эмас. Ҳаммаси яна тартибга тушади. Бу табиат қонуни. Лекин ўша кун келгунига қадар тирик қолиш зарур. Иложи борича камтар бўлиш, эътиборни тортмаслик керак. Улар Жуан-ле-Пеннинг кимсасиз кўчаларидаги сайрларига бутунлай барҳам беришди. Чўмиладиган бўлсалар, қирғоқда ҳеч ким кўриб қолмаслиги учун, кўприқдан эллик қулоч нарига ўтмасдилар.

Ингрид Пьер Бенуанинг жавонга терилган ва сахтиён тери қопланган барча романларини ўқиб чиқишга вақт топди. Китобларнинг илк саҳифасида америкалик аёлга кўнгилини эритиб юборадиган бағишлов ёзилганди. Кейин у Александр Дюманинг зумрад муқовали тўлиқ асарлар тўпламини ҳам тугатди. Сўнгра шийпонга қора бозордан топилган банклардаги охириги бўёқ билан пардоз бераётган Ригога улардан парча ўқиб берадиган бўлди.

Оқшомлари улар меҳмонхонадаги катта радиоприёмникни ёкишарди. Ҳар куни бир вақтда кўрғошиндай жарангдор товушли диктор уруш янгиликларидан хабардор қилар, уни тинглай туриб, Риго уруш тез орада тугайди, деб ишонарди. Борган сари совуқлашиб бораётган бу овоз ҳеч тинмайдигандек эди. У энди нариги дунёдан туриб гапирётганга ўхшарди. Уруш давом этаркан, уни эшитишга тўғри келади, лекин эртами-индинми, у, албатта, ўчади.

Қиш оқшомларининг бирида, нимқоронғи меҳмонхонада ўша товушни эшита туриб, Риго Ингриддан сўраб қолди:

– У сенга ҳеч нимани эслатмаяптими?

– Йўқ.

– Бу ўтган йил биз ресторанда учратган малла соч, қора камзулли нуханинг овози... Ишончим комил, бу ўша...

– Шундай деб ўйлайсанми?

Уруш ниҳояланган сари, диктор жумлаларни қаттиқроқ талаффуз қилар, тўхтовсиз такрорларди. Ёйилиб пластинкадек бўлган овоз гоҳо узоқлашиб борар, ортиқча тўлқинлардан бўғилар, йўқолиб кетишдан аввал яна бир лаҳза тиниклашиб қоларди. Вилладан уч-тўрт чақирим нарига америкалик аскарлар келиб тушган оқшомда Ингрид ва Риго орасида йўқолиб бораётган кўрғошин овозни бегона товушлардан ҳали фарқлай олишарди. Овоз тобора ўзини домига тортаётган шовқинга беҳуда қаршилик кўрсатаётгандек туюлар, бутунлай ўчиб қолишдан аввал, у нафрат хайқириғи ёки ёрдамга чақиришга ўхшаш жумлани айтиб қолишга улгурди.

Абадиятни эсга солиб, бир тарзда кунлар, ойлар, фасллар, йиллар ўтди. Ингрид ва Риго урушнинг ниҳоясини кутишаётганини деярли эсдан чиқаришди.

Баъзан уруш ўзини уларга эслатиб қўяр ва Ригонинг таъбири билан

айтганда, “тўй саёҳатига раҳна соларди”. Оқшомларнинг бирида Италия пиёда кўшинлари шахдам қадам ташлаб Жуан-ле-Пенни ишғол қилди. Бир неча ойдан кейин немисларга навбат келди. Улар қирғоқ бўйлаб истехкомлар қуришга киришишди ва вилла атрофида дайдиб юрадиган бўлишди. Ўшанда Риго билан Ингрид чироқларни ўчиришга ва ўзларини ўлганга солишга мажбур бўлдилар.

## 5

Яна сира бадга урмайдиган филларни кўргани бордим. Енгил шабада жазираманинг кучини бироз кесаётгандек. Ҳайвонот боғининг айланма йўлкасидан Венсен ўрмонидаги Сен-Мандэ хиёбони бошланадиган ергача бориб, ўша ердаги скамейкага ўтирдим. Баҳайбат дарахтларнинг барглари қуёшдан тўсарди.

Ниҳоят скамейка устига чўзилдим. Ҳайвонот боғи ёпилаётганида ўзим туриб кетсаммикан ёки қоровул келишини кутсаммикан, деб ўйлаб ётдим. “Додс” меҳмонхонасига сира қайтмайман, эҳтимол, пешонамга ёзилганини кўриб, чоҳга кулашга, яъни дайди бўлиб яшашга қарор қиларман, деган васваса хаёлимдан ўтди.

Аҳволим яхши эди. Баъзан филнинг пишқириши қулоғимга чалинар, соябонсифат қарағайнинг тўқ яшил барглари ва шохларидан кўз узмасдим. Жуан-ле-Пен. Узоқ йиллар аввал, йигирма бирга кирган йилимнинг ёзида ўша ерда ўтказган дамларимга яна қайтдим. Лекин Ингрид ва Ригонинг бир пайтлар ўша ерда яшашганини билмасдим. Улар билан аввал танишиб, кейин қайта учратмаганим боис, унутиб юборгандим.

Жаз мусиқаси фестивалига борамиз, деб Кавано мени ўша ёққа судраб кетганди. Биз ҳали саёҳатчилик нима эканини тўла англаб етмагандик. Кавано ҳабаш пианиночининг синглисига ошиқ бўлиб қолган ва бошқа бир мусиқачига ҳайдовчиликка ёлланганди. Мусиқачининг исми жуда аломат эди: Додо Мармароза.

Ҳайвонот боғи ва Сен-Мандэ ўртасидаги соябонсифат қарағай сабаб ўзим ҳам билмаган ҳолда Ингрид ва Ригонинг изидан юриб, мен сайр этган ўша ёздаги Жуан-ле-Пен тўғрисида билганларимни ҳикоя қилиб бериш ниятидаман. Биз ҳам казинонинг тўғрисидаги пляжга чўмилгани боргандик. Тонготарда ўша ердан туриб “Провансал” меҳмонхонасининг маҳобатли пештоқини томоша қилганмиз. Биз у меҳмонхонада эмас, бошқа, ўта сершовқин кўчада жойлашган, арзонроғида яшаганмиз.

Асосан тунлари кўчага чиқардик. Кундузги Жуан-ле-Пен ҳақида ҳеч нарса эслай олмайман. Қуёш чиқишидан олдинги лаҳзаларни истисно қилсак, албатта. Турфа қиёфалар орасида ҳатто Додо Мармарозанинг кўриниши ҳам хотирамда қоришиб кетган. Қарағайзорда оркестр мусиқа чаларди ва ўша ёзда мен Аннет билан танишгандим. Шу пайтларда бахтли бўлганман, деб ўйлайман.

## 6

Шундай қилиб, ҳар ҳафтада меҳмонхонани янгилайман, уларни бир вақтлар ўзим кўп борган Париж ҳалқа йўлининг нариги томонидаги даҳалардан танлайман, деб режалаштиргандим. Дорэ йўлидаги “Додс” меҳмонхонасидан Симон-Боливар хиёбонидаги “Фьев” меҳмонхонасига кўчиб ўтиш ниятида эдим. Оқшом жўнаб кетишим керак эди, лекин ҳали

хисоб-китоб қилмагандим. Турли қитъалар орасида беҳисоб йўлни босиб ўтган мендек бир одам “Порт-Дорэ”дан “Бютт-Шомон”гача метрода бо-ришга иккиланаётгандим. Дорэ йўли яқинида саккиз кунлик истикоматдан кейин бошқа жойда ўзимни беватан ҳис қилишдан кўрқардим. Эҳтимол, эртага эрталаб жўнаб кетишга куч топарман. Чиндан ҳам тун қоронғисида Симон-Боливар хиёбонида бориш ва орттирган одатларимга бирданига чек кўйишдан чўчиётгандим.

Ҳар кунгидек, Султ хиёбонидаги қаҳвахонага кечки тамадди учун кирдим. Меҳмонхонага қайтишдан аввал ҳайвонот боғининг айланма йўлкасидан соябонсимон қарағайгача юриб келдим.

Дерезани ланг очиб кўйиб, чирокни ўчирдим, сўнг бошимни қўлларимга кўйганча, каравотга чўзилдим. Хонамга кўникиб қолгандим, шунинг учун ҳам жўнаб кетишга иккиланаётгандим. Лекин бошқа режа ўйлаб кўйгандим: ҳар куни шаҳар орти даҳаларидан бирига саёҳат қилиш, кейин бу ерга қайтиб келиш. Эҳтиёж туғилганида, вақти-вақти билан, қўлимдаги Ингриднинг ҳаётига алоқадор ёзувлар билан, тунни бошқа жойда ўтказиш. Масалан, Симон-Боливар хиёбонидаги “Фьев”да бир кеча, Клиши йўли бўйидаги “Гуен” меҳмонхонасида бир кеча... Лекин “Додс” менинг доимий қароргоҳим ва Дорэ йўлидаги ушбу даҳа бундан буён муқим яшаш жойим бўлади. Ижара ҳақини бир неча ҳафта учун тўлаб, шу йўл билан менга ишонқирамай юрган меҳмонхона соҳибини хотиржам қиламан.

Ҳа, вақти-вақти билан тунни бошқа бир даҳада ўтказиш ва кеча ўзим тарк этган тураржой тўғрисида ўйлаш мумкин. Масалан, “Фьев” меҳмонхонасида, ҳозиргидек чўзилиб, назаримда, узокдан ҳайвонот боғидаги филларнинг пишқиришларини эшитаётгандек бўламан. Мени бу жойларнинг ҳеч биридан ҳеч ким ҳеч қачон тополмайди.

Адашган эканман. Кеча тушга яқин Мустамлакалар музейига боришга қарор қилгандим. Меҳмонхонадан чиқиб, фавворалар майдонини кесиб ўтдим ва панжарали музейнинг улуғвор зинасидан кўтарилгач, кираве-ришдаги туйнукдан чипта сотиб олаётганимда, марказий залдаги сайёҳлар ва дам олиш қароргоҳидан келганлар орасида Бен Смиданни кўргандек бўлдим. Ташриф буюрувчилар орасидан уриниб-суришиб ўтиб, катта зални тарк этишга шошилдим ва маршал Лиотенинг иш столи кўйилган катта хонага кириб бордим. Шу пайт кимдир елкамга қўлини қўйди.

– Хўш, Жан, музейни томоша қиламизми?

Ўгирилдим. Бен Смидан жилмайиб турарди. Эғнига жуда чиройли кулранг ёзги камзул ва ҳаворанг спорт кўйлаги кийиб олганди.

– Тасодифни қаранг, – дедим мен пинак бузмай. – Сизни бу ерда учра-таман, деб ҳеч ўйламагандим.

– Мен ҳам. Сизни Рио де Жанейрога жўнаб кетгансиз, деб юрардим.

– Бир тасаввур қилинг-а! Кетмадим.

Ўн кундан бери ҳеч ким билан гаплашмаётгандим ва ана шу жумлани тилга чиқариш анча мушкул бўлди. Яна бир жумлани айта олармиканман, деган ҳаёлдайдим, ҳолбуки, оғзим куриб қолганди.

– Сизнинг Риода эмаслигингизни билганман.

У мени ўнғайсиз аҳволдан чиқариш ниятида эди ва бунинг учун ун-дан миннатдор бўлаётгандим. Узундан-узок баҳона тўкишга зарурат қолмаганди. Ҳаёлимни бир ерга жамлаб, унга шундай дедим:

– Ҳамма нарса кишининг бадиға ураркан, хатто Рио ҳам.

– Тушунаман, – деди Бен Смидан.

Ваҳоланки, унинг ҳеч вақога тушунмаётганини фаҳмлаб турардим.



– Сизга айтадиган гапларим бор, Жан.

У энгил ҳаракат билан тирсагимдан ушлади ва нима деркан, деган хавотирда секин бир чеккага олиб чиқди.

– Жуда безовтасиз, Бен. Лиотенинг кабинетига ўзимни ёмон тутишимдан кўрқяпсизми?

– Йўқ, асло, Жан...

У атрофга олазarak қарар, кейин менга тикиларди. Агар ғазаблангудек бўлсам, сайёҳларнинг ўртасида ҳовуримдан туширишнинг энг самарали усулини қидираётгандек эди.

– “Додс” меҳмонхонасида мазза қияпсизми?

У менга кўз қисиб қўйди. Шубҳасиз, кўнглимни юмшатиш ниятида эди. Лекин “Додс”да яшаётганимни қаердан билди экан?

– Юринг, Жан. Гаплашиб олишимиз керак.

Фавворалар майдонига чиқдик.

– Бирор нарса ичмаймизми? – сўрадим ундан. – Ҳайвонот боғидаги қаҳвахонага кирсак-чи?

– Ҳайвонот боғига кўп келиб турасизми?

Нима демокчилигини яхши тушунаётгандим. Унинг назарида руҳий ҳолатим аввалгидек эмасди.

Куёш аёвсиз қиздирмоқда, энди Ҳайвонот боғига бора олишимга кўзим етмай қолганди.

– Бир қаҳвахона биламан. Шу атрофда, хиёбоннинг бурчагида. У жой сира гавжум бўлмайди, ичи жуда салқин...

Иккимиздан бошқа мижоз йўқ эди. У ўзига қаҳва буюрди. Мен ҳам.

– Мени бу ерга Аннет юборди, – деди у.

– Ҳа, шундайми? Ўзи яхшими?

Ўзимни бефарқ кўрсатишга ҳаракат қилдим.

– Сизни қандай топиб олганимга Ҳайрон бўлаётгандирсиз? Мана буни кўринг.

У менга ғижимланиб кетган бир парча қоғоз узатди. Унда шу сўзлар ёзилганди: *“Гуен” меҳмонхонаси? “Жонкьер” меҳмонхонаси? “Кизтийдс” (Берзелюс кўчасида). “Фьев” меҳмонхонаси. “Пуен дю Жур”? “Додс”? “Бегони” меҳмонхонаси (Пикпус кўчаси)”*.

– Сиз буни Верон даҳасида, иш столингиз устида унутиб қолдирибсиз. Бир кундан кейин Аннет топиб олибди. У ўша заҳоти барини фаҳмлаган.

Чиндан ҳам, буларни Риога ёлғондан жўнаб кетишимдан олдин қоғозга туширгандим.

– Кейин мени дарров топиб олдингизми?

– Йўқ. Бошқа меҳмонхоналар атрофида тўрт кун дайидим.

– Таассуфдаман.

– Аннет бу меҳмонхоналарнинг ҳаммаси ўзига таниш эканини менга айтганди.

– Тўғри, йигирма йил аввал биз у ёқларга тез-тез бориб турардик.

– У сизга мана буни бериб қўйишимни тайинлади.

Конверт устига: *“ЖАНГА ТОПШИРИЛСИН”*, деб ёзилганди. Саводи ҳаминқадар хотинимнинг менга энг ёқадиган фазилагларидан бири – йирик ва чиройли ёзувини яна кўриб турганимдан хурсанд эдим.

*“Азизим!”*

*Сени соғиняпман. Кавано бир қадам ҳам нари кетмаяпти, шунинг учун бу хатни сенга яширинча жўнатишига мажбурман. Смиданга ишонсанг ва ундан менга хабар юборсанг бўлади. Сени кўргим келяпти. Верон даҳасига*

*ҳар куни соат еттиларда боришга ҳаракат қиламан. Менга қўнғироқ қил. Ёки қайси меҳмонхонада эканингни билсам, ўзим сен билан боғланаман. Бир вақтлардаги каби сени кўргани ўша ерга борсам ҳам бўлади. Каванога билдирмасдан бораман. Тирик эканингни ҳеч кимга айтганим йўқ.*

*Сени севаман, азизим.*

*Аннет”.*

Хатни чўнтагимга солиб қўйдим.

– Унга бирор хабар юборасизми? – деб сўради Бен Смидан ташвишга тушиб.

– Йўқ.

Бен Смидан пешонасини болаларча тириштирди.

– Жан, мени хайратга соляпсиз.

У менга шунчалар ҳурмат билан қараётган, мени тушунишни шунчалар истаётгандики, пировардида, хаяжонга тушдим.

– Тушуниш жуда осон. Ҳаётим ва касбимдан бироз зерикканга ўхшайман.

У сўзларимни жон қулоғи билан тинглаётганди.

– Буни ҳис қилиш учун, Бен, сиз ҳали ёшлик қиласиз. Бирор ишга завқ-шавқ, иштиёқ билан киришасиз, аммо бир неча йилдан кейин ўша иш ўз касбингизга ва одатий юмушга айланади... Лекин ҳафсалангизни пир қилмоқчи эмасман. Маслаҳат беришга чиндан ҳам ожизман.

– Сиз тушунмаяпсиз, Жан... Биз сизни бутунлай йўқолиб қолди, деб ўйловдик...

У бир лаҳза иккиланиб туриб яна шундай деди:

– Ўлгансиз, деб ўйладик...

– Кейин-чи?

У яна нима дейишини билмай, менга жим қараб турарди.

– Аннет сизни қанчалар севишини тасаввур ҳам қила олмайсиз...

Меҳмонхоналар номи ёзилган қоғоз парчасини топиб олгандан кейингина у яна ҳаётга қайтди...

– Кавано-чи?

– Аннет менга сизга айтиб қўйишни уқтириб дедик, Каванога у ҳеч қачон жиддий қарамаган.

Кутилмаганда шахсий ҳаётимга оид мавзу очилиб кетганидан ва унга Бен Смиданнинг аралашиб қолганидан ўнғайсизландим.

– Сизнинг ёшингизда кўпроқ ўзингизни ва келажагингизни ўйласангиз тўғри бўларди, Бен.

Шундай шароитда гапни ўзига бурганимдан хайратга тушгани кўриниб турарди. Мен эса, унинг чўкиб кетган ҳолланд кемасини топиш учун Ҳинд океанига сафар қилишга тайёрланаётган экспедицияси ҳақида гапиришини, орзулари ва тасаввурларидан хабардор қилишини хохлаётгандим.

– Ўзингиз-чи? – сўради у мендан. – Бу ерда ҳали узоқ қолмоқчимисиз?

– У ҳафсаласи пир бўлганча қўли билан қахвахона деразаси ортидаги Султ хиёбонига ишора қилди: – Хўш, Аннетга келиб, сизни кўриши мумкинлигини айтсам бўладими?

– Ҳозир келмасин. Мени тополмайди... Шошма-шошарлик қилиш керак эмас.

Унинг пешонаси яна боягидек тиришди.

– Вақти-вақти билан телефонда хабар қолдирсин. Ҳозирча шунинг ўзи кифоя. Ёки хат ёзсин... Шу ерга, “Додс” меҳмонхонасига... Ёки “Фьев” меҳмонхонасига... Ё рўйхатдаги бошқа меҳмонхоналарга... У уларнинг барини билади...

– Унга айтиб кўяман...

– Ўзингиз ҳам олдимга келиб режаларингиз билан ўртоқлашишдан тортинманг, негаки сиз ва Аннетдан бошқа ҳеч ким ҳали тирик эканимни билмайди... Лекин бу ўртамизда қолсин.

Бен Смидан Домеснил хиёбони томонга кетди. Бир нечта аёл ўгирилиб, унинг ортидан қараб қолганини кўрдим.

Яна ёлғиз қолдим. Тўғри, тез орада Аннетдан хабар келади, деб ўйлаётгандим, лекин хотиним кутилмаганда келиб қолмаслигига ишончим комил эди. У феълимни жуда яхши билади. Йигирма йилдан бери ёнимда, беркиниб юриш, омадсизлардан нари бўлиш ва йиғинлардан қочиб қолишни яхши эпларди: сўнгги чора сифатида қазноққа яшириниш, деразадан ҳатлаб ўтиш, хуфя зиналар ёки табиий офатларда чиқиб кетиш учун мўлжалланган эшиклардан фойдаланиш, эскалаторнинг ҳаракатига тескари йўналишда югуришни ҳам... Саёҳатчилар-чи?.. Мен бир замонлардагидек қизиққанимдан ёки кашфиётчилик иштиёқим туфайли эмас, қочиш учун саёҳат қилардим, ахир. Аннет кўпол ҳаракат қилмаслик кераклигини тушунарди: озгина безовта қилгудек бўлса, бу сафар узил-кесил ғойиб бўлишим ҳеч гапмасди.

Шунга қарамай, биз қачонлардир бирга яшаган ва бугун мен эшикларини қайта очаётган бошпаналарда вақти-вақти билан Аннетдан хабар олиб туриш мени ҳаяжонга солган бўларди. Меҳмонхоналарда ўзгариш кам эди. Нима учун ўн саккиз ёшимда Парижни ташлаб, шаҳар четидаги даҳаларга кетдим? Чунки ўша жойларда ўзимни хотиржам ҳис қилганман, эркин нафас олганман. Биргина майдонни кесиб ўтсам ёки хиёбоннинг адоғига борсам кифоя эди, Париж ортда қоларди. Шаҳар четида эканимда, шовқин-сурондан қочиш имконияти борлигини ҳис қилишдан қалбим ҳаяжонга тўларди... Кечалари Шамперре майдонида қандиллар ёғдусини келажакдан келаётган ишора, деб тушунардим.

Нима учун узоқда яшашини ёқтиришимдан ҳайратланадиган Аннетга ана шуларни тушунтиришга уринардим. У тушуниб ҳам улгурганди. Париж атрофидаги кўп меҳмонхоналарда истикомат қилганмиз. Мен эски китобларни сотиб олиш ва сотиш каби мавҳум иш билан шуғулланар, пулни асосан, Аннет топарди: Фобур-Сен-Оноре кўчасидаги машҳур кийим-кечак саломида манекенчи бўлиб ишлар, икки минг франк маош оларди. Ҳамкасблари ўзларидан ўн беш ёш кичик Аннетни ёмон кўришарди.

Манекенчилар хонаси аллақайси бир ҳовлининг ортида жойлашгани ёдимда. У бирорта мижоз аёл кўйлак танлаш учун келишини кутиб, кун бўйи навбатчиликда туриши керак эди. Айна пайтда қоқилмаслик учун оёғи остига қараб юришга, бигиз пошналардан эҳтиёт бўлишга мажбур эди, негаки янги келган никоҳ кўйлаklarини у кийиб кўрсатарди. “Додс” меҳмонхонасида бир неча ҳафта яшагандик, лекин шунча вақт ўтгани боис хона рақамини нутиб кўйгандим. Ҳозир мен яшаётган хона шумиди? Ҳар ҳолда ҳолатим ўзгармаган: ўшандаям оқшомлари у кийим саломида навбатчиликда турганида каравотда чўзилиб, кўлимни бошимнинг остига кўйганча, шифтга тикилиб, уни кутиб ётардим. Ресторанга, кейин кинога борардик. Борган жойларимизни қоғозга тушириш одатидан воз кечолмасдим:

*Орнано, 43*

*Шале-Эдуард*

*Брюнен-Варьете*

*“Жозет де Нис” ресторани*

Дельта  
 Карлинг  
 Данюб Палас  
 Пети Фантазио  
 “Коке” ресторани  
 “Монкальм” кинотеатри  
 Алопе...

Ҳозир меҳмонхонага қайтаётиб туш кўраётгандек бўлдим. Верон даҳасидаги уйимизда эмишман. Аннет ҳали уйқуда. Одатий ҳаёт тарзимга қайтибман. Кавано, Ветзел ва Бен Смиданлар билан бирга овқатланишимиз кераклиги ёдимга тушибди. Кейин 14 июль келганмиш ва биз айвонда зиёфат уюштираётган эканмиз. Кейин Аннет уйғониб, ғалати аҳволда эканимни кўриб, сўраётганмиш: “Босинкирадингми?” Ҳаммасини унга айтиб берибман: ёлғондан Риога жўнаб кетганим, Милан ва Париж орасидаги саёҳат, уйимизга арвоҳ мисол келиб, унинг Бен Смидан билан ётоқхонада эканидан ҳайратга тушганим, ҳайвонот боғида ва Дорэ йўлида ўтказган вақтим, йигирма йил аввал иккимиз истиқомат қилган шаҳар четидаги бошқа даҳаларни кўриш режасини тузиб, кейин ўша жойларда бутунлай қолиб кетганим...

“Ғалати тушлар кўрасан-да, Жано!” деганмиш Аннет.

Билагимни чимчилаб, бошимни қимирлатдим ва кўзларимни катта очдим. Лекин уйғона олмадим. Фаввора ва Мустамлакалар музейига кириб кетаётган сайёҳларга тикилганча қотиб қолгандим. Домеснил хиёбонидаги қаҳвахонага бориб, ушбу ғаройиб ҳиссиёт ҳақида ёнимда ўтирганларга айтиб берсаммикан, деб ўйладим. Лекин кайфиятим бағтар бузилган бўларди: чунки бегоналар билан суҳбатга киришсам, тил топиша олмаслигим аниқ. Сўнгги чора – “Додс”даги хонамдан Аннетга телефон қилиш. Йигирма йил аввал, эҳтимол, иккимиз яшаган хонадан; лекин ўтган йигирма йил сурони алоқа боғлашга имкон бермайди. Бирор қаҳвахонадан қўнғирок қилсаммикан? Бу фикрдан ҳам воз кечдим. Қаҳвахонадаги кабинадан овозим узокдан келаётгандек бўлади, оқибатда Аннет мени эшитмаслиги мумкин.

Меҳмонхонага қайтдим. Зора, Аннетдан хабар келган бўлса, деб ўйлагандим, лекин умидим пучга чиқди. Шунда у менга телефон қилади ва қўнғироғи мени сархушликдан халос этади, деган хаёлда каравотга чўзилиб, кута бошладим. Пировардида ухлаб қолибман. Туш кўрдим: ёз оқшоми, жуда дим. Усти очиқ машинадаман. Ҳайдовчи борлигини сезаману, лекин уни кўрмайпман. Париж марказидан Италия томон кетмоқдамиз. Вақти-вақти билан кеча кундуз билан алмашиб қолмоқда. Кейин машина қаёққадир йўқолиб, Венеция ёки Амстердамникига ўхшаган кўчалардан пиёда юрдик ва баланд-паст майсазорлардан ўтдик. Яна қоронғи тушганда машина Аустерлитз темир йўл бекатига яқин бўм-бўш ва ғира-шира кўчадан аста кетиб борарди. “Аустерлитз” атамаси уйғонганингизда буткул эсдан чиқиб кетадиган сўзлар жумласидан. Ниҳоят биз пастга чўзилган, четида элас-элас кўзга ташланаётган пальма ва соябонсимон қарағайлар экилган ҳалқа йўлга етиб келдик. Кўп қаватли уйлар деразасининг айримларида чирок бор. Кейин қоронғи тушди. Тураржойларнинг ўрнини омборхоналар ва аллақандай стадионнинг айланма девори эгаллади... Биз чети темир йўл кўтармасини кўздан пана қилган тахта девор ва буталар билан қопланган кўчага кириб бордик. Тахта деворда шу агрофдаги кинотеатр афишалари сақланиб қолганди. Анчадан бери бу жойларга келмагандик...

Бир неча кун Аннетдан хабар кутдим. Хонамдан иложи борича камрок чиқишга ҳаракат қилдим. Оқшомларнинг бирида кутишга эҳтиёж сезмай қўйганимни англадим. Аннетнинг жим эканидан хавотирда эмасдим. Балки биринчи қадамни мен қўйишимни хошлаётгандир, лекин хотиним мени жуда ҳам яхши биларди, бундай ўйлаши эҳтимолдан йироқ эди.

Меҳмонхона зинасидан пастга тушганимда елкамдаги юкдан халос бўлгандек эдим. Дамеснил хиёбонидаги қаҳвахонага йўл олдим, одатларимга бироз ўзгартириш киритиш учун кечки овқатни ўша ерда қилмоқчи бўлдим. Риго тўғрисида ўйлай бошладим. Эртасига ҳам, кейинги кунлар ҳам уни хаёлимдан чиқара олмаслигимни билардим. Агар у Парижда бўлса, бемалол метрода уйига бориш ёки овозини эшитиш учун телефондаги саккизта рақамни териш кифоя эди. Лекин бу ишни осонгина амалга ошириш мумкин, деган фикрдан йироқ эдим.

Кечки овқатдан сўнг, қаҳвахонадаги телефон китобини варақлай бошладим. У саккиз йил аввал чоп этилганди. Биринчи сафардагига қараганда кўпроқ эътибор билан Риголарнинг узундан-узок рўйхатини ўргана бошладим. Исми кўрсатилмаган Риго фамилиясида тўхтадим: “Султ хиёбони, 20-уй. 307-75-28”. Ўша йиллари телефон рақамлари етгиталик бўларди. “307” эски “Дориан” кўрсаткичининг бошланиши эди. Манзил ва телефон рақамини ёзиб олдим.

Маълумотномадаги қолган Риголарнинг ҳеч бири – ё касби, ё манзили, ёки исми олдига жаноб ва хоним Риголар, деб ёзиб қўйилгани учун – маъқул кўринмади.

Султ хиёбонидаги 20-уйгача пиёда бораман, деган ниятда қаҳвахонадан чиқдим. Қуёш ботган, лекин осмон ҳамон зангори эди. Кўчадаги чироқлар ёқилмай туриб, ўзим маъқул кўрадиган кундузги ёруғлик лаҳзаларидан фойдалана қоламан. Қалбимни аллақандай хотиржамлик ҳисси камраб олган, ўтмишдан келаётган акс-садоларга кулоқ тутиб боряпман.

Султ хиёбони, 20-уй ичкарироқда жойлашган тураржойлар мажмуига берилган рақам бўлиб чиқди. “Риго” дўкон номи бўлиб чиқмасин-да, деган ҳадик атрофда савдо қиладиган жой йўқлигини кўрганимдан кейин йўқолди. Биринчи уй деразасида ҳали чирок ёруғи йўқ эди. Бу ерда яшовчилардан бирортаси нима қилиб юрибсан, деб сўрамасин деган хавотирда йўлка бўйлаб юришга иккиланаётгандим. Албатта, бу саволга: “Жаноб Ригони қидириб юрибман” десам бўларди.

20-рақамли уй олдига тепаликда тўхтаб, ўриндиққа ўтириб олиб олдим. Кўча чироқлари ёнди. Йўлакнинг бошида жойлашган уйдан кўз узмасдим. Иккинчи қаватдаги биргина деразадан ёруғлик тушмоқда, кун иссиқ бўлганидан унинг иккала тавақаси ланг очиқ эди. Тахминимча, икки хонали мўъжаз хонадонда кимдир яшаётганди. Ригомикан?

Ўспиринлигимда мени сеҳрлаб қўйган саёхатчиларнинг хотиралари ичида бир инглизнинг саёхатномаси ёдимга тушди: у сахро кезиб юрганида чалғитган сароб қурбони бўлганини ҳикоя қилган. Китоб муқовасидаги суратда ўша инглиз сахродаги воҳа болалари қуршовида, бадавий кийимида тасвирланганди. Кулгим қистади. Султ хиёбонидаги скамейкада ўтириб, ўша тажрибани бошингиздан ўтказиш мумкин бўлгани ҳолда, шунчалар узокқа бориб юриш шартмиди? Ортида Риго бор, деб ишонаётганим чирок нури тушиб турган анави дераза саҳронинг ўртасида кўзни камаштирадиган саробдек эмасми?

Эртасига эрталаб соат ўнларда Султ хиёбонидаги 20-уй олдига қайтиб бориб, олдиндаги уйнинг остонасини ҳатлаб ўтдим. Чап томонда, консьерж



ўтирадиган хона эшигининг тутқичида: “Султ хиёбони 16-рақамдаги ёнилғи қуйиш шохобчасига мурожаат қилинсин”, деб ёзилганди.

Шохобчанинг ёнилғи қуядиган ускунаси олдида иккита одам суҳбатлашиб турарди. Бирининг эгнида ҳаворанг коржомо, иккинчиси оқ кўйлак ва кулранг шимда, биринчиси жазоирлик кабилларга<sup>1</sup> ўхшар, иккинчисининг оқарган сочлари орқага таралган, кўзлари кўк, терисининг ранги қонталаш эди. У етмишларга бориб қолган, кабилиялик ундан йигирма ёшлар кичикроқ эди.

– Бирор нарса истайдиларми?

Саволни коржомо кийган кабил берди.

– 20-уйнинг консьержи керак эди.

– Менман.

Лабининг четига сигарет кистириб олган оқ соч киши бошини енгилгина ирғаб мен билан саломлашди.

– Бир нарса сўрамоқчи эдим, холос... Жаноб Риго деган киши тўғрисида...

У бироз ўйланиб қолди.

– Риго? Ундан сизга бирор нима керакми?

У кўлини пастга тушириб, сигаретини бармоқлари орасида ушлаб турарди.

– Уни кўрмоқчи эдим.

Унинг тикилиб туришидан саросимага тушаёзгандим. Кабилиялик ҳам менга қизиқсиниб боқарди.

– Бу ерда яшамаётганига неча замонлар бўлди-ку...

Қаршисида одам эмас, арвоҳ тургандек, у менга хайрихоҳлик билан жилмайиб қарарди.

– Хонадонда кам деганда ўттиз йилдан бери ҳеч ким яшамайди... Жаноб Ригонинг ҳаёт эканини ҳам билмайман...

Ҳаворанг коржомодаги кабилияликни Ригонинг тақдири мутлақо қизиқтирмаётгани равшан эди.

– Айтмоқчи, квартира ўзимникидек бўлиб қолган... Калити менда, уни супуриб-сидираман...

– Ўша Риго билан танишмидингиз? – сўрадим юрагим “дук-дук” уриб.

– Ҳа... Бу ерда консьерж эканимни қачондан бери биласиз?

У кўкрак кериб, кабилиялик иккимизни кузатарди.

– Бирон-бир рақам айтинг...

Кабилиялик елка қисиб қўйди. Мен индамай туравердим.

Консьерж менга тегиб кетадиган даражада яқинлашди.

– Неча ёш берасиз менга?

У ҳамон кўкрак кериб, кўзларимга тик бокиб турарди.

– Истаган рақамингизни айтинг...

– Олтмиш ёш.

– Ёшим етмиш бешда, жаноб.

У ушбу таъкиднинг таъсирини билишни хоҳлаётгандек, биздан четланди. Лекин кабилиялик пинагини бузмай турарди. Ўзимни мажбурлаб шундай дедим:

– Аслида анча ёш кўринасиз... Ўша Риго билан қачон танишувдингиз?

– 1942 йилда.

– У бу ерда ёлғиз яшармиди?

– Йўқ. Бир ёш қиз билан.

– Квартирани жуда кўргим келяпти.

<sup>1</sup> Кабил – Жазоирнинг тоғли Кабилия вилоятида яшовчилар шундай аталади.

– Қизиқяписизми?

– Аслида бу бир тасодиф. Жаноб Риго деган киши шу уйда ижарага туради, деган хаёлда эдим... Газетанинг эълонлар бўлимидаги ном ва манзилларни ногўғри ўқиган кўринаман.

– Сиз ушбу даҳадан ижарага жой қидиряписизми?

– Ҳа.

– Ригонинг уйи сизни қизиқтирадими?

– Бўлмасам-чи?

– Уни февралгача ижарага оласизми? Бундан қисқа муддатга сизга уйни беролмайман... Ҳар доим уни кам деганда олти ойга ижарага топшираман...

– Унда февралгача оламан.

– Пулни ўзимга нақд тўлашга розимисиз?

– Розиман.

Зангори коржомали кабилиялик менга сигарет қутисини узатиб, ўзи ҳам тутатди. У суҳбатимизни паришонхотирлик билан тинглаётганди. Эҳтимол, у Ригонинг уйи ижарасига боғлиқ бундай музокараларга кўникиб қолгандир.

– Қанча тўлай оласиз?

– Сиз қанча десангиз, шунча! – дарров жавоб бердим.

У кўк кўзларини қисиб турар, икки қўли билан кўйлаги ёқасини ушлаб олганди:

– Бирон-бир сон айтинг...

Хонадон олд қатордаги бионинг иккинчи қаватида бўлиб, деразалари Султ хиёбонига қараган эди. Йўлакдан ошхонага ўтилар, унинг бир бурчагига душ ўрнатилган, темир дарпардалари ёпиб қўйилган кичкина хона ҳам бор ва ниҳоят тўрда, таъбир жоиз бўлса, ёнма-ён, иккита бир хил сим каравот билан жиҳозланган кенггина хонага кириларди. Қарама-қарши девор ёнида кўзгули жавон бор эди.

Консьерж чикиб кетгач, ёлғиз қолдим. У сал туриб мойчирок олиб келишга ваъда берди, негаки электр қувватининг узиб қўйилганига кўп бўлган, телефон ҳам ишламаётганди. Лекин консьерж уларни тезда тузатиб берадиган бўлди.

Ҳаво иссиқлиги боис деразани очиб қўйдим. Хиёбон томондан келаётган автомобиллар шовқини ва хонани ёритиб юборган қуёш нурлари таъсирида бугунги кунга қайтдим. Деразадан энгашганимда пастда енгил ва юк машиналари қизил чирокқа тўхтаб туришарди. Хиёбон Ингрид ва Риго билган Султ хиёбони эмасди, лекин ёз оқшомларида ва якшанба кунлари кимсасиз бўлиб қолганида уларнинг давридаги хиёбонга айланарди-қоларди. Ҳа, Жуан-ле-Пенга кетишдан аввал уларнинг бу ерда бир муддат яшаганларига шубҳа қилмасдим. Парижда Ингридни сўнгги марта ёлғиз учратганимда у шу жойни тилга олганди. Мен ўша пайтлари кўп бориб юрган шаҳар четидаги даҳалар тўғрисида суҳбатлашгандик, назаримда, у қаерда яшашимни сўрагандек бўлганди, кейин бу жойларни яхши билишини, отаси билан Бют-Шомондаги Атлас кўчасида истикомат қилганини айтганди. Сўнг, Риго билан кичкина квартирада яшаганмиз, деганди. Лекин манзилни адаштириб, Султ хиёбони ўрнига Довуд хиёбони, деганди.

Бирин-кетин жавон эшикларини очдим, лекин кийим осгичлардан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Кўзгуда акс этаётган қуёш нуридан кўзларим қамашди. Деворлар яланг, кулранг бўёғи у ер-бу ерида кўчган, каравотларнинг бош томонида сурат ёки кўзгудан қолган доғ бор эди. Ёнбошда, меҳмонхонадагига ўхшаш, оч рангли тахтадан ишланган ва устига мрамар

ёпилган пардоз столи қўйилган, деразаларга унниқиб кетган қирмизи ранг пардалар илинганди.

Пардоз столининг тортмалари қулфланган эди. Верон даҳасидаги уй-имнинг калити билан тортмани очишга муваффақ бўлдим. Ичида оч яшил рангли эски конверт ётарди. Марканинг устига Франция Республикаси деб, конвертнинг устига эса кўк сиёҳ билан манзил ёзилганди: “Париж, 12-даҳа, Султ хиёбони, 12-уй”. Ичида машинкада ёзилган бир варақ қоғоз бор эди.

“1942 йил 18 январь

### ИЖАРАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

*Юлдуз майдони, Тилзит кўчаси-3 манзилидаги туларжой яқин кунларда очик савдога қўйилади. Ижарачилар батафсил маълумотни Малерб хиёбони, 78-уй, адвокат Жири хонимдан ёки Париж, Банк кўчаси, 9-уй, Мулк бошқармасидан олиши мумкин”.*

Яна туш кўраётгандек эдим. Конвертни пайпаслаб, манзилни такрор ва такрор ўқидим. Кейин дераза ёнига бориб, машиналар аввалгидек Султ хиёбонидан ўтаётганига ишонч ҳосил қилмоқчи бўлдим. Аннетга телефон қилиб, овозини эшитиш истаги туғилди. Гўшакни олаётиб, алоқа узиб қўйилганини эсладим. Қўшалок каравот устига шотландча жун кўрпа ташланганди. Конвертни қўлимда ушлаган кўйи кўрпа устига, дераза қаршисига ўтирдим. Ҳа, мен айнан Ингрид айтган жойда эдим. Кўпинча кимдир сизга айтган жойлар, воқеалар тўғрисида хаёл сурасиз, лекин уларнинг ёнига бошқа нарсалар ҳам қўшилиб қолади. Мана бу конверт ҳам шундай. У ҳақиқатан ҳам мавжудмиди ёки хаёлимдагиларнинг бир бўлагимиди? Нима бўлганда ҳам, Тилзит кўчасидаги 3-уйда Ригонинг онаси истиқомат қилган, Ингрид билан танишган кезлари Риго бир неча ҳафтадан бери ўша ерда ёлғиз яшаётганди: Риго уни ўша уйга бошлаб борганида Ингрид ҳайрон қолганини, қадимий уй жиҳозлари, оёқ товуши эшитилмайдиган қалин гиламлар, суратлар, қандиллар, ўймакорлик намуналари, ипак пардалар ва кишки боғ ўзида аллақандай осойишталик туйғусини уйғотганини айтиб берганди. Комендантлик соати сабаб, улар меҳмонхонада чироқ ёқишмасди. Ойнаванд эшиклардан бирининг олдида туриб, тундан ҳам қоронғироқ Зафар дарвозасининг сояси ҳамда майдонни қоплаган жилваланаётган қорга тикилиб қолишарди...

– Ухлаб қолувдингизми?

Қўлида мойчироқ тутган консьержнинг келганини сезмабман. Қоронғида каравотда чўзилиб ётардим.

У чироқни пардоз столи устига қўйди.

– Сиз бугуноқ хонага жойлашмоқчимисиз?

– Ҳозирча билмайман.

– Агар истасангиз, чойшаб, кўрпа олиб келиб бераман.

Чироқ ёруғида деворда соялар ўйнар, агар бир ўзим бўлганимда, эҳтимол, ҳали ҳам туш кўраяпман, деб ўйлаган бўлардим. Лекин ёнимдаги одам чиндан ҳам мавжуд эди. Овози ҳам кўнғироқдек жаранглаётганди. Ўрнимдан турдим.

– Кўрпа бор экан... – У каравотлар устига ташлаб қўйилган шотланд ёпинчикларига ишора қилди.

– Улар жаноб Ригоникимиди? – сўрадим мен.

- Ҳа, албатта. Каравотлар ва жавонни ҳисобга олмасак, ундан шу ёпинғичлар қолди, холос.
- Унда, у бу ерда аёл киши билан бирга турган экан-да?
- Ҳа. Париж илк бора бомбардимон қилинганида улар шу ерда яшашарди... Иккаласи ҳам ертўлага тушишни исташмаган...
- У ёнимга келиб, деразага тирсагини қўйди. Султ хиёбони кимсасиз, энгил шабада эсарди.
- Кейинги ҳафтанинг бошида телефон ўрнатиб беришади... Бахтимизга сув ўчирилмаган. Ошхонадаги душни тузатиб қўйдим.
- Кваттирага сиз қараб турасизми?
- Ҳа. Майда харажатларга озгина пул ишлаб олиш учун уни баъзан ижарага бераман.
- У сигаретини чуқур тортиб, тутун пуркади.
- Жаноб Риго келиб қолса, нима бўлади? – сўрадим ундан.
- У ўйчан ҳолатда пастга, хиёбонга назар солди.
- Урушдан кейин, менимча, улар жанубда яшашди... Парижга онда-сонда келардилар... Кейин аёл Ригони ташлаб кетишга мажбур бўлди... Риго ёлғиз қолди... Ўзининг номига келган хатларни олиб кетиш учун бу ерга келиб-кейтиб турарди... Кейин кўринмай кетди... Қайтиб келиб қолишига ишонмайман.
- Босиқлик билан айтилган охириги жумла мени ҳайратга солди. У хиёбоннинг нариги томонига – бир нуқтага тикилиб турарди.
- Кетганлар қайтмайдилар. Буни ҳеч кузатганмисиз, жаноб?
- Ҳа.
- Унинг нима демоқчилигини сўрамоқчи бўлдим кейин ўзимни тийдим.
- Хуллас, сизга чойшаб керакми ё йўқми, шуни айтинг?
- Бу ерда ҳали ётиб қолмоқчи эмасман. Ҳамма нарсаларим “Додс” меҳмонхонасида турибди.
- Агар эртага кўчиб келмоқчи бўлсангиз, мен механик дўстим билан сизга ёрдам беришга тайёрмиз.
- Оғир юкнинг ўзи йўқ.
- Душ яхши ишляпти, лекин совун йўқ. Ҳозироқ совунга одам юборишим мумкин. Ҳатто тиш ювиш пастасини ҳам...
- Йўқ, меҳмонхонада яна бир кеча тунаб қоламан...
- Ихтиёрингиз, жаноб. Калитни бериб қўймоқчиман.
- У камзулининг чўнтагидан кичкина сариқ калитни олиб, менга узатди.
- Уни йўқотиб қўйманг.
- Бу калитдан узоқ йиллар аввал Ингрид билан Риго фойдаланишганмикан?
- Энди мен борай. Ёнилғи қуйиш шохобчасидаги дўстимга ёрдам бериш учун қоровуллик қилишим керак. Зарур бўлиб қолсам, ўша ердан топишингиз мумкин...
- У қуруқкина қилиб, қўлимни сиқиб қўйди.
- Мойчирокни қолдириб кетаман. Орқамдан чиқиб, овора бўлиб юрманг. Қоронғида бемалол юра оламан.
- Консьерж хонадан чиқиб, эшикни ёпди. Деразадан қарадим. У шопилмай, товушсиз қадам ташлаб, ёнилғи қуйиш шохобчаси томон йўналди. Ҳозиргина ёнимдалигида унинг пошnasi паст бошмоқда эканини кўргандим. Оқ қўйлаги ва қулранг шими кечага таътил руҳини бағишлаётгандек эди.
- У ҳаворанг коржомали кабилияликнинг ёнига борди, икковлон шохобча яқинидаги курсига ўтириб, хотиржам чека бошлашди. Мен ҳам чекаёт-

гандим. Мойчирокни ўчириб қўйдим, сигаретимнинг чўғи жавоннинг кўзгусида кизариб акс этаётганди.

Тоза хаводан нафас олиш учун йўлгага курси қўйиб ўтириладиган бу каби гўзал оқшомлар ҳали давом этади. Илк япроқлар ерга туша бошлашдан олдинроқ нафас ростлаб олиш имкониятидан фойдаланиб қолишим керак эди.

Йилнинг шу фаслида, ниҳоясига етаёзган июль ойининг илик оқшомларидан бирида Ингридни сўнгги марта учратган эдим. Ўшанда Каванони Ногиронлар бекатигача кузатиб боргандим, у Бразилияга учиб кетаётганди. Бир ойдан сўнг мен ҳам боришим керак эди. Биз саёҳатчилик касбини эгаллашни бошлагандик. Ўшанда мен, бир кун келиб ўзимни ўша мамлакатга жўнаб кетгандек кўрсатаману, 12-дахдадаги меҳмонхоналардан биридан паноҳ топаман, деб асло хаёлимга келтирмагандим.

Кавано автобусга ўтириб, Орли аэропортига йўл олди. Мен ёлғиз қолиб, оқшомни қандай ўтказиш ҳақида ҳали яхшилаб ўйлаб кўрмагандим. Аннет бир неча кунга Копенгагенга, ота-онасининг олдига кетганди. Биз ўша пайтда Монмартрдаги Кашфиётчилар клубига қарашли каттагина уйнинг бир хонасида яшардик. Ҳали қоронғи тушмаган, уйга эса оёғим торتماётганди.

Мен нотаниш даҳада тусмоллаб кетиб борардим. Кўзларимни юмиб, қайси йўллардан ўтганимни хаёлимда жонлантиришга уриниб кўраман. Майдонни кесиб ўтиб, Ногиронлар биносини айланиб ўтгач, якшанбадаги Султ хиёбонидан ҳам кимсасизроқ жойга чиқиб қолдим. Соя-салқин кенг кўчалар. Ботаётган қуёш нурлари тураржойларнинг баланд томида бир нафас тўхтаб қолгандек.

Ўн қадамча олдинда кимдир борарди. Ҳарбий мактаб ёқалаб кетган ушбу хиёбон четидаги йўлкада бошқа ҳеч ким йўқ. Мактаб деворлари қадим замонлардаги ҳарбий кўрғонни эслатадиган даҳага қараган, ундаги йўлкада эса, ичиб олган одамдек журъатсиз қадамлар билан олға интилаётган аёл кишининг гавдаси...

Ниҳоят унга етиб олдим, қадамларимиз тенглашгач, унга журъатсизгина назар ташладим. Аёлни ўша ондаёқ танидим. Уни Риго билан жанубда учратганимга роса уч йил бўлганди... Аёл менга умуман эътибор қилмай саросимали назар, журъатсиз қадамлар билан юришда давом этарди, ўзининг қаёққа кетаётганини билмаса керак, деган фикр хаёлимдан кечди. У ушбу даҳадаги бир-бирига ўхшаш, бирон-бир таниш белги, такси ёки метро бекати беҳуда изланадиган кенг, узун ва тўртбурчак кўчаларда адашиб қолган бўлса керак.

Унга яқин келдим, лекин аёл мени сезмаётгандек эди. Унга сўз дейишга ботина олмаганим ҳолда, бир неча лаҳза ёнма-ён бордик. Ниҳоят аёл мен томон ўгирилди.

– Биз танишимиз, деган фикрдаман, – дедим мен.

Аёл диққатини бир ерга жамлашга уринаётгандек кўринди. Бу уриниш ухлаётганида биров телефон қилса, иложи борича уйкусирамай гапиришга ҳаракат қилаётган кишининг ҳаракатини эслатарди.

– Бир-биримизни таниймизми?

У қошларини чимириб, кулранг кўзлари билан менга синчиклаб назар солди.

– Сен-Рафаел йўлида мени ўзингиз билан олиб кетгандингиз... Машина пойлаб турганимда...

– Сен-Рафаел йўли?..

Аёл чуқурликдан босқичма-босқич юқорига кўтарилаётгандек эди.



– Ҳа, ҳа... Эсимга тушяпти...  
 – Мени Пампелон соҳили ёнидаги уйингизга олиб кетгандингиз...  
 Назаримда, унинг кадам ташлашини ростлаб олишга ёрдам қилгандек эдим. Аёл энгил табассум қилди.

– Ҳа, ҳа... Бунга унчалик кўп ҳам бўлгани йўқ...

– Уч йил.

– Уч йил... Ундан камроқ вақт ўтган, деб ўйлайман...

Биз йўлканинг ўртасида бир-биримизга қараб турардик. Уни тўхтатиб қолиш учун нима дейишни билмаётгандим. Ҳозир одоб юзасидан нимадир деб, йўлида давом этиши тайин эди. Жимликни биринчи бўлиб аёл бузди:

– Июль ойида Парижда юрибсизми? Таътилга чиқмадингизми?

– Йўқ.

– Катта йўлда энди машина тўхтатмай қўйдингизми?

Унинг кўзларида қувлик аломати бор эди.

– Агар машинани шу ерларда тўхтатсангиз, сизни олиб кетадиганлар у қадар кўп бўлмасди... – Аёл олдимизда чўзилиб кетган катта кўчага ишора қилди. – Саҳронинг ўзи...

У бир неча кундан бери сўзлашаётган илк одам ўзим эканимга шубҳам йўқ эди. Назаримда, бу оқшом Султ хиёбонида, унинг йигирма йил аввалги ҳолатига тушгандекман.

– Ушбу биёбонни кесиб ўтишда менга ёрдам берарсиз, эҳтимол? – деди аёл жилмайганча.

Энди унинг кадамлари бир неча лаҳза олдингига қараганда ишончлироқ эди.

– Эрингиз яхши юрибдими?

Ҳали тугатмасданоқ саволимнинг ноўрин эканини фаҳмладим.

– У саёҳатга кетган...

Аёл қуруққина қилиб жавоб қайтарди ва мен бу мавзуда бекор гап очганимни тушуниб етдим.

– Мен жанубдан қайтдим... Бир неча ойдан бери шу даҳада яшяпман...

У юзини мен томон ўгирди ва кўзларида хавотир аломатлари бор эканини пайқадим.

– Сиз-чи? Бу томонларни яхши биласизми?

– Унчалик эмас.

– Унда аҳволимиз бир хил экан.

– Шу атрофда турасизми?

– Ҳа, кўп идоралар жойлашган каттакон уйнинг энг юқори қаватида...

Теварак-атрофни томоша қилиш учун жуда яхши жой, лекин уйим ҳаддан зиёд сокин...

Индамай туравердим. Қоронғи туша бошлаганди.

– Сизни ушлаб қолдим... – деди аёл менга. – Эҳтимол, қиладиган ишларингиз бордир?..

– Йўқ.

– Жон деб сизни уйимга, кечки овқатга таклиф қилардим, лекин ейдиган ҳеч нарсам йўқ.

У иккиланаётганди, қошларини чимирди.

– Қаҳвахонами, очик ресторанми қидириб кўрсакмикан...

Кейин у олдинга, бўм-бўш хиёбонга, ҳозиргина куёш ботиб япроқлари қорайиб кўрина бошлаган ниҳояси йўқ дарахтзорга назар ташлади.

Кўп йиллар ўтгач, Кавано шу даҳадан мўъжазгина хонани ижарага олди. (У ҳозир ҳам ўша ерда яшайди). Бу оқшом ҳам ўша ерда, Аннет билан бир-

гадир. Океания ва Африкадан келтирилган ниқоблар билан тўлиб-тошган иккита кичкина хона дим бўлиб кетгандир; бундай пайтда Аннет тоза ҳаводан нафас олгани ташқарига чиқади. У Дюкесн хиёбони бўйлаб сайр қилмоқда. У мени ўйлаётган бўлиши, Ингрид ва Риго бомбардимонларни бошларидан ўтказган Дорэ йўлагига мени излаб келиб қолиши мумкинлигини истисно қилмайман. Ана шу тарзда, биз бир жойнинг ўзида бемақсад айланиб юрамиз ва йиллар ўтиб учрашиб қоламиз.

Кавано яшайдиган уйдан юз қадамча нарида, Ловендал кўчасидаги бир ресторан очик экан. Ўшандан бери мазкур ресторан олдидан кўп марта ўтдим. Кавано сабабли ушбу даҳани яхши билиб олган бўлсам ҳам, ҳар сафар, ўша оқшомда ўзимни Ингрид билан Парижда эмас, номи номаълум бошқа бир шаҳарда ўтиргандек ҳис қилганимни эслайман.

– Мана шу жой жуда қулай...

У мени ҳайратга солиб, буйруқ маъносида столлардан бирига ишора қилди. Йўлкада кўриб қолганимда ёлғиз ўзи қанчалар иккиланиб қадам ташлаганини эсладим.

Меҳмонхона ичидаги ресторан. Ҳаяжондан ўзини йўкотаёзган бир гуруҳ японлар юқларини ерга қўйиб, қабул пештахтаси олдида туришарди. Залнинг безаклари жуда замонавий эди: деворларига қора ялтироқ бўёқ сурилган, ойнаванд столлар, чарм ўриндиқлар, шифтда думалоқ қандиллар. Бир-биримизга қараб ўтирдик, Ингриднинг ортидаги аквариумда тангалари чироқ шуъласида товланаётган балиқчалар сузиб юришарди.

У таомнома билан таниша бошлади.

– Сизга овқат бериш керак... Сизнинг ёшингизда куч тўплаш зарур...

– Сиз ҳам куч тўпланг, – дедим унга.

– Йўқ, менинг қорним оч эмас.

У мен учун салат ва гўштли овқат буюрди, ўзига эса карамли салат танлади.

– Бирор нарса ичасизми? – сўради аёл.

– Йўқ.

– Спиртли ичимлик ичмайсизми? Мен бироз ичсам майлими?

“Рухсат бермаса-я”, деётгандек менга ҳаяжон билан қараб турарди.

– Майли, – дедим унга.

У бошини кўтариб хизматчига қаради.

– У ҳолда... Битта пиво...

Аёл ўзини қандайдир уятсиз ёки тақиқланган иш қилаётгандек тутаётганди.

– Виски ёки бошқа ичимликлардан ўзимни тияман... Озгина пиво ичман, холос...

Бу сафар унинг кўзларида ҳавотир эмас, кўпроқ тушқунлик аломатлари бор эди. Бундан шунчалар ҳайратга эдимки, унинг кўнглини кўтара оладиган бирон сўз тополмай қолгандим. Ниҳоят:

– Менимча, адашяпсиз... Пиво ичадиган кўп аёлларни биламан, – дедим.

– Шундай денг? Ундайларнинг кўпини танийсизми?

Унинг жилмайиши ва ҳазиломуз қарашидан хотиржам тортдим: яқиндагина уни йўлка устида тўсатдан учратиб қолганимда, бу ўша Ложувард соҳилда мен таниган аёлми ўзи, деган фикр хаёлимдан ўтганди. Йўқ, у уч йил ичида сира ўзгармабди.

– Ҳаётда қандай яхши ишлар қилаётганингизни айтиб беринг, – деди менга Ингрид.

Унга салат ва пиво келтиришди. Бир неча қултум ичди, лекин салатга

қўл теккизмади. Унинг квартирасида ана шундай салат ва пиво қаршисида, сукунат ичида ёлғиз ўтиришини тасаввур қилдим. Ўша пайтларда бундай сукунат менга таниш эмасди, ҳозир эса у билан қадрдон бўлиб кетганмиз.

Унга “қандай яхши ишлар” қилаётганим ҳақида кўп нарса айтиб бера олмадим. Янги ерларни кашф қилишга қизиқишим ва тез кунда Бразилияга жўнаб кетишим тўғрисида икки оғиз гапирдим, холос. Ингриднинг айтишича, Рио де Жанейрода бир неча кун бўлган экан. У пайтларда у менинг ёшимда бўлган, Америка Қўшма Штатларида яшаган экан.

Менинг саволларимга ҳозиргача нима сабабдан бунчалар батафсил жавоб берганини тушунтириб бера олмаيمان. У ўзини сира ёқтирмаслигини, ўзи ҳақида гапиришга иштиёқманд эмаслигини сезиб турардим. У кўп нарсаларга қизикаётганимни фаҳмлаганди ва ўзи айтгандек, “оқшомимни бекорга ўтказишимни хоҳламаётгани”.

Баъзан, кимдир сизга диққат билан назар солганда унга бор тажрибангизни эмас, ҳаёт оқими деб аталадиган ва узилиб кетай-кетай деб турган кўринмас ишга тизилган, эндиликда унут бўлаёзган баъзи тафсилотларни шунчаки айтиб бериш истаги туғилади.

Ингрид ҳикоя қилаётганида унинг ортидаги балиқчалар дам-бадам тумшуқларини аквариумнинг ойнасига ишқалар, кейин кичкина чирок ёритиб турган зангори сувда чарчоқ билмай сузишда давом этарди. Вақтнинг кеч бўлиб қолганидан ва ўтирган жойимизни тарк этиш фурсати етганидан дарак бериб, шифтдаги қандилни ўчирдилар. Бизга аквариумнинг ёруғигина тушаётганиди.

Тун соат бирда хиёбондаги йўлкада сукунат ҳукмрон, ҳаттоки япроқларнинг тунги шивирини аниқ эшитиш мумкин эди. Ингрид мени қўлтиқлаб олди:

– Уйимгача кузатиб қўясиз.

Бу сафар унга суянчиқ керак эди. Ҳозир аҳвол иккимиз Ситадел кўчасидан пастга қараб кетаётган оқшомдагидан ўзгача эди; ўшанда ҳаётимда биринчи марта ўзимнинг кимнингдир ҳимоясида эканимни ҳис қилгандим. Шундай бўлса-да, бир неча қадам босганимиздан кейин яна у етакчилик қила бошлади.

Биз катта-катта ромлари қора ойналар билан қопланган бинонинг олдига етиб келдик. Энг юқори қаватдаги иккита деразагина ёруғ эди.

– Чирокни ҳар доим ўчирмай кетаман, – деди Ингрид. – Кўнгил хотиржам тортади.

У жилмайди. Ўзини анча босиб олганди. Балки мени хотиржам қилиш учун у ўзини атрофдаги нарсаларга хотиржам қарайдиган қилиб кўрсатгандир. Кўчанинг бу қисмида дарахтлар экилмаган, икки четига Ингрид яшайдиган уйга ўхшаш, ойнаванд деразалари коп-коронғи бинолар қуриб ташланганди. Каваноникига борадиган бўлсам, ўша жойлардан ўтишимга тўғри келарди. Бу ер Париж эмасди ва кўча ҳеч қаёққа олиб чиқмасди. Тўғрироғи, у мавҳумлик сари етакларди.

– Сизга телефон рақамимни бериб қўйсам... – Ингрид сумкачасини кавлаб ручка тополмади.

– Оғзаки айтаверинг... Эслаб қоламан...

Монмартрга, Кашфиётчилар клуби биносидаги хонамга қайтгач, рақамни ёзиб қўйдим. Кейинги кунлар унга қайта-қайта кўнгироқ қилдим. Ҳеч ким жавоб бермади. Ниҳоят рақамни нотўғри эслаб қолгандирман, деган хулосага келдим.

Четлари қорамтир темирдан ясалган ва ёруғлик ўтказмайдиган ойна

билан қопланган эшикни очаётиб, Ингрид ўгирилди ва кулранг кўзларини менга қадади. Аста кўлини кўтариб, сўнги марта кимгадир тегинаётгандек, бармоқларининг учи билан чаккамни, ёнокларимни силади. Кейин у кўлини пастга туширди ва орқасидан эшик шарақлаб ёпилди. Тўсатдан пастга туширилган кўл ва ёпилаётган эшикнинг товуши менга ҳаётда қалб иш бермай қоладиган сониялар муқаррар эканини хабар қилаётгандек эди.

## 7

Пардоз столи устида турган мойчироқни олиб, яна бир марта ойнаванд жавонни кўздан кечирдим. Ҳеч нарса йўқ. Тилзит кўчаси, 3-уйга, Ригого жўнатилган, кейин Султ хиёбони, 20-уйга қайта юборилган мактубни чўнтагимга солиб қўйдим ва йўлакка чиқиб уйнинг иккинчи хонасига кирдим.

Деразадаги темир дарпардаларни очишга қийналдим, негаки ошиқ-мошиқлари занглаб кетганди. Мойчироқнинг ёруғига энди эҳтиёж йўқ; деразанинг тўғрисидаги кўча чироғидан хонага оқиш ёғду тушиб турарди.

Чап томонда кичкина токча ва тепасида ҳеч нарса йўқ жавон. Ёски услубдаги бир жуфт чанғи панжара тўсикқа суяб қўйилган. Токчанинг пастида картондан ясалган жомадон. Ичида чанғи учишда кийиладиган бир жуфт пайпоқ ва суратли журналдан олинган саҳифа. Унда бир неча сурат борлигини илғадим. Силлиқ қоғозли саҳифани кўлимга олдим ва суратлар атрофидаги маттни ўқидим:

*“МЕЖЕВ ГАВЖУМ. АЙРИМ ЁШЛАР ҲАРБИЙ ТАЪТИЛНИ, БОШҚА БИРЛАРИ АРМИЯГА КЕТИШ АРАФАСИДАГИ КУНЛАРИНИ ШУ ЕРДА ЎТКАЗИШМОҚДА”.*

Суратларнинг иккитасида йигирма ёшли Ригони танидим. Биттасида у чанғи таёқларига суяниб, йўлкага чиқишга тайёргарлик кўряпти, иккинчисида қатта-қатта қора кўзойнак тақиб олган эркак ва аёл билан чорбоғ уйнинг айвонида турибди. Ушбу иккинчи суратнинг тагига: *“Эдуард Бурде хоним, 1939 йилнинг чанғи бўйича университет чемпиони П.Риго ва Энди Эмбрикос”*, деб ёзиб қўйилганди. Эдуард Бурде хонимнинг юзига қалам билан мўйлов чизилган, буни Ригонинг ўзи қилганига ишончим комил эди.

Тасаввуримда, у чанғи, пайпоқлар ва “Ғалати уруш” давридан қолган суратли журнал саҳифасини Тилзит кўчасидаги уйдан Султ хиёбонига олиб келганди. Париж илк марта бомбардимон қилинганида, Ингрид билан паноҳ топган, иккаласи ҳам ертўлага тушишни истамаган оқшомда у ушбу ашёларни аввалги ҳаёти – йигитлик давридан қолган ёдгорликлар ўрнида кўриб, ҳайрат билан томоша қилгандир. Ўзи вояга етган ва йигирма ёшигача уники бўлган олам энди жуда узокларда қолгандек кулгили кўринган бўлса керак, бомбардимоннинг ниҳоясини кута туриб, ўйчан холда қалам билан Бурде хонимга мўйлов чизиб қўйгандир.

Уйнинг эшигини ёпишдан олдин консьерж берган сариқ калит чўнтагимда эканини текшириб кўрдим ва ёндиргични тополмаганимдан нимқоронғида зинадан пастга тушдим.

Ташқарида тун одатдагидан салқинроқ эди. Ёнилғи куйиш шохобчасида зангори коржомали кабилиялик курсига ўтириб, сигарет чекарди. У менга кўли билан ишора қилди.

- Бир ўзингиз ўтирибсизми? – сўрадим ундан.
- У ухлагани кетди. Бироздан кейин жой алмашамиз.
- Кечаси билан ишлайсизларми?

– Ҳа, кечаси билан.  
– Ёзда ҳамми?  
– Ҳа. Менга бунинг қийин жойи йўқ. Уйқуни ёқтирмайман.  
– Агар лозим топсангиз, – дедим унга, – истаган вақтингизда сиз билан жой алмашишим мумкин. Энди шу даҳада яшаяпман ва бошқа қиладиган ишим йўқ.

Рўпарасидаги курсига ўтирдим.  
– Озгина қаҳва ичасизми? – сўради у мендан.  
– Жоним билан.  
У шохобчага кириб кетди ва иккита финжонда қаҳва олиб чиқди.  
– Бир дона қанд солдим. Бўладими?  
Биз курсига ўрнашиб олиб, қаҳва ича бошладик.  
– Уйдан кўнглингиз тўлдими?  
– Жуда хурсандман, – дедим унга.  
– Шу атрофдан бир хонали жой топишдан олдин, дўстимдан уни уч ойга ижарага олгандим.  
– Уй ҳозиргига ўхшаб бўм-бўш эдими?  
– Токчадаги бир жуфт чангидан бўлак ҳеч вақо йўқ эди.  
– Чангилар ҳалиям жойида турибди, – дедим унга. – Уларнинг аввалги соҳиби қаерда эканини дўстингиз билмайдими?  
– Биласизми, у оламдан ўтган бўлса керак.  
У финжонни ёнига қўйди.  
– Агар тирик бўлганида дарагини берган бўларди, – дедим унга.  
У елкаларини қисиб, менга жилмайди. Бир неча сония жим қолдик. У ўй сураётгандек эди.

– Нима бўлганда ҳам, – деди у, – ўша одам қишки спорт турларини яхши кўрган, шекилли...

Меҳмонхонага қайтгач, Ингриднинг ҳаёти ҳақидаги ёзувларим сақланаётган папкага журналдан йиртиб олинган варақ ва Ригого жўнатилган конвертни солиб қўйдим. Тилзит кўчаси, 3-уй, ҳақиқатан ҳам, Поль Риго хонимга тегишли эди. Мен буни эски маълумотномадан текшириб, кейин ёзиб қўйгандим. Ингрид Риго билан Тилзит кўчасида бир неча кун яшаган вақтида, Парижда қор ёққан, улар меҳмонхона ойнасидан атрофни қоплаётган, шаҳарни сукунат, хотиржамлик ва уйқу кўрпасига буркаётган қорни томоша қилишганди.

Пешинга яқин уйғондим ва кечгача Аннетдан хабар ёки кўнғирок бўлиб қолар, деган умид билан ўтирдим. Фавворалар майдонининг нариги томонидаги қаҳвахонада нонушта қилиб қайтгач, телефон қилишса, чақиришни унутиб қўймаслиги учун, меҳмонхона соҳибига хонамда кечгача бўлишимни айтдим.

Деразани ланг очиб қўйдим. Ёзнинг яна бир куни. Жазирамадан асар қолмаган. Бир тўда болаларни етаклаб ўқитувчилар Мустамлакалар музейи томон кетмоқда. Улар музқаймоқ сотувчини ўраб олишди. Фаввора томчиларида куёш нурлари шуълаланади ва мен қийинчиликсиз ушбу лаҳзалардан Ингрид Ригони илк марта учратган узок қиш фаслига кўчдим. Фасллар, ўтмиш ва бугунги кун орасидаги чегаралар ғойиб бўлди.

Ноябрь ойининг сўнгги кунлари эди. Ҳар доимгидек Шателедаги ракс мактаби машғулоти кун ярмида тугади. Орнано кўчасидаги меҳмонхонада кутаётган отасининг ёнига қайтиш учун қизнинг вақти оз қолган, иккаласи у ерда куз бошланганидан бери яшаётганди: ўша оқшом



комендантлик вақти бутун даҳа бўйлаб соат олтида бошланиши керак эди, негаки бир кун олдин Шампионе кўчасида немис аскарларига қарши суиқасд уюштирилганди.

У Шателе театри сахнасида қўйилган “Вена вальси” да бир ҳафта дугоналари билан рақс тушиб, ҳаётида биринчи бор пул ишлаб топганди. Нақд эллик франк. Қоронғи туша бошлаганда қиз метро томон йўналди. Нима учундир тушкун кайфиятда эди. Доктор Жуган Монпельега кўчиб кетган, энди у Отейдаги шифохонасида аввалгидек отасига иш бериб, унга ёрдам кўрсатолмасди. У Монпельега, босқинчилардан озод ҳудудга келишни таклиф қилган, лекин бунинг учун чегарани яширинча кесиб ўтишга тўғри келарди... Албатта, доктор отасини Отейдаги шифохонада ишлаётганларга ҳам тавсия қилганди, лекин доктор Жугандаги олийжаноблик ва мардлик ҳаммада ҳам бўлмас экан: улар яҳудий сифатида рўйхатга олинган Австрия фуқароси шифохонада яширинча ишлашидан хабар топишларидан кўркишаётганди...

Метро вағонидаги тиқилинчда қизнинг нафаси сиқилди. Соат олтида кучга кирадиган комендантлик соати сабаб одам одатдагидан кўпроқ эди. Страсбург-Сен-Дени бекатида шунчалар кўп одам вагонга чикдики, эшиклар ёпилмай қолди. “Вена вальси” учун олинган эллик франкка вело-такси ёки фойтун ёлласа бўларкан.

У доимгидек Симплонда эмас, Барбе-Рошешуарда тушди. Соат беш ярим бўлганди. Қиз меҳмонхонагача тоза ҳавода юриб боришни афзал билди.

Барбе кўчасининг бошини худди чегарани кўриқлаётган мисол, немис аскарлари ва француз полициячилари ўраб олишганди. Агар ўн саккизинчи даҳага қайтаётганларга эргашиб кўчага кирадиган бўлса, бир умр чегара чизиғидан қайтиб чиқмаслиги аниқ эди.

У Рошешуар кўчасининг тўққизинчи даҳага борадиган чап йўлкасидан юрди. Қиз вақти-вақти билан комендантлик чегараси бўлган қарама-қарши йўлкага қараб қўярди; ҳали соат бонг урмаган, лекин у томон қоронғирок эди: чегара ёпилишига яна ўн беш дақиқа бор, агар ҳозирнинг ўзида уни кесиб ўтмаса, у ҳеч қачон отасининг олдига боролмайди. Даҳадаги метро бекатлари ҳам соат олтида ёпилади. Пигал майдонида яна бир чегара пости бор. Немис аскарлари юк машинаси атрофида уймалашимокда. Лекин у Клиши хиёбони бўйлаб ўша йўлканинг ўзидан ҳамон тўғрига кетяпти. Ўн дақиқадан сал кўпроқ вақт қолди. Бланш майдони. Шу ерда бир нафас тўхтади. Қиз майдонни ва чегарани кесиб ўтишга тараддувлана бошлади. Уч қадам юриб, яна тўхтаб қолди. У тўққизинчи даҳа ҳудудига, Бланш майдони йўлкасига қайтди. Беш дақиқадан сал кўпроқ вақт бор. Васвасага учмаслик ва нариги томонни қоплаган зулмат ютиб юбормаслиги учун тўққизинчи даҳанинг йўлкасидан боравериш керак. Қиз “Палмье” қаҳвахонаси ва Бланш майдонидаги дорихона оралиғида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. У отаси ҳақида ўйламасликка уринаётганди. Телбаларча санай бошлади, йигирма уч, йигирма тўрт... йигирма олти, йигирма етти... Соат олти бўлди. Олтидан беш дақиқа ўтди. Олти-ю ўн. Бўлди. Ҳаммаси тамом.

Энди комендантлик худуди бошланадиган томонга қарамасдан йўлка бўйлаб тўғрига кетавериш керак. Тор кўприк устидан ўтаётгандек ва ҳар лаҳзада йўқлик қаърига сингиб кетиши мумкиндек, қиз кўркиб қадамни тезлатди. У тураржойлар пештоқи ва ўтган йили ўзи қатнаган лицейнинг деворларига диққат билан тикилди.

Мана, у Клиши майдонини кесиб ўтиб, ниҳоят, ўн саккизинчи даҳага

орқа ўғирди. Комендантлик соатида зулматга бурканган ушбу даҳа орқада қолди. Қиз ўзини чўкаётган кемадан вақтида сакраб тушиб қолган йўловчидек ҳис қилмоқдайди. У отаси тўғрисида ўйлашни истамас, ҳамон ҳеч ким, ҳеч қачон чиқиб кета олмайдиган ушбу қоронғи ва жимжит ҳудуд жуда яқинлигини ҳис қиларди. Қочиб қолиб, жуда тўғри қилди!

Метрода ва Барбе-Рошешуар чорраҳасида турган аскар ва полициячиларни кўрганда юрагини ўртайдиган нафрат ҳисси энди уни тарк этганди. Олдида чўзилиб ётган хиёбон узокқа, ғарбга, шамол уфуриб, сув томчиларини юзингизга сачратаётган денгиз соҳилига олиб борадиган, ўрмон оралаб кетган катта йўлга ўхшаб туюларди.

Қиз Юлдуз майдонига етиб келганида ёмғир ёға бошлади. Тилзит кўчасидаги йўлаклардан бирига кириб олди. Кўшни бинонинг биринчи қаватида “Учрашув” қаҳвахонаси бор эди. Спорт камзули ва эскиб қолган жемперидан уялиб, у ерга киришга узок иккиланиб турди.

Қиз ичкарироқдаги стол ёнига ўтирди. Ўша окшом миждозлар кўп эмасди. Пианиночи “Вена вальси” оҳанглиридан бирини чала бошлаганида сесканиб тушди. Официант аёл унга какао ва макарон олиб келгач, ғалати қараш қилди. Қиз бу ерда ўтиришга ҳаққим бормикан, деган хаёлга борди. Қаҳвахонага вояга етмаганларнинг ёлғиз келишлари тақиқлангандир, эҳтимол. Нега бу ҳақида эслади экан? У ўн олтига кирган, лекин кўринишдан йигирма ёшга ўхшарди. Қиз макаронни чайнашга уриниб кўрди, какао ҳам рангпар, деярли кўкиш эди. Ундан шоколад таъми келмасди. “Вена вальси” сахнасидаги роли учун олган эллик франк ҳисоб-китобга етармикан?

Қаҳвахона ёпилганидан кейин яна кўчада қолади. Ярим тунгача бошпана топиши керак. Комендантлик соатидан кейин-чи? У саросимага тушди. Соат олтидаги комендантликдан қочиб, деворларга тикилиб юрганида бу ҳақда ўйлаб кўрмаганди. Қиз кўшни столда икки йигит ўтирганини кўрди. Биттасининг эғнида оч кулранг камзул. Думалоқ ва қизил ёноғига юпка лаблари мос тушмаганди. Оқиш сочлари орқага таралган. Ўнг кўзининг тағидаги доғ сабаб, нигоҳи жиддий кўринаётганди. Иккинчиси, буғдойранг, эғнида жун куртка. Шивирлаб сўзлашишмоқда. Қизнинг кўзлари буғдойранг йигит нигоҳи билан тўкнашди. Шериги кескин ҳаракат билан тилларанг қутидан сигарет олди, лабларига қистириб, худди шундай зарҳал ўт олдиргичда тутатди. У шеригига ҳисоб бераётгандек, баъзан қаттиқроқ гапириб юборар, лекин пианино товушидан ҳеч нарсани эшитиб бўлмасди. Буғдойранг йигит вақти-вақти билан тасдиқ маъносида бошини тебратиб кўярди. Нигоҳлар яна тўкнашганда йигит қизга жилмайиб қаради.

Кулранг камзулдаги малла йигит буғдойрангга чапаниларча қўл силтаб хайр, деган бўлди ва қаҳвахонадан чиқиб кетди. Пианиночи ҳамон “Вена вальси”ни чалмоқда, қиз қаҳвахонанинг ёпилиш вақти бўлмадимикан, деган хавотирдайди.

Атрофдаги ҳамма нарса чирпирак бўлиб айланаётгандек. Қиз асабий титроқни босишга уринарди. У стол четини маҳкам ушлаб олди ва финжондаги какао ҳамда еб бўлмайдиган макаронга тикилганча қотиб қолди.

Буғдойранг йигит ўрнидан туриб, қизга яқинлашди.

– Тобингиз қочди, шекилли...

Йигит ўрнидан туришига ёрдам берди. Ташқарига чиқиб, ёмғир остида бир неча қадам босишди ва қизнинг аҳволи анча енгиллашди. Йигит уни қўлтиқлаб олганди.

– Уйимга қайтолмадим... Ўн саккизинчи даҳага... комендантлик соатини деб...

Қиз бу сўзларни оғир юкдан халос бўлишни истаётгандек жуда тез айтди ва кутилмаганда йиғлашга тушди. Йигит билагидан маҳкам ушлади.

– Мен шу яқин орада яшайман... Ҳозир меникига борасиз...

Улар кўчага бурилиб, фонарлар оғизгина нур сочиб турган йўлни кесиб ўтишди.

– Ҳаётда қандай яхши ишлар билан машғулсиз?

Йигит бу саволни, қизда ишонч уйғотиш учун мулоқим оҳангда берди.

У йиғлашдан тўхтади, лекин кўз ёшлари ёноқларидан пастга оқиб тушаётганини ҳис қиларди.

– Раққосаман.

Улар панжарали дарвозадан ўтиб Юлдуз майдони четидаги серхашам иморатлардан бирининг ҳовлиси бўйлаб кетаётганларида қиз ўзини ноқулай ҳис қилди. Иккинчи қаватда йигит эшикни очиб, қизга йўл берди.

Чирок ва қандиллар ёқиб қўйилганди. Ёруғлик ташқаридан кўринмаслиги учун пардалар тортилган, қиз умри бино бўлиб бунчалар кенг, баланд шифтли хоналарни кўрмаганди. Улар даҳлиздан, кейин деворлари қадимий китоб жавонлари билан жиҳозланган хонадан ўтишди. Меҳмонхонадаги каминда олов ёнарди. Йигит қизга пальтосини ечиб, диванга ўтиришни таклиф қилди.

– Уйингизга телефон қилиб олишингиз мумкин.

У телефонни диван устига, қизнинг ёнига қўйди. Қиз бир дам иккиланди. Рақамларни эслади: Монмартр 33-83, меҳмонхонанинг биринчи қаватидаги қахвахона рақами, агар комендантлик соати сабаб қахвахона ёпилмаган бўлса. У иккилана-иккилана рақам терди. Қахвахона хўжайини гўшакни кўтарди. Йигит камин олдида бироз энгашиб турар, темир таёқча билан ўтин қалаётганди.

– Доктор Тейрсенга хабар қолдирсам майлими?

У бу исмни такрор ва такрор айтишга мажбур бўлди.

– Меҳмонхонада яшайдиган доктор... Ҳа... Қизиман... Ҳаммаси яхши экан, деб қўйинг...

Қиз гўшакни қўйди, жудаям тез қўйди. Йигит келиб, ёнига ўтирди.

– Меҳмонхонада яшайсизми?

– Ҳа. Отам билан.

Меҳмонхонадаги ота-бола яшайдиган гўша йигит яшайдиган уйнинг бир бурчагида йўқ бўлиб кетарди. У меҳмонхонага кириш эшиги, иккинчи қаватга олиб чиқадиган, қизил пойандоз тўшалган тик бурама зинани кўз олдига келтирди. Йўлакнинг ўнг томонида 3- ва 5-хоналар. Ва манави ҳозир ўзи ўтирган уй, унинг шойи пардалари, нақшинкор ёғочлари, хашаматли қандиллар, картиналар... Ростдан ҳам, шаҳарнинг ўзидаманми ёки метрода Орнано кўчасига фойтунда қайтаётганимни тасаввур қилганимдек, туш кўряпманми, деган фикр хаёлидан ўтди. Айтмоқчи, бу ердан Орнанога метронинг ўн бекатичалик масофа бор, холос.

– Ўзингиз-чи? Сиз шу ерда яшайсизми?

– Ҳа.

Йигит ўнғайсизлангандек бош силкиб қўйди.

Нимадир қизда ишонч уйғотганди. Ҳозиргина йигитнинг кескин ҳаракат билан телефонни диван устидан оламан деб, камзулининг астарини йиртиб қўйганини кўрди. Кейин катта-катта бошмоқлари, биттасининг ҳатто ипи ҳам йўқ.

Улар ошхонада, уйнинг ичкарасида тамадди қилишди. Лекин дастурхон камтарона эди. Кейин меҳмонхонага қайтишди ва йигит унга:

– Бугун шу ерда қоласиз, – деди.

У қизни кўшни хонага бошлаб кирди. Қандил баланд, тахтиравонга ўхшаб кетадиган, нақшинкор устунли, шойи парда билан ўралган каравотни ёритиб турарди.

– Бу хона онамники эди...

У қизнинг тахтиравон каравот ва меҳмон кутадиган хона каби катта ётоқдан хайратга тушганини сезиб турарди.

– Онангиз бу ерда энди яшамаяптими?

– У ўлган!

Жавобнинг кескинлигидан қиз ноқулай аҳволга тушди. Йигит унга жилмайди.

– Ота-онасиз яшаётганимга жуда кўп бўлди.

У ҳаммаёқни текшириб чиқаётгандек, хона ичида у ёқдан-бу ёқка юрарди.

– Менимча, бу ерда ўзингизни бемалол ҳис қилолмайсиз... Кутубхонада ухлаганингиз маъқулроқ...

Қиз бошини эгиб турар ва кўзларини тахтиравон каравот, қандил, ўймакор ёғоч безаклар ва шойи пардаларга сира мос келмаётган ипи йўқ катта бошмоқдан узолмасди.

Йигит деворда китоблар терилган хонадаги диванни қизга кўрсатиб:

– Ҳозир жой тайёрлаб бераман, – деди.

Чойшаблар нафис, кулранг-пушти матодан, четлари уқали эди. Йигит шотланд жунидан тўқилган кўрпа ва ғилофсиз кичкина ёстиқча олиб келди.

– Топганим шу бўлди.

У узр сўраётгандек эди.

Қиз жой ҳозирлашда унга ёрдам берди.

– Совуқ емасиз деб умид қиламан... Иситиш тизимини ўчириб қўйишибди...

Қиз диваннинг бир четига жойлашиб олгач, йигит кутубхона бурчагидаги эски чарм ўриндиққа ўтирди.

– Шундай қилиб, раққосаман денг?

У бу гапга ишонмаётгандек, қизга жилмайиб қараб турарди.

– Ҳа. Шателеда. “Вена вальси”нинг сахна кўринишида иштирок этаётгандим. – Унинг товушида биров мағрурлик оҳанги пайдо бўлди.

– Ҳеч қачон Шателеда бўлмаганман... Лекин сизни кўргани бораман...

– Бахтга қарши, ишимни давом эттира оламанми-йўқми, билмайман...

– Нега?

– Чунки отам иккимизнинг муаммоларимиз бор.

Қиз ичидагини тўқиб солишга иккиланаётганди, лекин астари йиртилган жун камзул ва ипсиз бошмоқ уни шунга ундаётганди. Қолаверса, йигит уйнинг ҳашамати ва дабдабасига мос келмайдиган чапани сўзларни ишлатарди. Ҳатто унинг шу ерда чиндан ҳам яшашига шубҳа уйғонганди. Лекин китоб тоқчаларидан бирида турган ёшлигида олинган суратда у жуда хушбичим аёл, афтидан, онаси билан тушганди.

Йигит чиқиб кетаётиб, хайрли тун тилади ва нонуштага асил қаҳва билан меҳмон қилажагини айтди. Қиз хонада ёлғиз қолди, бироқ чирокни ўчирмади. Ўн саккизинчи даҳадаги кечки комендантлик соати сабаб отаси ва Орнано кўчасидаги меҳмонхонани эслатадиган қоронғилиқдан кўрқиб қолганди. Қатор териб қўйилган китобларни, сутранг шиша қалпоқли лампани, шойи пардалар, дераза ёнидаги Людовик XV замонидан қолган ёзув столини томоша қилиб ётиш, баданингга тегиб турган чойшабнинг хушбўй

хидини, жун ёпинчиқнинг энгиллигини ҳис қилиш нақадар хотиржамлик бағишлайди... У йигитга ёлғон гапирди. Биринчидан, ўн тўққиз ёшдаман, деди. Ундан кейин у Шателеда раққоса эмасди. Кейин у йигитга: “Отам уруш бошланишидан олдин Францияга кўчиб келган, Отейдаги клиникада ишлайди, австриялик доктор”, деб айтди. У муаммонинг моҳиятини тушунтирмади. Шунингдек, ўзлари вақтинча меҳмонхонада яшаётганини, отаси янги квартира кидираётганини айтди. У Орнано кўчасига қайтиб бормаслик учун комендантлик соати вақтини атайлаб ўтказиб юборганини тан олмади. Бошқа пайтда қизнинг хатти-ҳаракати унчалик ҳам эътиборини тортмаган бўларди, бу ҳолатни унинг ёшидаги қиз учун одатий “уйдан қочиш”, деб аташ мумкин эди.

Эртасига у Орнано кўчасидаги меҳмонхонага қайтиб бормади ва яна Монмартр 33-83га қўнғироқ қилди. “Доктор Тейрсеннинг қизи номидан хабар қолдирмоқчиман. Унга хавотир олмас экансиз, деб айтиб қўйинг”. Лекин қаҳвахона хўжайини, Ингрид уни овозидан таниди, отаси қўнғироғини кутаётганини, ҳозир бориб уни чақириб келишини айтди. Шунда қиз гўшакни қўйиб қўйди.

Яна бир кун ўтди. Кейин яна бир кун ортда қолди. Қиз ва Риго, қўшни Армайе кўчасида жойлашган, яширинча фаолият юритадиган ресторандаги кечки овқатни ҳисобга олмаганда, уйдан ташқарига чиқмай қўйишди. Бир марта Елисей далалари кўчасида кинотеатрга боришди, фильм “Тортиш” деб аталарди. Яна бир неча кун ўтди ва қиз Монмартр 33-83га қайтиб телефон қилмади. Қиш келди. Яна янги суиқасдлар уюштирилди ва бу сафар комендантлик соати беш яримдан бошлаб бир ҳафта муддатга белгиланди. Бутун шаҳар зулмат, совуқ ва сукунат оғушида қолди. Қаерда бўлсанг ҳам, ўша ерда ўз қобилингга ўралиб олишинг, иложи борица кам ҳаракат қилиб кутишинг керак эди. У Ригони ташлаб кетгиси келмас, Орнано кўчаси эса узоқларда қолиб кетганга ўхшарди...

Комендантлик соати ҳафтаси охирида қолган эди, Риго уй сотилаётганини қизга тушунтирди. Бино чет элга қочиб кетган бир яхудийники бўлиб, унинг мол-мулки рўйхатга олинганди. Лекин Риго Венсен ҳайвонот боғи ёнидан янги квартира топганини, агар қиз хоҳласа, бирга олиб кетишга тайёр эканини айтди.

Бир оқшом улар Армайе кўчасидаги ресторанда оч кулранг камзулли, қовоғида доғи бор малла билан кечлик қилишди. Ингрид ич-ичидан уни ёқтирмади ва унга ишонқирамади. Лекин малла хушмуомала экан, қиз раққосаман дегач, Шателе тўғрисида унга саволлар берди. Ригога у сенсираб мурожаат қилаётганди. Улар болалиқдан, Пасси мактаб-интернатининг биринчи синфидан бир-бирларини танир, малла ўша йиллар ҳақида узоқроқ гапирмоқчи бўлганди, Риго уни тўхтатди:

– Етар... Ёқимсиз хотиралар булар...

Малла қора бозорда фирибгарлик билан пул топарди. У Ош хиёбонидаги ҳашаматли бинолардан бирида ваколатхона очган рус ва бир талай бошқа “қизиқарли” кишиларни билар, Ригони ҳам улар билан таништириш ниятида эди.

– Бунинг кераги йўқ, – деди Риго. – Париждан кетмоқчиман....

Сухбат яна квартира мавзусига кўчди. Малла Риго жўнаб кетишидан аввал барча жиҳоз ва картиналарни сотиб олиш ниятида эди. Бу ҳақида ўзи воситачилик қилаётган баъзи “танишлари”га айтиб улгурибди. Малла ўзини қадимий мебеллар билимдони қилиб кўрсатишга уринарди. У ўзини асилзодалардек тутар ва Наполеон маршалларидан бири бобокалони



бўлганини алоҳида таъкидларди. Риго унга оддийгина Пашеко, деб мурожаат қилаётганди. Ингрид билан танишаётганида у енгил таъзим билан: “Филипп де Пашеко бўламан”, деганди.

Эртасига тушдан кейин кимдир эшик кўнғироғини чалди. Ёқали куртка кийиб олган бўйи паст бир йигит уни Пашеко юборганини айтди. У панжарали дарвозани очиб, юк машинасини ҳовли ичкарасига киритган ва бунга ҳеч ким эътироз билдирмаса керак, деган умиддайди. Юкчилар мебелларни бир жойга тўплашга киришганларида Ингрид ва Риго меҳмонхонанинг нарига бурчагига ўтиб олдилар. Лекин кўп ўтмай ташқарига чиқишганида эшик олдида усти ёпиқ юк машинаси турарди.

Улар пастликка энган Ваграм кўчаси бўйлаб юриб кетди. Йўлкаларни кўмган қор эриб кетган, булутлар орасидан кишнинг куёши эринибгина мўраларди. Риго Пашеко кечки пайт жиҳозлардан тушган пулни олиб келгач, улар ўша заҳоти янги уйга кўчиб ўтишларини қизга айтди. Ингрид бу ерни ташлаб кетаётганидан хафа эмасди, аксинча, енгил тортди.

Улар Терн майдонига етиб келишганда кутилмаганда қизни титроқ босди: ўша окшом комендантлик соатида қочиб келган йўлидан орқага, тўғри Монмартр томонга, Орнано кўчасидаги меҳмонхонага қайтсамикан?.. Қиз ўриндикка ўтирди, асабий титрарди.

– Сенга нима бўлди?

– Ҳеч нима. Ҳозир ўтиб кетади.

Улар ортга қайтишди. Риго қизнинг елкасидан кучиб олган, Ваграм кўчасидан Юлдуз майдонига қайтар эканлар, қиз аста-секин тинчланди.

Зина олдида энди яна бир усти ёпиқ юк машинаси ҳам турарди. Людовик XV замонидан қолган жиҳозлар, жавон ва қандилни кўпчилик бўлиб унга ортишаётганди. Куртка кийиб олган пакана йигит юкчиларнинг кириб-чиқишини назорат қиларди.

– Ҳали кўпми? – сўради Риго.

Йигитча минғирлаб жавоб берди:

– Йўқ-йўқ... Деярли тугатдик... Барча юкни шу яқин орага... Ош кўчасига олиб боряпмиз...

Пашеко айтган ўша рус идора очган серҳашам бино тўғрисида гап бораётганига шубҳа йўқ эди.

– Юк анчагина экан...

Қиз зина устида уларга қараб турар, дам бир оёғини, дам иккинчисини кўтариб туширарди.

Кутубхонада китоблардан бошқа ҳеч вако қолмаган, ҳатто пардаларни ҳам юлиб олишганди. Меҳмонхонадаги гиламларни думалоқлаб ўраш якунига етаётганди. Картиналаргина ўз жойида қолибди. Ингрид ва Риго меҳмонхона ёнидаги кичкина ётоқхонага киришди, юкчилар бу ерда кичик бир диванни унутиб қолдиришганди.

Кеч соат еттиларда элликларга кирган, юзи ялтиллаган, мўйна пальтоли, сочлари кумушранг бир одамни эргаштирганча Пашеко кириб келди. У ҳамроҳини маркиз де Ю. деб таништирди. У картиналарни кўриб, уч-тўртгасини, келишилса, ҳаммасини сотиб олмоқчи эди. Курткали пакана йигит ҳам уларнинг ортидан кириб келди. Кўринишидан маркизни жуда яхши танирди, негаки айнан у маркиз де Ю.га яқинлашиб:

– Молни кўргани келдиларми? – деб минғирлади.

Маркиз де Ю. пальгосини ечмасдан туриб меҳмонхонадаги картиналарни бирма-бир кўздан кечира бошлади. Камзулли пакана унинг ортидан ва вақти-вақти билан “Олинадими?” деб сўрарди.

Маркиз де Ю. тасдиқ маъносида бош ирғагач, суратни қозикдан олар ва деворга суяб қўярди. Ниҳоят барча картиналар пастга туширилди. Ингрид билан Риго аралашмади. Маркиз де Ю. Пашекога ўгирилди:

– Дўстингиз биз таклиф қилган нархга ҳалиям розими?

– Рози.

Пировардида Риго уларнинг олдига келишга мажбур бўлди ва маркиз де Ю. унга:

– Ҳаммасини сотиб оламан. Мебелларни ҳам олган бўлардим, лекин уларнинг менга кераги йўқ, – деди.

– Уларга аллақачон харидор топиб қўйганмиз, – қўшимча қилди Пашеко.

Риго пинагини бузмай улардан нари кетди. Ингрид меҳмонхонанинг бир чеккасида, эшик ёнида турарди. Риго унинг ёнига бориб, бўм-бўш хонанинг ўртасида турган, маркизлик унвони каби яп-янги мўйнали пальтодаги одамга, ёқаси туширилган ёмғирпўш кийиб олган Пашекога ва курткадаги ёш йигитчага назар солди. Улар ҳозиргина ишини тамомлаган, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган ва жинойт содир этган жойларида истаганларича қолишлари мумкин бўлган талончиларга ўхшаб кетишарди. Хонани қандил ўрнига илиб қўйилган, электр симига уланган оддийгина лампочка ёритиб турарди.

Маркиз де Ю. ва курткали пакана хонадан биринчи бўлиб чиқишди ва зинадан пастга туша бошлашди. Пашеко Ригога картон қоғоздан ясалган пойабзал қутисини узатди:

– Ушла... Ҳисобга тўғри эканини текшириб кўрарсан... Бизни кузатиб қўясизларми?

Риго қўлидаги пойабзал қутиси билан зинага йўналди, Ингрид унга эргашди. Улар бинонинг пастки зинаси ёнида тўпланишди. Қоронғи тушган, қор майдалаб ёғарди. Усти ёпиқ юк машиналарининг каттароғи тебраниб бир амаллаб Тилзит кўчасига чиқиб олди. Иккинчи юк машинаси унинг ортидан кўзғалди.

– Кечки овқатни бирга қилсак бўлармиди? – деди Пашеко.

Риго бош ирғаб рози бўлди. Ингрид бир чеккада турарди.

– Меҳмоним бўласизлар, – деди маркиз де Ю.

– Ўтган сафарги ресторанга бора қолайлик! – деди Пашеко.

– Қаердайдир? – сўради маркиз де Ю.

– Армайе кўчасидаги. Пуатри ресторани.

– Яхши фикр, – деди маркиз де Ю. Кейин Ригога юзланди: – Бино мусодара қилинганга ўхшаяпти. Сотиб олса бўладими, суриштириб беришингизни илтимос қилмоқчийдим.

Курткали пакана маркиз де Ю.нинг ёнида тан соқчига ўхшаб турарди. Қор энди паға-паға ёғарди.

– Бир соатдан кейин Пуатри ресторанида кўришамиз, – деди Риго. – Юқорига чиқиб сўнгги марта текширишим керак.

У зинада турган Ингриднинг ёнига боргач, иккови маркиз де Ю. ва унинг ҳамроҳлари ҳовлидан ўтиб, панжарали эшикдан чиқиб кетишларини кузатиб туришди. Курткали пакана хўжайинларнинг ҳайдовчисига хос ҳаракат билан кўчада турган қора автомобилнинг эшигини очди.

Маркиз де Ю. ва Пашеко машинага ўтиришди. Қор борган сари кучлироқ ёғарди; улов Тилзит кўчасига бурилиб, кўздан ғойиб бўлди.

Риго меҳмонхонага сафар халтасини олиб кирди. Хира ёруғда у халтанинг ичига бир-иккита шамдон, шим, Пашекодан олган пул билан тўла

пойабзал қутисини жойлади. Ингриднинг устидаги кийимидан бошқа ҳеч нарсаи йўқ эди. Риго халтани ёпди.

– Ўшалар билан овқатланиш шартми? – сўради Ингрид.

– Йўқ-йўқ... Мен бунақа нарсаларга ишонмайман...

Қиз енгил тортди. Ўша одамлар олдида у ҳам ўзини ноқулай ҳис қилаётганди.

– Биз ҳозирок янги квартирага борамиз...

Меҳмонхонадан чиқаётиб Риго чирокни ўчирмади. Квартиранинг эшигини ёпишдан олдин у зинада турган Ингридга:

– Бир лаҳза кутиб тур, – деди.

Тез орада у бир жуфт чанғи ва катта бошмоқлар билан қайтиб чиқди-да, бошмоқларни сафар халтасига жойлади.

– Булар хотира учун...

Зинадан тушаётиб улар сафар халтасининг икки чеккасидан кўтариб олишди. Риго чанғиларни елкасига олганди.

Қор ҳамон тинай демасди. Йўлка қоронғида ялтираётган оппоқ кўрпага бурканган, атрофда ҳеч ким йўқ. Оёқлар қорга ботди. Зафар аркининг шамойили ой нурида аниқ кўриниб турарди.

– Афсуски, сенда ҳам чанғи йўқ, – деди Риго. – Янги жойга чанғида борган бўлардик...

Улар метро бекати зиналаридан пастга тушишди. Вагонда ўша окшомда Шателе ва Барбе-Рошешуар ораликларида бўлганга нисбатан одам камроқ эди. Ингрид эшикка яқинроқ ўриндиққа ўтирди ва сафар сумкасини тиззасининг устига қўйиб олди. Чанғилари сабаб Риго тик тураверди. Йўловчилар унга қизиқсиниб қараётганди. У эса, бирин-кетин ўтаётган метро бекатларига эътибор бермай қўйди: Марбеф, Конкорд, Палероял, Лувр... У чанғиларни елкасига маҳкам боғлаб олган ва ўзини, ўтган йилдагидек, Қўнғирқоя чўққисига олиб чиқаётган дор йўли кабинасида, деб тасаввур қилаётганди.

Поезд “Насьон” бекатида тўхтади. Бу сўнгги бекат эди. Риго ва Ингрид “Порт-Дорэ” йўналишига ўтиш учун тушиладиган “Бастилия майдони” бекатини ўтказиб юборишганди.

Метродан чиқишлари билан уларни қор босган майдон қарши олди. Иккаласи ҳам бу даҳани билишмасди. Султ хиёбони, 20-уйга олиб чиқадиган кўчани топиб бўлармикан? Улар энг ишончли йўл – Венсен хиёбонини танлашди.

Улар биноларнинг олд томонидан, қор камроқ жойдан ўтиб боришарди. Риго елкасига чанғиларини ортиб олган, чап қўлида йўл халта. Ингрид эса совуқ қотганидан қўлларини пальтосининг чўнтагига солиб олганди.

Улар йўлка ёнидан қора от қўшилган чана ўтиб бораётганини кўриб қолишди. Сукунат, тўлин ой ва йилтираётган қор сароб чақиргандир, эҳтимол. Чана дафн араваси мисол судралиб кетаётганди. Риго чанғиларини ерга қўйиб, чанакаш ортидан хайқирди. Чанакаш отларни тўхтатди.

У йигит ва қизни Султ хиёбони, 20-уйга олиб бориб қўйишга рози бўлди. Одатда, у фойтун хайдарди, Париж қор остида қолганидан кейин у уйига яқин, Сен-Мандедаги омборхоналардан бирида ана шу чанани топиб олди ва энди ўн беш кундан бери чана тортмоқда. У мўйнали узун куртка ва балиқчиларнинг соябонли шапкасини кийиб олганди.

Улар ўтирган чана Венсен хиёбони ёқалаб сирғала кетди. Ригонинг чанғиларини чана орқасига боғлашди. Чанакаш юришдан тўхтаб қолаёзган отга кескин қўл ҳаракати билан қамчи урарди. Венсен йўлагига яқинлаша

бошлаганларида отнинг йўрғалаши тезлашди. Ингрид ва Риго қайси шаҳарда эканликларини ҳам, қайси қишлоқлардан ўтиб бораётганларини ҳам билишмасди. Чана Султ хиёбонига чиқиб олиш учун тор кўчалар бўйлаб қисқа йўлдан кетарди. Тунги ибодат чоғидагидек жимжит ва бўм-бўш тоғ қишлоғи. Ингрид бошини Ригонинг елкасига кўйиб олганди.

## 8

Тушга яқин, Аннетдан ҳеч бир хабар бўлмагач, квартирага қайтдим. Сарик калитни кулф тирқишига киритиб, бир амаллаб эшикни очдим.

Ичкари хонада консьерж каравотларга чойшаб ёзаётганди.

– Бекорга овора бўлибсиз, – дедим унга. – Ўзим эплардим.

У қаддини ростлади.

– Арзимаган иш-ку, жаноб. Шу ерда яшаб қолиш ниятингиз йўқдир, ҳар ҳолда? – У менга кинояли назар билан қараб турарди. – Тушдан кейин чанг ютгични юргизиб чиқаман. Ҳаммаёқ чанг бўлиб кетибди...

– Шундай деб ўйлайсизми?

– Ҳа.

Чанг Ингрид ва Риго бу ердан кетишгандан бери тўпланганди, неча йил ўтганини ҳисоблашга уринаман.

– Жавондаги анави бир жуфт чанги ва эски бошмоқлардан сизни халос қиламан...

– Тегманг! Улар жойида тураверсин...

Назаримда, қароримдан консьерж хайратга тушгандек кўринди.

– Жаноб Риго қайтиб келиб, чангиларини қидирса нима бўлади?

У елка қисди.

– У энди қайтиб келмайди.

Консьержга чойшабларни текислашга ёрдам бердим. Ёнма-ён турган каравотларни ажратиб қўйдик.

– Телефон алоқасини кейинги ҳафтанинг бошига тиклаб беришади, – деди у менга. – Чироқ бугун куннинг иккинчи ярмида ёнади.

Шундай қилиб ҳаммаси ижобий томонга ўзгараётганди. Аннетга телефон қилиб, шу ерга келишини айтаман. Иккаламиз шу квартирада яшаймиз. Аввалига ҳайрон бўлади, лекин пировардида, биз янги танишган кезларимизда кўп нарсаларни тушунгани каби, бу ҳолатга ҳам кўникади.

Биз Султ хиёбонига чиқиб ёнилғи қуйиш шохобчасига йўналдик. Кўк комбинезонли кабилиялик қўлимни сикди.

– Навбагчиликни сенга топширдим, – деди у консьержга.

– Менга бироз қарашиб тура оласизми? – сўради консьерж мендан.

– Жоним билан.

Биз ёнилғи қуйиш шохобчаси олдидаги курсиларга ўтириб олдик. Қуёш бизни илиқ ҳарорати ва тўқ сарғиш ёғдусига чулғади.

– Куз келди, – деди консьерж дарахтни ўраб турган темир панжарага тушган бир нечта сарғайган япроққа ишора қилиб. – Квартирангиздаги радиаторларни текширишни унутмасам бўлди. Акс ҳолда қишда совуқ ейсиз.

– Ҳали вақтимиз бор, – дедим мен.

– Унчалик кўп эмас... Вақт тез ўтади... Сентябрьдан бери кунлар қисқаряпти...

– Қишда ҳам шу ерда бўлиш-бўлмаслигимни ҳали билмайман.

Ҳа, ушбу даҳада қишлаш эҳтимолидан юрагим негадир увушиб кетди. Ёзда, бирон-бир шаҳарда шундоқ ўзи ҳам таътилга чиққан бошқа сайёҳлар

қаторида сайёҳсиз. Бу сизга ҳеч бир мажбурият юкламайди. Лекин қишда... Ҳатто Дорэ йўлаги даҳасида Аннет бирга яшашга розилик бериши мумкинлиги тўғрисидаги ўйдан ҳам руҳим тетиклашмаётганди. Эй, Худойим, қишни қаерда, қандай ўтказарканман?

– Бирор нарсадан ташвишдамисиз? – сўради консьерж.

– Йўқ.

У жойидан турди.

– Бориб кечки овқатга ул-бул олиб келаман. Шу ерда ўтириб турасизми? Агар мижозлар ёнилғи қуймоқчи бўлсалар, ускунани ишлата оласизми?

– Бу унчалик мураккаб иш бўлмаса керак, – дедим унга.

Бир неча сониядан бери қарама-қарши йўлда, ёнилғи қуйиш шохобчасининг яқинида зангори рангли, Англияда ишлаб чиқарилган эски бир машина тўхтаб турарди. Уни Аннетнинг машинасига ўхшатдим. Ҳа. Бу чиндан ҳам Аннетнинг машинаси эди. Фақат унинг ҳайдовчиси ким эканини аниқ илғаёлмаётгандим.

Улов ёнилғи қуйиш шохобчасига келиб тўхтади. Бен Смидан экан. У туширилган ойнадан бошини чиқарди.

– Жан... Сизни узоқ қидирдим... Ўзингиз эканингизга ишонч ҳосил қилиш учун ўн дақиқадан бери сизни кузатиб тургандим...

У биров тортиниб, кулимсираб гапирарди.

– Ёнилғи қуяйми? – сўрадим ундан.

Жавоб беришини кутмасданок найчани олиб, бакни тўлдира бошладим.

– Шундай қилиб, янги касб топибсиз-да?

У ҳазил қилишга уринар, лекин безовталигини яширолмаётганди. Машинадан чиқиб, ёнимга ўтирди.

– Мени Аннет юборди... Унга ён боссангиз яхши бўларди, Жан...

Ёнилғи найчасини аста силкитиб жойига илиб қўйдим.

– У сиздан роса хавотир оляпти.

– Бекор қилади.

– У қўрққанидан сизга телефон қилишни истамади...

– Нимадан қўрқади?

Беихтиёр ёнилғи қуйиш ускунаси устидан латга олиб машинанинг олд ойнасини арта бошладим.

– Сиз уни ниҳояси йўқ саргузаштга бошлашингиздан қўрқяпти... Бу унинг сўзлари... Сиз билан учрашиш учун бу ерга келмоқчи эмас... Энди йигирма яшар эмасман, деди у менга...

Нариоқда майда-чуйда харидларини кўтариб консьерж биз томон келаятганди. Унга Бен Смиданни таништирдим. Кейин Бен машинага ўтириб, ёнига ишора қилди ва аста жойидан қўзғалди. Машинада Аннет сепадиган атирнинг хиди анқирди.

– Энг осони ҳозирнинг ўзида сизни хотинингизнинг олдига олиб бориш.

Биз Дорэ йўлаги томон секин ҳаракатланаётгандик.

– Йўқ, ҳозир эмас, – дедим мен. – Бу ерда яна бир неча кун қолишим керак.

– Нимага?

– Хотираларимни тугатмоқчиман.

– Хогира ёзясизми?

Унинг гапларимга ишонмаётгани сезилиб турарди. Аслида мен рост сўзлаётгандим.

– Сиз ўйлагандек эмас, – дедим унга. – Лекин шундай деса ҳам бўлади.

Биз фавворалар майдонига етиб келиб, Мустамлакалар музейи ёнидан ўта бошладик.



– Кўпдан бери айрим қайдларимни йиғиб келаётгандим. Энди уларни тўплаб, китоб ҳолига келтиришга уриняпман.

– Шу китобни Верон даҳасидаги уйингизда, Аннетнинг ёнида ёзсангиз бўлмайдими?

– Менга ўзига хос муҳит керак...

Унга барини тушунтириб ўтиришга хоҳишим йўқ эди.

– Қулоқ солинг, Жан... Эртага Ҳинд океанига жўнаб кетяпман... Энди сиз ва Аннет ўртасида воситачилик қилолмайман... Муносабатларингизни узсангиз, афсусланарли иш бўлади, албатта...

– Ҳали жўнаб кета оладиган ёшдасиз. Бу сизнинг омадингиз...

Бу гаплар шунчаки оғзимдан чиқиб кетди. Бир жойда гир айланиб чиқиш йўлини топа олмаётган одамдек, ушбу шаҳарда тентираб юриш ўрнига мен ҳам жон деб жўнаб кетган бўлардим. Кўпинча бир хил туш кўраман: кўприк устидаман, сув чанғиларини оёғимга илганман, қўлим арқоннинг темир ҳалқасини маҳкам тутганча моторли қайиқнинг кўзғалиб, мени катта тезликда сув устидан олиб ўтишини кутяпман. Лекин қайиқ кўзғалмаяпти.

Бен Смидан мени меҳмонхона ёнида машинадан туширди.

– Жан, хотинингизга иложи борича тезроқ кўнғироқ қилишга ваъда бера оласизми?

– Квотирада телефон симини созлашлари билан кўнғироқ қиламан.

У жавобимни яхши тушунмади.

– Сизга эса, – дедим унга, – Ҳинд океани хазиналарига қиладиган овингиз бароридан келишини тилайман.

Хонамга чиқиб, қоғозларимни яна бир бор кўздан кечирдим.

Урушдан аввалги йилнинг ёзида ва боскинчиликнинг дастлабки йили, баъзи кунлар Ингрид Жюл-Ферри лицейидан чиқиб, метрога ўтирар ва Отей черкови бекатида тушиб, доктор Жуганнинг шифохонасига, отасининг олдига борарди. Шифохона Версал хиёбони ва Сена дарёси оралиғидаги кичик бир кўчада жойлашганди.

Отаси ҳар оқшом соат етти яримларда шифохонадан чиқарди. Қиз уни тураржойлар қатор жойлашган муюлишда кутиб турар, отаси шифохона эшигида кўриниши ҳамон унга қўли билан ишора қиларди.

Улар Сент-Перин ёки Нотр Дам д’Отей черковларидаги кўнғироқларнинг овози эшитилиб турадиган, қишлоқдаги каби сокин ушбу даҳадан пиёда юриб кетишарди. Кейин ота ва қиз кечки овқат қилгани ресторанга боришарди. Тейрсен билан қизи изидан шу атрофда тентираб, ўша ресторанны топишнинг уддасидан чиқолмадим.

Ингрид Ригони учратиб қолган киш санасида чоп этилган газетадан парча қўлимга тушиб қолди. Уни сўнгги учрашувимизда менга Ингриднинг ўзи берганди. Кечки овқат пайтида у менга ўша давр ҳақида барчасини ҳикоя қилган ва сумкасидан тимсоҳ терисидан ясалган ҳужжатлар папкасидан ўтган йиллар давомида сақлаб юрган, ҳафсала билан букланган газета қирқимини олиб берганди. Ўша лаҳзаларда унинг жим бўлиб қолганини, кўпдан бери ўзини босиб ётган юкни менга топширишни хоҳлаётгандек ёки кун келиб мен ҳам уни қидира бошлашимни олдиндан сезгандек, кўз қарашлари ғалаги тус олганини эслайман.

Бу – иш қидириш ва иш таклиф қилиш, кўчмас мулк савдоси ва тижорат тўғрисидаги бошқа эълонлар орасида қолиб кетган ўта кичик бир хабар эди:

“Ингрид Тейрсен исмли, ўн олти ёшдаги, думалоқ юз, кўзлари кулранг, спорт формадаги камзул, оч ҳаворанг жемпер, кулранг юбка ва шляпа, қора

спортча пойабзал кийган ёш қиз қидирилмоқда. Барча маълумотлар жаноб Тейрсенга, Париж, Орнано хиёбони, 39 манзилига юборилсин”.

Кунларнинг бирида Ингрид ўн саккизинчи даҳага қайтиб бориб, отасига, имкон туғилиши билан Ригога турмушга чиқишни хошлаётганини айтишга қарор қилганида, улар Султ кўчасидаги хонадонда истикомат қилаётганди.

Ингрид ҳеч қачон газета ўқимас, бир неча ҳафта илгари оқшом газеталарининг бирида ўзига қидирув эълон қилинганидан бехабар эди. Қисқа муддатдан кейин бу хабарни у меҳмонхона хўжайинидан билиб олади.

Қор эриб кетганди ва ҳаво шунчалар илиқ эдики, пальтосиз ҳам кўчага чиқса бўларди. Лекин баҳорга ҳали бир ой бор эди.

Ингриднинг пиёда юргиси келиб хиёбонларни кесиб ўтгач, Барбе-Ро-шешуарга соат бешларда етиб келди. Бу сафар комендантлик соати жорий этилмаганди.

Отасига қочиб кетганининг сабабларини қандай изоҳлаб беришини ўйлаб, меҳмонхона олдида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Лекин қизнинг миясида жўяли фикр йўқ эди. У тураржой биноларининг атрофида кўп айланди. Балки отаси айни дамда хонасида йўқдир. Агар у ҳали ҳам Отейдаги шифохонада ишлаётган бўлса, кечки овқат маҳали қайтиб, уни хонасида кутади. Қизга шуниси маъқул кўринди.

Ингрид қаҳвахонага кириб борди. Кундуз кунлари меҳмонхона соҳиби пештахта ортида ўтирарди. 3- ва 5-хоналарнинг калитини беришни сўради. У қизга калитларни беролмас экан. 3- ва 5-хоналарни бошқа мижозлар банд қилганди.

Меҳмонхона эгасининг айтишича, декабрь ойининг ўрталарида, жуда барвақт, сахар палласида, полициячилар отасини номаълум томонга олиб кетишган.

Қўшалок каравотлардан бирининг устига чўзилдим. Тавақалари Султ хиёбонига қараган дераза ланг очиб қўйилган. Тун қираяпти. Телефон жиринглади. Бир лаҳза Аннетга хаёлим кетди, лекин бу рақамни у қаердан ҳам оларди? Гўшакни кўтардим. Совуқ бир овоз алоқа тикланганини маълум қилди. Шунда Верон даҳасидаги телефонимизнинг рақамини тердим. Икки марта чакирувдан сўнг Аннетнинг овози эшитилди:

– Алло? Алло?..

Жим туравердим.

– Алло?.. Бу сенмисан, Жан?

Гўшакни жойига қўйдим.

Ташқарига чикиб, ёнилғи қуйиш шохобчаси томон йўналдим. Телефон кўнғироғи миямда жаранглаётгандек эди. Ҳеч шубҳа йўқки, Ингрид ва Риго жўнаб кетганларидан бери бу уйда телефон овози янграмаган эди.

Консьерж ва кабилиялик шохобча олдидаги курсиларида ўтиришарди. Уларнинг қўлини сикдим.

– Сизга велосипед топиб қўйдим, – деди кабилиялик.

У шохобчанинг олд деворига суяб қўйилган қизил рангли велосипедга ишора қилди. Унинг пойга велосипедларники каби рули паст эди.

– Рули сабаб у велосипед топишга анча қийналди, – деди консьерж.

– Сиздан миннатдорман, – дедим кабилияликка. Букилиб ҳайдамаслик учун рисоладагидек рул бўлишини афзал билардим. Ушанда атрофни ҳам кўриб кетса бўлади.

– Кеч қайтасизми? – деб сўради мендан консьерж.

– Ярим кечага яқин.

Лекин ўша пайтга келиб руҳий ҳолатим қандай бўлишини билмасдим. Верон даҳаси томонларга ўтиб, Аннетни кўриш ва – ким билсин? – уйимизда қолиш истаги туғилиши мумкинлигини ҳам истисно қилмаётгандим.

Сахрои Кабирнинг иссиқ шамолига ўхшаб кетадиган илиқ шабада эсар, у дарахтларнинг куриган япроқларини юлиб олиб, ҳавода чирпирак қилиб учирарди. Кузнинг илк белгилари. Велосипедни бемалол ҳайдаётгандим. Мортъе кўчасининг қиялигидан чиқа олмасам керак, деб кўрққандим. Йўқ, ҳаммаси бинойидек. Ҳатто педалларни айлантиришга ҳам эҳтиёж қолмади. Аллақандай сирли даъват мени ўзига эргаштириб кетаётганди. Бирорта ҳам машина йўқ. Сукунат. Ҳатто кўча фонарлари сийрак жойларда ҳам тўлин ой сабаб атроф бемалол кўринаётганди.

Йўл бу қадар қисқа бўлади деб тасаввур ҳам қилмагандим. Мўғулистонга сафар арафасида Бют-Шомонда бўлгани каби, мен Дорэ йўлагидан Фьев меҳмонхонасига боришга эриняпман... Бют-Шомон ёнгинамда, агар истасам бир неча дақиқа ичида Ингрид ёшлигида отаси билан яшаган Атлас кўчаси, 19-уйга бора олардим. Нариги томонда, пастликда, қоронғиликда Ла Шапель темир йўл вокзалининг рельси ва омборхонаси кўзга ташлана бошлади. Яна бир неча юз метр, мудроқ тураржойлар олдидан ўтаман ва мана – Клиньанкур йўлаги. Узок йиллардан бери бу даҳага қадам босмагандим ва тун қоронғисида уни қайта кашф этарканман, қизил велосипедга ўтириб, эркин ҳаракат қилиш ўтмишга қайтишим учун кифоялигини англаётгандим.

Орнано кўчасига бурилдим ва чорраҳада тўхтаб, велосипедни дорихона деворига суяб қўйдим. Ҳеч нарса сукунатга раҳна солаётгани йўқ. Ерости ариқчаларидан булоқ сувиники каби жилдираш овози келади, холос. Олтмишинчи йилларнинг бошидаги қаҳратон қишда биз Шампие кўчасидаги, номи эсимда қолмаган, меҳмонхонада яшардик. Кўчанинг ичига кириб, бир неча қадам боссам, меҳмонхонанинг олдидан чиқаман, лекин тўғрига юришни афзал кўрдим. Ўша қишнинг январиди Аннет модалар уйидан ижобий жавоб олган ва синов муддати билан ишга қабул қилишлари учун куннинг иккинчи ярмида у ерга бориши керак эди.

Бир кун олдин, якшанбада қор ёққанди. Биз даҳада сайр қилдик. Шундай қилиб, биттамиз ишга кираётгандик: энди улғайиб қолгандик. Клиньанкур йўлагидаги қаҳвахоналардан бирига кирдик. Биз ичкарироқдаги, икки ўриндик орасига қўйилган столни танладик. Унинг ёнида, деворга чоғроқ мусиқа қутиси суяб қўйилганди. Ўзи кеч кирганида, Орнано 43-манзилдаги кинотеатрга бормоқчи эдик, лекин эртасига Аннет ўзини тетик ҳис қилиши учун барвақтроқ ухлашни афзал кўрдик.

Мана эндиликда дўконга айлантирилган ўша кинотеатр олдидаман. Кўчанинг нариги томонида Ингрид отаси билан яшаган меҳмонхона, шундай меҳмонхоналар каби, у энди тураржой биносига айлантирилган. Ингрид менга ҳикоя қилиб берган биринчи қаватдаги қаҳвахона ҳам энди йўқ. Окшомларнинг бирида у ҳам ушбу даҳага қайтиб келган ва биринчи маротаба ёлғизлик деб аталадиган ҳиссиётни бошидан ўтказганди.

Шарт-шароит ва муҳитдан қатъи назар, кунларнинг бирида ёлғизлик ва надоматлар тўлқини устимизга ёпирилади. Кейин у чекинади ва ғойиб бўлади. Лекин куч тўплаб, яна қайтади ва Ингрид энди ундан халос бўлишнинг уддасидан чиқа олмаганди.

Мен ҳам бунга ожизман.

*Маҳмадиёр АСАДОВ***ПАТРИК МОДИАНОНИНГ ЎТМИШГА САЁХАТИ**

Таниқли француз адиби Патрик Модиано адабиёт соҳасида 2014 йили Нобель мукофотига сазовор бўлди. Бунда унинг яқин ўтмиш ҳақидаги асарлари ҳиссаси катта. XX асрнинг 70-йилларида матбуот эътиборини жалб этган, 80-йиллар бошида “энг эътиборли, энг ғайритабиий ва ёш француз адибларининг орасида энг иқтидорлиси” деб тан олинган, танқидчилар ва китобхонларнинг ёқимтойи, қатор нуфузли адабий мукофотларнинг совриндори П.Модиано қиёфасида адабиётшунослар, энг аввало, янги авангард (неоавангард) роман ақидаларини инкор этувчи ижодкорни кўришади. Ёзувчининг ўзи ҳам интервьюларида омма эътиборини адабий тамойиллар 50-йилларга қайтаётганига, “келажак адабиёти” эса 60-йилларга юзланиб, эскириб қолганга ўхшаётганига қараган эди.

Неоавангард адабиёти тамойилларини инкор этувчи Модиано ижодини Францияда Ғарбда 70–80-йилларда ривожланган ретро услубига қайтиш деб ҳам баҳолашади. Бироқ ёзувчи асарлари жиддий ўрганилганда унинг ўтмишга юзланиши у ёки бу анъанага эътиқод эмас, балки чуқур илдизга асосланган кечинмалар ҳосиласи экани маълум бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, адибнинг, айниқса фашистлар босқини даврига қизиқиши, унинг барча романларида деярли доимо мавжуд ўтмиш образи 70–80-йиллар француз адабиётига хос характерли хусусиятдир. Бошқа адиблар қатори ўзи ва ўз тенгдошларини бирор аниқ замонга мос бўлмаган одамлар, деб ҳисобловчи Патрик Модиано учун ўзининг тарихдаги ўрнини, келажаги янада яққол ва аниқ намоён бўладиган ўтмишини тушуниш жуда муҳим эди.

Хўш, Модиано нима учун босқин даврига қизиқади? 1945 йили туғилган ва уруш даҳшатларини ўз кўзи билан кўрмаган бу адиб асарларида нега уруш давридан узилолмайди? Бу саволга Модианонинг ўзи қуйидагича жавоб беради: “Мени ўзимнинг дунёга келишим қаттиқ қизиктиради. Менинг дунёга келишим босқинчиликнинг таҳликали ва орсиз давридир... мен ҳар доим ўзимни шу даҳшатдан яралганман деб ҳис қиламан... мен ўша ёқдан келганман, бу ердагилар эса менинг илдизларим ҳақида нотўғри тасаввурга эга”.

Модианонинг шундай асарларидан бири унинг 1972 йилда нашр этилган “Хиёбонлар ҳалқаси” романидир. Бу роман китобхонни ҳамма нарса мумкин бўлган, бироқ ҳеч нимани астойдил тасдиқлаб бўлмайдиган, реал воқеалар ва хаёлот ўртасидаги чегара сидирилган, инсон эса абадиятга дахлдор, номаълум ва машъум зимистон замонларга бошлайди. Модианонинг бу учинчи китоби адибнинг аввалги асарлари – “Юлдуз майдони” ва “Тунги дарбон” йўналишида ёзилганлиги сабабли бу уч асарни умумий ном билан “Босқинчилик даври трилогияси” деб аташ мумкин. Романининг ҳажми олдинги икки асарга яқин. “Тунги дарбон”дан бошлаб сюжет босқинчилар

\* Маҳмадиёр Асадов – Ўзбекистон Миллий университети тадқиқотчиси.

тазийкини, салбий муҳитни, хаёлий, фантастик деб аташ мумкин бўлган галлюцинацияли, ғира-шира манзарани (олам гўё иррационал тамойилларга бўйсунмаётгандек туюлса-да, бу аслида чароғон, турғун ва аниқ дунёни тўла қамраб ололмаётган ҳикоячининг тафаккуридир) ҳамда ҳақиқий тугун йўқлиги сабабли биз билган маънодаги роман структурасига жо бўлмайдиган воқеаларни қамраб олади. Бу уч асарнинг ўртасида арзимас бир фарқ борки, у ҳам бўлса, дастлабки икки романда диалоглар жуда кам, учинчисида эса улар жуда сероб, баъзан диалог ҳатто бир неча саҳифага ҳам чўзилади, бу яхши аломат эмас, зеро, диалоглар енгил-елпи характерга эга бўлиб, асарда улар маълум муҳит яратиш учун қўлланилади.

“Хиёбонлар ҳалқаси”да воқеалар ўғрилиқ ва иғволарга тўла нотинч бир пайтда, гўёки 1940–1944 йилларда Франция бошидан кечирган босқинчиликка ўхшаш бир даврда бўлиб ўтади. Бу романда ҳам худди “Тунги дарбон” каби асарни тарихий романга яқинлаштирадиган на аниқ саналар ва на таниш номлар бор. Ҳикоячи кўп азият чеккан мавҳум отасини ахтаради, шу йўсинда у бир қатор шубҳали кимсалар билан учрашади, улар билан дўстлашади ҳам, бироқ отаси (асарда иккинчи шахс кўпликда ифодаланган) уни тан олмайди. Айнан шу кўрқоқ ва муттаҳам ота ўғли бакалавриатуранинг тугатганидан кўп ўтмаёк (асарда баён этилган асосий воқеалардан ўн йил олдин) уни ўз ифлос ишларига жалб қилган, кейин эса ундан қутулиш учун метро поезди тагига итариб юбормоқчи бўлган эди. Асарнинг атиги бир неча саҳифадан иборат биринчи ва сўнгги саҳналаридан аён бўлиб, ромanning қолган қисмида вақти-вақти билан ишора қилинганидек, буларнинг бари узундан-узоқ сирли хотирадан бошқа нарса эмасди: қаҳрамон ўз замонидан четлашиб, немислар босқини даврига тушиб қолган, отасининг атрофидаги шубҳали кимсалар билан дўстлашган ва унинг қалбига (фойдасиз) йўл топган эди. “Юлдуз майдони”да бир неча саҳифанигина эгаллаган ота мавзуси “Хиёбонлар ҳалқаси”да биринчи ўринга чиқади ва бу мавзу энди Модiano асарларидан тушмайди (“Тунги дарбон”да она мавзусига кўпроқ ўрин ажратилган).

Ўғил отаси билан бирга юритган яширин тижорати пайтида ғалати ва ўта мавҳум ҳолатларга тушиб қолади. Китобсевар ҳикоячи ўзи олиб сотаётган китобларга қалбаки бағишловлар битади ва бу билан китобнинг нарҳини бир неча бор кўтаради.

Роман номи моҳиятига мос эмасдек туюлади. “Хиёбонлар ҳалқаси” тасодифан танланган номга ўхшайди, зеро, асосий воқеалар Сен-э-Марн қишлоғида бўлиб ўтади.

Модiano агар инсон ўз ўтмишини тушуниб етса, ҳозирда ўзи ким эканлигини англаши осон бўлади, деб ҳисоблайди. У ўзини даҳшатли уруш йилларидаги турли ҳолатларда синаб кўриб, ўша пайтларда қандай йўл тутишини, нималарга қодирлигини билмоқчидек бўлади гўё. Тарихдаги ўз ўрнини англаб етишга бўлган уриниш Модiano романларида янада кенгрок метафизик муаммога: инсон ва замон муаммосига боғланиб кетади. Инсон билан замоннинг ҳамма нарсани харобага айлантирувчи кучи ўртасида қандай алоқа бор? Ўз йўлида ҳамма нарсани ювиб кетувчи, одамларни, уларнинг бўлиб ўтган воқеалар ҳақидаги тасаввурларини ўзгартириб юборувчи ҳаёт оқимларига қарши туриш учун нима қилиш керак? Адибнинг фикрича, бу саволларнинг жавоби маълум: замон оқимида ўз ўрнинини, илгари ким эдингиз энди ким бўлганингни аниқ билишинг лозим. Мана шу, замон “илдиз”ига етиш ва уни ўрганиш нияти Модianoнинг барча асарлари қаҳрамонларининг энг асосий муддаосига айланади, ёзувчининг деярли барча асарлари айнан шу ҳақидадир.

“Хиёбонлар ҳалқаси” романида қаҳрамон ўз отасини фақат тўғри маъ-



нода эмас, кўчма маънода ҳам ахтаради – у отаси билан руҳий яқинликни кидиради, уни кутқаришга, уни хўрлаётган одамлардан озод қилишга интилади, у бу ишларга ўз “ўтмиш”ини топиш учун қўл уради, чунки ўзини “илдизлари”дан узилган ҳолда тасаввур қила олмайди. Моддианонинг қахрамонига ўтмишдан қандайдир “илдиз” керак, у мунофиқ “барон” Шалва Дейкекер бўлса ҳам майлига. Бу “илдиз” ахтаришнинг “Хиёбонлар ҳалқаси”да кулги остига олинган собиқ легионер граф де Маршеренинг миллатчилигига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Асар қахрамони ўз хатти-ҳаракатини шундай изоҳлайди: “Тан олиш керакки, воқеалар хавфли тус ола бошлади, ҳавода эса фалокат ислари анқирди. Биз “ғалати” бир замонда яшардик. Бирор нарсанинг “этаг”идан ушлаб бўлмасди. Ана шунда мен ҳам отам борлигини эсладим”.

Китобни ўқир эканмиз, муаллиф баён услубининг бир қарашда соддадек туюлиши, аслида юзаки таассурот эканига амин бўламиз, танқидчилар эътибор бераётган қатъий ва равон классик тил ҳар доим ҳам муаллиф фикрларининг жўнлиги ва равшанлигини, унинг тутган позициясининг аниқлигини ифодалай олмаслигига ишонч ҳосил қиламиз. Моддиано бир ҳодисадан иккинчисига жуда енгил ўтиб, тасвирланаётган турли воқеа қатламлари ўртасидаги чегарани ювиб ташлашдек ажойиб қобилиятга эга, шу сабабли унинг тиниқ тасвирлари ортида ҳеч нима йўқлигига ишонгинг келмайди.

“Хиёбонлар ҳалқаси” асари учта хронологик қатламга бўлинади: асар яратилаётган ҳозирги замон ва ўз навбатида икки вақт қатламига бўлиниб кетувчи ўтмиш – бунда қахрамон отаси билан икки марта учрашади, бу учрашувларнинг орасида эса ўн йил вақт ётади, демак, уларнинг иккинчи учрашуви орадан ўн йил ўтгандан кейин рўй беради. Моддиано ҳикоя давомида узвийликка риоя қилмайди, у ҳар доим бир замондан бошқа замонга ўтиб юради.

Мисол учун, бир эпизодда қахрамон қўлидаги уруш вақтида олинган, сарғайиб кетган суратга тикилади. Суратда унинг отаси ўша даврда ўзи билан бирга хизмат қилган шубҳали кишилар куршовида. Муаллиф бу фотосуратга бамисоли жон бағишлайди, ундаги одамлар эса, назаримизда, ҳаракатга тушиб, гапга кириб, турли юмушлар билан машғул бўладилар. Улардан бири ҳикоячига мурожаат қилгач, ҳикоячи ҳам уларнинг сафига қўшилиб, рўй бераётган воқеаларнинг фаол иштирокчисига айланади. Хўш, бундай замонлар оша сайрни қандай изоҳлаш мумкин? Бу фақат муаллиф хаёлотни маҳсулими? Бироқ Моддиано хаёлотни ҳақиқатдан ажратишга интирмайди ҳам. Моддиано учун бунинг аҳамияти йўқ. У бизни воқеалар айнан шундай бўлганига ишонтиришни хоҳламайди, аксинча, у воқеалар шундай бўлиши мумкин эди-ку, дейишга интилади.

Қахрамон ўтмишни хаёлан қайта тиклайди. Китобхон кўз ўнгида мудҳиш ва таҳликали замон, мамлакат бошига тушган кулфатдан бойлик орттиришга интилган мутлақ тубан кимсаларнинг образлари жонланади. Қахрамон улардан ҳеч нарсани умид қилмайди, у ҳар қандай пайтда ўйиндан четроқ туришга рози.

Бу ўтган замонлар гувоҳининг ўз бурчини англаб, исиз йўқолиб кетувчи ҳодисаларни ёдда сақлаб қолишга интилишидир. Чунки ҳикоячи ҳам, Моддиано ҳам шуларсиз бугунги замонни англашга қийналади.

Янги замонни тушуниш учун ўтмишнинг нафақат ташқи кўринишини, балки ички дунёсини ҳам англаш керак. Бироқ Моддиано ҳақида шуни айтиш лозимки, унинг бу борадаги тасавури чекланган: уруш йилларини у қаршилик кўрсатиш даври деб эмас, босқинчилик даври деб билади. Бу ерда “тескари алоқа” қонунни кучга киради: ҳозирги замонни барча

умидларнинг пучга чиқиши даври деб қабул қилиш унинг ўтмишга бўлган муносабатини белгилаб беради.

Модианонинг асарларида ҳукм сурган бекарорлик, ўзгарувчанлик муаллифнинг дунё ҳақидаги, унинг ўткинчилиги, омонатлиги, инсон суянадиган муҳит, унинг ҳаётини белгилаб берувчи асосий куч йўқлиги ҳақидаги тасаввурларини тўлиқ ифодалайди. Шу маънода адиб ижодининг яхлитлиги, бутунлиги таҳсинга лойиқ. Бироқ шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Модiano персонажлари ўз ўтмишларини ахтариб, бугунги кунларидан ажралиб қолишларига бир баҳя қолади. Биз “Хиёбонлар ҳалқаси” қаҳрамони кимлигини аниқ билмаймиз, унинг ижтимоий, ахлоқий ва эстетик қарашлари бизга қоронғи. Адибнинг бошқа асарлари персонажлари ҳақида ҳам шундай деса бўлади.

Патрик Модianoга кадрли барча мавзулар – ёлғизлик, ўтмиш хотиралари, ҳувиллаб қолган кўчалар, соғинч, нотаниш кимсалар, дилсиёҳлик ва бошқаларни “Тўй саёҳати” романида яна қайтадан, янгича кўринишда учратиш мумкин. Асар персонажлари Ингрид ва Риго 1942 йили учрашишган. Ўшанда Ингрид ўн олти ёшда эди. Демак, у 1926 йилда туғилган. Риго ундан беш ёш катта. Ингрид қирқ беш ёшида Миланда ўз жонига қасд қилади. Айни шу вақтларда Жан (воқеаларни ҳикоя қилувчи ровий) Миланда саёҳат қилаётганди. Ошиқ-маъшуклар билан ёшлигида бирга юриб, кўнгли тоза бу инсонларни ўз яқинларидек яхши кўриб қолган Жан Ингриднинг ўлиmidан ларзага тушиб, бу фожианинг асил сабабларини ахтара бошлайди. У ўтмишни тафтиш қиларкан, фашистлар истилоси даврида Франциядаги таҳликали, алғов-далғов вазият, Ингрид ва Риго каби босқинчилар зулmidан азият чеккан инсонларнинг дарду аламга, азоб-уқубатга тўла ҳаёти кўз олдимизда гавдаланади. Жан бора-бора бугундан узилиб, ўтмиш билан яшай бошлайди. Ўз оиласидаги келишмовчиликлар, издан чиққан ҳаёти, армонга айланган орзулари – барининг сабабини ўша суронли йиллардан излайди. Пировардида у жамиятдаги парокандаликка босқинчилар зулми сабаб эмас, балки бу инсонлар, оилалар ва ёру дўстлар ўртасидаги парокандалик ва нифоқнинг оқибати эканини тушуниб етади.

“Тўй саёҳати”да ягона бош қаҳрамонни топиш амримаҳол. У ҳар бир эпизодда ўзгариб қолаётгандек туюлади. Асар бошланишида ровий Жан ўз ўрнини хотиралари марказида турган Ингридга бўшатиб беради, гоҳида Ригони асосий ўринга келтириб қўяди. Ва яна кутилмаганда ҳикоячи Жан диққат марказимизни эгаллайди.

Модианонинг бошқа романларига кириш деб ҳисоблаш мумкин бўлган бу асарни ўқиганда биринчи шахс тилидан ҳикоя қилувчи персонажнинг прототиби айнан муаллифнинг ўзидир, деган тўхтамга келамиз. “Тўй саёҳати”даги қуйидаги парчани фикримизга исбот тариқасида келтириш мумкин:

“Шарт-шароит ва муҳитдан қатъи назар, кунларнинг бирида ёлғизлик ва надоматлар тўлқини устимизга ёпирилади. Кейин у чекинади ва ғойиб бўлади. Лекин куч тўплаб, яна қайтади ва Ингрид энди ундан халос бўлишнинг уддасидан чиқа олмаганди.

Мен ҳам бунга ожизман”.

Асар мана шу жумлалар билан якунига етади. Бу жумлаларни адибнинг барча асарларига умумий ҳулоса дейиш ҳам мумкин. Ўзлигини қидириш, англаш йўлида Модiano ўтмишга қайта-қайта мурожаат этишдан чарчамайди. Бутун дунёда уруш ҳукм суриб, хунрезликлар киши силласини қуритаётган, эртанги кун ҳақида фикрлаш мушкул бўлиб қолган даврда персонажлари билан дарбадар тентираб, “ёлғизлик ва надоматлар тўлқини”дан нажот излайди. Нажот борлигига ишонч аллақачон сўнганига қарамай, излайверади. Негаки инсон ҳаёт экан, ҳақиқат ва саодат йўлида интилишга маҳкум.



**USTOZ**  
TARJIMONLAR BISOTIDAN

Jahon  
ADABIYOTI



МАМАРАСУЛ  
БОБОЕВ



**МАМАРАСУЛ  
БОБОЕВ**

(1911–1969)

*Суратни Даврон Ражаб чизган.*

71

JAHON ADABIYOTI 2016/4

## МАМАРАСУЛ БОБОЕВ – ТАРЖИМОН

Шарқ мумтоз шоирларининг ўзига хос хусусиятлари ва ибратли ишларидан бири шундаки, улар бадиий ижодни бадиий таржима билан бирга ўзаро уйғун ҳолда олиб борганлар. “Хамса” ёки “Гулистон” ва “Бўстон”ни ёзишга қандай илҳом ва шавқ билан киришган бўлсалар, бадиий таржимага ҳам шундай илҳом ва масъулият билан ёндашганлар. Шу анъана кейин ҳам изчил давом эттирилди. Аммо Шарқ ва Ғарб маданияти кесишган ва бир-бири билан яқинлашган даврларда ижод аҳли, шеърият аҳли ихтисослаша бошлади. Кимнингдир асосан шеърият билан, кимнингдир асосан бадиий таржима билан шуғулланиши одатга айланди.

XX асрнинг 30-йилларида, тарихий-маданий давр тақозоси билан, рус адабиёти ўзбек халқининг маданий ҳаётига яшин тезлигида кириб келди. Мумтоз ва замонавий рус шоир-ёзувчилари билан бирга жаҳон адабиётининг мафкуравий давр руҳига мос асарлари ўзбек тилига ўгирила бошлади. Шу жараёнда кўплаб шоир ва ёзувчилар бадиий таржима соҳасида ҳам ўз истеъдодларини синовдан ўтказдилар. Янги, замонавий таржима мактаби яратилди. Биз ҳозир “замонавий ўзбек таржима мактаби” деганимизда, биринчи навбатда, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Миртемир сингари шу соҳанинг ҳам “пир”лари кўз олдимизда яққол гавдаланади.

Мамарасул Бобоев ўзбек таржима мактабининг пешқадам вакиллари-дан эмас. У XX асрнинг 50–60-йилларида, бошқа қаламкаш биродарлари қатори, бадиий таржимага ҳам кўл урди. Аммо бу камтарин шоирнинг 1975 йили нашр этилган икки жилдли “Танланган асарлар”идан кейин, билишимча, на у ҳақда ёзилди, на унинг бирорта китоби чоп этилди, оқибатда “Мамарасул Бобоев” номи халқ хотирасидан кўтарилди ёки кўтарила бошладик, бу ҳаммамиз учун уятли ҳолдир.

Мамарасул Бобоев 1911 йил 3 апрелда Самарқанд вилоятининг “24 гузарли, 24 масжидли” Каттакўрғон шаҳрида туғилган. Аммо эсини таниган 20-йиллар бошларида замон чархпалаги айланиб, шу 24 гузарнинг ҳам, 24 масжиднинг ҳам аввалги файзи йўқола бошлаган эди. У янги тарихий давр тақозоси билан дастлаб маҳалла гузаридаги эски мактабда, кейин Бухородаги кишлоқ хўжалиги техникумида, сўнгра Самарқанддаги педакадемияда ўқиб, Тошкентдаги педагогика институтининг сиртқи бўлимини тугатди. Агар кейинчалик унга Сўфи Оллоёр, Мирий сингари каттакўрғонлик шоирларнинг айрим асарларини ўқиб берган, ўзининг ҳам шоир эканлиги маълум бўлган “эски мактаб халфаси” Тошпўлат Саъдий бўлмаганида, балки бўлажак агроном педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига ўқишга кирмаган бўлармиди...

Тўғри, М.Бобоев Бухорода таҳсил олганида машҳур Минораи калоннинг шундоққина тагида Абу Али ибн Сино номли кутубхона бўлган. Мамарасул шу кутубхонада А.Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ғайратий, Боту сингари ўзбек шоирларидан ташқари, Олимжон Иброҳимов, Абдулла Тўқай, Мирза Фатали Охундов, Собир, Воқиф каби татар ва озарбайжон адабиёти классиклари асарлари билан танишади. “Булар менга, – деб ёзади у кейинчалик, – ўз асарларинигина эмас, ўз она тилларини ҳам ўргатдилар”.



Ўтган асрнинг 20-йилларида барча туркий халқлар ёзувчиларининг асарлари араб ёзувида чоп этилгани учун уларни ўзбек тилига таржима қилишга зарурат ҳам, эҳтиёж ҳам бўлмаган. М.Бобоевнинг бахтига, шу кутубхонада Шекспир, Виктор Ҳюго, Сервантес, Пушкин, Некрасов сингари шоирларнинг шу тилларга таржима қилинган асарлари ҳам бўлган. Шу ҳол Тошпўлат Саъдийдан олинган илк “адабий сабоқлари” билан уйғунлашиб, унинг юрагидаги бадиий ижодга, адабиётга бўлган меҳрнинг мудроқ чечакларини уйғотиб юборган.

Хуллас, М.Бобоев талабалик йилларида лирик шеърлардан ташқари, “Улуғбек” тарихий достонини ёзиб, унинг “Гулистон” журналида нашр этилишига муваффақ бўлади (1939).

Ёш шоир эндигина ўзбек адабиётининг нақшинкор дарвозасини чертиб турганида Иккинчи жаҳон уруши унинг режаларини остин-устун қилиб юборди. Аммо тақдир уни совет давлатининг ғарбий чегараларига эмас, балки Эронга олиб бориб ташлади. У тушган ҳарбий қисм уч улкан давлат раҳбарларининг Техрон конференцияси ўтаётган вақтда уларга кўз-қулоқ бўлиб турди. Урушдан кейин эса М.Бобоевга ҳамон кулиб турган тақдир уни буюк Ойбек билан учраштирди. У Ойбек бош муҳаррирлик қилган “Шарқ юлдузи” журнали таҳририятида ишлади; Ойбек раҳбарлик қилган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ғафур Ғулом, Шайхзода, Миртемир, Абдулла Қаҳҳор, Миркарим Осим сингари забардаст шоир ва ёзувчилар билан танишиб, улар ўзига хос профессорлари бўлган дорилфунунда сабоқ олди.

Шу йилларда Пушкин, Лермонтов, Некрасов сингари рус шеърияти дарғаларининг юбилейлари бўлиб ўтди. Шоир бошқа устозлари ва тенгдошлари қатори, шу қутлуғ маъракадан четда турмади. Қўлига таржимонлик қаламини олиб, таржима санъати “сир”ларини эгаллашга киришди; ўзбек китобхонларини улар ижоди самаралари билан таништиришдек қутлуғ ишга бел боғлади. Ҳозир унинг таржимонлик меросида куйида эълон қилинаётган асарлардан ташқари, Нозим Ҳикмат, Константин Симонов, Самад Вурғун, Қайсин Қулиев, Оганес Туманян шеърларининг таржималари ҳам бор. Бу таржималарга назар ташлаган китобхон шоир қалбига, аввало, Пушкин ва Лермонтов сингари шоирларнинг лирик шеърлари яқинлигини, шу шеърлар таржимасида унинг маҳорати қирралари нурланиб кетганини сезмай иложи йўқ. Лекин у табиатан лирик ҳиссиётлар куйчиси эмас. У кўпроқ воқеабанд, аниқ сюжетга эга бўлган, ҳис-туйғу ва қарашлар курашаётган шеърларни хуш кўрган. Шунинг учун ҳам у Нозим Ҳикмат, Расул Ҳамзатов ва Муса Жалилнинг шундай шеърларини таржима қилишга уринади. Гарчанд қаламқаш жўралари унинг Расул Ҳамзатовдан қилган таржималарини ўқиб: “Дўстим, бу тўпламлар тепасига “Расул Ҳамзатов” деб эмас, “Мамарасул Ҳамзатов” деб ёзиб қўйсанг ҳам бўларкан”, деган бўлсалар-да, бу сўзлар замирида таржимон устидан кулиш ёки уни камситиш эмас, балки таржимадан мамнуният ҳисси, ғурурланиш туйғуси ётган эди.

У ҳаётининг турли даврларида Пушкин ва Лермонтовдан, Некрасов ва Нозим Ҳикматдан, Расул Ҳамзатов ва Муса Жалилдан қилган таржималари билан ўзбек адабиётининг моҳир таржимонлари сафидан мустаҳкам ўрин олди.

*Наим КАРИМОВ*



**ЧАМАНДА ГУЛЛАРИНГ ЮЛДУЗДАЙ ПОРЛАР****Александр Сергеевич ПУШКИН** (Россия)

(1799–1837)

**ЭЛЕГИЯ**

*Бепарво йилларнинг сўнган шўх дами  
Сархуш бош оғриги каби азобли.  
Худди шароб каби у кунлар гами  
Қанчалик эскирса, шунча зардобли.  
Йўл оғир. Истиқбол – бўронли уммон;  
Меҳнат, қайғу ваъда қилади ҳамон.*

*Аммо истамайман, дўстлар, ўлишни,  
Истайман қийналиши, фикр қилишни.  
Кўраман: зўр гавго, гамлар ичрадир,  
Ташвишлар ичрадир мен учун ҳузур.  
Гоҳ бўлиб куйларга мафтун, осуда  
Хаёлларим узра мен тўкаман ёш.  
Балки шу шиқ, умрим гамли сўнгида–  
Боқар ёр алвидо табассуми-ла.*

**Михаил Юрьевич ЛЕРМОНТОВ** (Россия)

(1814–1841)

**Д...га СТАНСЛАР**

1

*Айтолмайман асло сенинг номингни,  
Хатто ёзолмайман мен қозоғга ҳам:  
Унинг ҳар ҳарфида яширинган гам –  
Садолари ўртар менинг жонимни;  
Ўйла, қанча оғир, бу сўзни, жоним,  
Ўзгалар оғзидан эшитмоқлигим.*

2

*Ким берган уларга ҳуқуқ ва имкон  
Муқаддас умидим ўйин этмоққа?  
Ўзимда йўқ илож унга етмоққа,  
Наҳот ўзгаларга бу бўлса осон?  
Улар ҳам, мен каби, васлингдан, ҳайҳот,  
Жаннатларни излаб топганлар? Наҳот?*

3

*Итоаткорона тиз чўкаман, рост,  
Бошимни эгмадим ҳали ҳеч кимга:*

*Хоинлик – бу фақат қўрқоқларга хос  
Ва бундан кейин ҳам бошим бўлмас ҳам.  
Хаттоки тақдирнинг қаршисида ҳам!*

4

*Аммо ҳамма кўрсин, бош эг, десанг, бас,  
Фармонинг бажариб, қалбим хўрларман.  
Ёшлик онтларини бузган бўларман,  
Ҳамма онтни, аммо севги онтинмас!  
Майли, дoston қилиб юрсинлар мени,  
Сени деб шу кўйга тушганлигимни...*

5

*Ширин табассуминг кўрганим онда  
Завқу шавққа тўлиб тошганди қалбим.  
Шунда даставвал мен ўйлаган эдим:  
Бунга монанд лавҳа йўқдир жаҳонда!  
Билмаган эканман, ёш тўла кўзлар  
Юлдуз тўла гўзал осмонга ўхшар.*

6

*Бу кўзларга тўймай боққаним кезлар  
Ўйлар эдим: бахтим нақадар порлоқ!  
Менга тобе эди чиндан ўша чоқ –  
Илоҳий учқунлар чақнаган кўзлар...  
Сендаги бор нарса – муқаддас, гўзал,  
Менга эса, булар – жонимдан афзал.*

7

*Хаттоки, дунёни бағишлаб, жонон,  
Агар бизни этмоқ бўлсалар хуррам,  
Мен шу шоҳларга хос салтанатни ҳам  
Бахт дея олмасдим мутлоқ, ҳеч қачон.  
Салтанат ҳақида ҳар ерда эртак,  
Бахт эса – танҳолик кўкартган чечак.*

8

*Эслайсанми ойни, у ойдин тунни,  
Хилват айвончада туриб юзма-юз,  
Чуқур хаёлларнинг бўлиб мафтунни;  
Танҳо жамолингдан узмас эдим кўз.  
Қандай ширин эди у кунлар руҳга,  
Бир кечани бермасман мангу умрга.*

9

*Муҳаммад қабридан топиб олинган  
Анчайин туморни азиз деб билган –  
Фақирга этаклаб тутинг олтин, дур,  
Дунё мулки унга сочса ҳамки нур,  
У ўз эътиқодин буза олмайди,  
Буларнинг барига назар солмайди.*

**Николай Алексеевич НЕКРАСОВ** (Россия)

(1821–1878)

Қоронги кўчадан тунда ўтсам жим,  
Ҳаво булут бўлса, увласа бўрон,  
Ҳимоясиз, бемор, бемакон дўстим,  
Кўлаганг қаршимда бўлар намоён!

Элайсанми, бир кун мен бетоб ва оч,  
Жуда маънос эдим, гамгин, бедармон.  
Ўша ўзимизнинг совуқ, ялангоч –  
Ўйда дийдирардим, босиб ҳаяжон.

Дилозор бир хаёл мени эзади,  
Ёшлигиндан толе севмади сани:  
Отанг фақир ҳамда бағри тош эди,  
Эрга чиқдинг, аммо севиб ўзгани.

Элайсанми, хира уйга томчилаб –  
Сачрарди туйнукдан ёмғир тун-куни,  
Йиғларди ўғилчанг, қўллари музлаб,  
Иситардинг илиқ дамнингда уни...

Толеингга яхши чиқмади эринг,  
Қаттиққўл, беодоб экан муттаҳам.  
Маҳқуми бўлмадинг ва чидаб кетдинг,  
Бироқ ялчимадинг менга тегиб ҳам...

Қайғу ва очликдан эртага биз ҳам  
Худди шунинг каби ўламиз, аён.  
Хўжайин лаънатлаб, олар уч тобут,  
Бирга олиб бориб қўяр ёнма-ён...

Бурчак-бурчакларда турардик маҳзун,  
Ёдимда, сен беҳол, рангларинг сўлгин.  
Яширин ўйларинг сочарди учқун,  
Қалбинг курашига ясардинг яқун.

Мен мудрай бошладим. Аста кийиндинг,  
Ясаниб-тусаниб чиқдинг жим шу дам.  
Бир соатдан кейин тобут келтирдинг  
Ва отангинг кечки хўрагини ҳам.

Очликни бир нафас ҳайдадинг нари,  
Қоронги уйчада ёқдик жинчироқ.  
Ўғлингни тобутга ётқиздинг шу чоқ...  
Тасодиф қутқазди бизни? Ё Тангри?

Энди қаердасан? Эй, бахтсиз гадо,  
Даҳшатли кураида ҳалок бўлдингми?  
Оддий йўлни ўзга кўрдингми раво  
Ва машғум тақдиринг сени енгдими?

Сен оғир, гуссада эгган эдинг бош,  
Мен-да сўрамадим бирор нарса ҳам.  
Фақат термулардик – кўзимизда ёш,  
Қайғу ва газабда ёнарди танам...

Ким қилар ҳимоя? Сени одамлар  
Даҳшатли ном билан атар, бегумон.  
Фақат менда бунга нафрат ловулар,  
Ловулару сўнар бефойда шу он!..

**Муса ЖАЛИЛ** (Татаристон)

(1906–1944)

**ИШОНМА**

Сенга мendan хабар берсалар,  
“У йиқилди чарчаб”, – десалар,  
Йўқ, ишонма, жоним!  
Бу сўзни –  
Дўстлар айтмас яқин кўрсалар.

Байрогимга қон билан ёзган  
Онтим ундар олга боришига!  
Ҳаққим борми ҳеч қоқилишига,  
Ҳаққим борми чарчаб-ҳоришига?

Сенга мендан хабар берсалар,  
“У Ватанни сотди”, – десалар.  
Йўқ, ишонма, жоним!  
Бу сўзни –  
Дўстлар айтмас сени севсалар.

Сенга хабар мендан берсалар,  
“Муса ўлди энди”, – десалар.  
Йўқ, ишонма, жоним!  
Бу сўзни –  
Дўстлар айтмас мени севсалар.

Юртдан кетдим – юртни, сени деб,  
Мен курашдим қонли ҳар дамда.  
Юртни, сени қўлимдан берсам,  
Нима қолур менга оламда?..

Тупроқ кўмар танни, кўмолмас –  
Ўтли қўшиқ тўлган кўнглимни.  
“Ўлим” дейиши мумкинми, ахир,  
Енгиб ўлган бундай ўлимни?

## **Вероника ТУШНОВА** (Россия)

(1911–1965)

\* \* \*

Холироқ кўчадан иккимиз аста  
Ўтиб борар эдик. Ер лой, тойганчоқ.  
Бирдан, муюлишида чироқ остида,  
Меҳринг тошиб, мени истадинг суймоқ...

Шу чоқ қаршимиздан шўх студентлар  
Чиқиб ногоҳ бизни кўриб қолишиди...  
Кулгили кўриндик, шекилли, улар  
Ортдан қаҳ-қаҳ отиб кулиб қолишиди.

Тахминан, уларнинг гапи шу бўлди:  
“Бундай аҳмоқлар ҳам бўлади тақир!”  
“Ростдан! Ёш бўлса ҳам ўзи майлийди...”  
“Хотини ҳам унча ёш эмас, ахир!”

Заб жаҳлинг чиқдимиз улар сўзига?  
Нима ҳам дер эдик? Ёшлар ҳақлидир.  
Улар тўғри айтар, менинг юзимга  
Ёшлик ҳисси билан назар сол бир қур.

Майли, кечирайлик ёшлар кулгисин,  
Улар бизнинг завқни қаяқдан билсин!  
Киши кексармайди! Бу сирни улар  
Бизнинг ёшимизга етганда англар!

## **Эди ОГНЕЦВЕТ** (Белоруссия)

(1913–2000)

### **ЎЗБЕКИСТОН**

Ҳаёти безубор, эй, мовий диёр,  
Жуда оғир менга сендан айрилмоқ.  
Сайраб боғдан-боққа учган қушларинг –  
Чорлайдилар – мурод бир боғда бўлмоқ.

*Ажойиб ҳислар-ла қайтаётирман,  
Кўм-кўк қарагаю қайинзоримга.  
Ҳар кўрганда яшил ўрмон гулини,  
Қирнинг бинафшаси тушар ёдимга.*

*Шимол бўронидан елиб майшиган –  
Қалин новдаларнинг тагидан ўтиб,  
Соғиниб эслайман кўм-кўк майсангни,  
Қор ва совуқларни бирпас унутиб.*

*Чаманда гулларинг юлдуздай порлар,  
Кишилар бу ҳақда бежиз демаган:  
– Ўзбекистон ерин бир кўрган одам  
Умр бўйи кўмсар, унутмас экан!*

*Сен мени асрадинг, уй бердинг, яна –  
Кўёш ва нонингдан қилдинг баҳраманд.  
Унутмайман асло сўнгги дамгача  
Эй, Шарқнинг бўстони – дилимга пайванд!*

## **Расул ҲАМЗАТОВ** (Доғистон)

(1923–2003)

\* \* \*

*Шошилмай ёздилар боболар қадим  
Ханжарлар юзига ханжарлар билан.  
Мен зўрга қийналиб ёзаман ҳадеб  
Уни қалам билан, бўш сўзлар билан.*

*Жангга от сурдилар боболар қадим  
Хайрлашиб севган ерлари билан,  
Менинг сиёҳ билан зўрга ёзганим  
Тошга ёзди улар қонлари билан.*

\* \* \*

*Умрим – гилам. Мен уни эплаб  
Тўқийлмадим. Хиёлатдаман,  
Тўқимамага қараб синчиклаб,  
Қанча-қанча нуқсон топаман.*

*Китоб ёздим, эплаёлмадим:  
Бўш саҳифа кўп унда беҳад.  
Бунчалар султ ташладинг одим,  
Бунчалик кеч келдинг, маҳорат?*

*Учратганман кўп бор бизнинг овулда,  
Заргар қўйнилари билгандай ҳисдан:  
Айлантириб кўриб бир нафас кўлда,  
Ажратар эдилар олтинни мисдан.*

\* \* \*

*Баъзи ёш новдалар ўзин унутар,  
Дерлар рашик соламиз кўп юракларга.  
Дўл қуймоқчи бўлиб турган булутлар  
Истеҳзоли кулар зўр куртакларга.*

*Шундай думбуллар бор, кибрланиб дер:  
“Яшаймиз бахтиёр, фароғатда биз!”  
Бахт эса уларга раҳми келиб дер:  
“Болалар сингари бунча соддасиз!”*

\* \* \*

*Биз ҳам кириб келдик худди поезддек.  
Бу бекатда бироз оламиз нафас.  
Э, “Ҳаёт” бекати, сен доим биздек,  
Ҳаммани ҳам кутиб оласан бирпас.*

*Мана, мен ҳам келдим, муддат узоқми,  
Қисқами – йўлимга жўнайман, сўзсиз.  
Э сен, бу бекатнинг қизил чироғи –  
Менинг тўхташи вақтим бирозгина чўз.*

\* \* \*

*Ҳурматли ўқувчим, моҳир заргарим,  
Сен баҳо берасан бизнинг ҳунарга,  
Ўзинг ажратасан бу мисраларим  
Мисини мисга-ю, зарини зарга.*





## *Жан-Мари Гюстав*

### **ЛЕКЛЕЗИО**

(1940 йили туғилган)

*Француз ёзувчиси, адабиёт бўйича Нобель мукофоти соvrиндори Жан-Мари Гюстав Леклезио 1940 йил, 13 апрелда Ницца шаҳрида туғилган. Бристол университетида тахсил олган. Адибнинг “Тилла балиқ”, “Олтинтопар”, “Сахро”, “Қарор” каби романлари ва кўплаб ҳикояларини китобхонлар севиб мутолаа қилади. Эътиборингизга ҳавола этилаётган ҳикоя ўғрилиқ кўчасига кирган кишининг ўй-хаёллари ҳақида.*

## **ЭХ, ЎҒРИ, ЎҒРИ, ШУ ҲАМ ҲАЁТМИ?!**

Ҳикоя

*Француз тилидан  
Раҳима ШИРИНОВА  
таржимаси*

### **Хўш, ҳаммаси нимадан бошланди?**

Билмайман, бунга анча бўлган, ҳаттоки, аниқ вақтини ҳам эслай олмайман. Мен Португалиянинг Эрисейра шаҳрида туғилганман. Лиссабондан унча узоқ бўлмаган денгиз бўйидаги бу маскан ўша пайтда балиқчиларнинг кичик бир қишлоғи эди.

Отам сиёсатни деб бизларни тарк этгач, ойим, холам ва мен Франциядан бошпана топдик; бувамни ҳам қайтиб кўрмадим. Айни уруш тугаган йили эди, у ўша пайтда қазо қилган бўлса керак. Аммо мен уни яхши эслайман, у балиқчи эди, менга кўп ҳикоялар сўзлаб берарди, ҳозир эса португалчани бутунлай унутганман.

Онам ишлашга мажбур бўлди. Мен уйларни таъмирлаш корхонасига ишга кирдим, ишим юришиб кетди. Ўша пайтлар эл қатори яшардим: ишим бор, уйлангандим, дўстларим кўп, эрганги кун ҳақида ўйламасдим. Мени на касаллик ва на кулфат ўйлантирарди, тинимсиз ишлардим, хо-

\* Манба: J. M. G. Le Clézio. La ronde et autres faits divers. Editions Gallimard. 1982.

лос, маошим эса кам, қачондир тақдир менга кулиб боқадими-йўқми, буни ҳам билмасдим.

Кейинроқ электр соҳасига ишга ўтдим: электр симларини тортардим, маиший электр жиҳозлари, ёритгичларни ўрнатардим, уларни улаб, ўчирардим. Ишим зўр эди, ўзимга ҳам ёқарди.

Бунга анча бўлди, баъзан ўзимдан чиндан ҳам шундай бўлганмиди, дея сўрайман; ё ҳар куни соат еттида уйга қайтиб, эшикни очишим билан ўз гўшамнинг тафтини сезган, қулоғимга болаларимнинг қувноқ овозлари эшитилиб, хотинимга кўзим тушгач, у менинг истиқболимга чиқиб, бўйнимга осилган, тинкам қуригани сабабли овқатдан олдин ўрнимга бироз чўзилиб шифтга термилган ва унда ажабтовур кўланқаларни кўрган пайтларимдаги туш эмасмиди, дея хавотирланаман. Ўшанда ҳеч нарсани ўйламасдим, мени на келажак ва на ўтмиш қизиқтирарди.

### *Энди-чи?*

Эҳ, энди ҳаммаси ўзгариб кетди. Энг ёмони, ҳаммаси бир зумда содир бўлди. Айтишларича, корхона инқирозга учраб, хўжайин бўйнигача қарзга ботган, ҳамма нарса гаровга қўйилгач, жуфтакни ростлаган, оқибатда уч ойлик маошимиз хўжайиннинг гарданида қолди. Бунинг устига у янги бир буюртманинг ҳақини олдиндан олган экан. Газеталарда у ҳақда ёзишди, аммо уни қайтиб кўрмадик – на ўзини, на пулни. Ҳаммамиз худди жарликка қулагандек эдик. Қолганларга нима бўлганини билмайман, назаримда, улар бошқа ёқларга кетишди, чунки уларнинг ёрдам берадиган ёр-биродарлари бор эди. Аввалига ҳаммаси яхши бўлиб кетади, деб ўйладим, осонгина бирор иш топсам керак дедим, аммо иш дегани топилмасди, чунки корхона эгалари оиласиз одамларни, асосан, ажнабийларни ёллашар, мабодо бирор қор-ҳол бўлиб қолса, улардан қутулиш осон эди. Электр соҳасидаги ишга келсак, менинг дипломим йўқ, ҳеч ким мени дипломсиз ишга олмасди. Ойлар ўтар, бироқ омадим ҳеч юришмасди; уйда қозон қайнамай қолган, ўғлимнинг ўқишига тўлашга пул йўқ, хотинимнинг соғлиги ёмонлиги учун ишга ярамас, ҳатто дорига ҳам пул тополмасдим. Ўша пайтда дўстларимдан бири уйланди ва мен унинг ўрнига уч ой Бельгияда туриб, домна печларида ишладим. Бу иш оғир эди, мен меҳмонхонада ёлғиз яшардим. Яхшигина пул топиб, “Пежо” русумли кичикроқ юк машинаси сотиб олдим, ҳозир ҳам уни ҳайдаб юрибман. Ўша пайтларда миямга машинамда қурилиш майдонларига юк ташиш ёхуд бозорларда мева-чева олиб-сотиш билан шуғулланишим мумкин-ку, деган фикр келди. Бироқ бу қийин эди, ёнимда ҳемири ҳам йўқ, ҳатто ишсизлик учун оладиган нафақамдан ҳам айрилгандим. Оилам оч қолди – хотиним, болаларим очдан ўлишлари мумкин эди. Ана шунда бир қарорга келдим. Бошида бу иш вақтинча, озгина пул топгач, ташлайман, фақат сабр қилсам, бас, дедим. Аммо, мана уч йилдирки, бу иш давом этмоқда, энди бу ёғига ҳам бирор нарсанинг ўзгаришига амин эмасман.

Агар хотиним ва болаларим бўлмаганида, бу ерлардан бош олиб кетган бўлардим, Канадагами, Австралиягами, фарқи йўқ, бу билан ўз ҳаёт тарзимни ўзгартирган бўлардим...

### *Улар-чи, улар билишадими?*

Болаларимми? Йўқ, улар ҳеч нима билмайди, улар жуда ёш, оталари ўғри эканлигини айтиб бўладими?! Бошида хотинимга ҳам билдирмоқчи

эмасдим. Мен унга тунги курилишда қоровул бўлиб ишлаяпман, дедим, аммо у уйга телевизор, мусикий марказ, маиший рўзғор буюмлари, сейф, такинчоқ ва бошқа буюмлар олиб келаётганимни кўриб турарди. Бу матоҳларнинг ҳаммасини гаражда сақлардим. Хотиним барибир шубҳаланиб қолди. У бу ҳақда менга ҳеч нима демади-ю, аммо сезганини билардим. Нима ҳам дея оларди? Иш шу даражага бориб етдики, бизнинг йўқотадиган ҳеч нарса миз қолмади, ё шундай яшаш керак, ё кўчада тиланчилик қилишга тўғри келарди.

Омадим чопиб ўша пайтда бир яхши харидор топдим, у қалтис ишга қўл урмай мўмайгина пул топарди. Шаҳарда унинг катта маиший электрон жиҳозлар дўкони ва қаердадир – билишимча, Париж атрофида – камёб буюмлар дўкони бор эди. У ўғрилиқ молларни сув текинга сотиб оларди. Буюмларга яхшироқ ҳақ тўларди-ю, бироқ дуч келган нарсани олавермасди, айтишича, бу қалтис иш эмиш. Бир куни у менинг кўхна осма соатимни олмади, чунки бундай соатлар дунёда уч-тўртта экан, қўлга тушиб қолишдан қўрқди. Шунда мен соатни хотинимга бердим, у хотинимга ёқмади, шекилли, билишимча, бир неча кун ўтиб соатни чиқиндиларга қўшиб ташлаб юборибди. Балки у ҳам кўрқкандир.

Ҳа, ўша куни гаражда машинадан нарсаларни тушираётган пайтимда хотиним кириб келди. Жилмайиб турса-да, аслида ғамгин эди. “Бу хатарли эмасми?” деб сўрагани ёдимда. Уялиб кетдим ва ундан чиқиб кетишини сўрадим, чунки ўша дамда харидорим келиши керак эди ва у хотинимни кўришини истамасдим. Боз устига болаларим ҳам буни билиб қолишидан қўрқардим, чунки улар ҳали гўдак эди. Улар мени аввалгидек ишлайди, деб ўйлашарди.

Мен фарзандларимга энди тунда ишлайман, шунинг учун кечқурун кетишим, кундузи эса бироз мизғиб олишим зарур, дегандим.

### ***Сенга шу ҳаёт ёқадими?***

Йўқ, ўзимга ҳам ёқмайди. Аммо на илож.

### ***Сен ҳар куни кечқурун чиқиб кетармидинг?***

Ишга қараб. Бу жойга ҳам боғлиқ. Шундай даҳалар борки, ёзда ҳеч ким бўлмайди. Баъзилари қишда бўм-бўш ётади. Баъзан уйда узоқ қолиб кетар, кўчага ҳам чиқмасдим, чунки хушёрлик керак, бундай пайтлар хатарли эканлигини яхши билардим. Аммо баъзан оилам пулга муҳтожлик сезарди, кийим-кечак, дори-дармон дегандай. Ётоқ учун, электр тўловлари учун ҳам пул керак бўларди. Мен бу вазиятдан чиқишим керак эди. Кўпроқ ўлиқларни кидирар эдим.

### ***Мурдаларни?!***

Ҳа, биласанми, газетадан бирор бадавлат кишининг вафот этганини билиб оласан, сўнг дафн куни бемалол унинг уйини тунашинг мумкин, чунки ҳамма қабристонга кетган бўлади.

### ***Одатда ҳар доим шундай қиласанми?***

Ҳар доим ҳам бир хил эмас. Тунда узоқ даҳаларда ишласам, ўзимни беҳавотир сезаман. Баъзан кундузлари ҳам ишлайман, то тушгача. Лекин кундузи ишлашни ёмон кўраман, кўпинча қош қорайишини кутаман, тонг-саҳар энг қулай пайт, чунки кўчада ҳеч зоғ бўлмайди, ҳатто миршаблар ҳам ухлайди. Аммо мен ҳеч қачон одам бор уйга кирмайман.

### ***Одам бор-йўқлигини қаердан билардинг?***

Менинг ўрнимда бўлсанг, биласан, бу шундоққина кўриниб туради. Остонадаги чанг, тўкилган барглар ёки почта қутисидан олинмаган газеталар ҳам уйнинг кимсасизлигидан дарак беради.

### ***Эшикдан кирасанми?***

Осон бўлса, ҳа, қулфни бузаман ёки ясама калитлардан фойдаланаман. Агар эшикдан кириб бўлмаса, деразадан кираман. Доим ёнимда олиб юрадиган тўқмоқча билан дераза ойнасини синдириб, ичкарига кираман. Аввало, из қолдирмаслик ва жароҳатланмаслик учун қўлқоп кийиб ишлайман.

### ***Огоҳлантириш кўнғироқлари бўлса-чи?***

Агар кўнғироқни ўчириш қийин бўлса, тегмайман. Кўпинча уларни узиш қийин эмас. Бир қарашдаёқ биласан, симларни узиб қўйсанг, бас.

### ***Одатда нималарни ўзгирлайсан?***

Биласанми, нотаниш уйга кирганингда, аввало, у ердан нима топишингни билмайсан. Сени сезиб қолмасликлари учун тез ишлашинг керак. Яхши сотиладиган ва муаммо туғдирмайдиган нарсаларни, масалан, телевизор, мусикий марказ, маиший рўзғор буюмлари, сейф, ялтироқ нарсалар ва портретлар, вазалар, хайкалчаларни олишинг керак.

### ***Тилла тақинчоқлар-чи?***

Йўқ. Одамлар тақинчоқларини кўзга кўринадиган жойга ташлаб кетмайди. Виноларни олишинг мумкин, чунки улар доим харидоргир. Яна одамлар ертўлага унча эътибор бермайди, ҳатто эҳтиёт юзасидан ҳам у ерга қулф осмайди, у ерда нималар бўлаётганига қизикмайди ҳам. Тезда ҳамма нарсани йиғиб жуфтакни ростлаш керак. Бахтимга машинам бор, агар у бўлмаганида мен бу ишларни удалай олмасдим. Бирор жиноий гуруҳга қўшилиб, босқинчига айланардим, тўғрими? Аммо бу менга тўғри келмасди, чунки, билишимча, улар муҳтожликдан эмас, эрмак учун, бойлик орттириш мақсадида ўғрилик қилишади, бирданига катта-катта ўғирлашади, мен эса кун кўриш учун ўмараман, хотиним ва болаларим оч қолмаслиги, яхши кийинишлари, билим олишлари, яхши касб эгаси бўлишлари учун ўғрилик қиламан. Агар эртага бирор иш топсам, барини бас қилиб, яна уйимга хотиржам қайтаман, оқшомлари овқатланишдан олдин ўрнимга чўзилиб шифтдаги кўланкаларга боқаман, ҳеч нимани ўйламайман, келажагимдан кўрқмайман...

Ҳозир эса ҳаётим бўм-бўш идишга, ортида ҳеч нарса йўқ пардага ўхшайди. Назаримда, уйлар, одамлар, машиналар – бари ясама, пайти келиб кимдир менга булар қуруқ масҳарабозлик, эгасиз нарсалар дейиши мумкин. Шундай экан, бу ҳақида ўйламаслик учун пешиндан кейин кўчага чиқиб кетаман ва бошим оққан томонга юраман, юравераман, қуёш чарақлаб турибдими, ёмғир ёғаяптими – менга фарқи йўқ, ўзимни бегонадек ҳис қиламан, гўёки эндигина поезддан тушганману, шаҳарда ҳеч кимни танимайман.

### ***Дўстларинг-чи?***

Эҳ, дўстларми, улар бошингга бирор қулфат тушса, ишингдан айрилсанг, пулинг йўқлигини билиб қолишса, бироз мулозамат қилиб туришади-ю қочишади. Пул сўрашингдан кўрқадилар, кейин у ёғи ўзингдан

қолар гап йўқ. Бошида аҳамият бермайсан, бир кун келадики, агрофингда ҳеч зоғ қолмайди, ҳеч ким сени танимайди ҳам... Чиндан ҳам ўзингни худди бегонадек, эндигина поезддан ноганиш шаҳарга тушгандек ҳис қиласан.

**Ҳаммаси олдингидек изга тушиб кетади деб ўйлайсанми?**

Билмадим, илгари мен бу омадсизлик ўтиб кетади, яна ғишт теришми, монтерликми, илгариги ўз ишимга қайтаман, деб умид қилардим...

Баъзан эса ўзимга ўзим, бу ҳеч қачон тугамайди, дейман. Чунки бойлар қашшоқларни бир чақага олмайди, уларнинг устидан кулади, холос, совуқ уйларига яширилган сейфдаги пулларни фақат ўзлари учун йиғади. Кун кўраман десанг, нон топаман десанг, уларнинг уйига киришинг, оладиган нарсангни ўз кўлинг билан олишинг керак.

**Ўғри бўлиб қолганингни сезганингдан кейин нима ўзгарди?**

Ҳа, менга нимадир бўлди, томоғимга нимадир тикилди, ҳаётдан тўйдириб юборди. Биласанми, уйга кечки овқат маҳали қайтганимда, совиб қолган сендвични еб, телевизор кўраману, ёнимдаги болаларим ҳеч нарса демайди. Илгарилари сира бундай эмасди. Хотинимга ҳар қараганимда, у ҳеч нарса демаса-да, кўриниши ҳорғин, кўзлари нурсиз ва ғамгин туюлади, ана шунда у мендан биринчи марта “Бу ишинг ҳагарли эмасми?” деб сўрагани ёдимга тушади. Мен уни алдагандим – “Йўқ”, деб жавоб бергандим, аслида бу иш фалокатли эканини, ташвиш келтиришини билардим. Уч-тўрт мартаба шундоқ бўлишига бир баҳя қолган. Одамлар менга қараб ўқ уздилар. Мен қоп-қора кийинган эдим, бош кийимим, кўлқопларим ҳам қора, боз устига ҳаммаёқ зимистон эди. Бахтимга ўқ менга тегмади. Аммо бир куни фалокат рўй беришини биламан, балки бугун тунда, балки эртага, яна ким билсин...

Балки мени тутиб олишар, турмада ҳам ўтириб чиқарман ёки ўқларга чап беролмай, ўлиб кетарман...

Фақат хотинимни ўйлайман, ўзимнимас, чақачалик қадрим йўқ. Мен фақат хотиним ҳақида ўйлайман, болаларим ҳақида ҳам, уларга нима бўлади, улар ҳақида ким жон куйдиради?

Ҳали Эрисейрада яшаган пайтларимда бувам менга айтиб берган қўшиқ ёдимга тушади. Нима учун айнан шу қўшиқни эслайман, бошқасини эмас, деб ўзимдан сўрайман, тақдир дегани шудир балки. Оз-моз бўлса ҳам португалчани тушунасанми? Бу қўшиқ шундай куйланарди, эшит:

*O ladraõ, ladraõ  
Que vida e tua?  
Comer e beber  
Passear pela rua.  
Era meia noite  
Quando ladraõ veio  
Bateu tres pancadas  
A'porta do meio\*.*

\* Эҳ, ўғри, ўғри!  
Шуми сенинг ҳаётинг?  
Емак, ичмак дардида  
Кўча дайдиш одатинг.  
Тун қоқ ярим бўлганда  
Насибангни терасан.  
Омад деган эшикка  
Тинмай зарба берасан. (Мутаржим таржимаси).





## Ян ПАРАНДОВСКИЙ

(1895–1978)

### СЎЗ КИМЁСИ<sup>1</sup>

*Рус тилидан  
Мирзаали АКБАРОВ  
таржимаси*

#### ИШХОНА

Буюк сўз усталари янгиликларни қадрлабгина қолмай, уларни нафақат ўзларига тенг, балки анча пастроқ ёзувчилардан ҳам ахтариб юришади. Изланаётган ижодкор уйғунликка ҳамоҳанглик танлар экан, улар ўзларига руҳан яқин бўлган муаллифнинг китобига мурожаат қилиб, унга шунчалик шўнғиб кетишадики, буни мутолаа дейишга тил бормаиди, чунки улар ҳатто ўқилган биронта саҳифанинг мазмунини ҳам айтиб беришолмаиди, ҳолбуки, бундан атиги бир соат олдин худди ўша саҳифадаги сўзлар уларни жунбишга келтирган бўлса ҳам. Бошқа пайтларда эса руҳан мутлақо ёт асарларга ҳам мурожаат қилишадики, улардаги услуб, композиция, муаллиф дунёқараши кўнгилни қолдиради, аммо бу фойдадан холи эмас, чунки бундай диссонанс (ноуйғунлик) жўшқин, фаол зарбага сабаб бўлиб, мутолаа жараёни энди яккама-якка олишувга айланар, наинки ютуқ ва нуқсонлар “ялт” этиб кўзга ташланар, балки ёзувчи ана шу “жанг”дан сўнг, янги куч-ғайрат билан ёзув столига ўтирар экан. Сомерсет Моэм ёзишдан олдин “Кандида”ни<sup>2</sup> қайта ўқиб чиқиб: “Мутолаа чоғида гўё бошимни шон-шуҳрат, ўткир зехн ва нафосат нури остига қўйгандай бўлардим”, деган экан.

Кимки агар ўзи китоб ёзса, охир-оқибат унинг шинавандасига айланиши аниқ ва бу ҳолат мутлақо табиий. Ўзидан шахсий кутубхона мерос қолдирмайдиган ёзувчини топиб бўлмаса керак. Одатда бундай кутубхонанинг тақдири доимо аянчли бўлади. Агар у васиятнома бўйича бирорта каттароқ китоб жамғармаси ихтиёрига ўтмаса, уни бепарво, бефарқ ва очкўз меросхўрлар битталаб ташиб битиришади. Қимматбаҳо ва эсдалиқ китоблар чордоқларда чанг босиб ётади, кимошди савдоси залларида сотилиб, лоқайд кишилар қўлида йўқ бўлиб кетади. Сўнг адабиётшунослар уларни қийинчилик билан қўлга киритиб, остига чизиб қўйилган жумлаларни, ҳошияларига битилган қайдларни ўрганиб, тадқиқ қилиб, ёзувчи ижодининг номаълум, янги қирраларини кашф этадилар. 1374 йилда,

\* Манба: Парандовский Я. Алхимия слова. –Москва: Правда, 1990.

<sup>1</sup> Охири. Бошланиши ўтган сонда.

<sup>2</sup> “Кандида” – Вольтер асари.

Петрарка вафотидан сўнг, ундан мерос қолган Европадаги энг катта кутубхонанинг тақдири не кечгани маълум. Ўзаро урушлар ва ҳарбий юришлар чоғида кутубхона Италия ва Франциянинг турли-туман шаҳарлари бўйлаб саргардон “кезаркан”, уришқоқ қироллар қўлида улоқ бўлиб, қўлдан-қўлга ўтиб юрган. Пьер де Нольяк улуғ инсонпарвар шоирнинг белги, ёзув ва қайдларини синчиклаб ўрганиб чиқиб, кутубхонанинг пухта каталогини тузган. Худди шундай хайрли ишни ҳормас-толмас, омадли тадқиқотчи Биркенмайер ҳам амалга оширган. У Коперник кутубхонасига тегишли китоблардан ўқув материаллари сифатида фойдаланиш учун зарур бўлган тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиб, саналаригача аниқ тайин қилган. Сент-Бёв ҳақидаги монография муаллифи Боннеронинг хизмати ҳам таҳсинга сазовор: у Париж кутубхоналарининг архивларини титкилаб, Сент-Бёв буюртма берган барча китоблар рўйхатини аниқлашга ҳамда унинг иш тақвимини деярли кунма-кун аниқ тиклашга муваффақ бўлган.

Шунга карамай, ёзувчининг ҳақиқий ишхонаси унинг ишлаб чиқариш қуроллари қаерда бўлса, ўша ердадир, деб тўла ишонч билан айтиш мумкин.

“Ишхона” сўзини фақат бугунги кунда бемалол ишлатса бўлади. Ўтган авлод вакиллари бу сўзни эшитса, аччиғи чиққан бўларди. Чунки ушбу сўз ақлий меҳнат эмас, қўл меҳнати вакиллари, ҳунармандлар ҳаёти билан ўзаро боғлиқ эди. Иккала соҳа эса олдиндан ўйлаб, тўқиб-бичилган, янглиш, хато фикр, ақидалар, адоват, хусумат ва нафрат туфайли бири-биридан ажралиб қолган эди. Тарихнинг ҳар бир даврида тил жамиятдаги хис-туйғулар ва хурофий урф-одатларнинг ҳаққоний солномачиси саналади. Эндиликда “ишхона” тушунчаси олийжаноб мақсадларни англатади. Умумий механизациялаш шароитида ёзувчилик ўз шахсий ишхонасига эга бўлишга эҳтиёж сезадиган камсонли касб-ҳунарлар сирасига киради.

Бундай ишхонада фойдаланиладиган иш қуроллари наинки хизмат қиладиган мақсадига кўра, балки ўзининг узоқ поэтик тарихи туфайли ҳам диққат-эътиборга сазовордир. Мазкур тарих истиоралар билан рангбаранг қилиб безатилган. Уларнинг ичида энг чиройлиси, бу – “стиль” (услуг, усул) – шиор-сўз, чакириқ-сўз бўлиб, сўз санъаткорлари “цех”ининг рамзи саналади. Унинг келиб чиқиши оддий. Юнончада дастлаб “таёк”, “қозик”, “устун” маъноларини англатган. Ҳозирга қадар бу сўз Оpatовскда болтага нисбатан ҳам (соп, даста маъносида) ишлатилади, Польшанинг бошқа айрим жойларида уни “стилик” деб ҳам аташади. Рим қўшини “стилар”, яъни учи қайралган қозиклар билан ўз лагери остоналарини ҳимоя қилган. Кейинчалик ушбу сўз кесиш (йўниш) асбоби – кескич маъносида қўлланила бошлади. Римликлар бундай асбобдан мумдан қилинган жадвалларга ёзиш учун фойдаланишган. Кескичлар ёғочдан, суяқдан ва металдан тайёрланган.

Кескич ва ўткир учи сиёҳга ботириб ёзиладиган қўға (қамиш) бир замонлар адабиётнинг гуллаб-яшнашига баҳолиқудрат хизмат қилган. Сўнгра ғоз патларининг даври бошланиб, Капитолий паррандаси қайта шон-шухратга бурканган ва ўз омадини турна, оққуш, ўрдак, қорақарға, қирғийлар билан баҳам кўрган – шу тариқа патларининг энгиллиги, ўткирлиги ва рангига қараб, уларни бири-бири билан таққослаш ва танлаш имконияти юзага келган. Кимки қўлида камалакни тутиб тургиси келса, товус пати билан ёзган. Кескични бизга фақат эски истиораларгина эсла-тиб туради ва улар ҳали-бери йўқолиб кетмайди. Станислав Гераклиуш Любомирский шу ўринда баъзи бир парадоксга диққатни қаратади. “Эн-

диликда, – дейди у, – ёзилган нарсалар ҳақида услуб эмас, қалам дейилса, тўғрироқ бўларди. Масалан, бу китоб яхши қалам билан битилган, дейиш мумкин, чунки ҳозир одамлар “услуб”дан воз кечиб, унинг ўрнига “қалам” сўзини қўлламоқдалар”.

Любомирскийнинг тилаги амалга ошмади ва дунё ўша эски истиора билан қолди, фақат унинг ёнига янгиси келиб қўшилди. “Қалами ўткир” дейилганда қўл, пичоқча ва учи ўткирланаётган чўп тасаввур қилинадиган бўлди – менинг бувим ҳам бир пайтлар шундай қиларди, кейин янги ёзилган қоғоз устига ёзув столидаги чиройли қумдондан қум олиб сепиб чиқарди.

Норвид шундай деб ёзган экан:

*Қалам!*

*Мен учун сен бамисоли фариштанинг қанотисан...*

Мазкур дабдабали мурожаат оддийгина ғоз патига тааллуқли эди. Ундан Норвид ҳам, Виктор Гюго (“У шамолдай енгил ва яшиндек кучли”) ҳам то умрларининг охирига қадар айрилишмаган. Бизнинг давримизга эса ғоз патини Анатол Франс олиб кирган: унинг Бешеллердаги ёзув столи 1924 йилнинг кузида қандай қолдирилган бўлса, хануз шундайлигича сақланмоқда, стол устидаги ўткир ғоз патлари солинган қадах ҳам жойида турибди. Франс ҳеч қачон бошқача иш қуролидан фойдаланмаган. Қачонлардир тараққиёт рамзи саналган пўлат перо ҳам биз учун ортиқ мақбул иш қуроли бўлмай қолди. Энди ҳар бир киши ўзича олтин перога эга бўлишга ҳаракат қилади, илгарилари у, худди маршалнинг ҳассасига ўхшаб, адабиёт оламининг юксак мукофоти сифатида бериларди, холос.

Ёзувчилар иш қуролларининг ўлчами, вазни ва шакл-шамойилига ҳеч қачон бефарқ бўлишмаган. Уларнинг мустаҳкам, майин, қулайлиги муҳим. Ёмон перо ижодий ғайратни совитиб, бутун иш кунини йўққа чиқаришга қодир. Марсель Швоб эса атайлаб яроксиз пероларни йиғиб юрар, уларнинг “қайсарлиги”дан ижодий рағбат оларди. Петер Альтенберг бўлса, “Кун” фирмасининг 201 рақамли ҳаворанг пўлат пероларини шунақаям мактаб, мадҳ этардики, эшитган одам фирма унга реклама учун пул тўласа керак, деб ўйларди.

Китоб босиш санъати ихтиро қилингунга қадар, муаллиф деярли ҳар доим тиришқоқ хаттот бўлган. Ҳозирги кунда Арнольд Беннет қўлёзмалари ёки Андре Сюареснинг ранг-баранг майда ҳарфлар билан ёзилган қўлёзмалари ёхуд Платон таржимони Владислав Витвицкийнинг фавқулудда чиройли қўлёзмалари нодир хазиналар ҳисобланади. Гоҳо ҳайратланарли нарсалар ҳам учраб туради: Сэмюэл Пипсга тегишли шифр ёки Леонардо да Винчи мактуби, бу мактубдаги ҳарфлар ағдариб ёзилганлиги сабабли уни фақат кўзгуда ўқиш мумкин. Ёзиш жараёнининг ўзи кўпчиликка лаззат бағишлаши сир эмас. Ҳарфларнинг ёзилиш шаклидаёқ ўзига хос гўзаллик яширинган. Бунини кўпгина ёзувчилар эътироф этишган, уларнинг кўпчилиги ўз асарларини бир неча марта қайтадан кўчириб чиқиб, қўлёзманинг тоза, бекаму кўст бўлишига интилади, кўпроқ эски урфдаги ёзув қуролларини афзал кўради. “Перони сиёҳга ботиришнинг ўзиёқ, – дейди Декав, – мукамаллик касб этади: у жуда тез ёзишга изн бермай, кўпгина бемаъни хатолардан сақлайди”. Бернард Шоу эса бу ҳақда бошқача ўйда бўлиб, фикрларини ифодалашга улгуриш учун кўпинча стенографияга мурожаат қилган.

Ёзув қуролларининг асрлар мобайнида ўзгариб бориши ижодий жараён психологиясига доир ўзгаришларни ҳам тақозо этган. Ким кескич билан

ёзган, ким хитойлар сингари ингичкагина чўткачадан фойдаланган, миҳ-хат билан ёзган қадимги Бобил ёзувчиларини-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Албатта, уларнинг психологияси ўртасида катта фарқ мавжуд бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Музейларда улуғ одамлар томонидан узоқ йиллар давомида ишлатилган перо ва сиёҳдон каби ашёлар сақланади, уларнинг ҳаяжонга солувчи излари гоҳо ўз эгаларининг майл, ҳавас, иштиёқлари, хурофий урф-одатлари, бидъат, камчилик, нуқсонларини ҳам ёритиб беради. Гарчи кўп ёзувчилар фақат қаламдан фойдаланган бўлишса-да, негачир у кўринмайди. Худди шундай ёзув машинкаларини ҳам учратмайсиз, бунинг боиси балки уларнинг ёзувчилар ишхонасига қиёсан яқиндагина кириб келганида ва эҳтимол, ҳали бу ёзув анжомида биронта ҳам буюк асар яратилмаганида бўлса керак. Гарчанд ёзув машинкаси одатда қўлёзма нусхаларини тайёрлашга хизмат қилса-да, оригинал асар ёзишда қалам ўрнига ундан фойдаланаётган ёзувчилар тобора кўпайиб бормоқда. Пристли ёзув машинкасининг қатор афзалликлари борлигига амин бўлди. “Ёзув машинкаси, – дейди у, – кишини маълум бир масофада тутиб туради ва ёзган асарига танқидий кўз билан қараш имконини беради”. Майли, шундай бўлсин ҳам дейлик, лекин машинка, энг аввало, шубҳа-гумонлардан холи бўлган, сермахсул графоманларга аъло даражада хизмат қилишини унутмаслик лозим. Ана шундайлардан бири, адиба Тайлор Колдуэлл китобларни наридан-бери, юмалок-ясси қилиб ёзиб ташлашда катта муваффақиятларга эришган. У чин кўнгилдан иқрор бўлиб, шундай дейди: “Мен машинкада профессионал тезликда ёза оламан. Узоқ ўйлаб ўтирмай, жуда тез битаман. Агар бўш вақтим етарли бўлса, хийла семиз романни ёзиб ташлаш учун менга атиги икки ой кифоя қилади”.

Буни янада яққолроқ тасаввур қилишингиз учун қўшимча қилиб айтмоқчиманки, бу хоним на Францияни, на Европани кўрмай, билмай туриб, Ришельё замонидан роман ёзган. “Уларни кўриб нимаям қилдим, – дейди у, – Буффалода ажойиб кутубхоналар тиқилиб ётган бўлса...”

Ёзувчини иш устида тасаввур қиларкан, ҳеч ким қайчини бирров эсга олмаса керак, хойнаҳой. Аммо Краковдаги Каллимах макбарасининг муаллифи буни эсдан чиқармаган экан. Қайчини ҳозирга қадар ҳам деярли барча ёзувчиларнинг иш столида учратиш мумкин. Бу буюм одатда қўлёзма мутолаасининг якунловчи босқичида, баъзан корректура ўқиладиган пайтда пайдо бўлиб қолади. Шунда саҳифалар кесилиб, матн бўлаклари бир жойдан бошқасига кўчирилади, баъзан шундай ҳам бўладики, бир бобнинг охири унинг бош қисмига ўтиб қолади. Шу тариқа қайчи ва елим ёрдамида енгил ўқилиши ва табиийлиги билан ўқувчини ўзига ром қиладиган қизиқарли сюжет вужудга келади.

Қоғоз – бу энди жуда жиддий масала. У адабиёт оламига кеч, ўрта асрларнинг охиридагина кириб келди ва ҳақиқий маънода инқилоб ясади. Аввалига қоғоз ўзининг ўтмишдоши – пергамент билан “жанг”га киришиб, уни ўз арзонлиги билан таслим қилди. Ҳайвонлар терисидан тайёрландиган пергаментнинг баҳоси қиммат, бунинг устига камчил эди, шу боис кўпинча палимпсест (пергаментдаги ювиб ёки кириб тозаланган матн устидан ёзиладиган қўлёзма – *тарж.*)дан фойдаланишга тўғри келарди. Урушда босиб олинган жойлардаги кўпинча бекиёс даражада аҳамиятли бўлган ёт фикрни йўқ қилишдек ваҳшиёна одат қадимги дунё ҳалокатидан сўнг бошланган маданий қашшоқлашишнинг бир кўриниши эди.

Пергамент ёзувчи учун ҳозир унутилиб кетган кўпгина ташвишларни

келтириб чиқарар эди. Уни текислаш, ғадир-будир жойларини йўқотиб, силлиқлаш ва бўр билан ишқалаб тозалаб чиқиш лозим бўларди. Аммо-лекин мана шу ишлар бажарилгач, одам хузур қиларди! Пергаментни ўша даврдаги ҳатто ниҳоятда ғадир-будир қоғоз билан ҳам таққослаб бўлмасди. Пергаментга қараганда арзон бўлган бу қоғоз барибир ҳозирги нархига қараганда қиммат эди. Бора-бора ёзувчиларнинг иш шароитлари ҳам ўзгарди. Пергамент замонида унинг олдида китоб очик ҳолда турар, унинг ёрдамида ҳарфлар силлиқ, сирғанчик юзага ҳуснихат билан ёзилар, жойни тежаш учун кўплаб шартли қисқартмалар қилишга тўғри келарди. Ўрта асрларда эса қалин, ғадир-будир қоғоз урф бўлиб, унга қадалган ғоз пати ёзганда ғичирлаб кетарди.

Ёзувчиларнинг дид ва талабларини қондиришда қоғоз саноати қадимда папирус тайёрланган устахоналардан ўтса ўтадики, асло қолишмайди. Эндиликда ёзувчи қоғоз танлашда инжиқлик қилиши ҳам мумкин. Катта-кичиклик, қалинлик (пишиқлик), силлиқлик ёки ғадир-будирлик, ялтироқлик – ёзувчининг индивидуал қизиқишлари қоғознинг, асосан, ана шу сифатлари билан боғлиқ. Агар ёзувчи қоғоз ҳажми ёки қалинлигини зарурат юзасидан эмас, балки ўз хоҳиши билан ўзгартирса, демак, унинг ўзи ҳам қандайдир даражада ўзгарган бўлади. Тажрибали одам кўлёзмага бир қарашдаёқ муаллифнинг ўзига хос феъл-атвори, ижодий усули, баъзида эса услубини ҳам билиб олишга муваффақ бўлади. Тор, камбаргина саҳифалар узоқ йиллар ишлаган газетачига хос бўлса, ҳикоячи (ровий) нафис истиоралар ижод қиладиган шоирдан фарқли ўларок, мўлжални кенг олади. Қайси бир ёзувчи кундаликларида катак-катак қоғоз ёмон таъсир қилиши, фикрларини чалкаштириб, руҳий мувозанатини издан чиқаришини таажжуб билан қайд этган. Бу борада баъзан йўлдан оздирадиган васвасалар ҳам учраб туради: харажатлар дафтарининг орка томонига элегия ёки қирим-чиқим дафтарига роман ёзгинг келиб қолади.

Қоғознинг ранг, туси ҳам эътибордан четда қолмайди. Айрим ёзувчилар уни шунчалик ўзгартириб туришадими, кўлёманинг ранг, тусига қараб, ижодининг даврларини – худди йилнинг турли фаслларидаги табиат манзаралари сингари пайқаб олиш мумкин. Оқ қоғозда ўзига тортадиган қандайдир сеҳрли бир нарса бор. Бу гўёки очик, кенг йўл, ундан номаълумлик сари илк қадам кўяётган кишида бироз кўрқув пайдо бўлади: бамисоли қордек оппоқ, покиза қоғоз бетига доғ туширинг келмайди.

Руссо ўз “Иқрорнома”сида “Янги Элоиза”нинг дастлабки икки қисми тўғрисида шундай ҳикоя қилади: “Уларни ёзиб бўлгач, қиш мобайнида сўз ила ифодалаб бўлмайдиган қувонч билан оққа кўчирдим, бунда ниҳоятда чиройли заррин қоғоздан ва ёзувни қуритиш учун ложувард ҳамда кумушранг кукундан фойдаланиб, дафтарни ҳаворанг тасмачалар билан кўшиб тикдим”.

Кекса Гёте “Мариенбад элегияси”даги шеърларни ўрта аср кўлёмаларига хос бўлган дабдабали ҳуснихат билан кўчириб чиқиш учун уч кун вақт сарфлаган. Мовий матодан жуда чиройли қилиб муқоваланган ушбу кўлёмани бугунги кунда Ваймардаги Гёте ва Шиллер архивида завқ билан томоша қилиш мумкин. Аммо Гёте ҳам худди Руссога ўхшаб, дастлаб ўз кўлёмасини ипак чилвир билан тикиб, сўнг қизил сахтиён теридан муқовалаган. Ёзувчиларнинг кўлёмалар тўпламини зийнатлаш учун худди олдиндан мўлжаллангандек, гоҳо зарҳалланган ҳошияли, чиройли муқоваланган кўлёмалари ҳамон учраб туради.

Ҳар бир ёзувчини эҳтиёткор, узокни кўра биладиган, тадбирли деб



бўлмайдди. Анатоли Франс ҳеч қачон қоғоз ғамлаб қўймас, қўлига нимаики тушса, ёзиб кетаверар эди. Гоҳида у қоғоз излаб, бутун уйни ковлаштириб кўрар, баъзан ошпаз аёлдан хиралик билан сўраб олар, эски хатлар, хатжилдлар, таклифномалар, ташрифномалар, ҳатто тўлов қоғозлари, патта, чипталарга ҳам ёзиб ташлайверарди. Бир куни аллақайси фирма унга харид қилган жиҳозининг тўлови ҳақида эслатади, Франс эса ҳеч қандай қарзи йўқлигини тушунтирмоқчи бўлиб, беҳуда уринади. Ўз дўстининг одатларини яхши билган мадам де Кайаве ёзувчининг Миллий кутубхонадаги қўлёзмаларини кўздан кечириб, у ердан ҳисоб қоғозини топиб олади, маълум бўлишича, унинг орқа томонига романиннг бир парчаси ёзилган экан. Ёзувчининг у қадар кўркам бўлмаган қўлёзмалари ҳозирги кунда маҳобатли черков китоблари каби баҳмал, духоба, тери ва фил суягидан қилинган дабдабали, чиройли муқоваларда сақланмоқда. Малларме қоғозни шоир учун бирдан-бир, ягона хомашё деб ҳисобламас, шеърларини буклама елпиғичлар, чиройли, бежирим конфет қутичаларига, чойнаклар, кўзгучалар, банкалар, рўмолчаларга – мухлислари айтишганидек – “ҳаётнинг ўзига” ёзиб кетаверар эди.

Баъзан ёзув стилининг чиройли ва қулай бўлиши ҳақида ўйлаб ўтиришга ҳожат қолмас экан. Масалан, Вилье де Лиль-Аданнинг жиҳозлари мусодара қилинганда шундай вазият юзага келган ёки Тадеуш Риттнер бошқа жойга кўчган пайтда драманиннг бир қисмини китоблар ўралган қоғозга қоралаган эди. Тутқунликда, қамокда ёки қувғинда юрган, ҳатто бир умр эркалик билан умр кечирган одам ҳам, тақдир нимани раво кўрса, шунга қаноат қилади. Оскар Уайльд “De profundis”ни турманиннг қўпол ва дағал қоғози саҳифаларига ишониб топширган экан. Серошевский Сибирда илк китобини ўзи тайёрлаган сиёҳ ва перода газета парчаларига ёзган. Бенвенуто Челлини ягона достонини қамокдалигида турма эшигидан кўчириб олинган пайраҳа ва ғиштни майдалаб тайёрланган сиёҳ билан ёзган экан.

Гарчи унчалик кўп бўлмаса-да, – хоҳ доимий ёки айрим пайтларда бўлсин, – бегона, ёт кишилар ёрдамига таянган ёзувчилар ҳақида ҳам тўхталиб ўтмасак бўлмайдди. Айтиб ёздириш усули аслида қадим замонлардан бери маълум: Цицерон бу ҳақда ўзининг мактубларида кўп марта эслатиб ўтган, Цезарь ҳам бировга айтиб ёздиришни маъқул кўрган. Баъзи кишилар касаллик ёки мажруҳлик сабабли, масалан, Мильтон кўзи ожизлиги, Конрад эса бод хасталиги туфайли шундай йўл тутишга мажбур бўлишган. Ўз кўзим билан кўрганман, Уэллс хонада у ёқдан-бу ёққа юрган кўйи романдан бобни айтиб ёздирарди, у ўша вақтда шу роман устида ишлаётганди, котибаниннг эпчил бармоқлари тугмачаларни моҳирона босар, машинка овози жўрлигида турли таъриф-тавсифлар, диалоглар, психологик шарҳлар бирин-кетин қоғозга тушарди.

Энг ёмони – ҳамма нарса жимжитликка ва диққатни бир жойга жамлашга, раҳмдил сеҳргар – ёлғизликка боғлиқ бўлиб турган пайтда, бошқа бир шахсниннг малол келадиған даражада пайдо бўлишидир. Ёлғизлик – мукамаллик дояси. У “Илохий комедия”нинг терцина (ҳар банди уч мисрадан қилиб ёзилган шеър – *тарж.*)лари узра бедор бўлиб, бир кечада “Импровизация”ни дунёга келтирган. Ҳораций ўз шеъринг бандларининг ажойиб сайқал топгани, Гёте эса – “Фауст”нинг иккинчи қисмидаги ҳаёлий шарпалар учун ундан – ёлғизликдан қарздордир. Ёлғизлик туфайли Флобер янги фаранг насрининг бир текисдаги маромини жон қулоғи билан тинглаган, Диккенснинг хонаси персонажларнинг умрбоқий оломони билан тўлиб-тошган. Хушбахт Августиннинг “Иқронома”си

ёлғизлик чоғларидаги кўнгил изҳоридан бошқа нияям бўлиши мумкин? Танҳоликда фикр қанот ёзади, унга етуклик бахш этади, унда сўз ўзининг гуллаган даврини бошдан кечиради. Агар ҳар қандай ёзувчининг шахсий ҳаётига назар солиб қаралса, ундан – қазноқдаги ранги ўчиб кетган эски-туски орасидаги бир ҳовуч дур солинган мўъжазгина қутича каби, албатта, ёлғизлик тухфасини ҳам топиш мумкин. Ёлғизлик бўлмаса, даҳо куйиб кул бўлар, истеъдод эса заволга юз тутарди. Мицкевичнинг шу боис миннатдорчилик ила йўғрилган шеърини сатрлари қуйидагича жаранглайди:

*Ёлғизлик!  
Тирикликнинг қайноқ ҳароратидан  
Юсураман муздай, теран сувларинг томон.  
Қандай лаззат, қандайин қувонч бу –  
Тоза ва тиниқ оқимингга чўмаман!*

Ҳаётнинг сершовқин муҳитида, югур-югур, чоп-чоплари ичида ярати-лиши мумкин бўлган ҳар тарафлама мукамал асарни топиш амримаҳол. Хотин подшоҳ Венеранинг хизматида ўзини бағишлаган, жангу жадаллар суронига кўнгил кўйган мард ва олижаноб, буюк асилзода қаҳрамон Дон Жуан агар ҳақиқий ижодкор бўлганида, дарҳол ҳамма нарсдан воз кечиб, тўрт девор ичига қамалиб олган бўлар эди. Тацитнинг нотиклар тўғрисидаги диалогидан Апер бу ҳақда киноя оҳангида шундай дейди: “Чиндан ҳам қимматли бир нима яратишни ният қилган шоирлар дўстлар ҳузуридаги зиёфат, базмлардан, пойтахт ҳаётининг кўнгилхушликларидан, шунингдек, бошқа ҳар қандай ўйин-кулги ва ҳатто мажбуриятлардан ҳам воз кечиб, ўзлари айтгандай – ўрмон ва дарахтзорлар, яъни ёлғизлик томон йўл олмоқлари лозим”.

Ҳар ким ёлғизликни ўз майл, ҳавас ва имкониятларига мос тарзда қидиради. Бальзак – тунги пайт, Вальтер Скотт – эрта тонгда, ҳали барча оила аъзолари ухлаб ётган пайтда туриб, то нонуштага қадар ишларди. Кимки агар ўзига унчалик ишонмаса, одатдан ташқари воситаларни ишга солади. Масалан, Виктор Гюго сочлари ва соқолининг ярмисини олиб, қайчини деразадан пастга улоқтиради-да, икки ҳафта давомида уйига қамалволиб, ижод қилади. Ижодий ишнинг сиқуви остида бошқа барча яхши кўрган нарсалар, ишқибозликлар заифлашиб қолади. Тиришқоқ чавандоз отни, овчи – милтиқни унутади, трубадур (ўрта асрлардаги Франциянинг жануби (Прованс)да ашула айтиб юривчи сайёр ҳофиз-шоир – тарж.) эса маҳбубига эътибор бермай қўяди. Бутун олам кичкина, торгина хонага беркиниб олади, ёзувчи тун ярмида ишдан чарчаб, деразани очгандагина ўпкаси эркин, тоза ҳаводан баҳраманд бўлади.

Тинчлик ва жимжитлик – ёзувчи учун унумли ишлашнинг энг муҳим икки шарт мана шу. Баъзилар бунинг учун Карлейлдек шафқатсизлик билан курашишга ҳам тайёр, у ўзининг ювош, беозор хотинини ҳафталаб гапирмай қийнаган экан. Квинтилиан эса ёзувчиларга ажойиб қишлоқ ҳаётдан воз кечишни тавсия қилган, унингча, ҳеч нарса дарахт шохларининг шитирлаши ҳамда қушлар хонишчалик одамнинг диққатини бўлалмас эмиш. У тунда, зичлаб ёпилган хонада, яқкаю ягона мойчироқ ёруғида, яна энг яхшиси, худди Демосфенга ўхшаб – ертўлада ишлаш-ни маслаҳат берган. Шопенхауэр кўча шовқинлари ҳақидаги очеркини қанчалик жаҳл билан ёзганини пайқаш қийин эмас. Касалманд Пруст ишлай олиши учун махсус шарт-шароитлар талаб қилинар, бой-бадавлат

бўлгани боис бунга имкони бор эди. Иш кабинетининг деворлари пўкак тиқинлар билан маҳкам бекитиб чиқилганига қарамасдан, у шовқин важдан кундузи ҳам ишлай олмасди. Баъзан Османн хиёбонидаги тураржойини тарк этиб, кўчага отланадиган бўлса, ёзиш учун жимжитлик ва қулайликни ҳар бир икир-чикиригача олдиндан пухта ўйлаб чиқар, кўшниларнинг шовқинидан қутулиш мақсадида меҳмонхонадаги бир нечта хонани ижарага оларди. Унга чин дилдан ҳавас қилмайдиган ёзувчи камдан-кам топилади.

Ўз асари узра энгашиб олган ёзувчи худди телвакезик одамга ўхшайди: агар пастдан қандайдир ҳайқирикни эшитиб қолса борми, қулаб тушиши турган гап. Ҳатто энг азиз кишиси томонидан энг нозик овозда айтилган бегона, ёт сўз ҳам унга яшин ургандай таъсир қилади. Бирданига ҳаммаси барбод бўлиб, тўкилиб-сочилиб кетади ва шоирнинг хаёлот олаmidан култепадан бошқа ҳеч нима қолмайди. Ва буларнинг барчасини қайта тиклаш учун кўп вақт талаб қилинади, баъзан эса, узоқдан бўй кўрсатиб турган, тегишли сўзлар ифодасида акс этишга тайёр поэтик образ ҳам бир умрга ғойиб бўлади. Ёзувчи дунёсига аралашининг ана шундай ачинарли оқибатлари (генералнинг қизи билан бўлган саргузашт) ҳақида Конрад ўз “Хотиралар”ида ҳикоя қилган.

Иждодий соатнинг астрономик соат билан ҳеч қандай алоқаси йўқ, у ягона ва бетакрордир. Унинг чорак қисмини олиб ташлаб ёки бошқаси билан алмаштириб бўлмайди. У – бахтли тасодиф, тақдир марҳамати, ниҳоятда қулай шарт-шароитлар тухфаси. Унга халақит берилса ёки путур етказилса, ҳеч қачон бошқа қайтиб келмайди. Эҳтимол, унинг ишини бошқа бир соат бажариши мумкиндир, лекин ушбу соат бизга нималар олиб келишидан қатъи назар, бой берилган соатда нималардан маҳрум бўлганимизни ҳеч қачон била олмаймиз. Ёзувчи ҳаётини тез-тез бузиб турадиган ногаҳоний шовқин-суронлар, ташрифлардан бири – “Дзядалар”даги айнан “Импровизация” туғилаётган пайтда рўй берганини тасаввур қилиб кўрсак. Мицкевич ана шундай зўр диққат, иждодий руҳни эртасига ҳам топа оларди, деб ким ҳам айта олади? Ёзувчи ҳаётининг замирида йўқотилган лаҳзалар, сўнган образлар, бошланғич ҳолатидаёқ маҳв этилган фикр, ғояларнинг улкан қабристони пинҳон мужассамдир. Бунда асосан, муҳит, қолаверса, қисман ёзувчининг ўзи ҳам айбдор. Ўғтиборсизлиги, фаромушхотирлиги ёки сабрсизлиги сабабли иждодий завқ лаҳзасини бой бераркан, бунда ўзининг ҳам ҳиссаси бор. Аммо соғлиқнинг яхши эмаслиги, обдан чарчаган асаблар, руҳий тушқунлик ҳолатлари келтириб чиқарадиган у ёки бу кўнгилсизликлар ёзувчига ташқи – хира, шилқим, кўпол ва шафқатсиз дунё етказадиган зиён-заҳматлар билан ҳеч қандай тенглаша олмайди.

Ҳар бир, ҳатто энг ўртағина ёзувчи ҳам дарвешона феъл-атвор, хусусиятларга эга. Метерлинк умрининг энг самарали йилларини кўхна, овлоқ аббатлик (католик монастирь ва унга қарашли мулк – *тарж.*) – Сен-Вандрилда ўтказган, Юлиуш Словацкийга эса Бечесбан монастирида ўтган кунлари юксак руҳий кўтаринкилик ва “Анхелли” достонини тухфа қилган эди. Агар роман ёки достонда роҳиб образи учраса, агар шеър монастирь деворларининг акс садоси каби янграса, муаллифнинг исм-шарифи бизни адаштирмасин: у ким бўлишидан қатъи назар, унинг ҳаёти ва дунёқараши қандай бўлмасин, буни ёзган дақиқаларда ўзи ҳам роҳибга, унинг қалбига йўл топиб, унда кундалик турмушнинг ташвишлари ичра эришиш шу қадар қийин бўлган ботиний ҳаётга соғинч ҳиссини уйғота олган одамларнинг биродарига айланганига шак-шубҳа йўқ.



## КҮНГИЛ ФАРЁДИ

*Сийнанг бунчалар ситамга тўла...  
Миртемир*

Қоронғи тун қўйнида ўксиб-ўксиб йиғлаётган бева аёлнинг рухсорини ҳеч тасаввур қилганмисиз? Аёл андуҳига тенг ғам бормикан дунёда? Ёруғ оламда одамлар ичра алам чекиб, ёлғиз яшаётган, сўнесиз дардларини бир умр тотишга маҳкум этилган, кўз ёшлари қуримай, бемадор, бемажол ўринга чўзилган аёл бардоши, сабру қарори бешафқат тақдирга нисбатан исёндан ўзга нарса эмас.

“Бурама чизиқ”, “Тепалик”, “Бу ерда ва бошқа ёқда” каби бир нечта насрий асарлар, шунингдек, ёднома ва сафарномалар муаллифи, француз адибаси Анн Филипнинг “Бир лаҳза” қиссаси ҳам айрилиқ дардидан қалби тилка-пора бўлган аёлнинг изтиробли ва маҳзун хотиралари, хаёллари, айтолмай қолган армонлари изҳоридан иборат. Асарни ўқигач, кўнглингизда оламнинг собитлигига, муқаддар туйғуларнинг доимийлигига иштибоҳ уйғониши мумкин. Дардга тўла бу битиклар инсонни турмушининг зерикарли, ўткинчи, кундалик икир-чикирларига тўла бағридан озод қилиб, чинакам ҳаётга муносиб кечинмалар маконига элтади. Мутлаа жараёнида беихтиёр умр нимадан иборат бўлмоғи лозим, қандай яшамоқ керак, тўқ яшаб пуч хаёллардан ортмай қолган маъқулми ёки қийналиб, мазмунли ҳаёт кечирган афзалми каби саволларга жавоб излайсиз. Улим нима? Интиҳоси ўлим билан тугаши муқаррар ҳаётга инсон нега бунчалар кўнгили кўйишининг сабаби нимада? Бахт нима? Муаллиф шундай жумбоқли, қийноқли саволларга жавоб топмоқчи бўлади.

“Бир лаҳза” бадиий асар бўлса-да, тўқимага қурилган эмас, чинданам Анн Филипнинг турмуш ўртоғи, дунёга машҳур актёр, эллик-олтмишни қоралаб қўйган авлод вакиллари ҳамон ҳавас билан эслайдиган Жерар Филип қирчиллама чоғида, ўттиз етти ёшида вафот этган. Операциядан кейин ўн етти кун жони узилаётган бемор ёнида бўлган адиба хотира ва хаёллардан иборат мана шу китобни ёзди. У бадиҳа эмас – нидо, у қисса эмас – кўнгили фарёди, эҳтирослар вулқони! Асарда Анн Филип дам марҳум эрига мурожаат қилади, дам хотираларга, адоқсиз хаёлларга тутқун бўлади.

Ниҳоятда таъсирли, ғамгин оҳангларга йўғрилган бу асар 1963 йили Францияда чоп этилди. Ўша йиллари Лотин Америкаси адабиётининг довуғи бутун дунёга таралган, Борхес, Кортасар, Маркес, Онетти, Лъосаларнинг роман ва қиссалари қўлма-қўл

бўлиб кетганди. *Анн Филипнинг ушбу китоби Париж, Лион, Тулуза сингари йирик шаҳарлардаги китоб дўконларига чиққач, шов-шувга сабаб бўлаётган ўша ёзувчиларнинг асарлари “Бир лаҳза”нинг соясида қолиб кетди, десак сира муболаға бўлмайди. “Уни кўз ёши тўкмай ўқиган одам топилмасди, – деб ёзганди Франсуаза Саган ўз хотираларида. – Бу бадиий асардан юксак, ёдномадан теран, эрини яхши кўрган суюкли аёлнинг фавқулодда чексиз ишқ-муҳаббати инъикоси эди”.*

*Асарда бошдан-оёқ чин инсоний туйғулар уфуриб туради. Адиба инсон ва у яшаб ўтган ҳаёт қадри бебаҳо, деган ғояга содиқ қолади. Муҳаббатга бағишлаб мадҳия, сўнмас баёт яратади. Бу мансура – шундай десак мақсадга мувофиқ бўларди – кўнгиш фарёди!*

*Унда анъанавий сюжет йўқ, қолаверса, қаламга олинган воқеа-ҳодисалар, хотиралар баёни изчил эмас; ёзувчи бунга ортиқча аҳамият бермайди. Шахснинг оламда тутган ўрни, унинг улуғворлиги ва ҳис-туйғуларининг гўзаллигини ифодалаш йўлида айрилиқдан эзилган юраги нимани амр этса, фақат шуни ёзади. “Биз қанча яшамайлик, ҳаётимиз – мангулик олдида бир лаҳза. Бир лаҳза, холос!” – дея изтироб билан таъкидлайди Анн Филип. Шу лаҳза жозибали ва гўзал кечгандагина инсон умри мангуликка татигулик бўлади...*

*Айбга буюрмасангиз, ушбу таржимани фарзандим Саидахонга бағишласам. Зеро, асарни таржима қилишимга қизимнинг тақдири туртки бўлди.*

Таржимондан

## **Анн ФИЛИП**

(1917–1990)

### **БИР ЛАҲЗА<sup>1</sup>**

Қисса

*Рус тилидан  
Олим ОТАХОН  
таржимаси*

*Ғам инсонни камолот чўққисидан қулатади.  
Спиноза*

#### I

Мен барвақт уйғонаман. Ҳали тонг отмаган. Кўзимни очмасдан, яна уйқунинг теран тубига ғарқ бўлгим келади, аммо уриниш беҳуда. Худди қандайдир қайғули ва ночор кўринишдаги қирғоққа келиб қолгандек бўламан, бамисли алағ-чалағ туш кўраётганга ўхшайман. Энг яхшиси, чирокни ёқиб, китоб ўқиш – боши-кети йўқ хаёлларимнинг ҳар тарафга

<sup>1</sup> Журнал варианты. Манба: Филип А. Одно мгновение. –М.: Прогресс, 1965.



адашиб-улоқиб кетишига йўл қўймайди. Лекин қаттиқ чарчаганим сабабли, ёркин хотиралар уммони сари сузаман. Баъзан уларга шунчалик берилиб кетаманки, ҳатто хаёлни воқеликдан ажратолмай қоламан. Мудраб ётганим ёки идроким етмаётганидан эмас, йўқ, уйқу аралаш хотиралар гирдобига тушиб қолганим учун – бошқа сабаби йўқ. Беихтиёр илгаригидек ўнг томонга қўйилган ёстиғинг тарафга ўгириламан ва мен томонга қараб қолган жонсиз юзингга тикилиб қоламан, очик кўзларинг, сокин, лекин ҳар қандай ифода тарк этган маънисиз қиёфангга ва охирги нафасинг чикқунига қадар жонинг мутлақо азоб чекмагани, сўнги лахзаларда ҳеч қандай кўрқув, ваҳима қийноққа солмаганидан огоҳ қилгандек ёзилган, очик ҳолича қолган кафтларингга кўзим тушади. Сенга узоқ тикилиб, муздек қўлларингни қўлларимга олиб, юзингни титраб-қақшаб силаб чикқандан кейин гўё соҳилда осуда дам олаётгандек ўрнимизда ётганингни сезиб қоламан, мени эса – ҳали тирик эканим учун – ўз ихтиёримсиз, розилигимсиз, аллақандай тезоб сув оқими оқизиб кетарди. Сен энди тоабат яшамайсан, мен эса бор-йўғи тирик бўлганим учун ҳали бирмунча вақт ҳаёт кечирсам керак. Ўлим бир-биримиздан умрбод жудо қилди.

Мен кўзимни очаман, чирокни ёқаман, ўзимни кўлга олиш учун амаллаб ўрнимдан тураман. Тонг ота бошлайди, у битмас-туганмас ғам-кулфатдан бошқа ҳеч нарса келтиролмайди. Ҳар куни бир-биримизга термилиб, кўзларимиздан гўё маънили ишора ва эҳтирослар чиғаноғини териб ётардик. Бугун мен кимнинг кўзларига тикиламан, ширин сўзларимни кимга айтаман? Ҳаётимнинг кимга қизиғи бор? Ҳеч кимга! Шундай бўлишидан кўрқардим, тўғриси. Ҳар бир кунинг интиҳога, томоғингдан ўтаётган таом – охират луқмасига айланиши мумкин бўлган кезлар, сенинг кўзларингга тикилиб менга атаган, доим ҳада қилган севгинг дунёсини ахтарардим-у, унинг ўрнига ўлим рўёси кўринарди. “Сен ҳам кўзларимга яхшилаб боқкин, кўряпсанми, менинг нигоҳимда лоақал хотиралар акси сақланиб қолган-у, сенинг кўзларингда эса шуям акс этмаяпти, – дея ўқинардим, – ҳаммаси ўтиб кетади, сен ҳатто эслолмайсан. Фанои муқаррар! Сен ҳам тез орада ўша дорулфаного равона бўласан...” Бир пайтлар сен борлигинг учун бағрим тўла эди, сенга ёр, хаёлларингга ошно, майл-ҳавасларинг, ўтли боқишларинг таъсирида жисмим яйраб-кувнаб, настарин гуллари янглиғ барқ урарди. Табассум қилишинг учун сенга жилмайиб қарар, мени бағрингга босиб, бўсаларга кўмиб ташлашингни билганим учун бармоқларингдан ўпар эдим. Мени қандй ўпишингни кўраман деб, аввал бармоқларингга лабимни босардим. Сенга тегишли ҳар битта бўса менинг ҳар бир мучамда абадий сақланиб қолишини, менинг ҳар бир эркалашим эса сенинг аъзойи баданингга етгучи зарарни йўқ қилиб юборишини истардим. Мен ютиб чиқишимга кўзим етмаслигини кўра-била туриб шунга интилардим.

Мен бир лахза бўлсин тинмаслигим лозимлиги ҳақида ўйлардим. Чунки, назаримда, фақатгина шундай қилсам, яшай оламан. Мен ҳаётда сен билан ҳамқадам бўлишни яхши кўрардим. Бундан ҳам афзал, гўзал амал борми дунёда? Бугун қаерга борсам бўлади? Ҳолбуки, бормоқ – қадам ташлаб боришдангина иборат эмас-ку! Нима мақсадда? Мен бир қоидага қатъий амал қиламан: яшаш ва болалар учун шароит яратиш керак! Бу осон, қўлимдан келади бундай қилиш, мана шу тахлит ишончинг комил бўлса, муқаддар бурчингни адо эта оласан.

Жимжит қиш кунлари, замин ухлаётган, ҳар хил ҳидлар гуркирамаётган пайтни яхши кўраман. Мен ҳам шунақа уйқучи бўлиб қоламан. Баҳор келгач, оқим оқизиб кетса, деб хаёл қиламан. Мен ҳам борлиқ каби, офтоб,

ёзила бошлаган куртаклар, ҳавони тутган хушбўй ҳидлар, кушлар сайроғига ғарқ бўламан.

Илк очилган гулга бокиб, наҳот унга махлиё бўлмаслик, худди унга ўхшаб оддийгина яшашга интилмаслик мумкин?

Сен бўлмаган келажак, истиқбол керакми менга?

Мен Люксембург боғида кетиб бораяпман. Эсимда, икки йил аввал худди шу йўлчалардан юрган эдик. Унда эндигина тонг отаётган палла эди. Ўриндиклар бўм-бўш. Бир-иккита ўқувчи мактабга шошиларди. Гарчи бугунгига ўхшаб киши яқинлашиб қолган бўлса ҳам, намгарчилик йўқ, фавворанинг шариллаб отилаётган суви тонгнинг зумрад ёғдусига қўшилиб кетарди. Япроқлар тинмай тўкилар, шамол уларни хиёбон бўйлаб учирай юборар, мен уларни битта-битта босиб борардим. Ўрнига бошқа япроқлар чиқади. Бироқ ўша кезлар, сен вафот этгач, ўрнингга кимдир туғилди-ю, деб ўзимга тасалли бера олармидим? Таниш ва биз севган йўлчалар бўйлаб бемақсад айланиб юрардим. Дарахтлар пояси панжаранинг темирларига ўхшаб қаққайиб тургандек кўринади. Мен энди ҳеч қачон бир-биримизга айтолмайдиган гапларимни айтиб юрардим. Кўксимни тўлдириб нафас олиб ҳузур қилардим. Ўтиришга ботинолмас, умуман, бирон ерда тўхташга юрагим бетламасди. Чукур-чукур нафас олганча бошим оққан томонга кетаверардим. Мен сени сақлаб қолиш йўллари ҳақида қайгурмас, чунки ҳукм ижро этилган. Мудҳиш ҳукм, машъум ижро. Бошқа нима ҳам бўларди?

Унгача мен ўлим ҳақида бирор марта ҳам ўйлаб кўрмагандим. У мен учун мавжуд эмасди. Мени фақат ҳаёт қизиқтирарди, ўзига жалб этарди. Ўлимми? Ўлим муқаррар, лекин шунга қарамай ҳеч қачон унинг қўлидан кўп нарса келмайди, ҳаёт шамини ўчиришгагина қодир, чунки у келганда биз кетган ёки йўқ бўламиз. Унинг ҳукуки жонимиз узилгандан кейин кучга киради. Ё у, ё биз. Бизнинг онгли равишда унга пешвоз чиқишга ҳаққимиз бор, лекин модомики ўзи чакмоқдек бир лаҳзада келган бўлса, қандай қилиб уни бир дақиқа қаршилаш мумкин! Дунёда ҳаддан зиёд севган кишимдан умрбод жудо бўлиш тақдир этилган эди. Бундан буён менинг севгимдан ўзга ҳеч нарса бизни бирлаштиролмаслигини билардим. Агар, ҳаттоки, жон, руҳ деб аталадиган аллақандай ўлмас ҳужайралар абадий тирик бўлган тақдирда ҳам, бизнинг хотираларимизга молик бўлолмайди ва айрилиқ мангуга чўзилади. Мен ўзимга ўзим ўлим, бу – ҳали чидаб бўлмайдиган даҳшат эмас, унинг яқинлашиб келиш жараёни даҳшатлироқ, деб таъкидлардим: жисмонан азоб чекиш ва яқинларингни, бошлаган ишингни умрбод ташлаб кетаётганинг алами ҳаммасидан оғир. Шуларнинг бари сенинг ихтиёрингсиз содир бўлади. Ўша лаҳзалар сен мавжуд бўлмайсан!

Қайғули, ғамгин хотиралар жисмимни тўла қамраб олади. Мен болалигим ҳақида ўйламасдим, шу хаёлларим охирида, албатта, яна зим-зиё зулмат ва аччиқ тутун босиб келади ва назаримда, худди минг-минг тонна кум мени сўриб-туртиб кетаётгандек бўлади. Кимдир мени бўғаётгандек туюлади. Тўрт ёки беш яшар қизчаман. Онам билан вокзалда турибмиз. Касса дарчаси олдида, навбатимиз келганда онам: “В.га бориб келишга битта билет, бола учун фақат боришга яна бир билет...” деб тушунтирди. Мен онам гапираётган одамни кўрмасам ҳам ҳаммасини эшитаяпман ва онамнинг бағрига сукиламан. Эҳтимол, сукилмагандирман, балки, эслолмаётгандирман, бироқ вужудимда мавжуд бўлган ҳар бир ҳужайра билан дунёдаги битта-ю битта меҳрибонимга талпинганимни яхши эслайман. Биз поездда кетаяпмиз. Ҳар битта станция яхши таниш Бу йўллардан биринчи юришим эмас. Мени нима кутаётганини ҳам биламан. Хаёлан

онам билан яна қанча вақт бирга бўлишимни ҳисоблаб чиқаман, айрилиқ узок давом этмаса-да, мен учун жуда узок, давомли туюлади. Мен энди йиғламасликка ўрганиб қолгандим. Бироқ ичимда аллақандай саккизоёқ юрагимни сиқиб бўғзимгача кўтараётгандек ва шунинг учун сўлақларим аччиқ бўлиб бораётгандек туюлади. Кўпгина болаларга ўхшаб, мен ҳам турмуши бузилган, кўнгли совигач, бир-биридан ўч олиш пайига тушган ота-онанинг фарзандиман; мен қасос қуролиман. Қисқаси, одатдаги можа-родан сўнг мен учун отам билан яшаш пайти келган, бироқ энди кунларим отам билан эмас, амаким ва келинойимнинг уйида ўтади. Поезд В.га бориб тўхтади. Демак, чорак соат вақт қолибди, от қўшилган тўрт ғилдиракли аравага ўтиргач, яна онамни кучоқлаб оламан. Отлар аранг юради, чунки Франс кўчаси эгри-бугри йўллар орқали тоққа ўрлаб кетган. Мана охириги муюлиш. Бир қаватли оппоқ уй кўринади. Ким келди, ким кетди – хабардор бўлиб туриш учун биринчи қаватига тошойна ўрнатилган. Мен яна йигирмагача санаб борсам бўлади, чунки арава айланиб ўтиши керак – уй йўлнинг чап бетида. Ойим мени бор кучи билан бағрига босади, мен унинг кучоғидан чиқмай юзларидан чўлпиллатиб ўпаман. У ўша аравада қайтиб кетади, ҳатто тушмайди ҳам. Мен бўлсам келинойим ёнидан жилмай унга қўл силкиб хайрлашаман – риёкор хайрлашув! – юрагим зиркираб онамнинг изидан қараб қоламан, лекин бир нарсага ўргандим – бу ерда ғам-аламни ошкор қилиш мумкин эмас. Уйга кирман. Чап тарафдаги биринчи хона – меҳмонхона. У ерга ҳеч ким кирмайди. Жавонларнинг ғилофи, гиламлар, девор – ҳаммаси бир хил рангда. Ундан кейин емакхона келади. У ердан кичкина эшикча орқали чоғроқ ҳовлига чиқилади; бир неча пиллапоядан боққа тушилади. Емакхонада ортиқча нарса йўқ, хайхотдай ойна бор, холос. Ана ўша ойна – мен учун бир жазо, овқатланаётганимизда доим ўшанинг рўпарасида ўтираман. Бошимни кўтариб қарасам – тамом: “Ойнага қарайверма ҳадеб!” – деб уришишади. Мен яна бошимни қуйи солганча, индамай кавшана бошлайман, бироқ нимадир томоғимга тикилиб ўтмай қолади. “Тезроқ есанг-чи!” Жимжитлик, қошиқларнинг тақирлаб тақсимчаларга урилгани эшитилади, холос. Амаким билан келинойим ўзаро гаплашишмайди. Улар бир-бирини яхши кўрмайди, эр-хотин, холос, бунинг устига бефарзанд ҳам.

Нимасини айтай, мен у ерда ўзимни бахтсиз сезардим. Кейинчалик, улғайгач, бунга қарши исён кўтариб, ўз бахтимни ўзим барпо этишга қатъий аҳд қилдим.

## II

– Неча кун давом этади бу? – деб сўрадим жарроҳлик хонасининг ёнгинасидаги чоғроқ хонага таклиф этган дўхтирдан.

– Бир ой, узоғи билан ярим йил.

– Ухлаётганида қайтиб уйғонмаслиги учун бирор нима қилсангиз бўлмайдими?

– Йўқ, хоним.

Беш дақиқа аввал, кутиш залида қадрдон дўстларимиз билан ўтирган эдим. Ҳамшира келиб: “Хоним, сизни сўрашяпти”, – деди. Унга эргашиб ортидан борар эканман: “Бунча тез. Боя бир ярим соатча давом этади, дейишганди, олиб кетишганига йигирма дақиқа ҳам бўлгани йўқ-ку”, деб ўйладим. Тўрт нафар оқ халатли дўхтирларни кўргач эса ҳаммасини тушундим. Уларнинг жиддий қиёфаларида акс этган шафқатсиз ифодалар-

ни кўриб, барини англадим. Ораларида ёши улуғроғи индамасдан стулни мен томон суриб кўйди. Нима гаплиги равшан. Мени қатл этиш маросими бошланади ҳозир, хукм қилинган эса, мендан бир неча қадам нарида ухлаб ётарди.

– Қийналадими у?

– Йўқ, очиғи, юраги тўхтагунча ётади.

Мен яна пастки қаватга туша бошладим. Юрагимга қил ҳам сиғмасди. Фақат кимгадир: “Ҳеч қандай умид йўқ экан”, деганим эсимда. Кўнғирок қилиб, сизни сўрашяпти, деб чақиришганди, бу сафар ёлғон гапиришга мажбур бўлдим. Сал кейинроқ палатага кирдим, сен ўша ерда ётар эдинг. Ҳамшира чап оёғингнинг томирига дори томизғични улаётган экан. Бурунга қўйиладиган найча туфайли ҳарсиллаб нафас олардинг, кошки ҳаммаси ўзгача бўлса: сен наркоздан сўнг ҳали ҳушига келмаган одамдек – рангинг бўздай оқарган кўйи, аянчли аҳволда ётсанг-у, кейинчалик, бирор ҳафта ёки узоғи билан ўн кунлардан кейин эса ҳаммаси илгаригидек жойига тушса. Умидвор бўлган пайтларимда айнан шундай деб ўйлагандим: уч кун сабр қилсам бўлди – ўтади-кетади ва биз учун яна бахтга тўла кунлар насиб этади. Изтиробли уч кун ҳам ўтди, кейин сен жон бердинг, ўртамизга ёлғон аралашгани қолди.

Ҳатто ухлаб ётганимда сенга ноумид бўлиб қарашга журъатим етмасди. Иложи борича ўзимни хотиржам ва тетик тутишга уринар, беҳуш ётганимдан фойдаланиб болалардек шу аҳдимдан бехос чалғиб кетмаслик машқини олардим – бирга кечирган ҳаётимизнинг сўнгги кунлари шу тахлит тугайди, деб сира ўйламагандим. Санитар сени махсус аравачага ётқизаётган маҳал бир-биримиздан муҳаббат тўла кўзларимизни узолмаган эдик.

### III

Бу воқеа саккиз йил аввал, сешанба куни юз берганди. Ҳаво салқин эди. Парижда ҳали кўклам нафаси сезилмас, лекин шаҳар ташқарисида осмонни қора булутлар қоплаб, дарахтларнинг ҳали куртак очмаганига қарамай, баҳор бошланаётгани сезиларди.

Биз кўчмас мулк билан шуғулланувчи ваколатхона ходими айтган манзилни ахтариб юрар эдик. То ўша қишлоққа етиб бориб, катта темир дарвозали уйни топгунча озмунча адашдикми? Дарвоза ҳам, ўртадаги кичкина эшик ҳам кулфлоглиқ экан. Хиёбон бўйлаб яна озгина юрган эдик, қаршимизда файзсизгина, сарғиш ва тўқ қизил рангга бўйланган, ўртасига беўхшовгина соябонли айвонча қурилган уй кўринди. Унинг черепица қопланган эски томи чиройли эди. Чоғроқ ўтлоқда ўт ўраётган ўрта яшар бир киши бизни кўриб, ёнимизга келди. У зобитларга ўхшаган қадди ғоз киши эди. Чиройли боғланган бўйинбоғи, қаттиқ картон ёқаси, аъло навли кигиздан тикилган шляпаси, кулиб боқувчи кўзлари ҳамон ёдимда. Бизни бошдан-оёқ кўздан кечиран экан, у саволларимизга лўнда ва аниқ жавоб қайтарар эди.

Ҳа, уй-жой сотилади. Уни кўриб чиқсак бўладими? “Нега бўлмас экан, бўлади. Аммо уй менинг тасарруфимда эмас, – дея кўшимча қилди у. – Агар хўп десангиз, хонимни чақираман”. Хоним унинг рафиқаси экан. У хотинини чақириб келгани чиқиб кетди, бироздан сўнг пушти шол рўмолга ўранган, қўлида бир шода калит кўтарган ўрта бўйли, истарали аёл келди. Бизга алоҳида ҳурмат кўрсатиб саломлашгач, ичкарига таклиф этди. Дераза дарчаларини очиб, кун ёруғида уйни кўздан кечириб чиқдик, ана шу

пайтда тасаввурим жонланиб кетса бўладими! Деразалардан кўринаётган манзара ҳаддан зиёд жозибали ва сўлим эди. Уйдан йигирма кадамлар нарида дарё оқиб ўтар, ҳаммаёқда ям-яшил дарахтлар қад рослаган эди. Теварак-агроф жимжит. Уйни бугун бўлмаса эртага дидимизга мослаб исталганча ўзгартирса бўлади. Ишончим комилки, бир кун келиб у муҳаббат салтанатига айланади.

Боғбон кўча эшиги олдида кутиб турарди. У бизни боққа олиб борди. Ҳар битта дарахт ёнида тўхтаб, унинг танасини силаб қўяр ва хийла бўртиб қолган миттигина куртакларни кўрсатарди.

– Афсуски, фақат уй олдида ўсаётган каштанлар қолди, бошқаларини совуқ уриб кетди, – деди у. – Каштаннинг қип-қизил гуллари жудаям чиройли очилади. Шунақа пайтда уйни бир кўрсангиз эди. Яқин атрофда манавинақа эман йўқ, ўзиям жуда ноёб, танасининг тиклигини қаранг. Тепада эса, қайинзор ёнида, кедр хиёбони бор, уни барпо қилишган пайтларни яхши эслайман, янглишмасам, ўша дарахтларни ҳовли-жойнинг аввалги эгаларидан бири эккан эди, дарахтнинг тирик жон эканини ёлғиз ўша одам тушунар ва эъозлаб, кадрига етарди, бошқалари эса Межев<sup>1</sup> билан Мовий соҳилни афзал кўришарди. Қишлоқни ҳис қилиш ва севиш керак. Сизлар қишлоқни яхши кўрасизларми?

– Ҳа, қишлоқ жону дилимиз.

– Бутун умрим шу ерда ўтди, – деди боғбон. – Лекин мен бор-йўғи бир боғбонман, холос, хоҳлаган пайтда ҳайдаб юборишлари мумкин. – Бу гапни у ўз каддини билишини сездирмайдиган инсонга ўхшаб, алланечук фахрланиб айтди.

Шу лахзадан эътиборан мен мосье Б.ни ёқтириб қолдим. Учта шийпон жойлашган боғда у бизга мевали дарахтларни кўрсатди, бир кесакни олиб бармоқлари билан майдалаганча тупроқ ҳақида гапириб берди. Биз гир айлана тошчўп билан ўраб олинган, сабзи, ертут ва қоҳу экилган жўяклар, қулф уриб ўсаётган пиёнгулларни кўрдик. Каштанлар қад ростлаган хиёбоннинг нариги тарафи эса чангалзор эди, йўсин ва печакгул ўз ҳолича ўсиб ётибди. У томондаги қаровсиз ерда катта-катта харсангтошлар кўп эди. Кейин биз Уаза дарёси ёқалаб чўзилган сўқмоқ бўйлаб кетдик.

Тикка кўтарилган қирғоқдан туриб баржадаги матросларга қўл силкиб саломлашиб қўйдик. Мосье Б.ни дарё қизиқтирмас экан.

– Ёзда чўмилса бўладими бу ерда?

Саволимиз унга бемаъни туюлган бўлса, ажаб эмас.

– Хоҳласангиз, бемалол. Чўмилиш ишқибозлари доим топилади, бироқ сувга мазут ва ўлган мушукларни оқизадилар.

Ўтлоқлардан бирининг четида мосье Б. ўз санъатининг юксак намуналарини ғурур билан намойиш этди: дарахт шоҳлари хўроз ва аллақандай паррандалар шаклида буталган эди.

– Иш дегани, сизга айтсам, мана шунақа қойилмақом бўлсин экан. Дарахтларни бунақа кесиш учун қунт ва маҳорат керак. Ҳозирги боғбонлар буни билишни ҳам, эшитишни ҳам хоҳлашмайди. Уларга тушунтирганин билан барака топмайсан. Оворагарчиликка арзимасмиш!

Бизнинг назаримизда дарахтларни бундай кесиш учига чикқан бачкналикдан бошқа нарса эмасди, бунақа сунъий, ғайритабиий нарсаларни жинимиз суймасди, лекин шунга қарамай, боғбоннинг кўнглига қаттиқ тегмасин учун, одоб юзасидан қилган ишини мактаб қўйдик.

Ўша куни бошқа ҳеч нарсани кўрмадик. Боғ-ҳовлидан чиқиб кетаётга-

<sup>1</sup> Межев – Франциядаги тоғли дам олиш жойи. (Изоҳлар таржимонники).



нимизда тепаликда тўхтаб теварак-атрофга бирқур назар солдик. Уза сувлари чопикдан чиққан қорамтир экин майдонлари оралаб булутлар аксини окизиб борарди; олисларда, деярли уфққа туташ ерда, уйлар қуршовидаги черков кўзга ташланади. Бу манзара жуда чиройли бўлганидан, индамай кетишга кўнглимиз бўлмай, уни бироз томоша қилиб турдик. Бизни ўзига ром этган табиатнинг мана шу сеҳридан мутаассир бўлиб, ногаҳон юрагимда туғён ура бошлаган ҳис-туйғулар баҳонасида сенга бир гапни айтгим келди, бироқ лом-мим демадим. Чунки, биринчидан, гумонам борлигига ҳали ўзимнинг ҳам ишончим комил эмасди; иккинчидан, ҳали аниқ бўлмасдан туриб, сени қувонтиришдан нима фойда?!

Икки ҳафталардан сўнг бу ерга яна келдик. Авжи баҳор эди. Машинани ўша, олдинги жойимизда қолдирдик. Найза бўйи кўтарилган қуёш сукунат оғушидаги туман бағрини чок-чокидан сўка бошлаганида, биз сотиб олган ҳовли-жойдаги дарахтзор ичра қад ростлаган иморатнинг қизғиш томи чўғдек кўзга ташланарди.

Йиллар ўтди. Болали бўлдик. Фарзандларимизга қараб кўзимиз қувонарди. Бугунги оқшом ҳам одатдагидек тинч ва осуда. Сени интизорлик билан кутаяпман. Мен машина шовқинини эшитсам, қаерда тезликни оширгансан ёки, аксинча, қаерда секинлашгансан, ҳатто кайфиятинг қанақалигигача биламан. Кўзларимни юмиб ётган бўлсам-да, тиқ этган товушни эшитаман. Мана, ниҳоят келдинг. Сен тўхтаб, дарвозани очиш учун машинадан тушасан ва уни шундайлигича қолдирасан – чунки дарвоза бошқа тарақламади, қолаверса, чарчагансан, ёқмайди, ғилдираклар остида шағал шалдирайди, чироқлар шуъласи ёпиқ дераза дарчаларини сийпаб ўтади, сен итга бир-икки гап қотасан-да, зинадан кўтарилиб юқорига чиқасан, мени уйғотиб юбормаслик учун пойабзалингни аста ечасан. Хонага секин кирасан. Мана, ниҳоят сен уйдасан. Бу – ҳаёт.

Мен шовқин кўтармай секингина боққа чиққанимда уйда ҳамма маст уйкуда эди. Ниҳоятда ажиб, ўзимнинг иборам билан айтганда, ақл бовар қилмас палла. Дарё енгилгина буғланиб оқади, ўтлоқдан ҳали тунги шабнам кетмаган, боғ билан гулхонага ўрнатилган сув пуркагич ускуна чир айланяпти, боғбон сабзавот йиғади ва биз биргаликда мевали дарахтларни кўздан кечирамиз – шохлардаги ларзон мевалар пишай деб қолган. Ҳар куни барвақт қайинлар билан кедр дарахтидан, шафтоли ва анжирлардан хабар олгани ва барқ уриб очилган гуллар узгани келаман. Сен уйғонганингда боғимиздаги янгиликлар ҳақида айтиб бераман.

Сентябрь туни, биз олис саёҳатдан қайтардик. Ҳар қанча чақирсак ҳам ҳеч ким овоз бермади, аксига олиб ит ҳам акилламади, хурсандлигини билдириб, оёқларимизга суйканганча ғингшиди. Дарё соҳилига қурилган тош тўсикқа ўтирдик. Тўлин ой бизга ҳар битта ғишти кадрдон бўлиб қолган уй билан сўлим боғни кумуш нурларга чулғайди.

Узоқ йиллар муқаддам биз кун келиб, юрагимизда тўлиб-тошган севги-муҳаббат туфайли битмас-туганмас саодат эшиклари очилишини олдиндан сезардик, фарзанд кўрамыз, уларни мўътабар кишиларнинг болаларидек тарбия қиламыз, иш билан шуғулланамиз, дўстлар орттирамыз, ўз уйимизда, фароғатда яшаймиз, балки, ким билсин, ноумид шайтон, оламни бундан ҳам мунаввар қилишга ўз ҳиссамизни кўшармиз, деб ичимизда орзу қилардик. Шу эзгу ниятлар рўёбга чиқадиган вақт келганди. Биз таҳсинга сазовор бунёдкор эканмиз. Ўша кеч хорижга бориб келганимиз илҳом бердимиз ёки дилбар тун таъсиридами, бир пайтлар юрагимизда сақлаган орзуларимиз тўлиқ амалга ошганлигини бирданига чуқур ҳис қилдик.

Сенинг ўлимга маҳкумлигингни эшитганимда, мен бошқа ҳеч қачон бу уйга қадам босмаслигимни фахмлагандим. Шунга қарамай бир марта, ўшанда ҳам сенинг илтимосингга биноан боришимга тўғри келган эди. Мосье Б., илк бор кўрганимиздек, иш билан машғул эди: кекса каштаннинг ўтлоққа тўкилган япроқлари билан қирмизи гулларини бир жойга тўплаётганди. Қуюқ сўрашдик. У энг аввал сенинг саломатлигинг ҳақида билишга қизиқди. Ёмон эмас, деб жавоб бердим. Дўхтир юришга рухсат берган куни кўргани бораман, деди.

Болалар мириқиб ўйнашди. Биз доим сенинг машинанг кириб келадиган хиёбондан кўз узмай, мен дамлаб келган чойни ичиб ўтирдик. Қайтиб бу ерларга келмадим, шу охиргиси эди. Бу боғ-ховли, шу дов-дарахтлар мен учун бир пайтлардаги кўркини, ҳам файзини бутунлай йўқотган эди. Биз бу ерда бунёд қилган нарсалар бизсиз ҳам яшайверади. Мен жазава ичида дарахтлар, гуллар, ит, қушлар ва айникса, мавжудлиги давом этаётган буюмлардан ёзғирар эдим – бу деворлар, жавонлар, майда-чуйда нарсалар, жавондаги тартиб билан илиб қўйилган кийим-кечакларни кўргим келмас эди. Жонсиз, “ким” эмас, “нима” деган саволга жавоб берувчи, лекин чиримай, нобуд бўлмай, узок турадиган буюмлар устунликка эришаётган эди. Ўша тушлиқдан кейин, назаримда, сенинг жонинг узилган маҳал ер ёрилиб, бу ердаги ҳамма нарсани ютиб юборса, адолатли, шу билан бирга, табиий бўларди, деб ўйлагандим.

#### IV

Ҳозир ёлғиз бир ўзим сайр қилиб юрган боғда сен билан ўтказган бир кеча сира ёдимдан чикмайди. Бу ер, сенинг ўлимингдан кейин мен қадам босмасликка ҳаракат қилаётган манзилларадан бири эди.

Ярим кеча эди. Биз театрдан энг охирида чикдик. Қор ёғарди. Биз бир-биримизнинг қўлларимизни ушлаб битта-битта қадам ташлаб борардик. Гапиргимиз келмас, бунинг хожати ҳам йўқ эди. Ҳеч қандай мақсадимиз йўқ эди-ю, лекин бу тўғрисида ўйлаб, иккиланиб ҳам ўтирмас эдик. Биз бирга, ошиқ-маъшуклар сингари хушхол ва ботиний севинчимизни ошқор қилишни истамасдик, ўша лахзаларда ҳар ким ўз хаёли билан банд эди. Ҳар замон-ҳар замонда секин, бешовқин машиналар ўтиб қоларди. Ҳувиллаган



кўчалар кимсасиз, тирик жон яшамайдигандек туюларди, эҳтимол, севги туфайли дунё кўзимизга кўринмагани учун шундай деб хаёл қилгандирман. Сирдошимиз, балки ҳамроҳимиз иккита эди – тун билан осмон! Париж анча узоқда эди. Вавэн кўчаси орқали Люксембург боғининг дарвозаси олдида чикдик. “Кирамизми?” – дедим.

Биз тўсиқдан ошиб ўтдик ва афсонавий оламга тушиб қолгандек бўлдик: оёқларимиз остидан қор сачрарди. Ўзимизни беҳад шод ва масрур сезардик. Дунёда ҳамма нарса яхшиликдан иборат, олам гўзал, ҳаёт ширин эканига комил ишонч билан иқроор бўладиган нурли ва хуррам лаҳзалар! Сен эгнингдаги пальтони ечиб қор устига тўшадинг, биз шунга ўтирдик. Қоронғилик қўйнида бир-биримизга термилардик. Сенинг сокин кўзларинг билан бирозгина қор инган киприкларингга шайдо бўлардим. Панжара тўсиқдан икки қадам нарида бизни шаҳар қуршаб олганди. Соат учга занг урди. Негадир бирдан хаёлимга бахтсизлик ҳақида ўй келди. Бизнинг бошимизга тушиши мумкинми, деб эмас, албатта, чунки бу хусусда хаёл қилишнинг ўзи менга ақлга сиғмайдиган фавқулодда ҳолатдай туюлганди ўшанда, балки ўзгаларнинг бахтсизлиги ҳақида хаёл сурдим. Айнан шу дақиқаларда қаердадир одамлар жон бермоқда, кимлардир котиллик қиляпти; оилалар бузиляпти; етим қолган болалар қон-қон йиғляпти; эркаклар билан аёллар тақдирга тан бериб ўтирибдилар. Жуда олисларда, айтилик, Хиндистон ва Хитойда, одамлар жон талвасасида азоб чекмоқда ёки ўзгаларни қийнамоқда. Ҳаёт пайдо бўлибдики, ҳар лаҳзада кимдир туғилади, кимдир дард чекади, кимнингдир қувончи кимнингдир азоб чекишига сабаб бўлади; то дунё бор экан, шундай бўлган ва шундай бўлиб қолади. Биз гўё бахт қушини ушлаб олганмизу унга шикаст етказиб қўймаслик учун иссиқ бағримизга беозоргина босиб ўтирардик; шунингдек, биз бу неъматни тўла-тўқис қабул қилолмаётган ошуфта юракнинг зарбаларига чидаёлмаслигимиз ҳам мумкинлигини ҳис қилиб, далда бўлиш учун бир-биримизнинг пинжимизга суқилиб ўтирардик. Икковимиздан биримиз, менимча, сен шивирладинг: “Агар бир кун келиб бошимизга мусибат тушса, ўзимизни муносиб тутишга ҳаракат қиламиз”. Мен: “Сўз бераман, онг ичаман шундай қилишга”, – дедим жавобан.

Биз Люксембург боғидан шаҳар энди уйғонаётган маҳал чиқиб кетдик. Уйга етиб келгач, ухлаб, дам олиш хаёлимизга ҳам келмади. Мен ўша бедор этган гўзал ва ҳеч қандай дунёвий лаззат тенглашолмайдиган тун нашъасини шунчалик яхши кўрардимки, азбаройи унинг бир лаҳзаси учун жонимдан кечишга тайёр эдим.

## V

Шундай дамлар бўлади: иродамга, собитлигимга ишнолмай қоламан, демак, кутилмаган ҳодисаларга доимо шай туришим зарур. Негаки қўққисдан дош беролмаслигим мумкин. Бунинг учун нима қилишим керак? Авваламбор, мутгасил нима биландир банд бўлишим шарт! Чумолига ўхшаб тиним билмаслигим шундан. Ўйлаш, хаёл суришни тақиқлаб қўйсам, ўзим учун айни муддао бўларди. Бир нарсани мақсад қилиб олганман: бир ўзим қолсам, то ёнимга кимдир келмагунча нима билан бўлмасин шуғулланаман, ҳеч нарсани ўйламайман. Бироқ шундай дейман-у, баъзан юрагимда қаттиқ оғрик кўзгалади, бу маккор алам қачон оралади кўксимга, сезмай қоламан. Эрталаблари ўзимни бардамроқ сезишим учун хаёлимга боларилардек бемаврид ёпирилган фикру ўйлардан қувонаман. Бошқа ило-

жим йўқ. Мен мунофиқона яшаш йўлларини ўргандим. Вазиятга қараб гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга оғиб кетаман, бу тахлит ҳаёт кечиришга ўзимни мажбур қиляпман, лекин, энг ачинарлиси, бу одат тусига қиришти ва менинг вужудимга сингиб борапти. Шунга қарамай, ётсам ҳам, турсам ҳам, фикру зикрим сенда. Ишга бораман, суҳбат қураман, таллашиб-тортишаман, шу билан бирга кўнглим сенда бўлади, ҳаёлимда сен бўласан. Гоҳи-гоҳида кўз олдимда сенинг қиёфанг бамисли ҳаваскор сураткаш олган расмдек хира ҳолда қалқиб чиқади. Мана шундай дамларда ҳушёрликни унутиб қўяман. Тасаввур қилгинки, менинг дарду алашим ўзим жиловлаган ва итоатгўй қилиб қўйган йўрға бўлса, бу юганни ўзим ечиб юборганим билан баробар. Бир бора янглишсам, бас, қопқонга тушаман-қўяман. Сен баайни ёнимдасан. Сенинг овозинг келаяпти, елкамга қўйган қўлларингни сезаяпман ёхуд эшик олдида қадамнинг товушларини эшитаяпман. Мен ўзимни идора қилолмаяпман. Кучим етмаяпти. Ич-ичимдан эзилганча, бу хўрлик қачон ўтиб кетади деб кутишдан ўзга илож тополмайман.

Мен бамисли ҳайкалдек қотиб турсам-да, ҳаёлларим гўё уриб туширилган самолёт. Ёлгон, сен бу ерда эмассан, ўша муз-кесак фанога равона бўлгансан. Нима гап? Қандай садо, ҳид, қанақа сирли, муштарақ ҳис-туйғулар сени етаклаб келди ҳузуримга?

Гарчи ҳар қанча номардлик бўлса ҳам сендан халос бўлгим келаяпти, сендан қутулсам дейман, бироқ адолатсизликни қарангки, айнан шундай дақиқаларда жону жаҳонимни чулғаб олишингга тўла рухсат бериш учун куч-қувватим етмайди. Хонада ҳукм сурган сукунат олдида дунёдаги бе-нажот фарёд, нола ҳам ҳеч гап эмас. Мен ўзимизни ўтмишдаги ҳаётимиз оғушида кўрапман, бироқ қаерда ва қайси пайтда эканини ажратолмайман. Менинг аксим вужудимдан ажралиб чиқади ва у ўша кезлар нимаики қилган бўлсам, шуни такрорлайди.

Мен, дафъатан қиёмат кунидан бохабар бўлган одам Париж ёки Нью-Йоркда қай қўйга тушса, худди шундай аҳволда бир хонадан иккинчи хонага ўтиб, сўнг яна қайтиб, довдираб юрардим. Қиёмат бу сенинг ўлиминг эканини ва дунёда ҳаёт сенсиз ҳам давом этиши муқаррарлигини энди англадим.

Шундай бўлса ҳам, менинг маҳримга тушган экан, нима қилиш лозим бўлса, шуни адо этдим. Ҳалигача қандай қилиб ҳеч нима юз бермагандек ўзимни тутиб юрганга ҳайрон қоламан. Мен никоҳ тўйининг эртасига саодатли, ёш келин сингари ўзимни тошойнага солиб, диққат билан юз-кўзимга разм солдим. Йўқ, қиёфамдан ҳеч ким бирон нима сезмайди ҳозир, бунинг имкони ҳам йўқ. Мусибат унга ўз муҳрини кейинроқ босади, ҳозирча эса, яқингинада бошдан кечирган бахтли кунлар ифодаси ҳали акс этиб турарди. Шундай хотиржам қиёфада олдинда юра оламанки, сен ҳеч нарсани пайқамайсан: юз ифодам ва табассумим қандай бўлса, шундайлигича қолган. Одатларим ҳам ўша-ўша. Мен ваннада, сен эса битта хона нарида ётган бўлганинда суҳбатлашиб ўтирардим. Ора-сира овозингни яхшироқ эшитиш учун кўзларимни юмиб олардим. Ҳеч қачон гапларингни бунчалик диққат бериб тингламаган бўлсам ҳам, барибир комил ишонч билан айтаман, шундай кун келадики, сенинг овозинг хотирамдан ўчиб кетади ва мен: “Фикрингча, икки ҳафталардан сўнг ванна қабул қила оларканманда?” – деганингни ҳатто унутиб юбораман. Мен телефонда ким биландир гаплашардим. Сенга атаб гулдаста юборишганига миннатдорчилик изҳор қилаётган эдим. Операция кўнгилдагидек ўтди, сен билан шошилиш хатларга жавоб ёздик, сўнг мен машинкада кўчириб бердим, дедим сўраганларга. Харажатлар учун мен чек ёзаверар, пул сарф бўлаверарди.



“Март ойида ишга чиқаман, шекилли, – дединг сен. Сўнг кўшимча қилдинг: – Ўзимни тетик сезаяпман”. Гўё биров бошимга калтак билан ургандек бўлди. Мақсад нима бундай дейишдан, юрагимга наштар санчишми ёки лутфу карамингми бу? Мен кўзларингга қараб туриб индамадим, шунинг ўзи хоинликнинг илк аломати! Инсон ҳаётида шундай сониялар бўладики, индамаслик, сукут сақлаш фазилат саналмайди, у донолик белгиси деб эътироф этилмайди, билъакс, хиёнат билан баробар қўйилади. Мен ана шундай вазиятни бошдан кечирмоқда эдим. Зеро, сени жаҳаннам тепасига олиб бордим, эвазига қутловлар, таҳсинлар эшитяпман. Кези келганда номусдан бошимни кўтаролмасдим, бироқ ёлғон гапиришдан ўзга чора ҳам тополмас эдим, негаки, дафъатан киши ихтиёрини олиб қўядиган, илгарилари мен учун жамики нарсалардан устун бўлган виждон, ҳақгўйликдан бошқа кучлироқ бир нима бор экан, ана шу нарса мени шундай қилишга чорларди. Ҳа, ҳа, бир ойдан кейин дам олишга борамиз. Ёғочдан ишланган айвончали уй, пастда қор босган дала, орқа томони – ўрмон, офтоб нурида жилваланувчи тоғ. Йўқ, ҳеч қачон, ҳеч қачон бошқа такрорланмайди бу. Бир кунда ўн марта тўғриси айтишга чоғланиб ёнингга борардим. Шивирлагудек бўлиб гап очар ва ўша заҳоти фаҳмлаб оласан, деб ўйлардим. “Сенга айтишим лозимки...” ёки: “Бизни жудолик кутяпти” ёки: “Сенга ёлғон айтишяпти”. Нима учун, ким ҳуқуқ бердики, биринчи навбатда сенга тааллуқли гапни сендан яширишяпти, нима учун сени бардошинг ета оладиган ҳақиқатдан ёлғон-яшиқ билан эҳтиёт қилишяпти? Ишончим комил, сен бу хабарни мардларча кутиб олардинг. Мен нима ҳақда ташвиш чекаяпман-у, сен бўлсанг мендан гина қилиб қўйишни унутмасдинг: “Нуқул менинг ташвишимни қиласан, аҳволим яхши, ҳеч қаерим оғримаяпти, ахир”. Оёқларингга суяниб жимгина ётарканман, мени силаб-сийпаб эркалаётганингда дафъатан кўнглимдан ўтган хаёлдан нафасим ичимга тушиб кетди; мабодо бор ҳақиқатни айтишга журъат этсам, аҳволинг не кечишини биламан: сен ажалинг етгунча ўлим ҳақидаги фикру хаёлдан қутулолмас, менга эса енгил бўларди, ўшандагина сени бағримга босиб, бахтли ҳаётимиз ҳақида эслаб қон-қон йиғлаган бўлардим.

Мен баданингнинг чоклаб тикилган жойини кўздан кечирардим. У сен учун эрмак бўлиб қолганди.

– Бир кун келиб қорнимни ёришади, деб ўйламагандим!

Сен менга хорғингина кулимсираб қарайсан, буни мен лабларингдан эмас, кўзларингдан сезаман. Бу хаста одамнинг кўзлари эди: қандайдир туссиз, сарғиш-яшил, бамисли қамиш рангида, гардиши сиёҳранг, оқи эса садафдек ялтирайди. Гоҳи-гоҳи бақрайиб туради. Бечора севикли ёрим! Қунлар Сена дарёси каби бир текис оқарди, бироқ умринг тугашига санокли кунлар қолганидан беҳабарсан. Иккимизнинг ҳаётимизга сўнгги нуқтани қўйиши мумкин бўлган қанчадан-қанча имкониятлар бўла туриб, бу дунёни ёлғиз бир ўзинг тарк этаяпсан. Ҳолбуки, зилзила, бирон йўл ҳалокати, том босиб қолишидек фалокатлар юз бериши бир вақтнинг ўзида истиқболдаги ҳаётимиздан маҳрум эта оларди.

Баъзан деразадан кўчани томоша қиламан, уйларга, йўловчиларга, йўлкаларга яқин келиб тўхтаган машиналарга тикилиб қоламан – ҳамма ерда: “У ўлишга маҳкум”, – деган ҳукм ёзиб қўйилгандек туюлади.

Мен тиззанга бош қўйиб ётаман ва сендан кўз узмай жилмаяман, астойдил, самимият билан боқаман, чунки шу сонияларда ўзимни пурғам ҳис қиламан – сабаби, айтиб қўя қолай, битта – сен ёнимда, бирга эканлигинг учун. Мен шу дамларни тўхтатиб қололсам, вақт оқимида шу сониялар-



ни чоғроққина оролчага айлантиришнинг иложи бўлганда эди, афсуски, бунинг иложи йўқ, бунга чора тополмайман. Эртанги кунга элтувчи йўл ёпик, ўтиш учун заррача имкон йўқ! Ўзимни минг кўйга солганим билан яқун-хулосам битта: бу йўл боши берк кўчадан бошқа ҳеч қаерга элтмайди. Билъакс, элтади – жаҳаннамга.

Ҳар сафар тансиқроқ таом келтирилганда ютоқиб ея бошлайсан, менинг эса томоғимдан ўтмасди.

– Гўшт чандир, пишмаган, – дединг бир куни кечки овқат маҳал, – сиёғидан ёш бузоқнинг гўштига ўхшайди.

Ёш, барра, янги деганлари – бундан чикди, жонивор яқиндагина ўлдирилган дегани. Бошим айланиб кетди.

## VI

Парижда камдан-кам ҳолларда осмонга қарашади. Ҳар сафар саёҳатга ёки дам олишга кетаётган маҳал, шаҳар чегарасида осмон шунчалик чирой касб этадики, азбаройи маҳлиё бўлиб қолардик. Тўлин ой билан сон-саноксиз юлдузларни томоша қилар эканман, мен доимо мана шу бепоён оламнинг бир зарраси эканимдан ўзимни бахтиёр ҳис қилардим. Борди-ю, хайрлашадиган бўлиб қолсак, сен ўша юлдузларнинг бирида кўришамиз, деб учрашув жойини тайинлар эдинг, шунда севгимиз риштаси менга ёрқин чизиклар – оловли излардек туюлар, уларнинг Орион буржида туташолганини кўргандек бўлардим.

Кўпинча тунги осмонни томоша қила туриб мен ўзимнинг шодумон ҳаётимда кечаётган ташвиш ва қувончлар қадрига етар, бунга ич-ичимдан шукроналар айтар ҳамда беихтиёр олам ҳақида, бу оламда бизнинг вази-фамиз нимадан иборатлиги, ёлғизлик ва Троил Крессидага<sup>1</sup> айтгандек: “Қуёшга – майсалар, ойга – тошқин сувлар, оҳанрабога – темир, нар кабу-тарга – модаси” содиқ қолишидек фидойи муҳаббат ҳақида хаёл сурардим.

Сен вафот этгандан сўнг, анча вақтгача осмонга боқиб хаёл суриш юрагимга сиғмай қолди. Ҳолбуки, руҳан эзилган, сиқилганларимда неча-неча марталаб осмон мени хаёл суришга ва шу тариқа инсоний бардошимни сақлаб қолишимга имкон яратишга чорлагандек бўлганди. Ёз кунларининг бирида, аниқроғи, 28 август куни кечаси, яна ўша одатим бўйича самога боқдим. Мен сон-саноксиз юлдузлар ичра ардоқли ва қадрдон юлдузимни излайман, не бахтки, бир зумда топишга муяссар бўламан. У жилва қилганча осмон гумбазининг шарқий қисмига оҳиста силжиб борарди. Уни инсон тасавури ва заковати бунёд этган ва “Акс садо-2” деб атаган. Ўша юлдуз тунги осмон билан ўртамизда узилган ришталарнинг яна боғланишига сабаб бўлди. Ўша юлдуз топиштирди. Шу кеча унинг бошим узра яна чарақлашини уйга ҳам бормаи узок кутдим. Назаримда, менга зафар ёр бўлгандек. Мен Жазоирда тўкилаётган қон учун номус қилар, мамлакатдан бадарға қилиш ва иснод келтириши муқаррар номақбул сиёсий ўйинлардан юрагим ларзага келарди; шу билан бирга мен инсон қадами илк бор коинотга етган замонда туғилиб яшаётганимдан фахрланар эдим. Бироқ мен ҳозир сендан қолган ёдгорликдан бир неча юз қадам наридаги масканда ёлғиз, бир ўзим ўтирибман. Сен туғилаётган бу янги оламни ҳеч қачон билмайсан. Сенга ҳаётимизнинг энди мутлақо алоқаси йўқ. Мен одамзод тинчлик йўлида хизмат қилаётган дунёдаги энг мукамал ракеталардан кўра сени ўлимдан сақлаб қолувчи дорилар ихтиро қилиши афзаллиги ҳақидаги

<sup>1</sup> Троил, Крессиди – Уильям Шекспирнинг “Троил ва Крессиди” пьесаси қаҳрамонлари.

хаёлларимдан ҳалигача фориғ бўлмайман. Розмарин иси келарди, итлар акиллар, йўл тушган тарафдан машиналар шовқини ҳамда йўловчиларнинг кулгани эшитиларди. Ҳар сафар ўзгаларнинг бахтиёрлигини кўрсам ё сезсам ҳаётимнинг барбод бўлганини янада кучлироқ ҳис қила бошлайман.

Очиғини айтганда, бу илк бор хотиралар уммонига ғарқ бўлишим: ниманидир кўмсайман, нимадандир нажот кутаман, ўтган кунларни эслаб хаёлларга тутқун бўламан. Баъзан бу жудолик учун сендан ёзғираман. Мени ёлғиз қолдириб ташлаб кетди, дейман. Ё ёлғонми? Сен туфайли курраи осмон билан куз ёмғирини, тилларанг япроқлар ва бир вақтлар менга баҳор элчиларидек туюлгувчи қоп-қора, яланғоч дарахтларни томоша қилолмайман. Тонг палласи билан ғира-шира оқшом кўнглимга ғусса солади, куёшнинг олтин нурлари ва ойнинг зафар ёғдусидан минг қараганим билан баҳра ололмайман. Мен чакқон ва ҳаракатчан эдим, энди шалвираган оёқларимни зўрга судраб босаман. Тез чарчаб қоламан.

Мен сени ортиқ ҳеч қачон ҳеч қаердан изламайман, кутмайман. Узоқ пайтгача ўзинг ногаҳон кўз ўнгимда пайдо бўлиб қолардинг. Сен билан бирга сайр қилмаган, сен ила юрмаган сўқмоқ, кўча, дарё бўйи борми ўзи? Ўша ерлардан ё нарироқ юриш ёки ўша ерга бориб қолишдан кўркмаслик керак эди. Одамлар орасида ҳам, ўрмондаги ёлғизоёқ сўқмоқда ҳам кўзимга фақат сен кўринсанг нима қилай, ақлга қулоқ солсам, у бу саробларга қарши, юрагим эса кўмсайди, уларга талпинади. Сен бор эдинг, энди эса йўқсан. Мен хаёлан ўзимга-ўзим мурожаат қиламан, савол бераман: бу қанақаси – менинг юрагим урса-ю, сеники уришдан тўхтаса! Баъзан сени эслаганда дунёдан ўтган бўлса ҳам, қалбимизда, биз билан бирга яшайпти, деганларини эшитиб қоламан. Бу фикрга қўшиламан. Мунозара қилишнинг нима кераги бор? Бирок, ўйлашимча, ўзгаларнинг ўлимини шундай қабул қилиш айримлар учун осонроқ экан. Улар, дунёдан ўтиб кетсам, мени ҳам эслаб туришсин, деган умиддами, ишончдами, шу гапни ўйлаб топишган бўлишса керак.

Мен сени шунчалик яхши кўрганим учунмикан, жисминг йўқ бўлиб кетгани билан руҳинг қолишига ишонгим келмасди, тасаввуримга сиғмасди. Қанақа қилиб ажратишади кейин – мана бу унинг жасади, мана бу унинг руҳи дебми? Сенинг табассуминг, нигоҳинг, юришларинг, овозинг – нима бу, моддий нарсаларми ёки руҳийми? Менимча, униси ҳам, буниси ҳам. Уларни ажратиб бўлмайди. Баъзан кўнглимдан қалтис хаёллар ўтарди: мен севган олийжаноб инсон сифатида тирик қолишинг учун аъзойи баданингни қаерини кесиб ёки дабдала қилиб ташласа бўларди? Агар менга боғлиқ бўлса, қайси қисмини ажратиб кўрсатган бўлардим? Энг ёмони, бунақа тутуруқсиз хаёллар мендан сўрамасдан, менинг ихтиёримсиз бошимда чарх урарди. Қийнаб юборарди бундай фикрлар.

Айримлар менга, қачонки одамлар бир-бирининг ҳам зоҳирий, ҳам ботиний жиҳатларини ҳаддан зиёд яхши кўрса, билса, бу нарса уларнинг севгисига зомин бўлади, кунгабоқарга куёш нури қанчалик зарур бўлса, икки кишининг севгисига махфийлик шунчалар даркор, дейишади ва буни далилламоқчи бўладилар ҳам. Ҳолбуки, сирни пинҳон тутишга уриниш, у ҳақда доим, биров кўриб ёки билиб қолмасин, дея ташвиш чекиб юриш – унинг мўртлиги, зифлигига иқрор бўлиш дегани эмасми? Йўқ, сир бўлмаслиги керак, икки кишига ҳаммаси аён бўлиши лозим. Аммо бу нарсани – сирни, қанчалик теран тушунишга ҳаракат қилсак, унинг мавжудлиги шунчалик аён бўлиб боради.

Мен сенинг қандай ухлашингни томоша қилиб ётаман; айна шу

лаҳзада қайси оламда эканинг, мийиғингда кулиб қўйганинг сабаби, пирпираб қўяётган киприкларинг, яланғоч, нимжон баданинг – мана шулар мен учун сир.

Мен илиққина, тиниқ сувда чўмилаяпман. Сен шу атрофдасан, печак-гулга ўралиб қачон келаркансан, деб эшик тиркишидан қараб қўяман. Мен билан саломлашасан, хайрли тонг тилайсан. Сенинг тушингга нималар кирди, қандай хаёллар билан уйғонганинггача биламан, лекин барибир мен учун сен тагига етиш амримаҳол мўъжиза – сир бўлиб қолаверасан.

Ўзаро гаплашяпмиз: овозинг, фикр-мулоҳазаларинг, менга айтиб бермоқчи бўлаётган хаёлларингни аниқ ифодалаш учун танлаган сўзларинг одатий. Биримиз бошлаган жумлани биримиз тугатиб қўйишга қурбимиз етади. Шунга қарамай сен мен учун сирлисан ва икковимиз ҳам бир-биримиз учун шундай бўлиб қоламиз. Сенинг арзимас ҳаракатларинг олдида Жоконданинг<sup>1</sup> нимтабассумида сир-асрор камрок.

Севги нима? Бу бир чашма, чашманинг бошланиши, дунёнинг тенгсиз бойлиги, бу хайрат, бу биринчи марта дуч келган ва айни чокда сенга таниш бўлган мўъжиза, бу йўқолган жаннатга қайтиш, руҳнинг тана билан бирлашмоғи, бизнинг кудратимиз ва заифлигимизни илғаш, ҳаётга садоқат ва ўлимдан кўркмаслик туйғуси, ҳар куни янгитдан қўлга кириштиш лозим бўлган, мустаҳкам сабот ва айни чоғда беқарорлик.

Сен мени яшашга ўргатган беайб мураббий эдинг. Ўлимга тик боқишга ўргатган ҳам ўзингсан. Бир кун келиб, у мени олиб кетгани келганида, сен билан ўша боқий оламда учрашишга умид қилмасам-да, гўё таниш йўлдан ўтиб бораётгандек бўламан, чунки бу йўлдан бир пайтлар сен ўтгансан.

## VII

Бугун куёш бахтга ўхшаб, кўринмайди – қаергадир яширинган. Мен унинг қаерга яширинганини излаб ложувард осмонга тикиламан. Одамларга ўхшаб яшашим учун кувонч манбаларини қайтадан ахтариб топишим керак. Ҳаётга талпина бошлаганимда кўнглим талабини қондириш учун қора хаёллардан халос бўлишим шарт, фақат юрагимда сақланаётган сен ҳақингдаги хотираларга зиён етмаса, бас. Мен бир пайтлар ҳаётим асосини ташкил этган руҳий осойишталикка эришмоқни истайман, баъзан унга эришгандек бўламан ҳам, таассуф, бир неча кундан сўнг яна маҳрум бўлганимни сезмай қоламан. Бу ўжарликдан нима фойда, нега бунақа қиламан – ўзим ҳам билмайман. Дунёнинг азалий қонунияти шундан иборат эмасми: ё кўникишга мажбурсан ёки ҳалок бўласан!

Ҳеч бир манзара саҳронинг кўринишичалик тасаввурга беқиёс эркинлик бахш этолмайди. Ҳатто гулга кўмилган водий ҳам йўл ёқасидаги дарахт ёки осмонда парвоз қилаётган бир жуфт қушчалик ҳаётни тўла акс эттиришга қодир эмас. Эслолмаяпман, мен сен билан гаплашаётганмидим ёки иккимиз жимгина отда кетаётган эдикми? Менинг ширин хаёлларим тумандек тарқаб, сенинг киёфанг ҳам хаёл кўзгусидан ўчган чоғда ғамга ботмадим. Сен ёнимдасан, биз бир-биримизни учратдик – бўлди, қолган нарсаларнинг нима қизиғи бор? Ҳали бирга эмасмиз, ҳаммаси олдинда.

<sup>1</sup> Леонардо да Винчининг “Мона Лиза” асари назарда тутиляпти.

Санитар уни олиб кетгани келди. Каравотдан кўтариб олиб аравага ётқизди. Биз бир-биримиздан кўз узолмай қотиб қолдик. Уни кузатиб юришимга рухсат беришмади. Остонага довур бордим. Санитар унинг юзини мендан тўсмоқчи бўларди. Менга санитарнинг қадам товушлари, арава ғилдираклари шалдирагани эшитилар ва назаримда, улар ҳеч қачон узун ҳамда топ-тоза йўлканинг адоғига етиб боришолмайдигандек туюларди.

Ким билсин, ўшанда сен билан бир умрга видолашиб қолгандирман. Сен чойшабга ўраниб ётган ўша лаҳзалар бахтли кунларимнинг сўнгги лаҳзалари эди. Салкам бир соатдан кейин сени яна кўрдим. Ухлаётган эдинг, сочларинг тўзғиган, юзинг – оппок. Вактнинг ўтиши нима билан ўлчанади? Минорадаги соатнинг яна бир соат ўтганидан огоҳлантириб чалган занги биланми ёки шу пайт ичида юз берган воқеалар биланми? Дунё остин-устун бўлиб кетганди. Бир соат олдин қандай эдинг ҳозир, операциядан кейин кўз ўнгимда қандай ётибсан – орада минг йил ўтгандек. Сен ҳамон қотиб ухлаётган бўлсанг-да, барибир тикилиб қарашга ботинолмас, ахён-ахён кўз қиримни ташлаб кўярдим, холос. Мен ёнингда мурдадек қотиб ўтирар, ўз юмушлари билан банд хамширалар, дўхтирлар у ёқдан-бу ёққа югуришар, мен бўлсам сенга ўлим тилаб ўтирардим. Яримта бўлиб ётганидан кўра ўлиб кетганинг афзал. Наҳотки шу ният ҳам севгининг аломати бўлса? Сен тирик қолишинг учун дунёдаги жамики бойликлардан, ҳатто жонидан ҳам кечишга тайёр одам, бир соатдан сўнг сенга ўлимни раво кўрса-я! Ваҳоланки, мен ҳозиргина уйқудан уйғонишингга йўл қўймасликларини ёлвориб сўраган эдим. Қай бири эзгулик, қай бири ёвузлик?

Тун узоқ давом этади. Шифтга термилиб каравотда ётибман. Миямдан кетмаётган бадхаёллардан халос бўлишга холим йўқ.

У ўлади. У ўлимга маҳкум.

Мен жоним борича мана шу фикрни енгиллаб тиришардим, азбаройи аъзойи баданим қақшаб оғрир, ўша хаёлни бир амаллаб улоқтириб ташласам, яна кўнглимга канадек ёпишар, юрагимни сиқар, ноумид қилар эди. Охири унга бўйсундим, итоат этдим, ер қаърига ҳам тушишга рози бўлдим. Ҳа, у ўлимга маҳкум. У хазон баргидек чириydi. Мана шу ҳақиқат – тақдир, тақдирга тан бериш лозим. Балки сени унутиб юборсам, енгил тортарман? Қоғоз оппок, унга ҳали ҳеч нарса ёзилмаган бўлса. Топ-тоза саҳифа. Менга кечагидек ҳеч нарса ёзилмаган қоғоз керак. Қўлимдан келса, тарихни бир кун орқага қайтарган бўлардим. Мен ҳаммасини бир бошдан хаёлимда тиклайман. Сени операцияга тайёрлашяпти. Биз хонада ёлғиз ўзимиз қолдик. Дераза ортида басавлат бир одам сайр қилиб юрибди. Биз сенинг каравотингда ёнма-ён ётибмиз. Ўнг қўлинг билан чап қўлимни ушлаб олгансан. Фақатгина ўқиётган китобимизни варақлашимиз лозим бўлганда қўлингни ажратиб оласан. Хона жимжит. Баъзан бошингни елкамга қўйиб мудрайсан. Соат учга занг уради, яна икки соат кутиш керак.

– Уйқу доридан укол қилишгач, ухлаб қолсам, келиб юрагин, хўпми, шунақа пайтда одам бедаво бўлиб ётади, ноқулай. Келмайсанми? Сўз бер!

– Йўқ, мен ёнингда бўламан, лекин сира унақа қиёфага тушмайсан. Ухлаётганинда сенга тикилиб ўтиришни яхши кўраман, биласан-ку.

– Бу бошқа нарса.

– Хўп, яхши, сўз бераман.

Санитар келиб, сени олиб кетди. Хонани йиғиштириб қўйдим. Деразани ланг очиб, шамоллатдим. Пастак осмон залворли эди. Кутиш залига бориб

ўтирдим. Ҳаял ўтмай чақиринди, ҳамшира билан шартта юқори қаватга чиқдик. Ҳамшира эшикни очиб, мени кичкина хонага олиб кирди, у ерда бир неча стулдан бошқа нарса кўринмади. Шу пайт кетма-кет кадам товушлари эшитилди-ю, тўрт нафар шифокор кириб келди. Улардан бири менга стул бериб, ўтиришга таклиф этди. Улар чурқ этишмасди. Мен уларга талмовсираб қарадим. Қайси бири сўз қотади? Тўғри кўзимга тикилиб турганими? Шундай дамлар бўладики, тақдирнинг олдини олиш лозим бўлса, вақтни тўхтатиб кўйиш керак. Оппок девор йўқ. Ҳар бир пучмоқда, бўёғи кўчиб кетган деворда, электр чироғида, эшикнинг юқорисидаги тирқишдан ўтиб ерга тўшалган нур тасмасида – ҳамма ерда битта нарса ёзиб қўйилганди: “У ўлади!”

Сен менинг шундоққина ёнимда, лекин энди мен боролмайдиган оламда эдинг. Бундан буён сен маҳкумга, мен эса жаллоднинг шеригига айлангандим. Кушхонада ўлимга маҳкум ҳамжинслари билан қассобнинг олдига бирга борадиган серкалар ҳақида айтиб беришганди. Улар сўйилмас экан. Менинг қисматим ҳам шу тахлит кечади, шекилли.

Мен эрталабга қадар ич-этимни еб, жон аччиғида ўзим билан ўзим баҳслашиб, руҳан адоий-тамом бўлиб, ухлолмай чиқардим. Бироқ тонг яқинлашиб келаяпти. Сенга бу аҳволда, умидсиз, сўлғин қиёфада кўринишим мумкин эмас. Ҳаётда энг муҳим қарорлар бир-икки сонияда қабул қилиниши менга маълум. Мен икки йўлдан бирини танлашим керак: ё сен бахтли бўласан ёки бир зумда бахтдан жудо бўласан. Мен ўйлаб-ўйлаб, охири бир қарорга келдим, сенинг азоб чекишингга, ваҳимага ем бўлишингга иложи борича йўл қўймаслик керак. Қўлимдан бундан ортиқ ҳеч нарса келмайди. Биз кўрган ажойиб кунлар қувончи юрагингни тарк этмасин, дердим. Кейинчалик тўғри қилдимми, йўқми, дея қийналиб юрмасликка, хис-туйғу билан ақл-идрок ўртасида сарсон бўлмасликка уринардим. Ҳаётимга бахтсизлик чанг солди. Барча воқеа-ҳодисалар, кўргиликларга сабаб шу эди. Бу қора кунлар мени ўзгартириб юборди. Эҳтимол, бир кун келиб, мен илгаригидек ҳаётда бахт билан бахтсизлик доим ёнма-ён юради, улар билан юзма-юз бўлишга тайёр туриш керак, деб ўйлаб қоларман. Балки дунёнинг ҳикмати ҳам шундан иборатдир?

У кечаси билан, эртасига чошгоҳгача қотиб ухлади. Вақти-вақти билан ўзига келиб кўзларини очарди-да, менга тикилиб қоларди, мени кўрдими, йўқми, билолмасдим ва у яна хушини йўқотарди.

Сенинг илк нигоҳинг. У илгари бутунлай ўзгача эди, сира бундай эмасди, жилла курса, мен ҳеч қачон бунақа нигоҳ ташлаганингни кўрмагандим, боқишларинг қандайдир бир бегона одамнинг меровларча қарашларига ўхшайди. У менинг кўзларимни излаяпти. Ўша онданок кўзим билан сени алдадим: “Ҳаммаси жойида”.

Сен жилмайдинг, кўзларинг юмилиб, қўлимни ушладинг. Шу дақиқалардан эътиборан, қутилмаган тарзда, фақат сенинг ёнингда ўзимни хушҳол сезадиган бўлдим. Бизни қуршаб олган зулмат қуюқлашиб борарди, бироқ зоҳиран заррача ўзгармаган қиёфада менинг ёнимдалигинг озгина хотиржамлик бахш этарди. Ўзинг сезмаган ҳолда оғиримни енгил қилардинг – ўзингни хушбахт сезишинг муғамбирлик қилишимга йўл очиб берарди. Мен бир марта бўлса ҳам янглишолмасдим, қолаверса, ҳаммасига қўл силтаб ҳам қўёлмасдим. Мунофиқона ҳаёт кечириб пешонамга ёзилган экан. Одамнинг бошига тушган оғир кулфат уни ҳиссиз ёки бағритош қилиб қўяди, дейишади. Бу нотўғри, мен атрофимдаги одамларни, юз берган воқеалар, нарсаларни, ҳозиргидек юрагимга яқин олмагандим.



Ўша окшом мен уйга бордим. Болаларимнинг беғубор кулгисини эшитиб шунчалар таъсирландимки, асти қўяверасан, кўнглим бузилиб беихтиёр кўзларимга ёш қалқди, менга нима бўлди, сендан яширган кўз ёшларимни болаларингга ошқора қилмоқчиманми? Бу маъсум болаларни шундоқ ҳам тақдирнинг машъум зарбаси кутаётган бўлса! Нима қилиш керак? Бу масалада ҳам мен ожизман – жавоб беролмайман. Думалоқ стол атрофида сен ўтирадиган стул бўш. Мана бизнинг ётоғимиз. Тўшагимиз. Сен шу тўшақда ётганча жон берасанми? Дарвоқе, қаерда жон беришингнинг нима аҳамияти бор? Мен бир ўзим қоламан. Ҳали буни ўйлаб ҳам кўрмаганман. Ёлғизлик нимадан иборат? Сен ҳеч кимни кўрмайсан, сени ҳеч ким қутмайди. Касалхонага қайтиб бордим. Мени интизор бўлиб кутаётган экансан. Сен ҳали тириксан, эҳтимол, эртага ҳам тирик бўларсан, биз бир-биримизнинг юрагимизда мавж ураётган ҳис-туйғулар пўртанасини кўзларимиз орқали сезамиз. Хаёлимга дафъатан, “фойдаланмоқ” деган бир совук, ёқимсиз сўз келди. Қуёшнинг сўнгги нурларидан фойдаланамиз, ҳали имкон борида фойдалансак бўладиган нарсалар... Нақадар палид ва қурумсоқ сўз!

Мен ухлаб қоларсан, деб анча кутдим, сўнг – биринчи марта – холдан тойиб, ўзимни “гуп” этиб ўринга ташладим-да, уйкуга кетдим.

Эртасига барвақт уйғондим. Биринчи қилган ишим, сенинг қандай нафас олаётганингни кузатиш бўлди. Биладан, шундай кун келадики, ҳеч нарса эшитилмайди. Мен ўзимни алдагим келмасди. У ўлади, ўлади, ўлади барибир, бугун бўлмаса эртага, бир ҳафтадан сўнг, деб ўзимга ўзим таъкидлардим. Ёлғондан фойда йўқ барибир. Билиш шарт. Кейин билишингни унутиб, ҳеч нарса бўлмагандек яшайвериш керак. Хаёл фаромуш бўлмаслиги лозим – ўриндан туриш, ювиниб, тишни тозалаб, одатдагидек болаларни мактабга отлангириш керак.

Сен уйқудан уйғонганингда ҳаммаси ўрнига тушади, уйда икковимиздан бошқа ҳеч ким йўқ. Бу ҳол қанча давом этаркан, дея ўйлаб ўтиргим келмади. Бир лаҳза менга бир соатдек туюлар, бир кун эса кўз очиб юмгунча ўтувчи вақтга ўхшарди. Қанча яшаган тақдиримизда ҳам бу вақт мангулик олдида нима деган гап. Бир сония! Ундан ортиқ эмас! Башарият тарихи ғорда яшаган аждодларимиздан тортиб, ҳозирга қадар яшаб келаётган жамики одамлар ҳаётдан иборат. Сен тез орада дунёдан ўтасан, мен эса хиёл кейинроқ орқандан бораман барибир. Ўшанда занжирнинг битта ҳалқасига айланамиз.

## IX

Операциядан кейин беш кун ўтгач, эрталаб палатага санитар кирди ва сенга хонада юриб кўрсатишни сўради. Сен қийналиб ўрнингдан турдинг, мен хонаки пойабзалингни кийдириб қўйдим. Бўйчан бўлганинг учун, шекилли, эгнингдаги халат осилиб турарди. Санитар бир томонга, мен бир томонга ўтиб, сени қўлтиқлаб олдик. У бирон нимани билармиди? Менинг ҳаммасидан хабарим борлигини-чи? Мен ҳеч кимга кўнглимдагини айтмасликка қарор қилдим.

Аввалига боғни томоша қилгани дераза олдида бордик.

– Қишлоқни бирам соғиндимки!.. – дединг сен.

Кўнглингга келган нарсани сезиб, яна тинчгина ётишингга кўндирмоқчи бўлдим, лекин, худди ўйлаганимдек, сен ваннахонага бординг-да, ўзингни тошойнага солдинг. Чирок нури сени чалғитиши учун бор-будимни беришга тайёр эдим ўшанда! Сен ойнага тикилганча юз-кўзингни синчиклаб кўздан

кечирдинг ва эски одатинг бўйича тўзгиган сочларингни бармоқларинг билан тараб қўйдинг. Сўнг олдинга энгашиб ойнадаги аксингга тикилиб қолдинг. Мен шошганимдан сендан олдинроқ гапириб юбордим:

– Ҳали ойнага қараб хурсанд бўлишингга эрта!

– Тўғри айтасан, ҳали эртароқ экан...

– Чунки боядан бери тик оёқдасан, чарчадинг. Ётиб дам олганингдан кейин ўзимнинг кўзгумни бераман. Ана ўшанда кўр, рангинг қизарганини.

Дарҳақиқат, сен ётганингда қон қуйилиб юзинг ўзгарарди, фақат нурсиз, сўник кўзларингни кўриб ташвишга тушардим.

Сен бориб ўрнингга ётдинг.

Бундан ўн беш йил муқаддам биз энди танишиб, бир-биримизга кўнгили қўйган пайтимизда сенга қандай қараган бўлсам ҳозир ҳам шундай – меҳр ва эҳтирос-ла тикилардим. Тавба, назаримда, сени биринчи марта кўраётгандек бўламан. Кўз олдимда қолган содда ва гўзал қилиқларимиз, шу билан бирга сенинг бетакрор кўнгили овлашларинг, илинж билан термилишларинг, дилимга ўт ёққан эркаликларинг яна эсимга тушар ва бир томондан юрагим орзиқиб кетса, иккинчи томондан “бу бошқа такрорланмайди” деган хаёлга йўғрилгани туфайли чўғ бўлиб қуяётган юрагимни бир алам тирнар, қонга булғарди. Энди нималар ўтмишга айланди, нималар қайтиб келмайди, менга аён эди. Сен энди ҳеч қачон гулҳанга ўтин ташламайсан, болаларни азамат елкаларингга ўтказмайсан. Тўғри, ҳали китоб саҳифаларини қандай варақлашинг, билагимни силаб-сийпалашларинг, мактуб ёзишларингни кўриш бахтига муяссарман. Аммо деярли барча ҳаракатларингда хасталигинг сезилар, вувжудингга оғир дард муҳри босилган эди: хиёл эгилиб, эҳтиёткорлик билан қадам ташлардинг, соқолингни бир эмас, икки-уч қайта қиртишлар, қўлларингга таяниб ўринга ўтирардинг.

О, жонгинам! Наҳотки ўлимнинг шунчалар яқинлашиб қолганки, ҳар битта ҳаракатингга сездирмасдан ўзининг машъум тамғасини босишга улгурган бўлса! Йўк, албатта, йўк, менга шундай туюлаяпти, холос, ҳамма гапни билганим учун ваҳима қиляяпман чоғи. Кечкурун қандай ётишингга қараб ўтирдим: сен тинчгина ухлар, бироқ бўйнингдаги шоҳтомир қандай ураётгани сезиларди. У кейинчалик ҳам шундай урармикан? Хайрият, ҳали тириксан. Демак, бугунги кун фойдага қолди ҳисоб. Қай аҳволда жон бераркансан? Ўлимнинг шарпасини олдинроқ сезармиканман? Мен ўлим аломатларини илғашга уринаман, аммо билишим гумон, чунки ҳаётимда илк бор у билан юзма-юз келишим. Унинг яқинлашаётганидан огоҳ бўлармиканман? Мен учун сен Сфинксга айлангандинг, бироқ қандай жумбоқли саволга тутганингни ўзинг ҳам билмас эдинг. Сен бу ҳақда ўйлаб кўрмагансан, лекин мен жавобни ўзингдан кутгандим. Сенинг овқат ейишингни кўриб, тушунолмас эдим, нима бу, жасоратми, деб хайрон бўлардим, демокчиманки, тезроқ қувватга кириш учун ўзингни бунга мажбур қилармидинг ёки ўлим арафасида ҳам ёшлик сени орқа-олдига қарамай овқатга ташланадиган оч бўрига айлантириб қўйдими?!

Касалхонадан эсон-омон чиқасанми-йўқми, билмайман. Кўпинча оппоқ деворга тикилган кўйи хаёл суриб ўтирганимда, наҳотки айнан шу ерда кунинг битиши тақдирга ёзилган бўлса, деб ўйлаб қоламан. Йўк, қайтага сен соғая бошлагандек бўлдинг ва кунлардан бир кун эрталаб уйга кетишингиз мумкин, дея эълон қилиб қолишди.

Мен икковимизга тегишли нарсаларни йиғиштириб, жомадонга жойладим. Ҳаво очиқ бўлгани учун дераза ёнида бир қанча вақт томоша қилиб турдик. Мен йиғлоқи аёллардан эмасман. Хона биз бу ерга келган

куни қандай бўлса, яна шундай – бефайз, кўнгилсиз бир аҳволга тушди, фақатгина дераза тоқчасидаги оғиз чайиш учун қўлланиладиган стакан-да сўлиёзган гул ўзининг сўнги дамларини яшамокда эди. Янги бемор жойлашса бўлади. Нимасини айтай, бу машъум хона биз учун ҳалокат келтирди... Кетар олдидан бироз ётиб, дам олсанг бўларди, дедим сенга раҳм қилиб, бироқ сен бир дунё ишларни режалаштириб кўйгансан, шекилли, биз тез орада бориб жойлашадиган тоғдаги уй ҳақида яна гапириб беришимни илтимос қилдинг.

Уй ўрмон ёқасида, куёшга қарата қурилган. Сен чанғида учолмаслигинг сабабли ижарага чана олиб, йўрғанинг ҳиди ўтириб қолган чойшабни устимизга ташлаб қўямиз. Қор босган дарахтлар остида сайр қилиб, қўкиш олмахонларни қўлга ўргатамиз. Тахтадан ишланган пешайвонда ўтириб нонушта қиламиз, тушлик ҳам, кечки овқат ҳам ўша ерда ўтади ва окшомлари қорамтир осмон билан дарахтларнинг қоп-қора учлари заволга юз тутган куёшнинг қонли бўёқларига чулғаниб товланишини томоша қилиб ўтирамыз. Сен дўхтирнинг кўрсатмасига биноан, оз-оздан кунига олти маҳал овқатланишинг ва офтобда товланиб даволанишинг лозим эди.

Сен каравотда ўтириб олдинг ва мен кийинишингга кўмаклашдим. Бу ерга кийиб келган костюминг энди хийла катта, лоппа-лойиқ шиминг тушиб кетай дерди. Бўйнинг билан кўйлагинг ёқаси орасига бемалол кафтим сиғарди.

Йўлак бўйлаб кетаётганингда сендан кўз узмасликка ҳаракат қиламан. Сен остонадан ўтгач, бироз тўхтаб турасан, чуқур нафас олиб, кўзинг қисилганча куёшга қарайсан. Кўз олдимга майдонга чиқаётган буқа келади. Тўрт киши машинага жойлашамиз. Сен олдинга ўтирасан, мен орқадан чиқаман. Сенинг юзинг менга ўнг томондан кўриниб туради. Париж нақадар чиройли – у жасорат ва меҳр маскани. Ҳорғин қувончингга шерик бўлиш ниятида мен йўл-йўлакай борлиққа сенинг кўзларинг билан тикилмоқчи бўламан, бироқ ўсиқ сочларинг тўсиб кўйган ёш қайин ниҳолининг танаси каби нозиккина бўйнинг кўпроқ эътиборимни жалб қилади. У йигирма яшар пайтингда шундай бўлган. Ўшанда, агар ўзингдан кўнглинг тўлмаса, югуриб бориб сўқмоқ чеккасига уйиб кўйилган ўт-ўланни калтак билан тапилла-тиб урар эдинг. Кейин бирдан ёнимга келиб елкамдан кучиб олар ва биз бараварига кулиб юборардик. Худо кўрсатмасин, мабодо сендан бир дақиқа бўлсин, илгарироқ кулиб юборсам борми, ўша заҳоти тиришиб олардинг.

Сен ўриндиқ суянчиғига қўлингни ташлаб оласан ва силаб-сийпаб кўйишимни кутасан. Шунчалар озиб-тўзиганинг етмагандек, оппоқ оқариб кетганингни қара! Париж, Париж! Нималар бўляпти, а? Одамлар қаёққа кетишяпти? Нега улар бунчалик ҳовлиқади? Мен йўловчилар билан машиналарнинг жазавага тушгандек елиб-югуришлари, бир сония ҳам чалғимасдан олдинга интилишлари, светофорнинг қизил ва яшил чироқларига ҳамоҳанг тарзда пайдар-пай ҳаракат қилишларига қойил қолардим. Ҳеч нарсани ўйлаш, тасаввур қилиш деган нарса йўқ. Муҳими – тартибни сақлаш, бошқа ҳеч нарса керакмас. Манови йўловчи, эҳтимол, кечкурун ўлиб қолар ёки у ҳаёлига келтирмаган дардга мубтало бўлгандир?! Ҳечқиси йўқ, нима бўпти! Ўлим ҳақ, у сени ҳар дақиқада олиб кетиши мумкин. Муҳими – бу ҳақда ўйламаслик! Унутиш керак. Сокин оқаётган Сена дарёсининг сувини, куёш нурларининг кўприкни қоплаганини томоша қилиш керак ундан кўра; ўша ерда туриб ҳаёл суриш керак, лекин бахт ва бахтсизлик, ўтмиш ва истикбол ҳақида ўйлаб, бош қотиришнинг ҳожати йўқ. Шу дақиқа билан яшаш лозим.

Бу бизинг сўнги сафаримиз ва сенинг юрагимизни забт этган, кўнглимиз

яйраган маконга сўнги видолашув ташрифинг эди гўё. Энди ҳеч қачон Париж бўйлаб бирга сайр қилолмаймиз, оқшомлари Бак кўчаси ёки Сен-Мишель майдонидан ўтаётганимизда илгари неча-неча бор туйган кадрдон ерларнинг тафти, тароватини қайтиб биргаликда ҳис қилолмаймиз. Ўша томонлардан қайтиб келаётганда субҳидам жозибаси хотирамда қалқиб, юрагим такрор-такрор изтиробга тўлади. Бонапарт кўчаси орқали Сенага чиқардик, соҳилда намоён бўлган гўзал манзараларни маҳлиё бўлиб, фахр билан томоша қилганларимиз-чи?!

Бу бетакрор лаҳзалар эди, биламан, энди буни ялиниб ҳам такроран уюштириб бўлмайди. Сени олдинда энг сўнги – мен буни билардим – учрашув кутарди.

Биз бир-биримизни пойгадан кейин қидириб топардик. Ўша учрашувлар биз учун бир дафина эди, улар хуррамлик ва саодат, маънавий бойлик ва мусаффо хаёллар манбаи эди. Бироқ ўша маккор дард буларга зомин бўлди. Шундай дамлар бўлар эдики, охир-оқибат нима қилишимни билолмай, чехрангдаги ўзгараётган ва янги пайдо бўлаётган ўлим шарпасини излашга берилардим. Ёноқларинг салқиб ёки оғриқдан юзинг тиршиб кетганида, эсимни еб кўйгандек, ана у келди, унинг жонига човут солаяпти, деб дод солиб ёки уввос солиб юборишимга сал қоларди, агар ўзингни бардам сезиб, кайфиятинг кўтарилса, хурсанд бўлиш ўрнига саросимага тушардим, ўлимдан олдин одам ўзини бир енгил, ҳатто хушҳол сезади, буни бекорга айтишмаган, деб адоий-тамом бўлардим. Охири ҳеч қандай ёрдам беролмаслигимни фахмлагач, буни ўйламасликка ҳаракат қилардим. Фақат ёнингда сўнги дамларгача турсам бўлди... Ўша машинада бирга кетаётган пайтимизни эсласам, сенинг қўлларингдан ўтаётган ҳарорат боларининг игнасидек таъсир қилганмиди ёки капалак қаноти сингарими, деб ўйлайвериб, нохуш хаёллардан кутулолмайман. Бир ойдан кейин эса, эҳтимол, ўзимни ўшанда дўзахнинг сақар қатламига тушиб қолгандек сезганим учунми, ўша лаҳзалардаги ҳаётим учун ҳозир етти иқлим бож-хирожини берган бўлардим, шекилли.

Сен зинадан ўзинг кўтарилмоқчи бўласан. Мен монелик қилмай ортингдан бораман. Охири марта зинадан чиқаётганингни билганим учун қаршилиқ қилмай кўнглиннга қарайман. Илгари эса иккита зинани битта қилиб, бесас ирғиб чиқардинг. Эшик тақиллагач, зинада ҳукм сурган жимжитлик сенинг қайтиб келганингда огоҳ этарди. Бир сония ўтиб, эшикка ўрнатилган қулфларга суқилган калитнинг шиқиллагани эшитиларди.

Ўша куни эҳтиёт шарт ортингдан чиқиб бораяпман-у, кўшнилардан битта-яримтаси рўпара келиб қолмасин-да, деб ич-ичимдан Худога илтижо қилардим. Озиб-тўзиб бир аҳволга келиб қолган заҳил юзингни биров кўрмасин, дердим, сен суяниб аранг кўтарилаётган зинапоя панжараси қиёфангни дам очиб, дам тўсиб кўярди. Юқорига ҳарсиллаб чиқаётганингда ёноқларинг бўртиб-бўртиб кетарди. Биз гўё қиёмат минорасига кўтарилиб борардик. Зинапояннинг бунақа баландлигини ҳеч пайқаманган эканман, бамисли унинг охири йўқдек туюларди.

Уйга киргач, дуч келган стулга ўтирдинг. Бошинг қуйи солинган, кўзларинг тизангда беҳол шалвираган қўлларингга қадалган. Бирдан икковимиз никоҳ узуги бармоғингга анчайин катта келиб қолганини сездик; уни ечиб шимингга ишқаб-ишқаб, сўнг чуқурроқ тақиб олдинг.

Ётоқхонамизнинг гулхонадан фарқи йўқ эди, лекин гуллар ҳозир кўзларимни қувонтиролмасди. Яқин кунлар ичида бунақа гуллар кучок-

кучок, гулчамбар ёки гулдаста сифатида келади. Сен гулларга кўмилиб ёшгина ўлиб кетасан.

## Х

Иккимиз болаларимизнинг биринчи қадамларини яширинча кузатиб турганларимиз ҳамон эсимда. Ҳозир сен ичингда ўлим куртагини олиб юрганингдек, ўша пайтда мен қорнимда ҳаёт чечагини кўтариб юардим.

Қиш тонги. Мен сен билан боламиз ўртасида ухлаб ётардим. Нақадар фароғатли, хузурбахш дамлар! Мен бамисли шиша идишчага ўхшардим, зохиран мўрт туюлгани билан ботинда бебаҳо бойликни сақлаб келаяпман, шу лаҳзаларда ташки кўринишга эмас, ички оламнинг кадрига етмоқ лозим, бу мукамал оламнинг меҳварида, митти юрагим остида яна бир олам вужудга келаётган эди. Ҳаммаси бир-бирига боғлиқ, бу иккимизнинг шарофатимиз ва айни чоғда бахтимиздир. Бахтсизлик ва ўлим – жуда олис-олисдаги, хаёлий бир нарса, бир кун келиб улар бизни ғафлатда қолдиришига қарамай, барибир шу бугунги уйғунликка путур етказолмайди.

Бугунги кун мен учун ўта оғир, уни ҳаётда шундай аҳволга тушган одамгина ҳис қилиши мумкин. Биз ўлим ҳақида гаплашиб қолганларимизда, мен энг яқин кишингдан айрилиш оғир деб ўйлардим: ҳозир эса, бунга шубҳа қиламан, ҳақиқатни топишга минг уринганим билан, излашга чек қўёлмайман, чунки ўзга бир хулоса чиқармай иложим йўқ. Баҳор хавоси бўғзимга текилиб, болаларимни эсон-омон кўрсам, ҳар сафар ҳаёт нафасидан баҳраманд бўлиб, сени бир неча сония унутиб бўлса-да, лаззатлансам – чунки сен бунинг учун вақт қолдирмайсан – биламанки, икковимиздан биримиз, яъни, сен қурбон бўлгансан. Бироқ бошимга мусибат тушиб, ҳаётимни зулмат чулғанда англадим, ўлим, бу – энг даҳшатлиси эмас, деб ҳисоблаганларимиз тўғри экан. Яқин кишингдан жудо бўлиш ҳақиқий фожиа. Мен девона бўлиб қолгандекман, дам сайин айтган фикримга қарши боравераман, тўғри деб билган нарсаларимнинг ҳаммаси омонат, нотўғри, мантиксиз бўлиб чиқаверади. Сендан жудо бўлганимга ҳам чидашга розиман, ҳам тоқат қилолмайман, деб кўрқаман. Ғам ҳаддан зиёд кучайиб, инсон бардоши кўтаролмайдиган даражага етганда, ундан қутулишнинг иложини тополмай, қийналиб кетганларимда таскин-тасалли излаб қоламан. Бироқ нафасимни ростлаб олиш ва руҳий азоблардан биров бўлсада халос бўлиш учун ўзимга имкон берсам, тамом, сени унутиб қўйишдан, омонатгина ҳаловат илинжида ва ҳаётга нисбатан юрагимда беихтиёр мавж урган муҳаббатни деб, сен билан кечган сўнгги кунлар хотирамдан ўчиб кетишидан кўрқардим.

Бу ҳол узоқ давом этса керак. Бунга бардошим етади. Аммо баъзан ҳаддан зиёд толиққанимни сезиб қоламан, ўзингни ўйласанг-чи, ўлган ўлди, сен тириксан, яшашинг керак, дея шайтон васваса қилади. Шундай лаҳзаларда замин бағрида ором олиб, суғурга ўхшаб уйкуга кетсам ёки ҳайкалдек яшасам ҳам чўчимайман.

Касалхонадан чиққанимизнинг эртасига сен жуда кеч уйғондинг. “Шунчалар ҳам чарчабманки!..” – дединг менга. Тушунарли, бежиз эмас, деб жавоб қилдим, зинадан чиқиш оғир келган юрагингга, энди кўпроқ ётиб дам олишингга тўғри келади. Биз қимир этмай, ахён-ахён сўз қотиб, каравотда ёнма-ён ётар эдик. Ҳар ким ўз хаёли билан банд эди. Назаримда, хаёлларимиз тутун каби бошимизда айланиб юрар, ўзаро қўшилиб кетмай, ўз ҳолича қанот қоқарди. Биз сен яхши кўрган анданте куйини тинглар эдик.



Фақатгина мусиқа одам қалбига шунақа ҳаяжон солар, осуда кайфият бахш этиб, юракда соғинч туйғуларини уйғотар, безовта қилар ва сокин хаёллар суришга чорлар эди. Сенинг бир оғиз “Бирам чарчадимки!..” деганинг юрагимнинг бир маромда уришига путур етказган бўлса, бу мусиқа яна ўз холига қайтарарди.

Фақат ваҳима қилмаслик лозим, зеро, бу нарса, боя дўхтир ҳам айтганидек, зинапоядан кўтарилганинг сабабли юзага келган толиқиш эди; тез орада юзингга қизиллик югуради, егулик сўрайсан, балки ўрнингдан туриб каравотда ўтирарсан. Шунда мангуликдан яна бир кунни тортиб олган бўлардинг. Бироқ бунақа узоқ режалар тузиб, умидвор кутиб юрмаслик лозим, билъақс, ҳозир, тушлиқдан кейин қилинажак ишлар ҳақида ўйлаган, имкониятга яраша мўлжал қилган маъқул ёки аксинча, дунёга юксакликдан назар солиш керак, худди мана шу, мен тинглаётган ва ҳаёт тинимсиз ҳаракатдан иборат оламда барча нарсалар ўзгаради, аммо меҳр-муҳаббат ўлимга эргашиб кетмаслиги керак, деб таъкидланаётган кўшиқ каби жуда баланд фикрлар билан яшамоғи даркор одамзод. Бироқ озгина енгил тортсам, бас, бутун вужудим шу хулосага қарши исён кўтарарди. Шундай қилиш осон бўлса керак. Мен шу заминдаман, соғлом, бақувватман, ёз фаслидан умидворман, фарзандларимизнинг ўсиб-улғайишининг шоҳиди бўламан. Ўлимни қай аҳволда кутиб оларканман? Тўғриси айтсам, илк бор ҳаётим хавф остида қолган пайтда, менга ўлим кўрқинчли туюлмагани, негаки ўт билан ўйнашганим учун ўлимнинг ўзи эмас, бор-йўғи унинг ваҳимаси тажовуз қилган эди. Аммо қай бири енгилроқ – ўзингнинг ўлишингми ёки кадрдон кишингдан айрилишми? Билмадим. Бу сафарги вазиятни ҳеч нимага қиёслаб бўлмасди. Агарда сенинг омон қолишинг учун якка-ю ягона имкониятинг бўлганда эди, сен билан, энг аввало, ўша ҳақида маслаҳатлашар, имконсиз ишни қилишга уришиб кўрар, пировардида, ким билади яна, туйқус бирон натижага эришиб қолармидик? “Мутлако умид йўқ”, – дейишганди шифокорлар, ҳарқалай, мен шундай эканини англаб етгандим.

Башарти, агар сендан қандай ҳаётни танлаган бўлардинг, гўзал, лекин жуда қисқа давом этувчи ҳаётними ё узоқ, аммо нурсиз ўтадиган умрними, деб сўрашганда, ишончим комилки, иккиланиб ўтирмай биринчисини танлардинг. Нега бунақа, деган савол туғилиши табиий. Афтидан, ер юзидаги барча одамлар икки тоифага бўлинади, сен ҳаёти ёз оқшомида ёрқин нур сочиб, тез сўнадиган учар юлдуздек ўтишини истайдиганлар тоифасига мансуб эдинг.

## XI

Дераза ортида ҳаёт бир маромда давом этарди. Дарпардани суриб қўйиб кўча билан ҳовлидаги ҳаётни томоша қилиб турардим, у энди бутунлай ўзгача эди. Ҳаммаси ўзгарган, илгариги ҳаётдан мутлако фарқ қиларди. Худди мен биринчи марта эшитаётгандек кўчадаги овозлар мени ажаблантирар, одамларнинг кулгиси бамисли бошқа оламдан келаётгандек бўлар, ҳар куни эрталаб судраб ўтишадиган чиқинди яшиқларининг гижирлаши қатлга тайёргарлик кўрилаётган пайтдаги товушларни эслатарди менга. Ўлимга маҳкум қилинган ҳар куни эрталаб мен учун гильотина қурилмаяптими деб хавотирга тушади, шекилли. Лекин, сен тонгга яқин қаттиқ ухлаб ётардинг, мен эса уйғониб кетар ва ожизлигимдан ич-этимни еб ўтирардим. Ҳозирги тақдиримга қараб эртанги кунимдан ноумид бўлардим. Ухлаб ухлаёлмас-

дим, ўрнимни тарк этиб туриб кетолмасдим. Мени қувонтирадиган ягона нарсаси – оппоқ ёстиқ узраси тўкилиб ётган толалар орқали таниш бўлиб кетган сенинг сочларинг, яна кадрдон вужудинг. Сен оламдан ўтган кунинг эрталаб ҳам вужудинг ҳароратини туйган эдим. Дарвоқе, сен тинчгина ухлаётганинда, дард сўнгги ҳамлага тайёрланаётган экан. Мен эшикни ёпиб, чиқиб кетаётганда сени охириги марта кўраётганимга шубҳа ҳам қилмагандим. Тушга яқин сени ўтган замонда эслаша бошлайди. У яхши кўрар эди, у шуни хоҳларди, у меҳнат қиларди, у хавотир оларди ва ҳоказо. Ўтган замон – ажалга тегишли замон. Билмадим, ким биринчи бўлиб тилга олди уни – дўхтирларми, етиб келган дўстларми ёки ўзимми? Эҳтимол, ўзимдир.

Сен хушқомат, гўзал йигит эдинг; сўнгги бор нурафшон балқиб ётардинг, эртага эса бошқача қиёфа касб этган бўласан. Тўғри, бу ётган жасадда энди сен йўқлигингни билсам-да, қандайдир куч ўша тарафга чорлар эди. Мен ҳали сенга тўйиб боқишим, қўлларингдан узок ушлашим ва бетингни меҳр билан силашим мумкин эди. Эртага шундан ҳам маҳрум бўламан. Сен унда тобутда ётган бўласан. Тоабат яшириниб ётасан. Икки кун ўтгач, ортингдан бораман, учинчи кун эса умрбод ажраламиз. Бахтиёр яшаётганимиздан кейин йигирма кун ҳам ўтмабди, мана, оқибат ҳаммаси тугади.

Мен сенсиз яшашга кўника олармиканман? Ҳолбуки, оғирига – вафот этганинга кўникдимми, вақт ўтгач, сенсиз яшашга ҳам ўргансам керак, фақат бу жараён узокроқ чўзилади, шекилли. Хуллас, энди ҳар куни эрта билан биров миямга буров солиб пармалаб уйғотмайди ёки сенинг ўлимингни такрор ва такрор ёдимга солиш учун сирена овози чинқириб уйкумни бузмайди. Мен яна об-ҳаво, ўқиган китобларим ҳақида ўйлай бошладим, бугун қиладиган ишларимни режалаштирадиган бўлдим. Мана, бир неча ойдан буён сендан бошқа нарсалар ҳақида қизиқиб ўйлай бошладимми, шу халос бўлганимни билдиради.

Шунга қарамай, ҳар куни, эрта-ю кеч танҳолик чангалида асира эканимни сезиб яшайман. Бу оғир. Одам эсдан оғиб қолиши мумкин. Бирон ерга чиқиб келмоқчи бўлсам, кечкурун чироқни ўчирмай кетаман. Қайтиб келаётганимда парда ортидан чироқнинг сарғиш шуъласини пайқаб, усталгимга қойил қолиб кулимсираб қўяман, бироқ соддаликни қарангки, уйга кирган заҳоти, бир лаҳза ўтар-ўтмай яна ўша ёлғизлик домига тушаман. Ўзимни чалғитиш учун жавон эшикларини очиб-ёпаман, ҳеч бир сабабсиз шиша идишларнинг ўрнини алмаштираман, жўмракни охирига қадар бураб, шариллатиб сув оқизиб қўяман, бироқ сенсиз, оғир сукунатнинг аёвсиз кишанларидан қутулолмайман. Бир вақтлар сукунат овозини тингласам дердим, йўқ, шарт эмас экан, гоҳида у риёкорга айланар ва занг темирни чиритганидек, одамнинг асабини емирар экан. Битта ожизона чораси – ухлаш, фақатгина уйқу, вақтинчалик бўлсин, унинг зулмидан халос қилади ва қолаверса, сенинг йўқлигингни озгина муҳлат унутишга ёрдам беради.

Мен сенинг қиёфангни хаёлимда тиклашга уринаман ва уни йўқотиб қўймаслик учун ўтган кунларни кўз олдимга келтираман. Кейин ётоғимиздаги икковимизга манзур ва кадрли бўлиб қолган буюмлардан кўз узолмайман, охири сенинг изларингни излаб, зулмат қаъридан чиқиб келишингни зориқиб кутаман ва сен секин-аста ёруғ оламга қайтасан. Афсус, минг афсус, бу нукул хотирада содир бўлади. Ётоғимиз деворида биз учун табаррук бўлиб қолган бир жой бор: ўша ерга доим бир пайтда нур тушиб туради. Бир кун эрталаб, ўлишингдан уч кун аввал, куёш чиқди, ўшангача уч-тўрт кун тинмай ёмғир ёғиб, безор қилиб юборганди. Мен дарпардани суриб қўйдим, шунда сен: “Одамнинг юзига куёш нури тушиб

турса, хузурли экан”, – дединг. Мен нур кўп ва узокроқ тушиб турсин учун, каравотни ўша томонга озгина суриб кўйдим. Сен бир дақиқа кўзларингни юмиб олдинг ва: “Нақадар яхши”, дея шивирладинг.

Вақт секин ўтарди. Мен сенга топ-тоза кийимларингни келтириб бердим, сен унинг орасидан кўкиш пижамангни ажратиб олдинг. Куёш нури энди сенинг юзингдан деворга ўтганди. Ундан охирги марта бахраманд бўлишинг эди. Эртасига яна шаррос ёмғир ёғди, индинига ҳам тинмади, кейинги кун эрталаб сен вафот этдинг. Мен бу ноябрь куёшининг рангини сира унутмайман. Унинг юз-кўзингни эркалагандек пайпаслаганлари, сўнг аста қочиб деворга тушгани хотирамдан ўчмайди. Ҳатто куёш ҳам сенга хоинлик қилди. Сен жанг майдонида ёлғиз колдинг.

Сўнгги ёзни сен билан бирга ўтказган эдик. Ҳаво нақадар ажойиб эди-я ўшанда. Қанчадан-қанча режалар тузиб кўйгандик. Орзуларимиз-чи, бир дунё эди.

Биз беғам-беташвиш яшар эдик. Доимий ҳамдамимиз – куёш ва шамолга қараб кун тартибини белгилаб олардик. Кундан куннинг фарқи йўқ, ҳеч қандай кутилмаган воқеа юз бермас, ҳаётимизнинг бу қадар пурғам ва осуда эканидан бошимиз кўкка етарди. Ҳар жихатдан кўнглимиз тўқ, буни таърифлашга сўз тополмайман. Бизга бунчалар хуррамлик ато этилгани ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмас эдик. Парвоз қилаётган куш учиш бахтига муяссар бўлиш нимадан иборат эканини ҳис қиладими?

Биз қумлоқда кўз юмганча соатлаб ётардик, денгиз тўлқинларининг шовқини аранг қулоғимизга чалинар, хароратли вужудимизни шўртаккина сарин шамол ялаб-юлқигандек бўларди. Исиб кетган пайтимизда, денгизга қараб югурардик, осмон билан денгиз орасидаги уйғунликка путур етмаслиги учун долғали тўлқинлар ортга қайтишини кутиб, сўнг хузурбахш сувга тушардик.

Қоқ тушдан кейин куёш уйимиздан ўтиб, тепалик ёнбағрини ёритаётган маҳал, сен шу бугун, уч-тўрт соат илгари кашф этган жойларда сайр қилиш учун борардик. Биз у ердан қайин ёнғоқларидан териб қайтардик, баъзан тошбақа тутиб олардик, уни кўрган болалар қанчалар қувонарди-я! Деярли ҳар куни куёш нурларини қайин дарахтларининг шохларидан, кейин иш-комлар устидан йиғиштириб олиши ва охири тепалик ортига яширинишини томоша қилиб ўтирардик. Кўпинча болаларни ҳам бирга олиб борардик. Агар ёлғиз қолишни истасак, аста хуфиёна қочиб қолиш пайида бўлар, баъзан бунинг уддасидан чиқолмас, икки нафар жажжи болаларнинг тепалик ёнбағридан тушиб, биз томонга келаётганини кўриб хоҳолаб қулиб юборардик. Улар етиб келиб нафасларини ростлаб олгач, албатта, эртак айтиб беришимизни сўрашарди. Баъзан эса жавоб топиш қийин саволларга тутишарди: “Нега куёш ҳар куни битта чизик бўйлаб ўтади?” Кейин теварак-атрофни эгаллаб олган гўзалликка шунчалик маҳлиё бўлиб қолишардики, оқибат, биз уларнинг бидирлашлари, эртак айтиб беринглар, деб хархаша қилишларидан қутулардик. Улар ҳам бизга ўхшаб бундай улуғвор манзара – куёш заволга юз тутишига мафтун бўлиб жим қолишарди.

– Агар у бошқа қайтиб келмаса-чи? – деб сўраб қоларди улардан бири.

Биз уларга ётиги билан, эртага барвақт, ухлаб ётганларингга куёш яна қайта чиқади ва шу ўтирган жойимизни яна ёритади, деб тушунтиришга ҳаракат қилардик.

– У кечаси билан тинмас экан-да?

– Ҳа, у ҳеч қачон тўхтаб қолмайди, шунинг учун бизда қоронғи бўлса, бошқа ерда ёруғ бўлади.

Болалар билан гаплашишдан кўра қийинроқ иш йўқ, асли. Улар ҳамма нарсани билгилари келганидан, жуда ваҳимали саволлар бериб, нарсаларнинг моҳиятига етишга интиладилар. Биз улар билан ўлим ҳақида тез-тез суҳбатлашиб турардик. Ўшанда кўп ўтмай ўлим уларнинг турмушига чанг солишини хаёлимизга ҳам келтирмагандик. “У ўлган, буниси ухляпти”, – дейишарди улар, бемалол жонсиз чигиртка ёки калтакесак инининг ёнига бориб олиб. Нима бўпти – ҳеч нарса. Бироқ кўп ўтмай ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетди.

Бир неча ойдан кейин, улар “ҳеч қачон қайтиб келмайди”, деган гапнинг маъносини тушуниб етишди, каттаси, кўпроқ қийналгани менга гапириб қолди:

– Демак, дадамиз ўлган бўлса, бошқа дада олиб келинг, лекин худди ўшанақа бўлсин.

Мен бир нималар деб тушунтиришга уриниб, меҳр-муҳаббатнинг барҳаётлиги ҳақида гапирдим.

– Аммо ўлган одамни яхши кўриб бўлмайди, чунки уни қайтиб кўрмайсиз, – деди тушуниксиз гапларимга жавобан ўша бола. – Дадам ҳозир қаерда? Бизни кўраяптими?

– Менимча, йўқ, кўрмаяпти. Лекин биз уни хотирамиз орқали кўришимиз мумкин.

– Унинг кўзи билан лаби менга ўтган-а, тўғрими? – деди у ғурур билан.

– Менга эса, унинг юриши ўтган.

– Тўғри, шунақа.

– Уни қаерга кўмдингиз?

Мен тепаликка, деб жавоб бердим, мозорга дейишга тилим бормади. Тепаликка... Иложи бўлса, мен сени чиндан ҳам тепаликка дафн этардим: тобутсиз, бир ўзингни биз айланиб юришни яхши кўрадиган ердаги бирон-бир дарахт остига кўмардим. Дафн маросимларимиз намунча ғамгин, сохта, ғайритабиий ўтади-а? Мен болаларимиз сени тирик пайтингда қандоқ бўлсанг, ўшандай эсласинлар, ҳеч қачон хазон япроғидек чириб кетишингни билмасинлар, деб қайғураман. Шу хаёл бир неча ой давомида мени қон қақшатиб келди. Сендек кўркам, ёқимли, хушқомат одам бедаво бўлиб қайтишингни тасаввур ҳам қилолмасдим. Ўзимни ҳар қанча овутганим, кимёвий моддаларнинг таъсирида одам жисми ўзгаради, деб ўйлаганим билан тинчиёлмайман. Ҳолбуки, энг асосийси бу эмас-ку, муҳими, шуларни билмай ўтганинг.

Мен улар сени қандай бўлсанг, шундайлигингча яхши кўриб эслашларини хоҳлардим, дедим. Улар сени қанақа бўлган, деб эслашаркан, ўзи? Аммо бир воқеани бот-бот ёдга олишади, ваҳоланки, уни болаларга қачон айтиб берганимни ҳам эслолмайман. Айтишлари бўйича, ўшанда сен бир қулоч келадиган илонни ўлдирган экансан. Аввалига унчалик аҳамият беришмаган экан, бироқ кейин, уйимиз олдида айланиб юрганимизда, баҳайбат бир махлуқни яксон қилган экансан, шу уларнинг хотирасида қолган! Улар учун сен мардлик ва абжирлик тимсолисан, мен сайр пайтида рўй берган янаям қизиқарли бошқа воқеаларни айтиб берсам дейман, аммо улар охирида яна ўша кўрганларини ҳикоя қила бошлашади.

Улар сени кўмсашади, сен ҳақингда ўйлашади, сен ҳақингда кўп гаплашадилар, ёдларида қолган манзараларга фотосуратлар, сен ҳақингдаги ҳикоялар орқали вужудга келган элас-элас хотираларни кўшиб, ўзлари учун яхлит сиймонгни яратиб олишган, мен баъзан шуларни хаёлан кузатаман, уларни бирдан ларзага солган арзимас нарсаларга махлиё бўлишаётганини

кўриб, мурғак тасаввур эгаларини нима алғов-далғов қилиб юборганини билиш умидида суҳбатлар кураман. Шунда бир нарсани аниқ сездимки, улар сенсиз ўзлигини тополмайди.

Уларнинг сенга нақадар ўхшашлигини кўриб мутаассир бўламан ва кўнглим эзилади, баъзан алам, хўрлик, зорикқан туйғулар томирларимда эврилиб, кўз ёшлари ҳосил бўлаётганини сезиб қоламан. Етимлик нима-лигини ҳозирча ҳис қилишмаяпти, лекин улғайгач ҳам билмай қолишлари учун нима қилишим лозимлиги ҳақида хаёлга толаман. Фақат менинг эмас, ўксик дунёнинг зор-зор фиғонлари ҳам бу шум, аянчли ва бадбахт тақдирдан қутулишга ёрдам беролмаслигидан юрагим юмшаб осмонга қарайман. Осмон узок. Илтижо амр-фармонга ўхшамас.

Сенинг ҳаётингни бошидан охиригача хаёлан тиклашга уринаман ва сени ҳали танимаган пайтимда қандай бўлганингни тасаввуримда яратаман. Болаларимизнинг феъл-атвори, хулқини ўсмир ёшингдаги қиёфанга менгзаб, шу орқали сени янада яхшироқ билиб оламан.

## XII

Ўша куни тонг отар-отмас эшикни ланг очиб кўйишди. Ярим кун сенинг ортингдан қолмадим. Йўллар, дарахтлар, биз ёнидан елиб ўтган машиналардан кўз узмасдим, шунинг учунми, фақат шулар ёдимда қолди. Ортиқ ҳеч нарсани эслолмайман. Ҳатто Лиондан ўтганимиздан кейин Жанубий йўлда яккам-дуккам учрай бошлаган маҳзун сарв дарахтлари ва чинорлар қуршаган фаввораларни пайқамасдим ҳам. Жанубда осмон бошқача тусда товланади ва ҳатто ёғаётган ёмғир ҳам ўзгача туюлади, шамол эса шиддатли эсади. Авваллари бундай ўзгаришга ажабланардик.

Бу аҳмоқона пойганинг майда-чуйда тафсилоти ҳалигача ёдимдан кетмайди. Тобут ортилган қора машина ёнилғи қуйиш шохобчаси ёнида тўхтади, унинг орқасидан эргашиб биз ҳам тўхтадик, бу бемаънилиқдан бошқа нарса эмасди. Аммо сенинг бир ўзингни ташлаб кетолмаймиз, чунки руҳинг аллақачон биздан олисда бўлса ҳам, баданингда узок давом этадиган ириш бошланиши мумкин эди. Кечқурун биз тунагани меҳмонхонага жойлашдик. Сен гаражда қолдинг. Мен кириб ухлашга кўнглим бўлмай, ўша атрофда юрдим: дам гулчамбарни ушлаб кўраман, дам тобутинг устига ёпилган қора матони силайман, машина кузовини пайпаслайман. Мен анчагача унинг, аслида эса сенинг тегрангга гирдикапалак бўламан. Бу, ахир, куракда турмайдиган иш-ку: сен гаражда бўлсанг, мен тепада, иссиққина ўринда ётсам ёки сен машиналар тўхтаган ерда қолсанг-да, мен нонушта қилсам, шуюм инсофданми?! Мен ердим, ичардим, аза тутиб йиғлашни эса истамасдим. На эргалабки ҳаёт, на икки кундан бери қорасини кўрмаган болаларим эсимга келарди, улар кейин айтиб беришади ўртоқлари билан мириқиб ўйнаб юришганларини.

Иккинчи куни қабристонга етиб бордик. Ана у ерда, ҳарқалай, бироз ўзимга келдим. Эсимда, тобут устига гуллар тўпирлаб тушди, бу товуш қулоғим остидан ҳалигача кетмайди, кейин – белкураклар билан ташланган нам тупроқ худди юмшоқ гиламга тўкилган шағалга ўхшарди, охири тобут тупроқ остида кўринмай қолаётган чоғда ижро этилган пастгина мусика садоларини сира унутолмасам керак. Кейин ҳамма нари кетгач, дунёда ёлғиз иккимиз қолдик – сен дафн этилганча қабрда, мен эса – мозоринг тепасида. Нигоҳим ёғоч ва кўрғошин оралаб ўтишга ҳаракат қиларди. Мен шу дамларда дунёнинг бутун бойликларидан – ҳа, ҳа, жамики бойликлар-



дан! – воз кечишга тайёр эдим, бирдан акса уриб, лаҳаддан тириклайин чиқиб келсанг-у, сен билан иккимиз ёқтирган тепалик бўйлаб сайр қилсак ёки жимгина денгиз сари юзланиб турсак, бас, кўп эмас, атиги ўн дақиқа, кейин, майли, ўлим абадулабад бағрига олса ҳам розиман, майли, азоб берсин – нима қилса қилсин, фақат сени бир бор кўриб қолсам бўлгани.

Ўшанда ҳаётда биринчи марта иложи йўқ нарсани тилашим эди. Кейинчалик болаларимиздан бири ўтиниб сўрайди мендан: “Ойи, ахир, кўлингиздан келмайдиган иш йўқ-ку дунёда, шундай қилингни, отам бир кун келиб биз билан бўлсин, фақат бир кунгина; байрам уюштирамиз, ақлли, одобли бола бўлиб ўтирамиз ёнида. Отам биздан рози бўлиб кетади”. Бу менинг ихтиёримда эмаслигини бир амаллаб тушунтиришга мажбур бўлдим, мурғаккина боланинг “энди ҳеч қачон” деган дахшатли сўзларнинг маъносини ўзимга ўхшаб тушунишни истамаётганлиги сезилиб турарди.

Ҳаёт менга вафо қилмади, жафо қилди, вафо қилмаса қилмасин, жафо қилмаса бўларди-ку! Боз устига, икки ўт орасида қийнаб, ҳол-жонимга қўймасди: “Хоҳ ўл, хоҳ қол”, – дерди у, мен беихтиёр сурат бўлиб қотардим – емай-ичмай, тириклайин ўз ёғингда ковурилиб юрасан, ўз ғамингни кўз-кўз қилишни намунча яхши кўрмасанг! Ҳаёт мени айбламоқчи бўларди. Мен кўрқоқ ҳам, ботир ҳам эмасман. Болаларимизга суяниб юрардим, улар ёнимда бўлишса, ўзимни қўлга олишдан ўзга чора тополмасдим, уларнинг ёшлиги туфайли худди сенга ўхшаб кўп нарсалардан беҳабарлиги жонимга оро кирарди, холос. Менинг қуруқ сохт-сумбатим қолганди. Тирик мурдага айланиш нима эканлигини ҳис қилдим. Жонимдан тўйиб кетганим, хаёлан, руҳсиз, ночор бир аҳволда, мени ёнингга олиб кет, дея астойдил нола қилганларимни маъсум болаларимизга қандай айтаман! Қотиб ухлаш, ҳушдан кетиш, тун оғушига ғарқ бўлиш... Мана, нажот йўлларидаги белгилар! Бироқ кўзларимни юмдим дегунча киприқларим тагида кўзни олувчи, яркираган олов чирсиллаб отиларди-ю, сесканиб ўрнимдан туриб кетардим. Сени деб шу кўйга тушдим, сенинг қиёфанг кўз олдимдан кетмайди, нафас ололмайман, заррача яшашга имкон бермайди, ҳамма кўргилиқларимнинг сабаби – сенинг ўлиминг. Мен сенинг хаёлларинг билан тирикман. Тирик мурдаман.

Ҳали мусиқа тинглашга ботинолмайман, чунки у ҳозирги ҳолатимдан ҳалос қилгани билан, юрагимни жароҳатлайдиган дунёга элтади, мен эса ўша дунёда яшашга кўрқаман. Ҳамма нарсдан кўнглим қолиб кетганди, ўзим ҳам билмасдим эртага нима бўлишимни, гирдоб қаърига ғарқ бўламанми ёки ҳаловат топаманми? Қоронғи тунга лаънатлар ўқисам-да, ундан қочиб қутулолмасдим.

### XIII

Биринчи марта ҳали умид бор, дея қачон ўйлагандим – сира эслолмайман. Ниманинг таъсирида шу фикр миямга келган? Кўнглимга ҳаёт завқини солган гўдакнинг беғубор кулгиси туфайлими ёки ўзим истамаган ерда кўзим тушиб қолган мунгли нигоҳ сабаблими? Ёки бу жавобгарлик ҳиссидан туғилдими? Ё бўлмаса оддийгина ҳаёт талаби кучлилик қилдими? Ҳақиқатнинг қирралари шунчалар кўпки, оёқларим остида яна заминни ҳис қилишимга айнан нима сабаб бўлганини айтиб беришга ожизлик қиламан. Иттифоқо, бир пайтлар алам ва умидсизлик билан оғзимдан чиққан: “Менинг ёлғиз сохт-сумбатим қолган”, деган даъводан уяла бошлаяпман. Чунки тирик одам сифатида бутун жисмим-вужудим ўз талабларини намоён

этмоқда. Бугунга қадар ҳаётим фақат тушқунлик оғушида ўтаяпти. Бунга чидаш учун метин ирода, бардош керак. Мен, ахир, темир эмасман. Ана шу ҳаёллар ҳаётим яна изга туша бошлаганидан огоҳ этмоқда эди.

Эсимда, бир окшом қандайдир китобни варақлаб ўтирардим, бирдан сен билан бир неча бор бирга томоша қилган ҳайкал расмига кўзим тушди. Ҳайкалтарош аёл жуссасини тасвирлаганди. Ҳам гўзал, ҳам фикр юритишга озуқа беради. Бамисли вужуднинг ўз устуворлигини намоён этиш учун талпиниши акс этганди. Аёл гавдаси гўё унинг руҳидан кам эмаслигини кўрсатишни истаган-у, шуни исботлаш илинжида фалакка талпинаяпти. Ўзим ҳам ҳайкалдек қотиб қолдим, аёл тасвири шундай таъсир қилганди менга, китобнинг ўша саҳифасини варақлашга қўлим бормади. Ўтмиш ҳаётим яна кўз олдимдан лип-лип ўта бошлади, мен ниҳояси йўқ, узундан-узок фильм томоша қилаётгандек, зафар сурурини тинглаётгандек бўлдим – бу туйғуларнинг бари бир пайтлар, ноябрь ойининг машъум бир кунида яксон қилиб ташланган эди. Мен ботқоқдан соғ-саломат чиқиб келаётганга ўхшардим. Хонада ёлғизман, лекин кўнглимда ҳаётга муҳаббат чечаклари гулламоқда эди. Яна ҳаётнинг жўшқин оқимида суза бошляпман, шекилли. Гўзаллик ва нафосатдан завқланиш туйғусидан баҳраманд бўла бошлаганимни фаҳмладим.

Сен хасталик пайтингда тез-тез боришга тўғри келадиган Сен-Сюльпис майдонини иложи борича айланиб ўтардим. Ўшанда бир куни эрталаб черков ёнидаги қулай ерда жойлашган дафн маросими учун зарур буюмлар дўкони эътиборимни жалб этди. Витринага тантанали дафн маросимида олинган суратлар, атрофи гир айлана улкан шамлар ўрнатилган баҳайбат тобутлар акс эттирилган расмлар илиб қўйилган экан. Лоп этиб миямга сенга зарур нарсалар учун ҳам шу ерга келишса керак деган фикр келди. Ўша ердан тезроқ кетишга шошилмасам-да, юрагим чунонам дукилла-дики, кафтларимни тер босди. Ўша пайтда ягона истагим – сени тирик кўриш эди. Уйга шошилдим, бора солиб ётоқхонамизга отилдим, қарасам, ухлаётган экансан. Бўшашиб оёқ учида чиқиб кетдим ва қўлимга китоб олиб, чалғирман, деган умидда ўқий бошладим. Очиғини айтсам, бир қатор ҳам ўқиёлганим йўқ, лекин бироз хотиржам тортидим. Уйғониб мени чакирганингда ёнингга одатдагидек хушхол киёфада бордим ва сени ўпиб кўяр эканман, ҳали-ҳануз менга тегишли бахтнинг лоақал урвоғидан баҳраманд бўлиш учун шундай қилаётганимни англадим. Устимга пўртаналар ёпириллар, уларга қарши турулмасликка ақлим етарди, бироқ, шунга қарамай, қадам-бақадам курашишда давом этардим. Сен-Сюльпис майдонидан келаётганимда битта-ю битта умидим сени тирик кўриш эди. Шукр қилиб, бахтнинг увоклари билан бўлса-да, қаноатландим.

#### XIV

Дафн маросими куни қабристондан кетаётганимда, бу ерга ҳали тез-тез келиб тураман деб ният қилдим. Биринчи кеча хонамда дераза қопқаларини ёпаётганимда, дафъатан поёнсиз, ойсиз, залворли осмонга кўзим тушди. Мен бир ўзим ерда қолгандим. Ўша лаҳзаларда бошим узра сузиб ўтаётган қора булутлар мени ўзлари билан олиб кетсалар, деб ҳаёл қилгандим. Дарпардани силтаб ёпдим – митти йиртқич жонивор ўз уясини шундай кўмарди. Осмонга ортиқ қарашнинг ҳожати йўқ ва умуман, илгари ўзим яхши кўрган одамларни ўз ҳолига қўйиб турмасам бўлмайди. Болаларимизга қандай кўринаман бу аҳволда? Уч кундан бери улар сира эсимга келмабди.

Эртаси куни сени зиёрат қилишга бордим. Бемаъни, бефойда ташриф, яна бир жавобсиз монолог. Мен бошқа оламда эдим, ортга қайтиб боришга мажолим йўқ эди. Ҳар қанча ёзғирмай, фойдаси йўқ. Ана сенинг қабринг, мен унга тикилиб турдим, бемақсад, нега бундай қилаётганим ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмасдан, бир ҳовуч тупроқ олдим кўлимга. Ҳозир келасан, одатдагидек озгина кечикаяпсан, деб ўйлардим, ҳозир етиб келасан, иккимиз биргаликда янги қабрдан кўз узмай турамиз.

Сенинг вафот этганингни жуда яхши биламан, аммо яна кўзимга ҳар хил нарсалар кўришиб, аллақандай телбанамо бир умид вужудимни қамраб олганди.

“Ҳа, у машинада”. У ерда йўқлигингни кўриб, яна ўзимни юпатдим: “У тепаликда айланиб юрибди”. Уйга қайтгач, дўстларинг билан гаплашиб турибман-у, кўзим йўлда, ишонмасам-да, ҳозир келиб қолади, деб ўйлайман.

Ўша куни Парижга қайтдим. Назаримда, сенга яна хоинлик қилдим.

Шу кетганча қабрингни зиёрат қилгани келгуси йили келдим. Сенсиз ўтаётган илк таътил. Париждан кетаётганда кун ҳаддан ташқари иссиқ эди. Тонгда тепаликлар, сарв дарахтлари, ишқомлар, кейин осмон сингари бепоён денгиз кўринди. Яна ўша, бир йил аввалги манзара. Мен яна сен билан учрашгани келдим. Ҳолбуки, бошқа қадам босмайман у ерга ёки жилла курси бир-икки йил келмай тураман, деб мўлжаллагандим. Яна икки хил хаёл, яна сендан қочишга ва сенга талпинишга бўлган васваса, сен билан дардлашиш истагида қабринг тепасига бориб, бундан буён сен фарзандларинг хотирасида яшайсан, деб кўнгилдаги гапларни етказишга интилиш.

Ер юзида сен йўқлигинг учунгина ҳеч нимани ўзгартириш кўлимдан келмайди. Болаларни ўйнагани жўнатиб, ўзим қабринг ёнига кўтарилдим. Қуёш тиккага келиб, гуллар сўлий бошлаган палла эди. Дарахтлар юксалибди, ерлар чўкибди. Мен доим қабристонга бориб туриш керак, енгил тортади одам, дея ҳисоблардим. Биз Овер шаҳарчасидаги Ван Гог ва унинг укаси Теонинг қабрларини зиёрат қилардик. Айниқса, қабрларни қоплаган печакгул эътиборимизни жалб қилар, улар худди қабр ичидаги ҳаётдан дарак бераётгандек туюларди. Лекин кўп ўтмай, бу сокин жой одам қалбига минг таскин бермасин, барибир ўз уйингда тинчгина ўтирганинг афзал, деб ўйлаб қолардик-да, ўша заҳоти уйга қайтардик. Чой ичардик, ойнинг ҳаволаниб боришини кузатиб, бойкушнинг нохуш сайроғига кулок солардик. Аммо ўша куни сен билан хаёлан ёлғиз қолганимда қорамтир сарв дарахти, мовий осмон ва сарин шабада бизнинг бахтиёр онларимизни бегаган декорация вазифасини ўтаганди, холос.

## XV

Ойлар, йиллар ўтади, фасллар алмашади. Ёз ўрнини куз эгаллайди. Ҳаёт давом этапти. Мана яна кўклам келди. Қилт этмаётган ҳаво бағрида баҳорнинг гуркураган бўйлари жисмимга урилади, у дам менга куч-қувват, умид бахш этади, дам ўзи берган ҳис-туйғуларга зомин бўлади. Баъзан билдирмасдан, баъзан ситамкор – юрагимнинг тубига қадар кириб боради. Илиққина ҳаво, кушларнинг сайроғи, ҳовлимиздаги дов-дарахтларнинг шохидаги кўз уқалаган куртаклар, шаррос қуйган ёмғир шовқини, деразам ортида янграган кулгилар туфайли унинг борлиги татимай қолади. Мен кўлга киритган сокинлик, мен фахрланиб қўядиган зукколик, амалга оширмақчи бўлаётган аҳду қарорлар, ҳаётбахш орзулар, адо бўлган ғам-алам – мен мустаҳкам деб ҳисоблаган қўрғон-қалъалар бир кунда қумга



курулган қасрдек тўкилиб кетади. Ёнгинамда гўё фурсат етди дегунча устимга бостириб келишга шай бўрон мудраб ётибди. Мовий осмон жилва қилиб, куртаклар барг ёза бошлаши биланок у хамлага ўтади.

“Баҳор келди, оқ пайпоғимни олиб беринг, ойи!” деб кичкиради қизим шодланиб.

Ҳа, нимасини айтай, бу савқи-табиий ҳис-туйғулар яшовчан бўлади. Мен эса яна ўзимни лоҳас сезаман. Ўша ҳолатдан чиқсам, гоҳ асабий бўлиб қоламан, гоҳ ғамга ботаман. Айбни сендан излайман, мени ташлаб кетганинг учун шундай бўлаяпти деб ўйлайман.

Мен кўпинча иккита кампирни кузатиб юрардим. Улар кўчани деярли бир соатда кесиб ўтишади. Деразадан кампирларни томоша қиламан. Бирининг қадди жуда букчайиб қолган, наригиси уни қўлтиқлаб олган; улар ҳеч кимга эътибор бермай, ҳеч ким билан саломлашмай кетишмоқда. Яна икки томчи сувдек бир-бирига ўхшашини қаранг, ажратолмай қоласиз – бошдан-оёқ қора кийинишган, кулранг юзларига қараб улар ёшлигида қанақа бўлишганини билолмайсиз ҳам. Кампирлар баҳор келганидан беҳабармикан? Наҳотки ҳали тик оёқда юраётганлари, юра олишлари ва юраклари уриб тургани учунгина уларни тирик дейиш мумин бўлса? Ким билади яна, эҳтимол, куч-қувватга тўлган, севги-муҳаббат учун жонини фидо қилишга тайёр йигит ёки сенга ўхшаган келишган, басавлат кишига қараганда бу кампирлар кўпроқ ҳаётнинг қадрига етар.

Баҳор аламзада юрагимга оғриқ солади. Ундан раҳм-шафқат тилашга рози бўламан. Ҳар йили унинг гўзаллигини лаззатланиб томоша қилишдан умид қиламан ёки кўнглимдан чиқариб ташлагим келади. Демак, ҳамон ўша-ўша хаёлпарастлигимча қолибман, заррача ўзгармабман. Наҳотки, бир умр шундай бўлсам – тиним билмай, куюниб яшайман? Қачон бўлмасин, ўз ўрнимда хотиржам ётиш насиб қилармикан?

Баҳор ҳавоси ўтган кунларим ҳақида ширин хаёл суришга етаклайди. Мен эса, агар сен ёнимда бўлганингда ҳозир, шундай беғубор паллада нима қилган бўлардик, дея хаёл сураман. Биламан, бу хаёллар – бугунги ҳаётда яшашга қийналаётганим оқибати. Мен ҳаёт оқими бўйлаб сузиб бораяпман, ўзимни ортиқча қийнамасдан, ташвиш чекмай яшашга ҳаракат қиляпман. Яна бир замонлардаги каби иродали, ўзига ишонган аёлга айланишимни кутиб яшаяпман. Биламан, ўша дамлар албатта келади, чунки ҳаёт шавқи ҳали юрагимни буткул тарк этмаган. Мен бу васвасалардан қутулишни истайман, бироқ сени унутиб юборишни ҳам хохламайман.



**NASR**

Jahon  
ADABIYOTI

## **Абдулла ҚОДИРИЙ**

(1894–1938)

### **ҚУЁШ БИЛАН ҲАМ КУРАШАМАН**

Ҳикоя

*Бир ҳикоя қисмати*

*Тўғриси, Абдулла Қодирӣ ижоди бўйича шу кунга қадар қайта нашр қилинган асарлар адиб ижодий лабораторияси тугал манзарасини намоён қиладигандек таассурот қолдирар эди. Адибнинг хаёлда пишитиб, режага олган романларининг, афсуски, номлари маълум, ёзиб-ёзилмагани аниқ эмас; қўлёзмаларидан эса ҳалигача дарак йўқ. Шунингдек, Абдулла Қодирӣнинг ўз даври матбуотида ва китоб ҳолида босилган бадиий асарларининг барча нусхалари ҳам махсус қиёсий ўрганилиб, ҳозиргача тугал тадқиқ ва табдил қилинмади.*

*Абдулла Қодирӣ адабий меросига оид муҳим ва янги бир гап шуки, “Ўзбекистон шўро адабиёти” журналининг 1932 йили чиққан 3-сонида адибнинг “Қуёш билан ҳам курашаман” номли ҳикояси босилади. Бироқ бу ҳикоя адиб тўпламларида қайта нашр бўлмаган; ҳатто номи асарлари рўйхатида ҳам киритилган эмас. Бунинг маълум сабаби бор, албатта...*

*Ҳикоянинг умумпафосида “Обид кетмон”га яқинлик сезилади. Зотан, қиссани ёзувчи 1932–34 йиллар оралиғида, Ҳабибулла Қодирӣ таъбири билан айтганда, “...елкасида рюкзак, қишлоқма-қишлоқ, ялангоёқ юриб, далаларни кезиб, қўлида кетмон, пахта чопиқларида қатнашиб, бободехқонлар билан суҳбатлашиб ёзган”. “Қуёш билан ҳам курашаман” ҳикояси ҳам худди шундай ижодий сафар, саёҳат, меҳнат-машаққатлар ҳосиласи эканига шубҳа йўқ.*

*“Эй, мен бу кун офтоб билан ҳам гаплашаман” – бу шахду шижоат ҳикоянинг бош қаҳрамони Пўлағурга тегишли. Ҳикояда XX асрнинг 30-йилларидаги ўзбеклар ҳаёти, хусусан, ғўза парвариши, пахтачилик билан боғлиқ турмуш тарзи тасвирланади. Унда бўртиб, кўзга яққол кўриниб турган тўлақонли образ бор: Пўлағур. Барча воқелик, далада кечаётган мусобақа шу – ташқи кўриниши ҳам, табиати ҳам бошқалардан анча фарқ қиладиган, Бадал билан баҳслашиб, чопиқда уни енгиб чиқадиган Пўлағур – Розик кўр теграсида кечади. Бошқа интригалар, тасвир, таъсия ва суҳбатлар шу қаҳрамон табиатини очишга хизмат қилади.*

*Чопиқчилар ўртасидаги бўлиб ўтган ўзаро турли қитмир гаплар, ҳазиллар, бегараз пичинг ва киноялар ҳикоянинг самими-ятини таъминлайди.*



Бизнингча, ушбу ҳикоя “Обид кетмон” қиссасини ёзиш арафасидаги жиддий бир тажриба саналади. Зеро, Обид кетмон ва Пўлағур-Розиқ қайсидир даражада, дейлик, мардлиги, меҳнаткашлиги, куч-қувватга тўлгани, индивидуал характери билан ўзаро яқин образлардир.

Ҳикояда Абдулла Қодирийнинг инсонни тасвирлаш санъатига хос бадиий маҳорат кўзга ташланади: “Ғилай йигит, яъни бригадирнинг таъбирича “каллахом”нинг асли исми Розиқ бўлиб, фавқулудда яратилгонлигидан бўлса керак, унинг шахсига анчагина лақаб тўқиғон эдилар. Сийлағон киши уни, ўз исми бўлғон “Розиқ” билан атаб чақирар эди, бировлар “каллахом” деб ундар эди. Учинчилар “пўлағур” ва тўрттинчилар, ҳазилмандлар эса, тўғридан-тўғри “кўр” деб қўяқолар эдилар. Лекин “ғилай” деб ҳеч ким атамас, эҳтимолки, Розиққа нисбатан “ғилай” сўзини “хайф” ёки “эссиз” ҳисоблар эдилар. Бу лақабларни Розиқнинг ўзи томонидан қаршиланиш масаласига келганда, у бундай лақаблардан чумоли чаққанча ҳам ранжимас, билъакс, табиатига “қўшимча” тариқасида бағишлангон “қизиқлиқ”ларидан озгина ишлатиб қўйишга рухсат берилганлигини сезар, Розиққа тақилғон лақаблардан “Пўлағур” сўзи, унинг яратилиш сифатини яхши гавдалантирганликдан биз ҳам бундан сўнг Розиқнинг асил исмини атамай, “Пўлағур” деб юритамиз”.

Маълумки, адиб бошқа асарларида ҳам ўз қаҳрамонларини шунга яқин услубда, уларнинг характери-табиатига хос хусусиятларни бир нуқтага жамлаб тавсифлайди; исмлари маъно ташийди.

Ҳикояда ёз манзараси, пейзаж, қуёш тафти, димиққан ҳаво, чопиқчилар юзидан оқаётган терлар ҳарорати аниқ ҳис этилади; тилида деҳқончиликка оид кўплаб атама-сўзлар учрайди. Бу эса ёзувчининг деҳқон тилини махсус ўрганганидан далолат беради... Шижоат билан далада ишлаётган Пўлағурни ёнидаги шериклари: “Бошингга офтоб уради”, дея огоҳлантирганида у: “Эй, мен бу кун офтоб билан ҳам гаплашаман!” деб юборади. Ҳикоя сарлавҳаси шу диалогдаги гапдан ўзгартириб танланган.

Энг қизиғи шундаки, бу ҳикоясини ёзувчи кейинчалик “Обид кетмон” қиссаси ичига, айнан шу ном остида бир фасл қилиб киритади.

“Обид кетмон” қиссасида жуда кўп образлар бор. Батафсил ўтмиши, тарихи берилган Мулла Обид, Берди татар, Рафиқов ва бошқалар асарда бошдан-охир қатнашади. Иккинчи даражали қаҳрамонлар сон-саногӣ ҳам кўпчиликни ташкил этади; уларнинг айримлари гапдон, серҳаракат. Бироқ “Қуёш билан ҳам курашаман” фаслидаги образлар бошқалардек жуда фаол эмас. Ҳикоядаги Пўлағур, Бадал, Юнус ота, Ислому бригадир, Аваз каби образлар қиссанинг иккинчи бўлими еттинчи фаслида, яъни асарнинг тўртдан уч қисми баёнидан кейин саҳнага чиқади. Шунгача ёзилган саҳифаларда, бирор эпизодда улар умуман қатнашмайди. Ҳикоя бироз мослаб, адабий матни тўқимасига сингдирилгандан кейинги саҳифаларда ҳам Ислому бўлтакбоши, Пўлағур, Бадал образлари бир-икки марта тилга олинади, холос: Ислому бўлтакбоши бир йиғинда икки оғиз гапиради; пахта терими кунлари бешинчи бўлтакда “ҳануз Пўлағур билан Бадалбойлар орасида мусобақа” давом этаётгани эсланади.

Бундай алоҳидалик ҳикоянинг мустақил асар сифатида ўзига хос поэтик структураси билан майдонга келганидан дарак беради.

Адиб “Қуёш билан ҳам курашаман” ҳикоясини “Обид кетмон” таркибига ҳеч қийналмасдан жойлаштиради. Биринчидан ҳар икки асар мавзуси бир хил: деҳқон хўжалигининг аҳволи. Иккинчидан, қиссага киритилган маҳалида Ислом бўлтакбоши раҳбарлик қилаётган бўлим Обид кетмон раис бўлган “Четан” колхозининг таркибида зикр этилади. Ҳикоя воқелиги ўқувчи хаёлида жамоа хўжалигининг биридаги иш жараёнида кечаётгандек таассурот қолдиради. Журнал нусхасида “Четан” деган хўжалик номи умуман тилга олинмайди. Учунчидан, ҳикоя қисса ичига олиб кирилар экан, асар бошидан иштирок этиб келаётган образлардан бирининг номини Пўлағур: “Хатиб домланинг ола сигири ҳам шуники, денг”, дея ҳазиллашиб эсга олади. Бу усул ҳам ҳикоянинг қисса таркибига табиий сингиб кетишига ёрдам беради.

Алоҳида таъкидлаш керакки, ҳикоя матни “Обид кетмон” таркибида келган матндан маълум даражада фарқ қилади. Ҳикоядаги айрим сўз ва сўз бирикмалари таҳрир этилган; заруратга кўра қисқартирилган ҳамда поэтик нутқ қиссанинг умумлафосига, ритмига мослаш учун баъзи ўзгартиришлар киритилган. Ҳикояда танланган баён усулини қисса оҳангига мослашда барча гапларнинг кесим қисмида бир-икки товуш ўзгариши бор. Ҳикоядаги барча гапларнинг кесимлари “буғга айланди” “чопиққа тушдилар”, “тарқала бошлади”, “отаға ҳайқирди”, “деди Пўлағур”, “кўзларига ёшлар чиқди” шаклида аниқ ўтган замон феъли ифодаланади. Буларнинг барчаси қисса бошидан бери давом этиб келаётган баён манерасига, матн ритми ва пафосига мосланиб, бир-икки товуш қўшилади. Дейлик, унда гапнинг кесими “буғга айланади”, “чопиққа тушадилар”, “тарқала бошлайди”, “отаға ҳайқиради”, “дейди Пўлағур”, “кўзларига ёшлар чиқади” тарзида ҳозирги замон феъллари кўринишини олади. Аммо бу ифодадан ҳам воқелик бўлиб ўтгани аниқ ўз аксини топган, албатта. Шунингдек, ҳикоя қисса таркибига киритилганда “бригадир – бўлтакбоши”, “ингичка – нафис”, “эгат – пушта”, “ғилай – беўхшоқ”, “сергўшт – этлироқ”, “сурнай – ҳалқум”, “чоғлаб – жуплаб”, “рўмол – хом сурп”, “оқ туман – оқ тутун”, “атроф жимжит – теварак тинч”, “Ошнинг ўтини боя ўчирганман – Ошнинг ўтини яқинда тўхтатдим”, “Номим Носир сайёр Тошкандий – Номим Носир сайёри Самарқандий” каби таҳрирлар амалга оширилади. Албатта, бундай ўзгаришларнинг қайсилари ўринли ёки ўринсиз эканини бадиий матндан ташқарида, узиб олинган бундай сўз, сўз бирикмаси ва содда гаплардан илғаб олиш ҳамда уларга баҳо бериш қийин.

Ҳикояда Пўлағурнинг ғолиблик нашидасини адиб: “Бунинг ҳозирги кўриниши ҳиндиларнинг ўлук ёқатурғон гўрковларини хотирлатмоқда эди”, деган ўхшатиш билан тасвирлайди. Бу тасвирий гап қисса нусхасида йўқ. Эҳтимол, ҳинд гўрковини ўзбек ўқувчиси тасаввур қилиши қийинлигини ўйлаб, ёзувчи уни қисқартиргандир. Баъзан ҳикоя таркибида келган: “Ислом бригадир Пўлағурни ҳам Бадал каби йўл устида ярим совуқ кўк чой билан қаршилади. Аммо кўлидаги кўк чой бу гал икки пиёлада эди. Булардан бирини Пўлағурга тутди” жумласи қиссада “Исломбой уни ҳам кўк чой билан қаршилайди” кўринишида ихчамлашгани, шунингдек, ҳикоядаги баъзи диалоглар, сифатлаш ва ўхшатишлар ҳам таҳрирге учрагани кузатилади.

Аслида адиб журналда босилган бу асарини “Обид кетмон” қиссасининг бир парчаси ўрнида эмас, балки алоҳида сюжет ва композицияга эга ҳикоя сифатида эълон қилди. Сарлавҳадан кейин қавс ичида “ҳикоя” деб жанрини аниқ ёзди. Иккинчидан, ҳикоя охирида адибнинг барча тугал асарларига хос бутунликни англатадиган “Битди. Абдулла Қодирий. Тошкент. 20 июл, 1932 й.” аниқлиги ҳам бор.

Тахминимизча, ёзувчи замонавий қишлоқ ҳаёти, деҳқонларнинг турмуш тарзи тўғрисидаги нисбатан улкан ҳажмли “Обид кетмон” қиссасидан олдин шу ҳикоясини ёзиб, қаламини синаб, бир чархлаб олган кўринади.

Умуман олганда, бир сарлавҳа остида берилган иккита адабий матнга алоҳида ҳодиса, яъни қиссанинг бир парчаси ва алоҳида ҳикоя сифатида қараш ўринлидир. Шу боис адибнинг “Қуёш билан ҳам курашаман” ҳикояси бошқа кичик асарлари қаторидан ўрин олиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳам Абдулла Қодирий бадиий маҳоратининг бир қиррасини англашга ёрдам беради.

Шу қисмати муносабати билан айтмоқчимизки, Абдулла Қодирий қўллаган бу усул ва тажриба дунё адабиётида, ҳатто бугунги адабий жараёндаги ўзимизнинг адибларимиз ижодида ҳам учрайди. Бу муаммо бошқа мақоланинг мавзуси.

Ҳикояни нашрга тайёрлаш жараёнида ўша давр журнал таҳририяти томонидан йўл қўйилган айрим техник нуқсонлар, имловий хатолар “Обид кетмон”нинг 1935 йилги нашрига қиёсан ўзгартирилди, жузъий ўринларда ҳикоя тили бугунги адабий тилга мослаштирилди, айни пайтда муаллиф имлоси сақлаб қолинди.

Баҳодир КАРИМОВ,  
филология фанлари доктори

13 июлнинг тонг салқини бу кунги кўёшнинг туғуши олдида узокқа чидаб бора олмади. Ёқимли салқин ва ингичка эсатурғон тонг ели оқ тутун ичида барқ уруб чиққон кўёш ҳарорати билан нафас олиш учун ёқимсиз илиғ буғга айланди. Эрта билан бирор соат тинғон сув каби шаффоф ҳолда турадурғон ҳаво ҳам буғга тутулғон ойнадек хира туска кирди. Суви кўллаш орқасида сизот-изза ҳолига келган, теварагини барди, саломатлик ўтлари босқон ва поёнсиз ғўзапоялар орасидан айланиб оққон ариқ устларидаги чибинлар тоқатсизланғондек ғивирлаша бошладилар. Ёнғоқ остига ўчоқ қазиб ўн кетмон тупроқ тортиш билан манглайи терчиган Юнус ота кетмонига суяниб нос отар экан, ўз-ўзига:

– Бу кун кабоб пиширсак ҳам бўладир, – деб қўйди.

Аравадан чиқарилғон бурул айғир ғўза уватиға экилган экин баргларини искаб қарамоқда эди. Аваз буғчамаланғон кўрпа, ёстик ва озик-овқатларни арава олдидан тушуриб, ёнғоқ каторидаги ўрук остиға тахламоқда эди.

– Одамданми, – деди бир буғчамани аравадан кўтариб ола-ола, – чопиқчилар бу кун энасини кўради десангиз-чи.

Юнус ота жавоб бермади, ярим очилғон ўчоққа тушуб, ўчоқ теварагини теша билан чопа берди.

Аваз аравадан тушурилган сўкни кўтариб ўчоқ яқиниға келтириб қўйди. Арава устидаги юк тугалиб олдинғи томонда бир хуржун нон

ва орқада хашакка ўраб танғилғон қозондан бошқа нарса қолмади. Олдиндағи хуржунни кўтармакчи бўлғон эди, қозон оғирлиқ қилиб арава “лайлак” бўлаёзди. Аваз хуржунини қайтариб кўйишга мажбур бўлди.

– Ота, қозонни тушурайлик-чи.

Юнус ота ўчоқдан тупроқ чиқармоқда эди. Ишдан тўхтаб бироз аравага қараб турди-да, оғзидағи носни туфлаб ташлади.

– Хуржунни ол!

– Хуржунни олсам, қозон ағнайди.

– Кўтармадаги гўштли челақни олдингми?

Кўтармадаги челақ Авазнинг ёдидан кўтарилган эди: араванинг остига кириб челақни ешиб ола бошлади. Юнус ота лабидаги нос ушоқларини яхтагининг энгига арта-арта арава ёнига келиб яланг оёғи билан шотини босди.

– Нонни ол!

Аваз хуржундаги нонни олиб кўйди. Юнус ота аста-секин шотини линг ҳолга келгунча қоринга бостирди. Аваз арава орқасидан чиқиб ўралғон хашакларни олди.

– Тагин озроқ жўнатинг!

Юнус ота шотини бироз ўз ҳолига кўйди. Қозон Авазнинг олдига силжиди.

– Ҳозир бўлиб кўтар, ерга кўйма, ўчоқнинг ёнига олиб бор!

Аваз ихраб-сихраб қозонни бошига кийгансумон ўчоқ ёнига келтириб кўймоқчи бўлғон эди, кўли толиқиб қозоннинг бир қулоғи Авазнинг бурнига тегиб кетди.

– Бурни(нг) қора бўлди, хувари! – деб ота илжайган эди, оғзидағи онда-сонда қолғон носвой билан кўқарган чугур тишлар кўриниб кетди.

– Бир пут қозонни эплломайсанми, боласи тушкур.

Аваз бурнини кўли билан ишқаб тозалади:

– Бир пут? Бу қозон баҳазур бир пут ўттиз қадоқ келади.

Юнус ота кетмонини кўлига олиб ўчоқдағи тупроқларни чиқаришга тутунди.

– Майли, икки пут десанг ҳам ҳақинг кетмайдир. Отингни олиб боғла, гўзани новит қиладир; челақларни олиб сувга бор, қайтишингда ариқдан сув очиб кел!

Аваз отини четроқдағи тутка боғлаб, кўлига челақларни олғон пайтда ернинг этагидан елкасига кетмон кўйғон бир тўда йигитлар кўриндилар, йигитларнинг орқасида от олдига каттакон бир самоварни ўнгарган яна бир отлиқ ҳам кўринар эди.

Юнус ота ўчоқни тозалаб, қозонни ўчоққа қўндирғон пайтда йигитлар ёнғоқ тагига етиб келдилар, тарс-турс қилдириб елкаларидаги кетмонларини ерга ташладилар. Уларнинг уч-тўртларини истисно қилғонда, кўплари деярлик олди очик қалами яхтак, қалами иштон, оёқларида кўн этик, бошлариға ҳар турли дўппи кийиб, белларини бир метр чамаси қилиб кесилган, яхшигина кирлаб сарғайғон хом сурф билан боғлағон эдилар. Кўбчилик йигирма билан қирқ орасидағи йигитлар бўлиб, орада уч-тўрт нафар қирқ беш-эллик ёшлиқлари ҳам йўқ эмас эди. Улар кетмонни ерга кўйғоч, сўз кўйишгондек белбоғларини ешиб манглайларини танга бошладилар.

Орадағи икки-учта яланг оёқ ёшларнинг бириси бўлғон йигирма икки-йигирма уч ёшлар чамалиқ, суяги йўғон қадди қисқа – яъни бўйдан олиб энига урулғон беўхшоқ катта бошлиқ, кишига қарағон пайтда,

айниқса, ёш болаларни кўркутарлик даражада ғилай кўзлик, филники каби йўғон ва тўмтоқ оёқлик, қизилмағиздан келган бир йигит кўбчилик ичидан чиқиб келди-да, янги қазилиб қозонни ўрнаштирилғон ўчоққа энгашиб мўралади:

– Ўчоқни қотирибсиз, ота, чопикни битирган кунимиз ўхшатиб бир норин қилиб иккита “мўйсафид”дан ҳам чакира турғон бўлибмиз-а, – деди.

Қозон теварагини тупроқ билан кўмаётқон Юнус ота унинг сўзига илжайди.

– Агар бу кун қизил саллани олсанг, албатта...

Йигит ўчоқ ёнидан қўзғалиб, ғилай кўзини “дахшатли” туска киргизди.

– Оламан, албатта, оламан, – деди ва теварагига аланглаб, ўзидан олти қадам нарида икки метр чамаси қизил сатинни бошига чулғаб ётқон, чуваккина ва афтидан улуғсимонлиғи кўриниб турғон бир йигитга қаради, – қизил саллани берасан, оламан!

Бошига қизил чулғовчи йигит илжайиб кўйди.

– Оласан, – деб пичинг отди Юнус ота, – қизил саллани деб етти йигит йиқилди, сен саккизинчи қурбон бўлмасанг яхши эди...

– Самоварни ол, каллахом, – деди отда келиб тўхтағон бригадир Ислон новча.

Ғилай йигит нима ҳам демакчи эди, сўзи бригадир томонидан бўлинди, самоварни олиб четка элтиб кўйди.

Ғилай йигит, яъни бригадирнинг таъбирича, “каллахом”нинг асли исми Розик бўлиб, фавқулдда яратилғонлиғидан бўлса керак, унинг шахсига анчагина лақаб тўқуғон эдилар. Сийлағон киши уни ўз исми бўлғон “Розик” билан атаб чакирар эди, бировлар “каллахом” деб ундар эди. Учунчилар “пўлоғур” ва тўртинчилар, ҳазилмандлар эса, тўғрудан-тўғру “кўр” деб қўяқолар эдилар. Лекин “ғилай” деб ҳеч ким атамас, эҳтимолки, Розикқа нисбатан “ғилай” сўзини “хайф” ёки “эссиз” ҳисоблар эдилар. Бу лақабларни Розикнинг ўз томонидан қаршиланиш масаласига келганда, у бундай лақаблардан чумоли чакқанча ҳам ранжимас, билъакс, табиатига “қўшимча” тариқасида бағишланғон “қизиклик”ларидан озгина ишлатиб кўйишга руҳсат берилганлигини сезар, Розикқа тақилғон лақаблардан “Пўлағур” сўзи, унинг яратилиш сифатини яхши гавдалантирганликдан биз ҳам бундан сўнг Розикнинг асил исмини атамай “Пўлағур” деб юрутамиз.

Пўлағур самоварни олиб кўйғондан сўнг белидаги рўмолини силлик тахлаб манглайини боғлади. Олди очик яхтагининг кўкрак тўғрусига тақилғон боғичларини бир-бирига келтириб тугди, сўнгра қисқа семиз биллагини очиб, яхтак енгини тирсагигача чиқариб шимарди-да, кетмонини икки қўллаб ушлаганча қизил саллани йигитнинг олдига келди.

– Имонингни ўгуравур, Бадал, – деди Пўлағур кетмонини ерга кўйиб ва сопининг устига юм-юмалоқ мушти билан гурс этиб уруб кўйди, – ё бўлмаса оёғимни ўп, саллани бер!

Пўлағурнинг бу сўзидан ёш-яланглар хо-холошиб кулиб, кексалар илжайишдилар.

Бригадир Ислон новча кетмонини кўлига олиб ҳаммадан ярим газ юқори турғон қадди билан ғўзанинг устига юриб келди, унинг орқасидан бошқалар ҳам эргашдилар. Кейинги суғориш билан анчагина кўтарилиб қолғон ғўзанинг ҳозирғи кўлага жойлари бир қадар лой, беш-олти одим-



гача серхато ва қисқа бўйли эдилар. Қолмиш ғўзалар эса, кўз илғамай сойға тушиб кетканча элли сантиметр чамаси дуркун ўскан ва аксар тупларининг куйи бўғумларида сарғиш-пушти капалак қўнғон каби гуллар кўринар эди.

Ислом бригадир эгатдан бирини чошиб синаб кўрди.

– Бу ерлар лойроқ, кетмонга ёпишадир! – деди ва беш-олти қадам ғўзадан ташлаб ичкарилади ва яна чошиб кўрди. – Шундан бошлайик, бу ёқни кечки пайт бошлаймиз.

Бригадир уват ёнидағи чет қаторға ўтиб, ён қаториға Пўлағурни чақирди:

– Қани, каллакдор полвон, меним ёнимдағи эгатка, сиз, Бадал қахрамон, каллакдорнинг ёнидағи қаторға, сиз, ўртоқлар, ўз қаторларингизға жойлаша берингизлар.

Пўлағур бригадирнинг ёниға келиб, унинг қаториға Бадал келиб тушди. Бошқа қаторлар ҳам колхозчилар билан тўлиб, йигирма беш метр қадар жойға ерлашдилар.

Бригадир уларни санаб чиқди:

– Бир, икки... йигирма уч, мен билан йигирма тўрт, тўғру, қани, оғалар, бошладик! Каллахом, сепламага йўл йўқ, Бадалбой, сизға ҳам! Кесаклар ушалсин, ўтлар ўлсун, бўғузлар тўлсун! Кетмонни илдиздан қочириб юритасиз; башарти бир қатордан зарарланган ғўза уч тупға етса, ош бир коса, нон яримта!

Пўлағур кўлиға туплар экан, кўзини ола-кула очиб, қаторнинг бошиға қараб олди ва “шарманда қилма”, деди-да кетмон ташлади, бошқалар ҳам чопикқа кирдилар.

Кетмонлар олдин-кетин кўтарилиб туша бошладилар. “Тирс-турс”, “чақ-чук” эткан товушлар чиқиб, юкори кўтарилган кетмонларнинг ялтироқ сиртиға тутулғон қуёш нури ялт-юлт чакнаб турди. Пуштадағи курук тупроқлардан озроқ чанг кўтарилиб кетмонлар билан ўйнаша ва атрофға тарқала бошладилар. Чопикдан чиққон жойлар силлиқ манзара ола бордилар.

Пўлағур биров шошинқирағон ҳолда тарс-турс кетмон солмоқда эди. Бадалнинг кетмони у қадар шошиб тушмаса ҳам, лекин ҳар бир кетмони керакли жойға тушиб, бир тупни икки кетмон билан саришталаб бормоқда эди. Ҳар иккисининг чопиғиға кўз қирини ташлаб борғон бригадир бир вақт кетмонига суяниб тўхтади.

– Сен, каллахом, чопикда биров чала экансан, кучинг бекорға сарф бўлмоқда! – деди. – Кетмонни мўлжаллаб ташла, биринчи кетмонда ўт ўлсин, кесак ушалсин, илдиз бўшалсин ва шу тупроқ билан нариги ғўзанинг бир ёқ бўғози ҳам тўлсун, иккинчи кетмонда бериги бўғози тўлиб, учинчидан чала колғон ўрунлар қумлансин; онда-сонда учраган катта кесакларни кетмоннинг муҳраси билан бир ур-да, кета бер. Ҳозир Бадал билан баравар бораётғон бўлсанг ҳам, бироқ узоққа чидамайсан, негаки бирининг ўрниға икки куч сарф қилмоқдасан.

Пўлағур сўз тинглаш учун ишдан тўхтамади, чунки “душман” ҳазил эмас эди. Ишлар экан бригадирнинг сўзини тинглади.

– Тўғри, – деди Пўлағур, – ишимнинг пўлкилигини ўзим ҳам пайқаб қолдим.

Чопикчилар кулиб юборадилар.

– Бали, – деди бригадир, – сенда Бадалнинг икки кучи бор, бироқ ҳадис йўқ. Кетмонни ҳамма вақт баланд кўтариб бир хил қўнуқда

тушурма; кесак кўчиратурғон бўлсанг баланд кўтар-да, ўрта даммини ишлат, қумлашда миёна кўтариб ўнг дамнинигина ишлат, керак бўл(ма) фонда сўл даммини ишлата кўрма! Ана, ана, тамом!

– Оббов, – деди ишдан тўхтаб Бадал, – таълимингизнинг ҳаммаси бу кунга йиғилиб қолғон экан-да.

Бригадир илжайиб олди:

– Мақсад си(з)ларнинг мусобақаларинг устуда эмас, – деди, – колхоз учун уста чопиқчилар керак, мен буни ҳамма вақт айтиб келаман, тўғрусини айтганда, Розик бу турғонларимизнинг ҳаммасидан ҳам зўр, бироқ чопиққа келганда малакаси оз. Агар шу каллахом чопиққа роса уста бўлса, бир кунда икки одамнинг ишини қилаберадир. Бу нима деган сўз? Агар чопиққа омилкор бўлғон Розик биз билан йигирма кун иш қилса, ўзи тўрт гектар ерни ортиқ ишлаб, мана шу турғонларни бир кун ишдан қутқорғон бўлиши устуга, чопиқни ҳам ўз вақтида бажаришга имконият берган бўлади.

Йигитлардан “тўғри-тўғри” деган тасдиқлар эшитилди.

– Ўзаро мусобақа керак, – деди давом этиб бригадир. – Шу билан бирга билган хунарларимизни бир-бирларимиздан яширишимиз яхши эмас, тўғри келган сайин бир-биримизга тажрибаларимизни ўргатишимиз зарур.

– Қойил(ча)ман, улуғим! – деди Пўлағур кетмон(н)и тарсиллатиб. – Ғаламисқа адаб беринг, ғаламисқа.

Чопиқ давом қилар эди. Мусобақачилар кўбчиликни беш-олти одим орқада қолдириб илгариларидилар. Қуёш бетини янгича оқ булут қоплагандек бўлиб ёруғлик лойқади ва тиқ эткан шамол юрмай нафас олиш анча қийинлашди, чопиқчиларнинг манглайларидаги рўмоллари тер билан хўлланса ҳам, ҳали сиқиб ташлайтурғон даражага етмаган эди. Сергўшт йигитларнинг яхтак елкаларида бирмунча тер нишонлари кўринди.

Ислон бригадир манглайиға терилиб қолғон терни бармоғи билан сидириб ташлагач, олди очиқ яхтагининг бир бари билан ўзини елпиди, иккинчи кўли билан кетмонга суяниб орқасиға – ёнғоқ томонға қаради:

– Аваз, ҳа-ай!!

– Ҳовв!

– Отларни пастка тушуриб, ўт босқон бедага боғла, қайтишингда ўша жойдаги кўрғонлардан коса йиғиб кел. Ҳозир самоваринг қайнағон бўлса, бир қумғон чой дамлаб келтир!

– Хўб.

– Бормисиз, улуғ! – деди Пўлағур ҳаракатдан тўхтамағон ҳолатда. – Ҳалқумлар қуриди-ку.

Мусобақачилар бошқаларни ўнлаб одим орқада қолдирдилар. Ҳар иккиси ҳам баравар бормоқда, ора-сира Пўлағур бир-икки одим олдин-ласа ҳам, Бадал буни сезди дегунча бир чираниб етишмақда эди.

Пўлағур кутмаганда Бадал ишдан тўхтаб, манглайидаги рўмолини ешиб бет ва гардан терларини артиб елпинди ва липпасидан носқовоғини чиқарар экан:

– Тўхта, каллахом, нос отиб оламиз! – деди.

Вақтни ғанимат билган Пўлағур тўхтамади.

– Носинг нимаси, мен носни ташладим... кўзинг тиндимми! – деди.

– Қўйма, кўр! – деди орқадан аллаким.

– Қўймайман, бу кун Бадалинг(н)и ийиғини чиқараман!

Вазиятнинг ёмонга айланишини билган Бадал қўлига олгон носқовокдан нари-бери оғзига тўкди-да, кетмонига ёпишди. Бадалнинг шошиб қолгонлигини орқадан кўриб турғон йигитлар кийкирик урдилар.

- Бадални шоштирди! Бадални эсанкиратди!
- Бўш келма, Бадал! Савалай бер, Розик.
- Қийнаб ўлдираман, қийнаб! – деди Пўлағур.

Нима бўлса ҳам ҳалиги тўхталишда Пўлағур тўрт одим олдинлаб қолди, Бадал эса етиб олиш учун ҳамма ҳунарини сарф қила бошлади. Ҳозир ҳар иккиси ҳам бухронли минутларни кечирар эдилар. Буларнинг жон аччиғида қилаётгон ҳаракатларини ва чопиқ сифатларини кўздан кечириб турғон Ислом бригадир орқадан қичқирди.

– Сеплама(га) айланмангиз, йигитлар! Сен, каллахом, бояғи таълимни эсингдан чиқарма!

Пўлағур орқасига қарамай жавоб берди:

- Таълимингиз тошқа битилган.

Кумғонда чой келиши билан оғзидағи тупуги қуриғон чопиқчилар чуғурчүкдек кумғонга ёпишдилар. Ҳар ким пиёлани илгари тўлдиришга шошилди, бироқ мусобақачилар жойларидан кўзғолмадилар.

- Сизлар ҳам чой ичиб олинг, йигитлар, – деди Ислом бригадир.

Улардан жавоб бўлмади.

– Улар ҳали ёш, – деди кекса бир колхозчи, – уларга чойдан ҳам юз суви керак.

- Бу кун Бадал қизил салладан ажралади-ёв.

– Ажралмайди, – деди кечаги кун Бадалдан енгилган Соҳибтой, – Бадал чапдаст.

– Қанча чапдаст бўлса ҳам, бир ҳафтадан бери курашиб чарчағон, – деди кекса колхозчи, – беш қадам ўзидан ўтқаздими, бу энди бўлмайди, деган гап бўладир.

- Бадал чўзилиб қопти, кечаги дабдабаси йўқ.

– Кўринг, бизлардан хили қувроқ экан, Жалил, – деди ўткан кун Бадалдан енгилган Раҳимберди, – бу итдан тукқон кўр Бадалнинг мазаси кеткан кунни чоғлаб беллашди-да!

– Мен сўзларингга қўшилолмаман, – деди орқарокда чой ичиб ўлтирғон хондиқ<sup>1</sup> йигит, – хумсоннинг илиги тўла.

Бир пиёладан чой ичиб сурнайни хўллагач, улар чопиққа тушдилар.

Бадал Пўлағурни қувлаб кетмакда, Пўлағур ўзига етказиш ўрнига, билъакс, ундан аста-секин узоқлашиб бормоқда эди. Бу кичкина муваффақият Пўлағурга қанчалиқ руҳ ва куч бағишласа, Бадални ўшанчалиқ бўшаштириб, руҳсизлантирмоқда эди. Ҳар иккиси ҳам обдон терлаб олдилар. Айниқса, Пўлағурнинг яхтаги сувга солиб олгондек шалаббо бўлди. Шалоп-шулип қилиб халақит бера бошлади.

– Ешсам қутуламанми! – деб ҳайқирди бир вақт Пўлағур ва яхтагини ешиб чопилғон пуштага итқитди. Иштонини липпа уриб яна кетмонга ёпишди. Орқадагилар қулушдилар.

- Офтоб уради, каллахом! – деди орқадан бригадир.
- Эй, мен бу кун офтоб билан ҳам гаплашаман.
- Бироздан кейин энангни кўрсатадир, – деди аллаким.
- Икковинг келиб чой ич! – деди бригадир.

Бироз жавобсиз чопиқни давом этдириб бордилар. Пўлағур чопиб борғон ҳолда орқасидагидан сўради:

<sup>1</sup> Хондиқ – китобда “чандиқ йигит” тарзида келади. (Наширға тайёрловчи изоҳлари).

– Ичамизми, шерик?

– Ичсанг, ичамиз.

Иккиси кетмонни баравар ташлаб пуштадаги кумфон ёнига келди. Пўлағур бир пиёлани Бадалга қуйуб, иккинчисини ўзига солар экан, “душманга” манглай остидан мўралади.

– Тобинг қалай, шерик?

– Яхши.

– Саллани уринтирмай топширсанг дейман!

– Ҳали топширишимга вақт бор.

– Анови кетмонларнинг бир-биридан туруш фарқига ҳам қараб қўй.

– Беш қадам нари-бери билан бир ерга бора олмайсан.

– Хўб, носингни ол бўлмаса.

Чойли пиёлаларини ғўза қўлагасига қўйиб нос чекишдилар. Пўлағурнинг қуёшда қуйиб қорайғон елка ва бўйинларидан тўхтовсиз тер қуйуб турар эди, бўйун томири тез-тез ташқарини туртиб, бурун катаклари нафас олиб чиқорғонда сиқилиб, керилар эди. Бадалнинг чекка томирлари ўқлоғидек ташқарини туртуб, кўзи қон қуйғон каби қизарғон эди.

Пўлағур носни туфлаб, қўлига чойни олиб оғзини чайқади.

– Сен, Бадал, иним, боя бир янглишдинг.

– Нега янглишдим?

– Иш пайтида нос чакиб янглишдинг, занталоқ носни чакканингдан кейин чўллатади, бир нарса ичмасанг, кишини абгор қилади. Сен нос чакиб олғон кейин, мен арвоҳингга фотиҳа ўқиб қўйдим. Дарҳақиқат, ҳар қанча урунсанг ҳам менга етиб келмадинг, қайтага борғон сайин судралдинг... Агар мен чой ичишка кўнмасам, пуштада ўлиб қолғон бўлар эдинг... Сўкма-сўкма, даъюс, сенга ўхшағон одам тарашлари кўр Розикни аҳмоққа ҳисобласалар ҳам, лекин мен сенга ўхшаш хом даъюсга кирк йил дарс бераман.

Иккови икки пиёладан чой ичиб олғунча эрмак учун “ширин-ширин” сўкушиб олдилар-да, яна кетмон билан олишиб кетдилар.

Пахтанинг<sup>1</sup> боши бир юз элли метр чамаси бўлиб, яноққа келиб битар ва яноқдан эътиборан сойга тушкунча кўндаланг эгатли алоҳида тахта бошланар эди. Эгатнинг боши яқинлашқон сайин Бадалнинг кўзи Пўлағурнинг қаторига туша бошлади. Чунки Пўлағур Бадалдан тўққуз одим чамаси илгарилаган эди.

Орадан яна беш дақиқа чамаси фурсат ўтиб, Пўлағур Бадални ўн одим чамаси орқада қолдириб ўз ҳиссасини битирди ва ҳеч нарсага қарамай яланғоч елкасига кетмонни қўйиб, чопиқларнинг энг четдаги қаторига юрди. Ёқимсиз қилиб: “Савлатингга – ғайратингга қойилман”, деган яллани айтиб қўйди, гўё бу билан ўзининг муваффақиятига жар солғон эди. Колхозчилар илжайишиб олдилар.

– Каллахом бажо! – деди кекса колхозчи.

– Бажолигин айтишга ҳали вақт эрта, – деди бригадир.

Бригадирнинг бу сўзи махтов кутиб турғон Пўлағурга унча ёқмади

– Етти ярим газлик соянгиз бу ёққа оққанда-а? – деди-да янги қатордан чопиқни бошлай берди. Бу сўз билан бирдан ҳамма хохолаб юборди. Чунки Пўлағур “етти ярим газлик соя” деб бригадирнинг узун бўйидан киноя қилғон эди.

<sup>1</sup> “Пахтанинг” сўзини “пахта даласининг” маъносига англаш мумкин. Техник хатодир, эҳтимол. Чунки “Обид кетмон” да бу ўринда “тахтанинг” сўзи турибди.

– Оббо тўймағур, улугни олди!

– Асло ҳам ёмон тишлади!

Бир неча вақт кулгу орқаси узулмай турди. Ислон бригадир ҳам котиб кулар эди.

\* \* \*

Пўлағур янги қаторни Бадалдан ўттуз одим илгари битириб, Юнус отанинг олдиға келди. Манглайини танғиғон рўмолини ешиб, устудан челақдаги сувдан қуйди, сиқиб ташлағач манглайини янгидан танғиб олди. Қозонидағи аста-секин қайнаб турғон ошқа узокдан мўралаб, “меникини серқатиқроқ қиласиз!” деди ва Бадал келаётқон қаторнинг ёниға, ўзининг бу кунги учунчи қаториға тушди.

Негадир ҳозир чопик(чи)лар орасидағи боя давом этиб турғон чоқ-чоқ ва борди-келди гаплар битиб, ўртани бир жимлик қоплаб бормоқда эди. Мусобақачилардан бошқаларнинг кетмонлари ҳам суви озайғон обжувознинг пойкўпидек саланглаб-саланглаб ерга туша бошлади. Улар иккинчи қаторни битираёзғон пайтда бу саланғланиш яна бошқача тус олиб, баъзан юқори кўтарилган кетмонлар алжиб бир-бирларига тарак-турук тўқуниб ҳам кетдилар. Кетмонлар туқушғондан кейин ўзаро олағовурлар кулгу ва гап бошланди.

– Мастмисан? – деди кетмони тўқунишқоннинг бири иккинчисига.

– Маст эмасман, дўлда ҳеч гап қолмади.

Бригадир буларнинг сўзидан илжайди ва ўз яқинида юрган Юнус отаға хайқирди:

– Буларнинг жанжалини эшитасизми?!

– Эшитиб турибман, – деди ота тишсиз оғзини илжайтириб. – Ошнинг ўтини боя ўчурганман, бироз совиса, қатиқлайман.

Ислон бригадир чопикчиларға ўзларини озғина тетик тутушка тавсия қилиб, “сув бўйиғача” сал қолғонлиғини айтиб ўтди.

Ўз қаторини битирганлар бирин-сирин ишдан чиқиб, Юнус ота сув сепиб кийиз тўшаган жойға – ўрук тегига келиб ўлтира бошладилар. Аваз уларға бир пиёладан кўк чой бериб турди.

Бригадир ҳам ўз қаторини битириб кетмонини пуштага юмалатди. Елпина-елпина қозон устуга келди.

– Кечлик кулчатойнинг гўштини кўтариб қўйғонмисиз? – деб сўради отадан.

– Ҳа, челақка солиб ўрукка осиб қўйдим.

– Кўпчиликка етар?

– Бемалол етадир, йигирма беш қадоқ гўшт етмасинми?

Бригадир қозон бошидан мусобақачилар қаториға борди. Пўлағур янги қаторнинг ярмидан ҳам ўткан, Бадал эса ундан йигирма метр чамаси орқада борар эди.

– Бас энди, ошқа чиқинглар.

Бригадир чопикчилар ёнида қўлини ювар экан, Пўлағурнинг бояғи пайрави эсига тушиб кетди.

– Қаллахоннинг мендан аччиғланғони ҳам тўғри, бу кун Бадалнинг мазаси йўқ.

– Мазаси қочди, деб айтдим- ку.

– Энди ҳам мазаси қочмасинми, етти кундан буён жон отиб келади, – деди ёнбошлаб ётғон кекса колхозчи.



Мусобақачилар ҳам ишдан чиқдилар. Бадал қизил саллани бошидан олиб ўзини елпиб келар эди, орқада Пўлағур манглай рўмоли билан яланғоч баданини артиб терини курғатар эди.

– Ҳа, Бадал, маза жўкпа? – деди Соҳибтой.

– Маза қочди, – деди Бадал бошини чайқаб.

“Душман”нинг ўз оғзидан чиққан “маза қочди” сўзи билан Пўлағур диринглаб юқори сакради ва айғирча кишнаб юборди. Колхозчилар қийқириб кулдилар.

– Оббо, ҳаром қотқир-ай! – деди Раҳимберди. – Бадални енгдингми?

– Бу ҳали ҳисоб эмас, – деди бригадир, – лоақал юз одим олдинламаса, мен ҳисобга олмайман.

– Хўб, хўжайин, хўб, – деди Пўлағур, – кечки пайт колхознинг новча муфтиси (кулгу) мenden икки юз одимни ҳисоблаб олсин, фақат ҳозир меним нонимни иккита, ошимни уч табоқ қилишга фатво берсангиз, бас.

Аваз колхозчиларга биттадан нон улашиб чиқиб бригадирга ҳам битта нон бериб ўтди. Навбат Пўлағурга етканда Аваз бригадирга қараб тўхтади.

– Тўймағурга иккита нон бер, Бадалга ҳам иккита, – деди бригадир.

Чопиқчиларга бир тобоқдан ош берилди, тўрт кишига товоқ етишмаган эди, икки пиёласи бир товоқ ҳисобидан улар ҳам тинчитилдилар. Биринчи навбат ош ичилиб, иккинчи қайта ош сузилди. Лекин буниси биринчи товоқ каби тез бўшмади, чопиқчилар манглай ва бўйинларидаги терларини артиб турушга кўбрак овора бўлдилар.

Пўлағур иккинчи товоқни бўшатиб нонни ҳам еб битирган эди.

– Фақирники уч товоқми, улуғ? – деб бригадирдан сўради.

Бригадирдан “ҳа” жавобини олғондан сўнг товоғини Авазга узатди:

– Жуда ҳам тўлдирма, буниси ўзи итлик!

Гурр этган кулгу кўтарилди.

– Шошма, Аваз ўғлон, – деди Пўлағур, – жазни сал ортиғроқ ташла, домла Розик охунга десанг, ўзи билади.

Чопиқчиларга яна ярим товоқдан ош тегди. Ошдан кейин бир пиёладан чой ичиб, оғизни тозаладилар, ариқча ичида ўлтирмай чопиққа тушдилар. Чунки яна бир соат чамаси ишлангандан сўнг қуёш тик кўтарилиб кун обдон қизғонда ҳаммалари ишдан чиқиб, бир ярим-икки соат чамаси ухлаб олар эдилар. Шунда улар тилаганча чой ичар эдилар.

Кечки ош тўғрисида Юнус ота билан Авазга баъзи таълимотларни бергандан сўнг бригадир ҳам чопиққа келди.

Қуёш қизғондан қизиб борадир, кўкдаги қушлар учушдан тўхтадилар, ғўза устуда учуб юрган оқ-сарик капалаклар ғўза бағрига кириб яшириндилар, чумоли ва чигирткалар ҳам кесак ва ўт остиға кириб ётадилар. Атроф оғир бир сукутга кетадир, аммо бу жимликни колхозчиларнинг кесакка тўқунғон кетмон товушлари бузиб турди. Қуёш тиғи баданга ясмоқ ойнадан ўткан каби жозиллаб тўқунадир, шамол йўқ, кетмоннинг кўтарилиб-тушуш суръатидан ҳосил бўлғон шамол ҳам, иссиғ бўғ бўлиб димокқа урадир. Айниқса, ҳозир кўбрак бурқий бошлағон чанг, тонғлойни қақратиб, чопиқчиларни ўқчитади. Йигитлар дам-бадам тўхталиб елпинадилар, манглайларидан фавқуллода қуйиб турғон терни артиб рўмолларни сиқиб ташладилар. Этикдиларига унчалик сезилмаса ҳам, яланг оёқлариға қизгин кесакда узоқ босиб туруш мумкин бўлмай қолади: тез-тез бир ўрундан иккинчи ўрунға сакрай бошладилар.

Мусобақачилардан Пўлағур ўзининг учинчи қаторини битириб тўртинчини ҳам яримлатадир. Аммо Бадал учинчи қаторни битириш олдида турадир. Бошқалар учун учунчини битиришга ҳали анчагина бор.

Ҳамма ҳозир мўлжалли чопиқни ҳам битириб олишдан бошқани ўйламайдир. Гапиришга ҳам тоқат йўқ, чунки оғиз елимланиб тупуқлар қуриғон, тўғриси айтганда, гап эшитиш ҳам кўнгилни беҳузур қилади. Мана шундай бухронли нозик бир вақтда, ҳеч ким кутмаган ва ўйламағон бир пайтда Пўлағур ашула қилиб юбормасинми?

Шундай ҳаммани чор-ночор кулдириб “матгасўф” Пўлағур ҳамма товшини қўйиб оғзиға тўғру келган “терма” байтлардан “ўнлар” эди.

Қоплоғонинг сомонми, хоним,

Чопиқчилар омонми, бегим.

Узоқ қир ҳам Пўлағурни жавобсиз қолдирмайди:

Чопиқчилар омонми, бегим...

Чопиқчилар Пўлағурнинг намоёишкорона ашулаларига илжайиб олсалар ҳам бу ҳақда ёнларидаги ўртоқлари билан фикр олишиб турмадилар. Чунки куёш ҳозир золимона тўн кийиб қолхоз болаларини мажбурий сукутка юборғон эди.

Ўз қаторларини битирган чопиқчилар сўзсизгина кетмонларини елкаларига қўйиб шилқиллағон ҳолда ёнғокнинг салқиниға жўнай бошладилар. Келиб кетмонларини четка ташлағонча самовар теварагидаги пиёлаларга совутилиб қўйилғон кўк чойни ичиб узун нафас олғоч, янги пиёлани тўлдириб Юнус ота томонидан ёзилиб қўйилғон бўз кўрпача ва ёстиклари устига яслана бердилар.

Мусобақачилардан бошқалар ишдан чиқиб бир-икки пиёладан чой ичиб олғонларидан сўнг нафаслар ростланиб, оғизлар сувланди. Баданга жон киргандек бўлди. Орада бир-ярим сўз ҳам эшитилиб қолди.

– Сенлар ҳам ишни тўхтат! – деб бақирди мусобақачиларга бригадир.

Шуни кутиб турғондек Бадал кетмонни эгатка юмалатиб ёнғок остиға қараб юрди. Аммо Пўлағур хануз ўзининг “макки-чакки” ашуласини айтиб, бориб етишқа ўн одимча қолғон қаторни битириш учун интилмакда эди. Бадал бошидаги қизил саллани олиб Пўлағурнинг йўли устига ташлади.

Ислон бригадир йўл устуда Бадални бир пиёла ярим совитилғон кўк чой билан кутиб турмакда эди. Кўк чойни Бадалга узатар экан: “Балли, йигит, етти кунга чидадинг-а, ич чойни”, деб қаршилади. Ясланиб ётқон қолхозчилар ҳам Бадалнинг етти кун ичида кўрсатқан қаҳрамонлиғини тақдир этдилар.

– Яна уч кун чидайман, деган эдим, – деди Бадал терини қотириш учун ўзини елпинар экан.

– Одам фўлод эмас, холбуки, фўлод ҳам ейилади, – деди кекса қолхозчи.

Бироздан кейин қизил саллани бошиға ўраб, яланғоч Пўлағур ҳам чиқиб келди. Яланғоч бадани мисдек куйиб, ёмғур каби оқаётқон тери иштониға оқиб тушмакда, иштон эса сувға солғондек терга бўккан эди. Бунинг ҳозирғи кўриниши ҳиндиларнинг ўлук ёқатурғон гўрговлари(ни) хотирлатмоқда эди.

Ислон бригадир Пўлағурни ҳам Бадал каби йўл устида ярим совуқ кўк чой билан қаршилади. Аммо қўлидаги кўк чой бу гал икки пиёлада эди. Булардан бирини Пўлағурға тутди.

– Бу кун Бадални енгдик, балли, йигит! – деди. – Бирок у етти кишини

енггандан сўнг енгилди, чунки Бадал чарчагон, енгилишга мажбур эди. Шунинг учун биз уни сендан енгилди деб айтолмаймиз. Башарти сен ҳам етти кишини енгсанг, Бадал билан тенглашкан бўласан, саккизини енгсанг-чи, Бадални енгган бўласан... А, шундай эмасми, ўртоқлар?

Ясланиб ётқонлар бир оғиздан:

– Тўғри, шундай... – деб жавоб бердилар.

– Хўб, – деди Ислом бригадир ва Пўлағурни чойни ичишка буюруб, ўзи кўлидаги бир пиёла чой билан бир-икки қадам олдинга юрди. – Оғайнилар! – деди яслангон колхозчиларга хитобан. – Биз ҳозирги сингари ва бошқача мусобақалар билан колхозимизнинг бошқа бригадаларига қарағонда анча илгариди борамиз; бошқалар иккинчи чопикни бажариб турғонда биз учунчи чопикни битириш арафасида турамыз. Бу нимадан? Бу албатта шунинг сингари мусобақаларимизнинг ҳамиша давом этканлигидандир. Ҳозир бизнинг кўб бўлса ўн кунлик чопиғимиз қолди, шу чопикни бир кун илгариди битирсак, аввал бизнинг, сўнгра мамлакатимизнинг фойдасидир. Мана шу лоақал бир кун илгаррак битиришимизнинг биринчи шартларидан бўлгон орамиздаги мусобақани давом эттиришни тилаган ўртоқ ўрнидан туриб келсин-да, меним кўлимдаги кўкчойни ичсин; бу кунмас эрта учун ўртоқ “каллақдор рўйинатан” билан (кулгу) кўл олишсин.

Бригадирнинг Фирдавсий таъбирича кеткан “каллақдор рўйинатан”и бошида қизил салласи, яланғоч тани, хўл иштони билан сўл кўлини чап биқиниға тираб, ўнг кўли билан бўш пиёлани ғоз ушлаб, ғилай кўзини кўкка қаратгон ҳолда олдинга томон беш-олти қадам босди, колхозчилар ўз ролини жойида адо қилгон Пўлағурнинг бу ҳаракатидан кулиб қотдилар. Кулгу ораси анов кун Бадалдан енгилган Носир ўрнидан туриб келиб бригадирнинг кўлидаги совуқ чойни сумуриб ичди ва шу ҳолда устига “каллақдор рўйинатан” етиб келиб, қаддини юқори чўзиб гўё шер каби курқирагон товуш чиқарди:

– Эртага мен билан панжалашатургон сенми?

Носир ҳам курқураб жавоб қайтарди:

– Мен! Номим Носир сайёр Тошкентий!

Яна кулгу кўтарилиб, серкулгуларнинг кўзларига ёшлар чикди.

Икки соатгина вақтга колхоз болаларини ишдан қочиргон куёш ўт тўнини кийиб ер юзига олов пуфлади. Ғўза устлари оқ тутунли кўринишга кириб барглари ҳам този итнинг кулоғидек шалпаядир. Узок-узокда боя кўкариб кўринган ғўзалар, ҳозир оқ туманга бурканиб кўз илғамай тургон ҳолға келадирлар. Оқ туманнинг устроқлари қуйидан ўт ёққондек яллуғ берадирлар. Негадир ёнғоқ дарахтининг танасида, атрофлаб сув сизиб туша бошлади. Тартибсиз ҳолда чўзилиб уҳлагон колхозчиларнинг ҳам чаккаларидан сув сизадир... Атроф жимжит. Ўттиз-қирқ қадам наридаги кичкина чакалак ичида йигитларнинг уйкусиға халал бермасликка тиришгон Юнус ота шитирлатмасданғина чўпчак териб юриди.

*Битди.*

*Абдулла Қодирий.*

*Тошкент. 20 июл 1932 й.*

*(“Ўзбек шўро адабиёти”, 1932 йил, 3-сон. 27–34-бетлар)*

**Маҳкамой ТУРСУНОВА****ҚАДИМ МАДРАСАЛАРДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ**

*Мазкур мақолада қадим мадрасаларимиздаги ўқув тизими, баҳолаш мезонлари ва таълим дастурлари ҳақида сўз юритилган. Ҳали Фарб мамлакатларида бу масала кўтарилмаган даврда бизнинг мадрасаларимизда таълим тизимининг муайян дастури ишлаб чиқилганлиги, уларни тамомлаган талабаларга диплом ва махсус илова берилгани ҳар қандай кишини бефарқ қолдирмайди.*

*Таҳририятдан*

Шарқ мутафаккирлари ёш авлодни диний ва дунёвий илмлардан хабардор этиш, унинг ақлу зеҳнини оширишда тинимсиз изланганлар ва самарали таълим-тарбия усулини жорий қилганлар. Улар яратган бебаҳо асарлар инсониятни олам ва одам, борлиқ тушунчаси, ҳаётнинг мазмун-моҳияти, фалсафаси, тасаввуфий дунё сирларидан бохабар этиб, турли мадрасаларда асосий ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланилган. Шу боис юксак салоҳият соҳиблари яратган бебаҳо илмий-бадий дурдоналар асрлар оша ардоқда бўлган.

Шундай асарлар борки, уларнинг асосини турли илмлар ташкил этган. Профессор Нажмиддин Комилов ўтмишдаги асосий илм турларини куйидагича тасниф этади: “Шариат аҳли назарида илм фақат исломий билимлар, чунончи, Қуръон тафсири, калом, ҳадисшунослик, фикҳдан иборат. Файласуфлар (ҳакимлар) назарида илм борлиқ, инсон ва жамият ҳақидаги билимлар мажмуаси бўлса, сўфийлар назарида илм важдий (интуитив) йўл билан қабул қилинган кашфиёт, каромат, тавҳид сари элтувчи риёзиёт қоидаларидир. Бундан ташқари, риёзиёт (ҳисоб, алжабр, ҳандаса каби), табобат илмлари ҳам таснифга киритилган”<sup>1</sup>.

Қадим замонлардан буён адабиёт илмини ўрганиш масаласида ҳамини бир муаммо бўлган. Яъни нимани ўқитиш, ўргатиш лозим, қандай йўл, усулни қўллаш керак? Бу муаммога жавоб топиш эса талабаларни адабиётга оид маълумотлардан хабардор қилувчи мударрис зиммасига юклатилган. Ўз навбатида, мударрис ҳам мураккаб матндаги манбаларни ўрганиш усуллариға мурожаат қилган ва амалда қўллашға ҳаракат қилган. Мураккаб матнлардан бири – VII асрнинг биринчи ярмида нозил бўлган Қуръони каримдир.

Қуръони карим мумтоз араб тилига хос мураккаб услуб ва тилда сажъ шаклида ёзилганлиги, мазмун ифодасининг чуқур ва кенг қамровлилиги билан бошқа китоблардан мутлақо ажралиб туради. Табиийки, бу ноёб тарихий ёдгорликни тўлиқ тушуниб етиш, унинг ҳақиқатларини англаш ниҳоятда мушкул. Хусусан, араб тилини яхши билган киши ҳам уни тўғри

<sup>1</sup> Маҳкамой Турсунова – филология фанлари номзоди, доцент.

<sup>1</sup> Бедил ва ўзбек маънавияти. // Комилов Н. Ирфон нури Абулмуаний. – Техрон-Тошкент, 2005. 6–7-бетлар.

ва тўлиқ тушуниш ва тушунтириб бера олиш салоҳиятига эга бўлмаган. Шу боис, бу илоҳий ёдгорликни ўрганиш эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўрта асрлардан бошлаб, унга бағишланган тафсирлар, шарҳлар ёзиш ишлари амалга оширилган. Ёзилган тафсир ва шарҳлар миқдор жиҳатидан жуда кўп бўлишига қарамай, деярли барчаси араб тилида яратилган. Куръонни тафсир ва шарҳ билан ўқиш ҳам ўта мураккаб бўлиб, мударрисдан ҳам, талабадан ҳам жуда катта масъулият талаб қилинган. Энг муҳими, Куръон ва унинг тафсири ва шарҳини ўрганиш бошланғич мактабдан то мадрасагача алоҳида фан сифатида ўқув дастурига киритилган.

Ўша даврларда мударриснинг олдига қўйиладиган талаб жуда юқори бўлган. Шу сабабли, уларнинг меҳнати даражаланган, шу меъёрга кўра уларга ҳақ тўланган.

О.Г.Большаков ўзининг «Страны и народы Востока» (Вып. X. –М., 1971, стр. 25) журналида эълон қилган «Два вакфа Иброҳима Тавгачхана в Самарканде» (“Иброҳим Табғочхоннинг Самарқанддаги икки вакфи”) мақоласида мадраса мударрисларига ва ишчи ходимларига тўланадиган маоши ҳақида қуйидаги маълумотни келтиради:

- бош мударрисга – 2000 минг дирҳам;
- фикҳдан дарс берувчи мударрисга – 3 минг 600 дирҳам;
- илми адаб (адабиёт)дан дарс берадиган мударрисга – 1 минг 200 дирҳам;
- Куръондан дарс берувчи мударрисга – 1 минг 500 дирҳам;
- кутубхоначига – 1 минг 200 дирҳам.

Энг муҳими, мударрисларга тўланадиган меҳнат ҳақи ўша давр ўлчовларида жуда катта маблағ ҳисобланиб, улардан ҳам шу даражада сифатли меҳнат талаб қилинган.

Бу даврда мударрислар ҳам юксак талаб ва масъулиятни ҳис қилган ҳолда ўз устида муттасил ишлаб, қатор дарслик, ўқув қўлланмалари ва мураккаб асарларни ўрганишнинг турли усуллари яратганлар. Улар томонидан яратилган ўқитиш усуллари қуйидагилардан иборатдир (Бу усуллар асрлар давомида шаклланган ва сайқал берилган):

1. Усули хижоия (савтия) – бўғинга бўлиб ўқиш.
2. Илми шарҳ – тафсир.
3. Илми таҳлил – таҳлил, шарҳ, тавсиф масаласи.
4. Илми мунозара – мунозара, баҳс, муносабат ифодаси.
5. Илми қироат – оҳанг ва сўз талаффузи орқали қироат.
6. Илми фасоҳат (илми балоға) – чиройли, ўринли сўзларни қўллаш.
7. Илми баён – нозик маъноларни баён қилиш (риторика).
8. Илми ғариба (ғариб) – кам сўз билан кенг маънони ифодалаш, акс эттириш.
9. Илми маоний – баён этиш, бирор нарса ёки ходисанинг моҳияти, мазмунини ечиб берувчи илм.
10. Илми наср ва иншо – ёзма иш тури, услуби, мактуб, ёзув саводхонлиги.
11. Илми муҳозирот – латифагўйлик, хозиржавоблик, зукколик.
12. Илми муаммо – бадий санъат тури бўлиб, шеъриятдаги масала ва рамзларни ечиш усули.
13. Илми мантиқ – сўз маъноларидаги боғланиш.
14. Илми калом – нақлий масалани ақлий далиллаш, исбот қилиш.

Аслида эса, филологик илмлар доираси кенг бўлиб, юқоридаги саналган илмларга илми ахлоқ (этика), илми калом, илми муаммо (луғз, чистон), илми тафсир, илми қиёфа каби соҳаларга оид фанларни ҳам қўшиш мумкин. Айниқса, илми иншо ва муаммо шоирларнинг истеъ-



додини синовчи илм бўлиб, мадрасалар таълимида кенг ўқитилган. Бу мураккаб адабий-назарий илмга доир дарслик ва қўлланмалар яратилган. Хондамирнинг гувоҳлик беришича, Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Бадахшоний муаммо илмига оид бир неча рисоалар ёзган.

Юқорида тилга олинган илмлар ва усуллар муайян асарни, масалан, Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Хусрав Дехлавий, Аҳмад Яссавий, Абдурахмон Жомий ва Абдулқодир Бедил, Алишер Навоий каби мумтоз шоирларнинг ижодий меросини ўрганишда жуда қўл келганлигидан ташқари, мусулмонларнинг диний эътиқодини мустаҳкамлаш, маънавиятини бойитиш, илмий ва мафкуравий жиҳатдан шакллантиришда катта хизмат қилган.

Юқоридаги фикрларнинг тасдиғи сифатида қуйидаги бир қизиқ ҳужжатни далилий ашё сифатида келтиришни лозим топдик. Бу ҳужжат Мирзо Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасасида таҳсил кўрган талаба Шамсиддин Муҳаммаднинг санади (шаҳодатномаси) бўлиб, у 1435 йилда мадрасанинг бош мударриси Қозизода Румийнинг рухсати ва имзоси билан берилган. Унда хусусан бундай дейилган: "...Шамсиддин Муҳаммад ал-Балхий илм таҳсил қилиш учун ватанидан узоқ ерларга сафар қилишни ихтиёр қилди. Мусофирликнинг оғир заҳматларига чидаб... у Самарқандда ўн олти йил чамаси истиқомат қилди. Унинг талаб водийсидан илмнинг тиниқ сувига ташналиги кун сари ортиб борди. Идрокли ва зийрак бўлғони учун дарсларни тез тушунар эди. Таҳсил вақтларида Абу Бакир Армавийнинг "Лавом ул-асрор мин матолеъ анвор" ("Яширин сирларнинг нур чиқиши билан равшанлашиши") китобининг яширин сирларини тушунди. "Бадоеъ ул-ибкор мин таволеъ ул-афкор" ("Фикрларнинг туғилишидан ёш гунчаларнинг бадийликлари") асарининг пардали нукталарини очди".

Шунингдек, мазкур шаҳодатномада турли фанларга алоқадор асарларнинг рўйхати келтирилган. Биз бу ўринда тарих ва адабиётга тааллуқли бўлган асарлар хусусида мулоҳаза юритишни лозим кўрдик.

"... "Мафотих абвоб ул адаб" ("Адаб илми эшикларнинг калитлари") ни таҳлил қилди. "Кашшоф" ва унинг ишончли шарҳларидаги чиройли ибораларнинг юзларидан пардани очди".

"... Куръон оятлари денгизидан дурлар олиб чиқди. Андин ташқари "Мавокий ул-калом" ("Диний эътиқод фалсафаси") саҳифаларидаги латиф сўзлар ҳамда мақсадларидан воқиф бўлди... "Ҳидоя" далилларига эришди, шеърый масалаларни билиш учун "Ниҳоя", "Ҳидоя" шарҳига тўғри йўл топди".

Бу ўринда Бурхониддин Марғинонийнинг "Ал хидоя фи шарҳи бидоя" асари кўзда тутиляпти. Бу асар шарият қонун-қоидалари, фикҳ мажлисидан иборат.

"Ушбу даражаға етгач, юртдошларини ўз илмидан нафлантириш учун ватанига қайтмоқчи бўлди. Мендин олий санад билан ижозат беришимни илтимос қилди. Мен анинг илтимосини қабул қилдим..."

Бу ҳужжат фақат шаҳодатнома бўлибгина қолмай, балки мадрасалар таълим тизими ҳақида, Мирзо Улуғбекнинг илм-маърифатга бўлган эътибори ҳақида ҳам қимматли маълумот берувчи манбадир. Шунинг баробарида ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий, маданий масалаларига ҳам ойдинлик киритади.

Мазкур толиб – Шамсиддин Муҳаммад асли Хуросоннинг Балх шаҳридан бўлиб, Мирзо Улуғбекнинг Самарқанд шаҳрида жойлашган мадрасасига ўқишга келган. Бундан кўринадики, Мирзо Улуғбек мадрасасининг шон-шухрати баланд эканлиги, бу масканда фақат мовароуннахрликлар таҳсил олмай, балки Хуросон, Ҳиндистон, Рум ва бошқа Шарқ мамлакатларидан

келганлар ҳам таълим олганлигидан гувоҳлик беради. Шунингдек, мазкур мадрасада таҳсил олиш муддати 16 йил эканлигини ҳам Шамсиддин Муҳаммад таҳсили мисолида исботлайди.

Бу толиби илм таҳсил давомида ўрганган асарларнинг номлари алоҳида-алоҳида кўрсатилган. Ижозатнома – дипломда қайд қилинган асарлар номидан маълум бўладики, улар ҳам нақлий, ҳам ақлий, ҳам адабий илмларга дахлдор бўлган. Мадрасада ақлий илмларга доир дарслик ва қўлланмаларнинг айримлари, турли манбаларда келтирилган маълумотларга кўра, қуйидагилардан иборат бўлган:

1) Қуръони карим оятлари.

2) “Лавомеъ асрор фи шарҳ матолеъ ал-анвор” (“Нурларнинг келиб чиқиши” учун “Сирларнинг равшанлашиши” деб номланган шарҳ). Мазкур асар муаллифи Қутбиддин Муҳаммад бин Муҳаммад ар-Розий ат-Тахтоний (ваф. 1364) бўлиб, бу китоб 1328 йили араб тилида ёзилган. Асар Сирождин Урмавийнинг (ваф. 1283) “Матлаъ ал-анвор” (“Нурларнинг чиқиши”) деб аталган фалсафа ва мантиқ масалаларидан баҳс юритувчи китобининг мантиқ бўлимига ёзилган шарҳдир.

3) “Ал-кашшоф ан-дақойиқ ал-ганзил” (“Нузул қилинган ҳақиқатларни шарҳловчи китоб”). Китобнинг муаллифи Абулқосим Маҳмуд бин Усмон Замахшарий (ваф. 1144) бўлиб, Қуръони каримнинг тафсирига бағишланган машҳур асардир. Бу асарга Самарқандда Маъсуд Тафтазоний (1322–1390) “Шарҳи кашшоф” номи билан шарҳ ёзган. Бу шарҳ ҳам мадраса мударрис ва талабалари томонидан фойдаланилган.

4) “Ал-ҳидоя”. Фикҳга бағишланган бу машҳур асарнинг муаллифи Бурҳониддин Марғинонийдир (1123–1196).

5) “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”. Расулulloҳ Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларининг саҳиҳ (ишонарли ва тўғри) мажмуаси бўлиб, уни буюк муҳаддис аждодимиз Имом ал-Бухорий тузганлар.

6) “Китоб ал-фикҳ ал-акбар”. Бу машҳур асар муаллифи ҳанафия мазҳаби асосчиси Имоми Аъзам Абу Ҳанифа ан-Нўъмон ибн Собит ал-Куфий (700–767).

7) “Ал-тазкира фи-л-ҳайъат”. Астрономияга бағишланган бу асарнинг муаллифи Носириддин Тусий (1201–1274) бўлиб, унда Батлимус (Птоломей)нинг астрономияга оид асари ўрганилган. Мирзо Улуғбек мадрасада маъруза ўқиганда мазкур асардан фойдаланган.

8) “Ат-туҳфат уш-шоҳий”. Бу ҳам астрономияга бағишланган, муаллифи Қутбиддин Маҳмуд ибн Маъсуд Шерозийдир.

9) “Бадоеъ ул-ибкор мин тавомеъ ал-афкор” (“Фикрларнинг туғилишида ғунчаларнинг бадийлиги”).

10) “Мафотех абвоб ал-адаб” (“Адаб эшиклари калитлари”) ва бошқалар” дейилганда Чағминий, Тафтазоний, Саид Шариф Журжоний, Гиёсиддин Жамшид Коший, Қозизода Румий каби алломаларнинг рисолалари, шарҳлари назарда тутилади.

11) Абубакр Армавийнинг “Лавом ул-асрор мин матолеъ ул-анвор” (“Яширин сирларнинг нур чиқиш билан равшанлашиши”) асари.

12) “Талвихот ут-тавзих” (“Равшанликни ойдинлаштириш ва изоҳлаш”).

13) “Таквим ул-мезон фи-т таъдил ва таржеҳ” (“Тарози палласини тенглаштириш ва оғирлигини тўғрилаш”).

14) “Минқонс ул-вусул ило илм ал-усул” (“Иймоннинг асилларига етишиш усуллари”).

15) “Иҳком ул-аҳком мунтаҳаби мунтаҳил амали вас-суол” (“Танлаб олинган охирги умид ва тилак ҳукмларини мустаҳкамлаш”).


16) “Мавоқий ул-калом” (“Диний эътиқод фалсафаси”).

17) “Нихол” (“Ҳидоя” шарҳи).

Келтирилган илмий-диний, дунёвий асарлардан кўринадики, мадрасадаги ўқиш жараёнига, ўқитиладиган соҳаларга алоҳида диққат қилинган ва таълим ишлари маълум тартиб асосида ташкил этилган. Жадиҳчилик ҳаракатининг асосчиларидан бири Исмоилбек Гаспринский “Туркистон уламози” китобида туркий халқларнинг ўтмиши, маданияти ҳақида сўз юритар экан: “Туркистон қитъасинда ақлий ва нақлий илмларга чолишмоқда эмишлар”, деб изоҳ беради. У ўз фикрини тасдиқлаш учун Туркистоннинг юздан ортиқ уламози ҳақида маълумот келтиради. “Туркистон уламози” китоби ўн фаслга бўлинган бўлиб, фасллардан бири “умум адабия” дея номланади. Бу фасл асосан сарф, наҳв, маоний, адаб, мунозара, қофия фанларидан баҳс юритган. Шунингдек бу даврда дидактик, таълимий-тарбиявий мавзуга молик ҳикоятлардан фойдаланиш ва йирик асарлар мазмунини бойитиш мақсадида қўлланилган асарлар ҳам кўплаб учрайди.

Мадрасалар таълимида шеърӣ жанрларнинг ўрганилишида адабиётшунос, шоиртабиат олимларнинг мадраса мударрислари сифатида фаолият кўрсатиши катта аҳамиятга эга бўлган. Улар мударрис сифатида мадрасаларнинг ўқув дастурини тузишда, дарсликлар ёзишда фаол иштирок этганлар. Дарсликларга кўшимча тарзда тазкиралар тузганлар. Масалан, XVII асрда Шайбонийхон мадрасасида фаолият олиб борган мударрис Муҳаммад Бадоеъ Малехо Самарқандийнинг “Музаккир-ул-асҳоб” (“Сухбатдошлар зикри”) тазкираси юзага келди. Бу тазкира талабаларга шоирлар ва улар яратган асарлар билан танишиш имконини берган, кейинчалик шунга ўхшаш кўплаб тазкиралар яратилиб, мадрасаларда адабиёт дарсларининг самарадорлигига хизмат қилган.

Бир сўз билан айтганда, мадрасалар таълимида адабиёт фани асосларининг ўрганилиши ҳар бир миллатнинг ҳаёти, тақдири, маънавияти билан боғлиқ ҳодисадир. Маҳмудхўжа Бехбудий таъбири билан айтганда: “мактаб ва мадрасалар миллат ойнаси” бўлиши билан бир қаторда инсониятнинг маънавий оламини бойитишда муҳим вазифани бажариб келган, шу сабабли, ҳар бир миллатнинг ҳаёти мактаб ва мадрасалар билан боғлиқ ҳисобланади. Мактаб ва мадрасалари обод, илмий салоҳияти юксак бўлган миллатнинг муносиб авлодлари ўзининг қомусий олимлари, шоирлари изидан бориб улуғ ишлар кўникмасини ўзларида шакллантирадилар.



Мадрасани хатм қилган толиби илмларга дарс ўқиши, яъни мударрислик қилиши мумкинлигини билдирувчи ижозатнома (диплом) берилган.

**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ****ТАРИХНИНГ УНУТИЛМАС ХАТОЛАРИ**

*Устоз журналист Аҳмаджон Мелибоев исмини журналхонларимизга таништиришга ҳожат йўқ, аслида. Зеро, қатор йиллар масъулиятли лавозимларда хизмат қилган, Аҳмаджон аканинг “Бир заминда яшаймиз”, “Умидли дунё”, “Ёлғиз яшаб бўлмайди”, “Ҳуштакни ким чалади?”, “Хотин йўғида”, “Торнинг чўмичдан фарқи”, “Умр учар юлдуз”, “Қирқ бешинчи бекал”, “Сувора соғинчи”, “Сафед Булон ҳикоялари” каби китоблари қизғин ижодий фаолиятининг ҳосилидир. Бу йил қутлуғ етмиш ёшга кирган Аҳмаджон Мелибоев ҳамон матбуотчилар даврасида кўпчиликни сўзига маҳлиё қилиб юрибди. Айниқса, ЎзМУда бўлажак журналистларга сабоқ бераётган Аҳмаджон аканинг устозлик қирралари янада ярқираб кетди. Аҳмаджон Мелибоев “Жаҳон адабиёти” журналининг ҳам кўп йиллик ҳамкоридир. Таваллуд айёми билан кутлар эканмиз, у кишига мустақкам соғлик ва янги ижодий парвозлар тилаб қоламиз.*

*Таҳририятдан*

“Одам ва оламни идрок этишда сўзга эҳтиёж борлиги учун ҳам Сўз бор. Сўзсиз идрок этувчига, “ҳафиф бир сасни эшита олувчи”га бақириб-чақирининг ҳожати йўқ”, деган эди Жалололдин Румий. Аммо инсон тафаккури, ақлий салоҳияти юксак даражага кўтарилган, само кенгликларини забт этаётган янги асрда дунё минтақаларида юз бераётган қонли қирғинлар, инсон зоти кўрмаган ёвузликлар моҳиятини сўзсиз идрок этиш, улар замиридаги ҳақиқат ва бўҳтон, холислик ва ғаламислик, эзгулик ва ёвузликни бир-биридан ажрата билиш осон бўлмай қолди. Бу нарса дунёнинг муҳим стратегик чорраҳаларида давлатлар манфатлари ва мафкуралар ўзаро тўқнаш келаётган, иқтисодий “иштаҳа”лар очилиб бораётган бугунги кунда яққол кўзга ташланмоқдаки, бунга бефарқ қараш мумкин эмас. Негаки, сохта талқин, асоссиз айблов, ғаразли бўҳтон, қасддан тўқиб чиқарилган ифво, агарки уларга вақтида зарба берилмаса, сохталиги ошкор қилинмаса, жамият аъзолари маълум қисмининг онгига ўрнашади, янада жирканч талқинларнинг пайдо бўлишига замин яратади.

Тарихга назар ташласак, бутун бир миллат, мамлакат ёки диний эътиқод эгаларини ёмонотликка чиқарувчи, ёвузликда айбловчи, кам-

\* Аҳмаджон Мелибоев – журналист.



ситувчи кўпдан-кўп бўхтонларга дуч келамиз. Шулардан бири “Шарқда азал-азалдан аёлларга шафқатсизларча муносабатда бўлишган, уларни хўрлашган, одам сифатида кўришмаган, аёл зоти бирон-бир ҳуқуққа эга бўлмаган”, деган сафсатадир. Бу фикрнинг урчишига собиқ совет тузуми шароитида ёзилган кўплаб китоблар, сохта “илмий тадқиқот” ишлари, комфирка йўриғи билан суратга олинган фильмлар, кўр-кўрона ўқилган маърузалар муносиб ҳисса қўшган десак, муболаға бўлмайди. Аслида-чи?

Аёллар Шарқнинг ҳароратли бағрида улғайиб, Ғарб оламининг тушига ҳам кирмаган юксак мартабаларга эришганлар. Уэльс шахзодаси Чарльзнинг (Чарльз Филипп Артур Жорж) 1993 йили Оксфорд университети қошидаги Ислом тадқиқотлар марказида сўзлаган машхур “Ислом ва Ғарб” нутқида қуйидагиларни ўқиймиз: “Туркия, Миср, Сурия каби мусулмон давлатлари Овруподан анча олдин аёлларга сайлаш ҳуқуқини берганлар, мусулмон аёллари ҳаттоки Швейцария аёлларидан ҳам аввал бундай ҳуқуққа эришганлар. Ушбу мамлакатларда аёллар анчадан бери (эркаклар билан) тенг микдорда маош олиб, жамиятда тўла ижтимоий ролни бажариш имкониятига эга бўлганлар. Мусулмон аёлларининг мулк ва меросга доир ҳуқуқлари, шунингдек, ишлаш ҳуқуқлари ҳамма жойда ҳам амалга ошмаган бўлса-да, бундан 1400 йил аввал Қуръони каримда бу тўғрида очик-ойдин айтилган эди. Британияда бундай ҳуқуқларнинг баъзилари менинг бувим тахтда ўтирган даврда ҳам ғалати кўринган бўлса керак. Буюк Британия тарихида аёл киши илк бор бош вазир лавозимига эришганида, қатор ислом давлатларида аёллар бу лавозимда аллақачон ишлаётган эдилар...”

Аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги масаласи ғоят мураккаб тарихга эга. Инсоният тамаддунида муҳим аҳамиятга эга бўлган бу ҳаракатга XIX асрнинг бошларида француз назариётчиси Шарль Фурье асос солган. Унинг фикрича, жамиятда аёллар ҳақ-ҳуқуқининг таъминланиши ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланади.

Америка аёллари ўз ҳуқуқлари учун курашни 1848 йили бошлаганлар. Шу йили Сенека Фоллз шаҳарчасида икки юздан ортиқ аёл ва қирққа яқин эркак тўпланиб, АҚШнинг Мустақиллик декларациясига ўхшаш ҳужжатни қабул қиладилар. Унда аёллар фақатгина она эмас, жамиятнинг тўлақонли аъзоси эканлиги, давлат аёллар билан мулоқотни бевосита уларнинг ўзи билан (турмуш ўртоғи ёки ўғил болалари воясига эмас) олиб бориши зарурлиги таъкидланади. Бу ҳужжатнинг юзага келишида Шарқнинг ҳам ҳиссаси борлигини сезмаслик мумкин эмас. Аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқи расман эътироф этилган қонунлар Австрия, Германия, Польша ва Швецияда 1920 йили, Буюк Британияда 1929 йили, Испанияда 1931 йили, Португалияда 1932 йили, Франция ва Италияда 1945 йили, Грецияда эса 1951 йили қабул қилинган. АҚШ бу масалада жуда кеч қолган.

“Ислом ва Ғарб” маърузасида бугун Ғарб матбуотида кенг тарқалаётган “Ислом экстремизми”, “Ислом фанатизми” каби аталмаларга ғоят таъсирчан изоҳ берилади, муқаддас динимизнинг маърифий асослари, дунё тамаддунига қўшган буюк ҳиссаси эҳтиром билан тилга олинади: “Экстремизм фақат мусулмонларга хос белги эмас. Экстремизм бошқа динлар, жумладан, христианликка ҳам дахлдордир. Аксарият мусулмонлар динга ўта даражада берилган бўлсалар ҳам, сиёсатдаги интилишлари мўътадилдир. Пайғамбарнинг



ўзи экстремизмни ёқтирмай, унинг юзага чиқишидан хавфсирагани маълум”.

Нотикнинг фикрича, Ислом динининг асил моҳиятини, бу диннинг Оврупо илми ва маданиятига кўрсатган таъсирини тўғри тушунишда аксарият мусулмонларнинг собит диний эътиқоди ва улар орасидаги кичик озчилик томонидан амалга оширилаётган, бутун маърифий дунё қоралаётган зўравонлик ўртасидаги фарқни англаш ўта муҳим: “Ислом табиати ҳақида бизда тарқалган тушунмовчиликлар билан бирга, Ғарб маданияти, цивилизациямиз Ислом дунёси олдида қанчалар қарздор эканини яхши билмаймиз. Менимча, бунга сабаб бизга мерос бўлиб қолган тарихдир. Ўрта асрларда Ислом дунёси Марказий Осиёдан Атлантика океани соҳилларигача олиму фузалолари билан равнақ топган дунё эди. Бироқ биз Исломни Ғарбнинг душмани, ғаним ва бегона маданият, жамият ва эътиқод тизими сифатида кўришга интилганимиз боис, бу диннинг тарихимизга кўрсатган таъсирини унутиб қўйдик. Мисол учун, VIII ва XV асрлар оралиғида Испанияда мавжуд бўлган исломий жамият ва унинг юксак маданияти (Оврупо учун) нақадар муҳим бўлганини ҳамиша камситиб келганмиз. Мусулмон Испаниянинг инквизиция даврида юнон классик таълимотини сақлаб қолгани, кейинчалик Ренессанс даврининг равнақ топишига ўз ҳиссасини қўшгани аллақачон тан олинган эди... Мусулмон Испания қадим Юнон ва Рим маданиятининг зехний меросини асраб қолгани баробарида, мазкур билимларни қайта изоҳлаб, янада ривожлантириб, бутун дунёга тарқатиб, инсоният билимининг астрономия, математика, алгебра, қонуншунослик, тарих, тиббиёт, фармокология, оптика, зироатшунослик, илоҳиёт, мусиқа каби аксарият соҳаларига ўзининг муҳим ҳиссасини қўшди. Британияда қирол Альфред таомларни тўғри тановул қилиш тўғрисида ислохотлар ўтказётган бир пайтда, мусулмон Испанияда китобларни абонемент бўйича олиш йўлга қўйилган кутубхоналар мавжуд эди. Испания мусулмонлари қоғоз ишлаб чиқариш маҳоратини Хитойдан тўрт юз йил аввал ўрганиб олган эдилар. Бугун ўзидан бениҳоя фахрланаётган Оврупонинг кўп хислатлари бевосита Испаниядан ўзлаштирилгани сир эмас...”

Ислом маърифати ҳамда Андалузияда мусулмонлар эришган муваффақиятлар хусусида сўз кетганда, бошқа илмий-маърифий манбаларга ҳам мурожаат этиш лозим бўлади. Чунончи, машҳур маърифатпарвар олим Исмоилбек Гаспринский қаламига мансуб “Дорур-роҳат мусулмонлари” асарида Исломнинг Ғарб маданияти ва умуман, дунёвий илм-фан тараққиётига қўшган бемисл ҳиссаси аниқ ва таъсирчан мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилади: “Ислом аҳли қўлга киритган Андалуз ўлкаси қанчалар баракали ва хушҳаво бўлишига қарамай, аҳолининг беҳунар, маданиятсизлигидан мамлакат хароб ва тап-тақир эди. Ҳар тарафга йўллар, кўприклар қурилди. Йўлларда чашмалар, қирларга ариқ ва қувурлар чиқарилиб, сув бўйларида минглаб тегирмонлар, фабрикалар, қишлоқ ва шаҳарлар бунёд этилди. Саҳролар боғу боғчаларга, тақир қирлар экинлик ва бўстонлик ерларига айланди”.

Муаллифнинг ёзишича, Андалузияда мусулмонлар томонидан олиб борилган оқилона ва одилона сиёсат натижасида ушбу ўлка Оврупо ва Осиё давлатларига анча йиллар намуна бўлиб турган, илм-фан, қурилиш беқиёс тараққий топган, саккиз юздан ортиқ мадрасаларда олим ва донишмандларнинг анжуманлари муттасил ўтказиб турилган. Биргина шаҳар ҳокимининг шахсий кутубхонасида олти юз мингдан ортиқ китоб

бўлган. “Европа мамлакатларидан фаранглар Андалузга келиб, мусулмон мадрасаларида илм ва хунар ўрганганлар, – деб ёзади Исмоилбек. – Шу сабабли, Андалуз мусулмонлари Европанинг маданияти ва жаҳидаси (янги маданияти) юксалишига асосий сабабчи бўлганлар”.

Ушбу асарни ўзбек тилига ўгириб, муаллифнинг бошқа асарлари билан бирга нашр эттирган олимлар (Ҳаёт ва мамот масаласи. –Т., “Маънавият”, 2006. Таржимон, тўпловчи, нашрга тайёрловчилар Б.Қосимов, З.Абдурашидов) Исмоилбек Гаспринскийнинг бу баҳосини изоҳлаш учун америкалик олим Драбернинг “Европада ақлий тараққиёт тарихи” китобидан қуйидаги иқтибосни келтиришади: “Европанинг бугунги улуғ зиёси мусулмонлар ёққан шамъ ва чироқларнинг ёғдусидан майдонга келгандир”. Дарҳақиқат, мусулмонлар Андалузияда ўз қобикларига ўралиб қолмадилар, аксинча, Аристотель, Платон каби буюк даҳоларнинг асарларини ўргандилар ва уларни Европага танитдилар. Гаспринский ёзади: “Юнон маданияти Европадан аввал Ислом дунёсига ёйилди, мусулмонлар уни тараққий эттириб, нуқсонларини камайтириб, Европага топширдилар”.

Мусулмонларнинг Юнон маданиятидан бахрамандлиги қандай содир бўлди, бу маданият Ислом оламига қандай кириб келди? Бу саволларга Исмоилбек шундай жавоб беради: “Бу (жараён) VIII асрдан, Аббосий ҳукмдор Абу Жаъфар Абдуллоҳ ал-Мансур замонидан бошланган. Илм-фанни севган Абу Жаъфар ҳинд олимларидан илми нужум ва ҳайъатни ўрганган, юнонларда бу фанларнинг тараққий топганини англаб, таржима қилишни йўлга қўйган эди. Воқеа бундай бўлган: Аббосийлар замонида насронийлар орасида “несторийлар” деган бир гуруҳ пайдо бўлади. Булар 431 йилда Эфес ибодатхонасида дунёвий қарашлари учун сазойи қилиниб, юртдан бадарға этилган патриарх Несторнинг издошлари эди. Улар Эрон, Ўрта Осиё шаҳарларида дарбадар кезиб юрар эдилар. Абу Жаъфар уларни тўплаб, ўз ҳимоясига олиб, таржимачилик ишларини бошлаб юборади. Қисқа муддатда Бағдод, Шом илму ҳикмат хазинасига айланади. Бу борада Хорун ар-Рашид, Маъмун каби ҳукмдорлар катта ҳикмат ва жасорат кўрсатадилар”. Исмоилбек ўз фикрини далиллаш маъносига яна бир муҳим фактни келтиради: Хорун ар-Рашид Франция ҳукмдори Буюк Карлга (742–814) юборган совғалари орасида занг чаладиган соат бўлиб, бу совға европаликларни бениҳоя ҳайратга солган экан.

Муаллиф шу ва бошқа кўплаб маълумотларни келтирар экан, ҳар бир миллат, халқнинг буюклиги ва қувватлилиги унинг илм ва хунарни нечоғли эгаллагани билан ўлчанишини таъкидлайди, “илм ва хунарга эга миллат ва халқ энг улуғ, энг буюк халқдир”, дейди.

Мулоҳаза қиламиз. Миллат ва халқ илмли, хунарли бўлиши учун нима зарур? Тинчлик, осойишталик, раиятнинг адолатли бошқарилиши, ёшлар тарбияси, таълим-тарбиянинг тўғри йўлга қўйилиши, изланиш ва яна изланиш, бир жойда тўхтаб қолмаслик, кибрга берилмаслик, балоқазолардан огоҳлик, ички низоларга йўл қўймаслик, миллий бирлик, ҳамжихатлик зарур. Борди-ю, бу “занжир”нинг битта халқаси узилса, муаммо келиб чиқади.

Тарих саҳифаларида қолиб кетган Андалузияга қайтамиз. Бу ерда юз берган таназзулнинг сабаблари нима эди? Исмоилбек бу саволга ғоят таъсирчан жавоб беради: “Инсон иши, инсон тартиби ҳеч қачон боқий бўлмайди. Чунки борлик ва йўқлик, тараққиёт ва таназзул са-

баблари ўз ичимизда. Талофатимизга сабаб бўлган оғу ва захар ҳам, жони саодатимизга сабаб бўлган қувваи маънавия ҳам вужудимиздадир. Тўғрилиқ ва нафсоният, ҳаққоният ва зулм, марҳамат ва ғаддорлик, танбаллик ва ғайрат, илмга муҳаббат ва жаҳолатга майл, мардлик ва олчоқлик, баҳодирлик ва қўрқоқлик – барчаси инсонга хос. Шундайки, ушбу ҳолларнинг қай бири ғолиб келса, жамияти башария ана шунга мувофиқ тартиби майшат қилади... Инсонлар ҳусн ахлокли, хуш қилиқли бўлсалар, жамият ва ҳаётлари давомли бўлиб, тараққий этар, саломат ва саодатхол бўлурлар. Акс ҳолда, ичидан чириган олмадек, бир-бир тўкилиб, инқирозга юз тутди... Уч юз йил камоли шуҳрат ва ном ила салтанат қилиб, Андалуз давлати охир-оқибат бошқа йўлга юз тутди. Афкорлар, одатлар ва ҳиссиётлар ўзгара бошлади. Туғён, танбаллик, қайғусизлик, кибр, тафриқа (бўлиниш, парчаланиш) илон оғуси каби, вужуди давлат ва миллатни чирита бошлади. “Ҳолсизланмиш дарахтда соғ мева бўлмас”, деганларидай, адолатсиз қозилар, порахўр волийлар, ақли ноқис ва ғайратсиз ҳукмдорлар келиб, фитнабозлар – уламога, ширин ёлғон сўйловчилар – содик бандаларга, нафсоният ва манфаати шахсия – фавоиди умидияга, риёбозлик ва намоийш учун ўқилган намозлар амали хайрияга ва миллатпарварликка ғолиб келди. Бу захар икки юз йил Андалузнинг вужудини кемириб, хароб қилди. Бир давлат уч-тўрт қисмга бўлиниб, бир-бирларига иддао билан уруш йўлига ўтдилар... Мусулмонлар орасида пайдо бўлган иттифоқсизлик ва фасоддан фойдаланиб, ўша пайтга қадар мағлуб ва ночор бўлиб келган Кастилия на-сронийларининг ҳукмдори Фердинанд Андалузиянинг ички ишларига аралашиб, ўлка инқирозини тезлаштириб юборди...”

Бу инқироз ўтмиш тарихнинг бизгача етиб келган, унутиб бўлмайдиган сабоқларидан биридир. Андалузиянинг укувсиз, журъатсиз сўнгги ҳукмдори Абу Абдуллоҳ ас-Соғир раиятни эмас, ўзининг жони, роҳати ва мол-мулкни ўйлаб, Фердинанд билан яширин музокаралар олиб боради. Ал-Ҳамро саройида ўтказилган йиғинда ҳукмдор вазиятдан чиқиш йўллари тўғрисида эмас, шаҳарни топшириш, таслим бўлиш, бошқа чора йўқлиги тўғрисида сўзлайди. Шунда жасоратли, ориятли саркарда Мусо ўрнидан туриб: “Йўқ, султоним, муҳорабага чорамиз бор. Душманга таслим ила жон ва молимизни омон сақлаб бўлмайди. Узимиз асир ва қул бўламиз, молимиз эса яғмо ва ғоратда қолади. Душман қиличидан қўрққан бу кўзларимиз хотин-қизларимизни уларнинг кучоқларида ва ишрат мажлисларида шароб қадахларини тўлатишларини кўражакдир... Бизга вожиб бўлган нарса – сўнгги, охириги нафасга қадар миллат ва юрт қайғусида ғайрат қилмоқдир. Жаноби Ҳақ оғир кунларда ўзи қўллайди. Бу йўлда жон ва бошни фидо қилмоқ ва номус ила дунёдан кетмоқ номуссизлик ила бориб, душманга асир бўлишдан минг мартаба лаззатли ва шарафлидир”, дейди. Аммо бошқа ҳеч кимдан садо чиқмайди.

Саркарда Мусо мажлисни тарк этиб, уйига келади, оила аъзолари, хизматкорларини йиғиб, уларга, шаҳар таслим бўлса, хавф-хатарсиз чиқиб кетиш йўллари тушунтиради, видолашув олдидан ҳеч қачон, аввало, диндан, илм-маърифатдан, иш ва ғайратдан чекинмасликларини уқтиради. Шундан сўнг отини эгарлатиб, бир ўзи қуролланган ҳолда йўлга тушади. Шаҳардан чиқаверишда қирол Фердинанд аскарлари уни қуршаб олишади. Тенгсиз олишувда Мусо уларнинг йигирматасини ер тишлатиб, ўзи ҳам ҳалок бўлади.

Шу ўринда Ислом динига қилинаётган хуружлар, асоссиз айбловлар, қаерда бир нотинчлик юз берса, уни албатта ислом дини билан боғлаш ҳаракатлари ёдга тушади. Тўғри, диний мазҳаблар ўртасидаги келишмовчилик, зиддият, ноиттифоқлик, қонли можаролар, террорчилик ҳаракатларидан кўз юмиш қийин. Аммо бу иллатнинг илдизи қаерда, бўлиниш қачон ва қандай бошланган, бу иллатга кимлар ва нималар сабаб бўлган, деган саволнинг пайдо бўлиши табиий ва унга жавоб топиш қийин эмас.

Тарих шохид, XIII аср бошларида ривожланган Европа мамлакатларида мусулмон давлатлар ҳаётига аралашиб, уларнинг мол-мулкларига кўз олайтириш, шу мақсадда мусулмонларнинг заиф нуқталарини аниқлаш, турли мазҳабларга эътиқод қилувчилар орасига нифоқ солиш, ҳаловатларини бузиш, адоват, ғазаб ва душманлик уруғини сочишга асосланган ҳаракатлар бошланади. Жумладан, Лондонда Британиянинг мустанлак давлатлар ишлари бўйича вазирлиги Миср, Ироқ, Эрон, Туркия ва бошқа қатор мусулмон давлатларга махсус тайёргарликдан ўтган мингларча хуфия жосусларни жўнатади. Улар орасида Жорж Белкод, Генри Франс, Ҳемфер каби ашаддий миссионерлар, яширин топшириқни бажариш учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган, ҳатто фоҳишалик билан шуғулланишга тайёр аёллар ҳам бўлган. Улар маҳаллий аҳоли ўртасида олиб бораётган бузғунчилик ишлари тўғрисида вазирликка доимий равишда ҳисобот жўнатиб туришган. Бу борада, айниқса, Ҳемфер ўзини кўрсатган. Уни Ироққа жўнатар экан, вазирлик котиби шундай дейди: “Эй Ҳемфер, билгинки, Худо Ҳобил ва Қобилни яратганидан бери инсонлар орасида ихтилофлар бор. Бу келишмовчиликлар Масих ерга қайтунича давом этади. Ранг, қабила, ер, миллий ва диний ихтилофлар шу жумладандир. Бу сафар вазифанг шу ихтилофларни яхшилаб ўрганиш ва вазирликка маълумот беришдир. Мусулмонлар ўртасидаги ихтилофни қизиштира олсанг, Британия олдида энг улуғ бурчингни адо этган бўласан”.

Ҳемфер сафари давомида кўплаб содда, кўнгли очик, саховатли кишиларга дуч келади, уларнинг самимий ёрдами ва марҳаматидан баҳраманд бўлади. Бироқ, зиммасига олган машъум топшириғи боис, турли фириб ва найранглар ишлатиб, ўзининг асил қиёфасини яширади, имони суст, ахлоқи заиф, кайфу сафога тез бериладиган кишиларни қидиради. 1713 йили Басра шаҳрида ўн тўрт яшар фикри узук-юлуқ, қизиққон бир йигитни ўз тузоғига илинтиради. Унинг бўйдоқлиги, аёллар билан маишат қилишга мойиллигини сезиб, фаҳш ишларга, шаробхўрликка бошлайди. Шароб ҳаром эмаслиги тўғрисида тинимсиз гапирди, ўзича далил-исботлар келтиради. Худди ўзи каби қабих мақсаддаги насроний аёллардан бирини унга қўшади. Бу аёл қисқа вақт ичида ўсмирга ўткир ичимликлардан ичириб, тоат-ибодатдан тамомила мосуво қилади, шариат ҳукмларини поймол қиладиган даражагача олиб боради.

Жосус миссионерлар зиммасига мусулмон давлатлар тепасига ўз фикрига эга бўлмаган лаёқатсиз, айшу ишратга берилувчан, шариат қоидаларига тўла итоат қилмайдиган раҳбарлар, истъедодсиз ҳарбий кўмондонларнинг келишини таъминлаш, уларнинг атрофини ўзлари каби зехни паст, шахсий манфаати йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган худбин кишилар, асли бошқа динга эътиқод қилувчи, мусулмонлик қиёфасига кириб олган мунофиқлар билан ўраш, бунинг учун ҳеч нарсани аямаслик вазифаси юкланган эди. Кўрсатмада бу мақсадларга

эришиш учун кул ва канизак ниқоби остида мусулмон давлатларига юборилаётган жосусларни, асосан, давлат одамлари, обрў-эътиборли кишилар ва уларнинг яқинлари оилаларига сотиш кўзда тутилган бўлиб, улар аста-секин “энага”, “мураббий”, “ошпаз” сифатида ишончга кириб, болалар тарбиясини ўз кўлларига олишлари, уларнинг онги, фикру зикрини чирмовукдай ўраб олишлари лозим эди. Мусулмон оилаларнинг болалари ахлоқини зимдан бузиш учун керакли китобларни кўп нусхада чоп этиш ва бепул тарқатиш, турли спорт тўғараклари очиш, кино ва телеканаллар имкониятидан фойдаланиш, христианликнинг афзаллиги, мафтункор жозибаси тўғрисида суҳбатлар ўтказиш, мусулмон ўлкаларидаги черков ва монастирларга роҳиб ва роҳиба қиёфасидаги миссионерларни кўпроқ жойлаштириш, мусулмонларнинг ҳар бир ҳаракат ва фикр-мулоҳазаларини кўздан кочирмаслик, давлатнинг нуфузи баланд, обрў-эътиборли кишиларида ислом қадриятларига нисбатан шубҳа ва гумон уйғотиш, ёнма-ён жойлашган давлатларни парчалаш тадориғини кўриш ҳам асосий топширик бўлган.

Миссионерларнинг вазифаси шу билан чегараланмаган. Улар мусулмон давлатлари иқтисодийётига путур етказиш, тинчлик-тотувликка раҳна солиш, меҳнат ҳақлари вақтида тўланмаслигини таъминлаш, илмий-техникавий тараққиёт йўлига тўсқинлик қилиш, одамларни исён кўтариш, норозилик билдириш, ўзаро нифоқ уруғини сочишга даъват этганлар. Бу ғаламисликларнинг натижаси ўлароқ, 1737 йили ислом динида янги оқим юзага келади.

Юқорида таъкидланганидек, XVI–XVII асрларда ривожланган, мўмай даромадга эга Европа давлатлари айни шу даврда иқтисодий жиҳатдан таназзулга юз тутган Шарқ мамлакатлари томон босқинчилик, талончилик юришларини бошлайдилар. Кўплаб мамлакатларнинг халқлари мустамлакачиларнинг зулми остида қолади, асрлар давомида тўпланган бойликлар талон-торож қилинади, зулм ва зўравонлик кучаяди. Миссионерлар бу юришларни оқлашга жон-жаҳдлари билан уринадилар. Жамиятнинг илғор қисми, хусусан, ижодкор зиёлилар ўз ватандошларининг бу қилмишларини очик-ойдин қоралайдилар. Натижада Европа адабиётида ўзига хос публицистик оқим юзага келади: ёзувчилар ўз асарларида босқинчиларнинг зулми остида қолган халқларга хос бўлган эзгу фазилатларни қаламга ола бошлайдилар. Бу оқимнинг фаол вакили Вальтернинг Шарқ мавзусидаги драмалари, “Форс мактублари” фикри-мизга далил бўла олади. Лев Толстой подшоҳга мактуб орқали мурожаат этиб, борди-ю сиз ўзгаларнинг бойликларига эга бўлиш мақсадида Шарқ томонга юриш бошласангиз, Яратган эгам, халқ ва тарих олдида лаънатга қоласиз, деб ҳукмдорни огоҳлантиради.

Бу даврнинг ҳарбий, сиёсий, иқтисодий талотўплари моҳиятини тўғри англашда Фитратнинг “Шарқ сиёсати” рисоласи муҳим аҳамият касб этади. “Африқога кирган мусулмонлар Амриқо ва Африқони босқон (босиб олган) маданий овруполилардек, ерли халқни битирмак учун тиришмадилар, – деб ёзади муаллиф. – Унларга маданият бердилар. Амриқога қўноқ бўлуб кирган Оврупа маданийлари Амриқо ерли халқини битираёздилар, буни билмаган йўқдир. Африқони босиб олган Оврупа жаҳонгирлари у ердаги қора халқни ўлат каби ўлдириб туралар. Ҳолбуки, мусулмонлар Африқонинг Жазоир, Тунис, Фас (Марказий Африка) каби ўринларини олғач, у ерларни тараққий этдурдилар, халқини тинчлантурдилар, унлардан буюк одамлар етушдирдилар. Шарқ ўзининг



тарихи, сиёсати, хунари, инсофи, адолати, ахлоқи ва хидмату эътиборлари билан унча юксалмиш, у қадар тараққий этмиш эдиким, тасаввури ҳам бизнинг мияларимизга сиғмайдур. Шарқ маданий йиртғучи эмас эди. Шарқ бошқаларнинг ҳақларини олмас эди. Шарқ башариятнинг юксалиши учун тиришар эди. Шарқ маданият ўчоғи, инсоф бешиги, ахлоқ мактаби, билим мадрасаси эди... Ёзуқлар, эсизларким, Шарқ ўз йўлинда давом эта олмади, маданият тарихининг энг буюк ва энг тугал қоидалариндан бири шудир: бир улус тирикчилигининг ҳар тўғрисида юксалиб, тараққий қилиб тинчланса, бирор ёқда кучлироқ бирон бири кўринмаса, ўлкаси кенгайиб, оқчаси кўпайса, ул улуснинг бора-бора ахлоқи бузулар, тотлиғи йўлдан чиқа бошлар. Биз, шарқликлар, даҳи тинчлик ва роҳат сўнгинда бузулиб қолдик, йўлдан оздик, эзгу тилақларимизни унута бошладик. Билим ва ҳунардан юз қайтардик, бирлик ва ахлоқдан айрилдук, оқчага берилдук, оқчага сотилдук... Шарқнинг бутун ишлари онгсиз беклар, тушунчасиз хонлар, миясиз муллалар, билимсиз эшонларнинг қўлига ўтди. Бунлар Шарқнинг бутун тузук ва интизомини бузуб юбордилар. Хонлар ўз қоринларини тўйдирмоқ учун халқни бир-бири билан уруштирдилар, мамлакатнинг жонли ва муҳим ўрунларини сотдилар, муллалар ўз иставлариға “дин” отини тоқиб, бозорға чиқардилар, дин, тангри, пайғамбар, учмоҳ ва тамуғ орқали халқни талай бошладилар. Шарқнинг тараққий йўли кўмулди. Саодат ва тинчлик эшиклари боғланди, саодатнинг энг юксак тепасига чиққан Шарқ йўқсулликнинг энг теран чуқуриға тушди”.

“Шарқ сиёсати”да Европанинг Шарққа томон босқинчилик, талончилик юришлари замиридаги маънавий ахлоқсизлик, инсоний худбинлик, очкўзлик, нафс балоси ғоят чуқур очиб берилади, бу юришларни сохта маданий либосга ўраш орқали тарихни чалғитиш ҳаракатлари аёвсиз фош этилади: “Оврупа жаҳонгирларининг Шарқ сари юришлари бошқаларнинг қонини тўқуб, ўз курсоқларини тўлдурмоқ, ўзгаларнинг уйини ёндириб, ўз қозонларини қайнатмоқ учун эди. Лекин унлар тилақларини улусға билдирмас эдилар. “Шарқ халқи ваҳшийдир, уларни маданийлашдурмак учун борармиз”, “Шарқ халқи билимсиздир, унларға билим тарқатмоқ учун борармиз”, “Шарқ халқини хоч буйруқлариға бўйсундирмак учун борармиз”, деб ўз ишчи ва деҳқонларини алдаб, бизим устимизга юборур эдилар”.

Тарих ҳақиқатлари хусусида яна кўп манбаларга мурожаат этиш мумкин. Чунончи, Эркенсап деган олим: “Замонавий илмларнинг тамал тошини қўйишдек буюк ва шарафли вазифа мусулмонларга тегишлидир”, деб ёзгани кўпчиликка маълум. Аллен Дебуснинг фикри янада ғурурли: “Мусулмонлар Уйғониш даврига дебоча бўлган технологик ўсишлар эшигини очиб беришди”. 1922 йили “Ҳақиқат” журнали қуйидагиларни ёзган: “Сўнгги асрларда(ги) маърифатсизлик, жоҳиллик(нинг) сабаби илмсиз, маърифатсиз хонлар элнинг чироғи-йўлбошчиси бўлган уламоларни ўз бўйинтуруғлари остига олиб, соф йўлни ўз шайтанат йўллариға татбиқ этишганидир”. Аллома Алихонтўра Соғуний бу фикрни янада ривожлантиради: “Ўзларини дин ҳомийлари деб эълон қилган ҳукмдорлар халқни маърифат нуридан маҳрум, замонавий илмлардан бутунлай йироқ тутдилар. Шунинг учун халқда уйғониш, фикрий очилиш бўлмади. Давлатнинг инқирози, миллатнинг онгсизлигига шу жоҳиллар сабабчидур”.

Яна бир ҳужжатга мурожаат этайлик. АҚШ Марказий разведка

бошқармасининг собиқ бошлиқларидан бири Аллен Даллес томонидан 1945 йили ишлаб чиқилган директивада иккинчи жаҳон урушидан кейин дунёнинг муайян давлатларида махфий равишда олиб бориладиган кўпорувчилик ишларининг маъно-моҳияти жуда аниқ таърифлаб берилган. Чунончи, ушбу ҳужжатда урушдан кейин собиқ Иттифоқ ҳудудида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бирма-бир санаб ўтилади. Директива муаллифи уруш якунланиши биланок, мавжуд олтин захирасини, бошқа барча имкониятларни ишга солган ҳолда, одамларнинг онги ва миясига ўрнашган миллий туйғу ва қадриятлар тушунчасини чиқариб ташлаб, бу бўшлиқни сохта қадриятлар билан тўлдиришга киришиш, бунинг учун, энг аввало, рақиб томон халқи орасидан имони сушт, иродаси заиф, маълум манфаат учун сотқинлик қилиши мумкин бўлган одамларни топиш, улар билан ишлаш, адабиёт, театр, кино соҳаларини беҳаёлик, зино, зўравонлик, босқинчилик, сотқинлик саҳналари билан тўлдириш, бу муҳим ишни амалга оширадиганларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш зарурлигини уқтиради. “Давлат бошқарувида бошбошдоқлик, танглик ҳолатини юзага келтириш, юқори лавозимларга келиб қолган лаёқатсиз, ношуд, тепса-тебранмас раҳбарларнинг хурмача қилиқларидан кўз юмиш, аксинча, ундайларга янада кенг имкониятлар яратиб бериш, ҳалол, пок, масъулиятли ва интизомли раҳбарларнинг кулгига қолишини, муомаласи кўпол тўнқалар, фирибгарлар, алдоқчилар, пиёниста ва гиёҳвандлар, сотқинларнинг ошиғи эса олчи бўлишини таъминлаш зарур”, дейилади ушбу директивада. Аллен Даллес қандай қабих ниятга қўл ураётганини яширмайди: “Биз халқнинг маънавий илдизларини тамомила кўпориб ташлаймиз, халқона ахлоқийлик асосларини йўқотамиз. Бу билан халқни авлодма-авлод йўлдан адаштирамиз, бу ишни болалар боғчаларидан, ўсмирлик йилларидан бошлаймиз, асосий эътиборни ёшларга қаратамиз, уларни аста-секин парчалаб, емириб, захарлаб борамиз”.

Бу сатрлар бугун ён-атрофимизда, яқин ўтмишда халқи тинч-тотув ҳаёт кечирган, бугун эса самовий ва заминий зарбалар алангасида қоврилаётган баъзи давлатларда амалга оширилаётган ҳаракатларни эслатмайдими?! Иккинчи жаҳон уруши якунланганига етмиш йил тўлса ҳам, бу машъум директива ҳамон кун тартибидан тушмаганига далолат, биз учун эса огоҳлик, ҳушёрлик кўнғироғи эмасми?!

Тарихда содир бўлган, содир этилган воқеа-ҳодисаларнинг маъно-моҳияти, улар хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин, қачон, қаерда ва қандай мақсадда амалга оширилганидан қатъи назар, бу оламда ҳаёт чироғи ўчгунига қадар ўзгаришсиз қолади. Фақат... иқтисодий, сиёсий, мафкуравий ва бошқа тор қобикли манфаатлар, улуғлик, буюклик, қадимийликни урғулаш истаги, бошқа халқларга нисбатан юқори мартаба ва мақом даъвоси, бўлинган, бўлақланган дунёни қайта бўлиш, таъсир доирасини кенгайтириш ҳаракатлари гоҳо ўтмиш ҳақиқатларига мутлақо зид янги “қўлбола” талқинларни юзага келтириши мумкин, холос.

Бефарқлик ҳамма иллатларнинг доясидир. Собиқ совет тузуми шароитида онг-шууримизга зуғум билан сингдирилган сохталиклар, унинг ғайриахлоқий “қадрият”ларидан қутулиш, ўзликка қайтиш нечоғли қийин кечгани, нохуш таъсири бугунга қадар у ер-бу ерда бўй кўрсатиб тургани ҳаммамизга сабоқ бўлмоғи керак.



ходиса якқол кўзга ташланмайди. Шу боис мазкур дoston ўрганишга тавсия этилмас эди. Лайли ва Мажнунни, Фарҳод ва Ширинни, Вомиқ ва Узрони ҳаммамиз бир-бирини севувчи йигит ва қизлар сифатида қабул қилганмиз. Бундай тушунишда ошиқ-маъшукларнинг ўзаро муносабати уларнинг ахлоқий камолот даражаси билан белгиланади. Йўқ, мен ўша замонларда ўқиганимда ҳам ундай тушунмаган эдим, дейдиган “доно” камдан-кам топилса керак. Мабодо, бир-яримта бўлган бўлса ҳам, ичидаги ҳақиқатни юзага чиқара олмаган. Вазият то миллий истиқлол давригача шу тарзда давом этиб, бебаҳо бадиий жавахирларимизнинг фақатгина юза қисми ўрганилди, худди шу тарзда ўргатилди.

Миллий истиқлол ва тафаккурдаги уйғониш мумтоз адабиётимизга мутлақо янги муносабатда бўлиш имконини берди. Хурфикрлилик унинг ботиний-ирфоний маъноларини англаш учун имконият яратди. Ошиқни солиқ, севгини ишқ, маъшукни Ҳақ, хижронни риёзат сифатида тушуниш даврига қадам кўйилди. Мумтоз адабиётнинг маърифий қирраси оммалашди ва у бошқа қирраларга етакчилик қила бошлади. Мавжуд дунёвий образлар рамз, мажоз эканлиги, улар Ҳақ маърифати воситалари сифатида эътироф этилди. Масалан, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Ширин Фарҳод образи учун Ҳақ тимсоли сифатида қарала бошлади:

*Каломингни агар Ширин лабида қилмадинг музмар,  
Недин, бас, лаъл ўлур Фарҳоднинг қон ёшидин хоро.*

Бу ҳолат Мажнун ва Лайли муносабатининг ҳам замирида ётади:

*Не ишка бўлди беором кўзгу аксидек Мажнун,  
Юзи кўзгусида аксини гар кўргузмади Лайло.*

Байтлар мазмунан фалсафий инъикос назариясига асосланган маърифий тавсифлардир. Улар ўзида Ҳаққи мутлақнинг борлиққа ва инсоннинг Ҳаққи мутлаққа муносабатини ифодалайди.

Демак, мумтоз шеъриятга бўлган муносабатнинг бадиий босқичида инсон (ошиқ)нинг инсон (маъшуқа)га муносабати уларнинг ахлоқий камолот даражаси билан белгиланади. Маърифий босқичида эса инсоннинг Ҳаққи мутлаққа муносабати (яқинлашуви) унинг руҳий камолоти даражаси билан боғлиқ. Кўринадики, бадиий босқичдаги “ахлоқий камолот” маърифий ёндашувда “руҳий камолот” тушунчаси билан алмашади. Лекин булардан қайси бири тўғри ёки нотўғри деган саволни кўйиш маъкул эмас. Ҳар иккиси ҳам тўғри, аммо ҳар бир ёндашувда фақат биттаси.

Мумтоз адабиий асарлар талқинида иккинчи босқичга кўтарилиб бўлган ўзбек адабиётшунослиги бугунги кунда депсиниш ҳолатида. Турғунлик эса янги қадамларга куч бериши мумкин. Янги қадамлар учун янги “туртки” – янги ғоялар зарур.

### Юксалиш бекатлари

Маърифий адабиётни янада кенгрок – умуман юксалиш методологияси сифатида қараш ҳам мумкин. Ва, эса тутиш лозимки, кўпинча

қарашларнинг энг сўнггиси олдингиларига нисбатан тўғриси ва мукаммалли сифатида қабул қилинади.

Нарса серқирра, кўп вазифали, инсон эса кўп хусусиятли экан, бу методологияга асосан, камолот ҳам шунга мувофиқ кўп йўналишли бўлиши муқаррар. Инсон – биологик жисм, ақлли ҳайвон, қуролли жонзот, ақилли ва нутқли махлуқ, маънавий мавжудот ва ҳоказо экан, унда бу белгилар муттасил такомиллашиб боради. Айтилган қирралар инсониятда абадий ва ҳар бир шахсда умрбод ўсиб боришга мойил. Инсон, ҳайвондан фарқли ўлароқ, онгли мавжудот, онг эса ялқовликнинг “ота”си. Ялқовлик инсонни шахсан тараққий эттиради ва инсониятни таназзулга олиб боради.

Мукаммаллик ҳар томонлама бўлиши, инсоннинг барча қирралари асосида такомиллашиши қийин. Ақлга зўр бериш танани толиқтириб қўйиши мумкин. Жисмнинг кучайиши баъзан ақлни заифлаштиради. “Бойлик кибрни, кибр эса телбаликни келтириб чиқаради” (Ч.Айтматов). Исо алайҳиссаломнинг ҳаворийларга “бир хизматкор икки хўжайинга қуллик қила олмаганлиги каби, сизлар ҳам бир йўла ҳам пулга, ҳам Худога сизгина олмайсизлар”, (“Инжил”, Матто баёни) дейиши бежиз эмас. Шу боисдан инсон бир йўлни танлайди ва шу йўлдан такомиллашишда давом этаверади. Ахир, бир пайтнинг ўзида иккита йўлдан юра олмаймиз-ку! Йўллар эса кўп:

*Истасанг йўл касратиға адду ҳад,  
Халқ анфоси билан тенг бил адад.*

Бирдан ортиқ йўлни танлаганлар охирги манзилга ета олмайди.

Мумтоз адабиётда юксалишнинг етти босқичини ажратиш урф бўлган: талаб → ишқ → маърифат → истиғно → тавҳид → ҳайрат → фано. Буларни тор маънода шахс руҳий такомиллашувининг, кенг маънода эса кўзланган мақсад сари ҳаракатнинг алоҳида-алоҳида бекатлари дейиш мумкин (албатта, мумтозларимиз бундай ўйлашмагандир, бунинг бизга аҳамияти йўқ). Биринчи бекатни босиб ўтиш натижасида кейинги бекатга қадам қўйилади. Бекатларни “четлаб ўтиш” эса мумкин эмас. Айрим мамлакатлар ривожда капитализмни гўёки “четлаб ўтиш” зўрма-зўракилиги қандай оқибатларга олиб келганлигига тарих шоҳид. Шу боисдан тарихий тараққиётимизда бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш борасида бугун ушбу шоён ҳақиқатга қатъий амал қилишнинг ёрқин далилини кўриб турибмиз.

### Талаб – кучайган истак

Ҳар қандай мақсаднинг биринчи бекати – эҳтиёж. У истакни келтириб чиқаради. Истакдан талаб шаклланади. Эҳтиёж – истак – талаб узвийлиги мавҳумликдан аниқлик томон силжишни кўрсатади. Эҳтиёж эҳтиёжлигича қолиб, истаккача чиқмаслиги ҳам, шунингдек, истак талабга айланиши ҳам, айланмаслиги ҳам мумкин. Бу уларнинг даражаси, кучи билан белгиланади. Эҳтиёжда фаолият қарийб йўқ даражада бўлса, истакда фаолият бошланади, талаб босқичида эса мақсаднинг биринчи бекати ниҳоясига етади.

Ҳар бир босқичнинг ўзига хос машаққатлари бор. Буни ҳазрат Навоий шундай тавсифлайди:



*Чун талаб водийсига қўйсанг қадам,  
Оллингга ҳар дам келур юз минг алам.<sup>1</sup>*

Бу босқичда талаб объекти реаллашмаган бўлади, айнан нимани талаб қилаётганлиги аниқ бўлмайди:

*Истамоқ ранжи кўнгулни зор этар,  
Топмамоғлиг руҳни афгор этар.*

Буни шундай жўнлаштириш мумкин. Кишида бойиш истаги пайдо бўлади, бунинг учун тадбиркорлик йўлини танлайди. Аммо айнан қайси тури билан шуғулланишни ҳали танламаган. Объект аниқланиши билан у томон интилиш қатъийлашади, шунингдек, кишида маълум даражада “енгиллик” пайдо бўлади:

*Ганждин етгай асар вайронинга,  
Зоти нуридин ёруғлик жонинга.*

Бошқа нарсаларга чалғимаслик, мақсадга дахлдор бўлмаган нарсаларга ўралашиб қолмаслик дастлабки бекатдаги илк шартлардан:

*Ҳар неким гайриталабдир, ташламоқ,  
Ўзни мақсад манзилига бошламоқ.*

Юксалиш тўсиқсиз бўлиши мумкин эмас. Йўл ҳеч қачон равон бўлмайди. Мақсад аниқ, фаолият объект сари қатъий йўналтирилган, иродаси ўзига бўйсундирилган киши учун бу йўлдаги тўсиқлар, машаққатлар писанд эмас:

*Олдинга келса агар тили домон,  
Кўргасен паиша ҳамону ул ҳамон.*

Бунда талаб, объект, мақсад ва ирода уйғунлашади. Талаб кучли, объект аниқ, мақсад қатъий, ирода енгилмас хусусиятга эга бўлсагина, фаолиятнинг илк босқичи самарали кечади. Булардан объектга бўлган муносабат асосий ўрин тутади. Буни ҳазрат Навоий шундай баён қилади:

*Дурга топган сойи кўнгулунг хослиқ,  
Бўлгой осонроқ сенга заввослиқ.*

Демак, мақсад объектига меҳр қўйиш, танлаган йўлни севиш – машаққатларни енгиш воситаси. Ўзига ёқмаган йўл билан киши юксалмайди.

### “Ишқ” – “маъшуқ” – “ошиқ”

*Ишқ* – фаолият, *маъшуқ* – мақсад объекти, *ошиқ* эса мақсад объектини мўлжаллаган, олдига муайян мақсад қўйган шахс. Маърифий адабиётни мақсадга эришиш методологияси сифатида қабул қилган шахс бу истилохларни шундай рамзий маънода қабул қилади. Мақсад

<sup>1</sup> Бу ва бундан кейинги мисоллар Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонидан олинди.

объектини севган киши ўзини ўтда куймайдиган самандардек, шамга урилган парвонадек ҳис қилмас экан, мақсад шунчаки ҳавас, ҳаракатлар гўё бўлаётгандек туюлади, лекин самараси сезилмайди. Ҳазрат Навоий бундай кишиларни капалак (кўпалак)ка ўхшатади ва парвонага зид қўяди. Мақсад йўлидаги ҳаракатлари жихатидан “капалак” мисол, “парвона” даражасига етмаганлар ҳаётда кўп:

*Жилва айлар кўпалак гуллар уза,  
Тифлларга ҳусну зебин кўргуза.*

Айрим кишилар зоҳирий кўринишларга ўч, ўзини ташқи жихатдан эътиборли қилиб кўрсатишга мойил бўладилар. Талабаликни чиройли кийиниб юришда, олимпикни салобат ва кибрли бўлишда, шоирликни мажнунсифат қиёфада, ишбилармонликни офисда кўр тўкиб ўтиришда, раҳбарликни ўзини доно қилиб кўрсатишда деб билувчи зоҳирпарастларни Алишер Навоий “кўпалак” деб билади. Шахсдаги бу сифатни Фрейд “нотукаммаллик комплекси” деб атаган эди. Ҳазратга кулоқ тутамиз:

*Кўпалакда гарчи бўлғай рангу ҳол,  
Бўлмағай парвона янглиғ сўзу ҳол.*

Ёки:

*Барча қушининг оти булбул бўлмади,  
То азалдин ишқ аро кул бўлмади.*

Хўш, қандай қилиб мақсад сари парвона янглиғ йўл олиш мумкин? Бунга доир қандайдир тавсиялар борми? Афсуски, йўқ:

*Шод эрур ишқ аҳли ўртанмак била,  
Бўлмағай бу шева ўрганмак била.*

Сувда сузишни ўрганиб ёки ўргатиб бўлмаганлиги каби талаб объектига муносабат шахс руҳиятида, яъни ичдан шаклланади. Сузишга доир айрим кўрсатмаларни бериш мумкин, лекин сувга тушганда унинг аскотиши даргумон бўлганлиги каби, мақсадли фаолиятга доир айрим хусусиятларни, шартларни кўрсатиш мумкин, холос. Бу, ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, дейлик, шундай:

*Ишқ аро поку қаландарлик керак,  
Шуъла баҳрида самандарлиқ керак.*

*Дема, раънолар иши фарзоналиқ,  
Кўпалак ҳадди эмас парвоналиқ.*

Инсон, аввало, ё “кўпалак”, ё “парвона” бўлиб туғилади. Лекин бир соҳада “кўпалак” бошқа соҳада “парвона” даражасида бўлиши ҳам мумкин. Бу яратувчининг инсонга берган имконияти. Масалан, илмдаги “кўпалак” таълим соҳасида “парвона” даражасида намоён бўла олади. Зеро, ҳазрат Навоий таъкидлаганидек, Ҳақ инсоннинг

*Бошига қўйди ҳидоят тожини,  
Қисмати айлаб шараф меърожини.*

Ато этилган қобилиятни англаш ва унга мувофиқ мақсадни танлаш – юксалишнинг муҳим омили.

### **Билим ва маърифат – юксалиш асоси**

Маърифатли бўлиш, объект ҳақида тўлақонли билим ҳосил қилиш – мақсадга эришишнинг энг зарур шартларидан. Билим, уни ҳосил қилиш йўллари, усуллари турли-туман. Замоनावий ёндашилса, илмда бир объектни тадқиқ қиладиган, бир-бирига сира ўхшамайдиган турли илмий мактаб, йўналиш ва оқимлар мавжуд:

*Водиедур юз туман минг онда йўл  
Ул, бу бир келмай онингдекким бу, ул.*

Билим ҳосил қилишга жазм қилган кишилар каби улар танлаган йўллар ҳам чексиз ва турли-туман:

*Юз туман раҳрав кўрарсен беқарор,  
Ҳар бири бир йўлни айлаб ихтиёр.*

Имкониятлари, салоҳияти, мавқе-мартабаси турлича бўлган кишилар бу йўлларда сарсари кезади:

*Пашиша анда раҳнаварду тил ҳам,  
Пашиша анда тойиру Жибрил ҳам.*

Бир манзилга турли йўл ва воситалар орқали борилганлиги ёки бир тенгламани ечишнинг турли усуллари бўлганлиги каби, бир объектга ва у ҳақда билим ҳосил қилишга турлича ёндашиш мумкин. Албатта, ҳар бир киши ўз йўлини энг тўғри ва маъқул йўл деб билади, у билан фахрланади, қолаверса, бошқаларни ҳам ўз йўлидан юришга ундайди:

*Ўз борур йўлига ҳар бир муфтахир,  
Йўлни айлаб ўз йўлига мунҳасир.*

Ана шунда мақсадга интилувчидан янги фазилат талаб этилади. У ҳам бўлса, бағрикенглик. Бу тараққиёт ва юксалишда муҳим. Йўл-йўлакай айтиб ўтиш жоизки, бежиз мамлакатимиз тараққиётидаги тутумларимиздан, миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан бири – миллатлараро ва динлараро бағрикенглик (толерантлик) эмас. Бу фойдасиз қарама-қаршилиқларнинг, низо ва зиддиятларнинг олдини олади. Илмда ҳам ана шу тамойилга кўпинча эътибор қилинмайди:

*Бул они тутмай мусаллам, ул муни,  
Ҳар бир ўздин ўзга кўрмай ул буни.*

Фанда бу бамисоли жиҳод ва мазҳабчилик, сектачилик каби ўта зарарли ҳолат. Зеро, мақсадга интилувчи киши бу иллатлардан холи бўлса ва унга қўл силтаса, муваффақият эшиги очилади:

*Қуфр ила иймондин ургайсен илик,  
Бу таъмадинким, очилгай бир эшик.*

Усул, йўл мақсад эмас, балки восита. Мақсадга эришилгандан кейин уларнинг вазифасини бажариб, ўз қимматини йўқотади. Ахир, манзилга етилгач, улов вазифаси тугайди:

*Чун эшик очилди не қуфру не дин,  
Ичкари киргач, қутулдинг барчадин.*

Йўл ва восита билан ўралашиб қолиш мақсад йўлини тўсади, кишини чалғитади ва адаштиради:

*Қуфру иймон раҳравга кеш<sup>1</sup> эмас,  
Асл йўлда банде роҳи, пеш эмас.*

Албатта, қулай йўл ва восита мақсадга эришиш учун ўта муҳим омил эканлигини ҳеч қачон назардан соқит қилмаслик керак. Мақсадга эришиш учун, одатда, осон йўл танланади. Аммо осон йўл ҳар доим ҳам самарали эмас, кўп ҳолларда, у тескари натижа бериши мумкин. Масалан, айримлар шахсий камолот учун энг осон йўл сифатида тоат-ибодатни афзал билишади. Шу боисдан кўпинча улар кўзланган мақсадга эриша олмайди. Чунки қалбни тозалаш машаққатидан кўра бу йўл энгилроқ ва у, кўп ҳолларда, ўзини ва ўзгаларни алдашдан бошқа нарса эмас. Лев Толстой бу ҳақда “Иқрорнома”да қуйиниб ёзганлиги бежиз эмас. Шундай қилиб, йўллар ихтилофли, аммо самаралиси камроқ:

*Чун сулук<sup>2</sup> ичра кўп эрди ихтилоф,  
Кўпраги дурд<sup>3</sup> эрди, лекин ози соф.*

Дейлик, ким учундир мана бу йўл тўғри:

*Ким равшида софи эрди машраби,  
Бор эди ул тобеъи шаръи наби.*

### **Бойлик ҳаловат эмас, ҳаловат – бойлик**

Бу сарлавҳачани ташкил этган гапнинг эга ва кесими ўрнини алмаштириб бўлмайди. Бой одам молу давлатидан ҳаловат топган бўлсагина, бойдир. Диогеннинг ҳаловатига Искандар Зулқарнайн ҳавас қилган, ахир. Молу давлат кишига ҳаловат бермаслиги ҳам мумкин. Кишида ҳаловат йўқми, демак, у бой эмас.

Бойлик ҳам серқирра тушунча. Моддий бойлик, руҳий бойлик, ақлий бойлик, жисмоний бойлик ва ҳоказо. Бойлик ҳар қандай ҳолатда ҳам нисбий. Шу боисдан маърифий адабиёт ўз мақсадидан бошқа нарсага эҳтиёжсиз кишини, бошқа нарсага чалғимайдиган, бошқа йўлга учмайдиган “йўловчи”ни бой, яъни “ғаний/ғани” тарзида эътироф этади. Эҳтиёжсизлик бекатини эса “истиғно водийси” деб атайди.

Мақсаднинг кейинги бекатида шартлар янада кучаяверади. Чунки

<sup>1</sup> Кеш – мақсад.

<sup>2</sup> Сулук – йўл, маслак.

<sup>3</sup> Дурд – самарасиз.

киши бекатдан бекатга ўтиш билан тобора товланиб боради. Истиғно босқичида эса янги шарт – ўзини тийиш, чеклаш талаби кўйилади.

Ўз мақсадидан бошқа нарсадан тийилиш, ўзини чеклаш катта кучни талаб қилади. Бугун илм йўлида, эртага мол-дунё васвасасида, индин кайфу сафо илинжида, фисқ-фасод, бировларни бадном қилиш пайида юрган киши, албатта, юксалиш йўлида эмас, балки бир амаллаб кун кечириш учунгина яшаётган бечораҳол кимса (сафарга чиққанингизда йўл четларида тентираб юрган турли жониворларга кўзингиз тушгандир). Ўз мақсади йўлида ҳаловат топган одам чалғимайди, ўткинчи ва адаштирувчи ҳодисаларга маҳлиё бўлмайди. Бундай кишиларнинг барчаси табиатан бир хил:

*Водий ондин сўнгра истиғнодурур,  
Онда тенг аълоу гар адно<sup>1</sup> дурур.*

Эҳтиёжсизлик водийсида барча баробар бўлади. Чунки бу водийга қадам кўйган кишининг ҳар бири ўз бойлиги (мақсад объекти)га эга. Эҳтиёжсизлик кишининг кўзини тўқ қилиб қўяди. Аслида, кўзи оч киши камбағалдир. Тийилган киши эса жасур ва шижоатли:

*Чумолига озиқ онда барча шер,  
Пашиаси тил овламоққа бас келур.*

Ўзини тийган одамларнинг мақсадларидан ташқаридаги нарсаларга муносабати бир хил. Улар учун бошқа нарсалар аҳамиятсиз:

*Онда тенг кўр гумроҳу огоҳни,  
Дайр кўйи бирла байтуллоҳни.*

Буни Алишер Навоий “Лайли ва Мажнун” достонида Мажнунга Нафъалнинг Лайлидан ўн марта гўзал бўлган қизи ҳеч қандай таъсир этмаганлиги мисоли билан далиллайди. “Мен ўзга манзилга тикканман кўзим, у сенинг кулбангдан жуда ҳам йироқ” (А.Орипов) деганда шоир шунга ишора қилади.

## Яхлитланиш

Навбатдаги бекатда кишида янги сифат пайдо бўлади. У ҳам бўлса, ўзини мақсад объекти билан яхлитликда идрок этиш, ҳис қилишдир. Бошқача айтганда, киши ўзини танлаган объектисиз, танлаган объектини ўзисиз тасаввур эта олмайди. Ўзи ҳақида ўйлаганда кўз олдида объект, объект ҳақида ўйлаганда эса ўзи гавдаланади. Объект унинг “мен”и моҳиятининг таркибий қисмига айланади. Лайли (мақсадга интилувчи шахс) ўзида Мажнун (мақсад объекти)ни, Мажнун (мақсадга интилувчи шахс) эса ўзида Лайли (мақсад объекти)ни кўради:

*Лайли согиниб ўзини Мажнун,  
Мажнун согиниб ўзини Лайли.*

Кўринадики, Лайли Мажнун, яъни ўзини, Мажнун Лайли, яъни

<sup>1</sup> Адно – қуйи.



ўзини соғинган. Бу ҳолатни тасаввур қилиш учун кишининг бирор-бир объектга муҳаббат-муносабати Лайли ва Мажнундаги даражага етган бўлиши керак.

Бу босқичда ҳислар олий даражага кўтарилади. Киши ўзи ва мақсад объектини бамисоли тана ва руҳ (жон) яхлитлигидек идрок этади. Тириклик тана ва жоннинг яхлитлигида бўлгани каби, киши ҳам ўз мавжудлигини мақсад объектдан холи идрок эта олмайди.

Мақсадга интилувчи шахс ва мақсад объекти бамисоли бир вужуд сифатида яхлитланиши ушбу бекатнинг интихосидир.

### Ҳайрат – маърифат натижаси

Халқимизда “муҳаббатнинг кўзи кўр” деган ҳикмат бор. Албатта, ушбу ҳикмат ҳам серқирра, шунинг учун уни ҳар хил талқин қилиш мумкин. Масалан, уни “севган киши бошқа ҳеч нарсани кўрмайди” маъносида ҳам, “севган кишисидаги нуқсонни илғамайди” деган мазмунда ҳам тушунса бўлади. Умуман олганда, бизнинг талқинимизда объектда мукамалликни кўриш, ундан нуқсон топа олмаслик, Ҳақ кудрати мукамаллигидан ҳайратланиш ушбу босқичдаги шахснинг руҳий ҳолатидир:

*Боқибон ҳар заррага зарротдин,  
Ҳайрат айлар нафйи ё исботдин.*

Демак, киши ҳайрат босқичида ўз мақсад объектида мукамалликни кўради. Унда яратувчининг тенгсиз кудратини ҳис этади. Бу кудратдан ҳайратга тушмасликнинг иложи йўқ.

Ҳақ томонидан яратилган ҳар бир мавжудликда мўъжизани кўра билиш – юксак маърифат натижаси. Пайғамбаримиздан мўъжиза кўрсатиш талаб қилинганида, унинг “Ҳақ мўъжизаси бўлмаган бирор нарсани кўрсатинглари-чи”, деган жавобида қуйидаги икки ҳолатга эътибор қаратилади:

- 1) борликдаги ҳар бир нарса Ҳақ мўъжизасидир;
- 2) бу мўъжизани кўра билиш учун юксак маърифатли бўлиш лозим.

### Ҳақ кудратини англаш саодати

Ўз мақсад объектида Ҳақнинг беқиёс кудратини руҳан ва ақлан ҳис қилиш, албатта, шахснинг бу кудрат олдида зарранинг мингдан бирича ҳам қийматга эга эмаслигини англаб етишига олиб келади. Англаш шахснинг ўзини бу кудратга қиёсан баҳолашини келтириб чиқаради.

Маърифат – кишининг ўзини баҳолаш воситаси. Маърифатли инсон Ҳақ кудрати олдида ҳеч нарса эмаслигини англайди. Шу тарзда мақсадга интилган шахсда мавжуд бўлган кўпиксимон кибру ҳаво ушбу бекатда ўз-ўзидан йўқолади. Ўзининг такомиллашган ҳолатида Ҳақ мўъжизасини кўради. Ахир, мақсадга интилиш йўлининг еттинчи бекатида илк бекатдагидан тубдан фарқ қиладиган, тамомила янги фазилатларга эга, ҳавойи **кибр**дан **фориг** бўлган, иродаси ва руҳияти тобланган, ақли пешланган, нафси амморасини жиловлаб олган, олдига қўйган эзгу мақсадига тўла-тўқис эришган **мағрур ШАХС** туради.

Бу – Комил Инсондир!



## СЕНЕГАЛ РЕСПУБЛИКАСИ

Сенегал Ғарбий Африкада жойлашган. Давлатчилик тарихи у қадар узоқ эмас. Унинг ҳудуди ўрта асрларда Гана, Мали, Сонгай каби давлатлар таркибига кирган. Африка мамлакатларининг аксарияти бошига тушган мустамлакачилик зулмидан сенегалликлар ҳам четда қолмаган. XV асрда ҳозирги Сенегал ҳудудига бостириб кирган португаллар фил суяги, олтин қум сингари қимматбаҳо манбаларни ташиб кета бошлаган, XVI асрдан эса қул савдоси авж олган. Сенегал XVII асрдан француз мустамлакачилари эътиборига тушган ва XX аср ўрталаригача Франция қарамоғида бўлган. (Бу сиёсий омил Сенегалнинг маданий-маърифий, ижтимоий ҳаётида чуқур из қолдирган. Бунини Сенегалда француз тилининг давлат тили экани, аксарият ижодкорларнинг французчада ижод қилиши ҳам тасдиқлайди).

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Сенегалда миллий озодлик ҳаракати кучая бошлайди. 1958 йилги референдум натижаларига кўра, Сенегал Франция ҳамжамияти таркибидаги ўзини ўзи бошқарувчи республикага айланади. 1959 йил январда Сенегал ва Франция Судани Мали Федерациясига бирлашади. 1960 йил 4 апрелдаги битимга мувофиқ, Федерацияга мустақиллик берилади. 20 августда Сенегал Федерациядан чиқади ва мустақил республика деб эълон қилинади. Ўша вақтдан бери сенегалликлар 4 апрелни Мустақиллик куни сифатида кенг нишонлайдилар. Мазкур сана муносабати билан журналнимизнинг апрель сонидан Сенегал адабиёти ва санъати ҳақида сўз юритишга аҳд қилдик.



**Мустақиллик санаси –**

1960 йил 4 апрель

**Пойтахти –** Дакар

**Майдони –** 196 722 км<sup>2</sup>

**Аҳолиси –** 13 567 338 киши

**Давлат тили –** француз тили

## Адабиёт



Сенегал адабиёти маҳаллий халқларнинг анъаналари, миф, қўшиқ, эртақ, мақоллари, умуман, халқ оғзаки ижодига асосланганлиги билан ажралиб туради. Фольклори эса турфа санъатлар билан чамбарчас боғлиқдир. Замонавий Сенегал адабиёти намуналари француз ва маҳаллий волоф, диола, малинке, серер, сонинке ва фульбе тилларида ёзилган асарлардан иборат. Аммо маҳаллий тилда

ёзилган асарлар мамлакат миқёсидан ташқарига чикмаганлиги учун, мазкур адабиётнинг кўзга кўринган вакиллари, асосан, француз тилида ижод қилишган. Мазкур ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, сенегаллик ижодкорлар ўз халқи қалбидаги озодликка бўлган ташналик, миллий ўзликнинг топталмаслигига бўлган ҳаракатни ўз миллий тилида эмас, балки жаҳон миқёсида халқаро тиллардан бири деб тан олинган француз тилида ифода этишади. Шу сабабли француз тилида ёзилган асарларда сенегал халқининг бугуни ва ўтмиши, орзу-армони, аламу изтироби акс этган.

Сенегал адабиётида кўзга кўринган шоирлардан Леопольд Седар Сенгор, Амаду Мустафо Вад, Ламин Диакхате, Амаду Траоре Диоп, Давид Диоп, Сембен Усмон, Малик Фаль, ёзувчилардан эса Усмон Сосе Диоп, Нафиссату Диалло, Бираго Диоп, Шайх Ҳамид Кана, Абдулой Сажиди кабиларни санаб ўтиш мумкин.

Сенегал миллий адабиётининг биринчи адабий асари сифатида Бақари Диаллонинг ўз ҳаёти асосида ёзган ва 1926 йилда нашр этилган “Куч – саховат” қиссаси тилга олинади. Аммо мазкур асар унчалик шухрат қозонмади. Кейинчалик Сенегал адабиёти, хусусан, шеърияти ривожига атоқли давлат арбоби, олим ва шоир Леопольд Седар Сенгор (1906–2001) ижоди билан чамбарчас боғлиқ бўлди. У Сенегалнинг биринчи президенти. Француз тилида ижод қилган адиб 1930 йилларда Африка маданий қадриятлари бирлиги учун курашган “Негритюд” ҳаракатининг ташкилотчиларидан бири ҳам эди. Шунинг учун унинг асарларида ижтимоий мазмун етакчи ўрин эгаллайди.

Сенгор асарлари 1934 йилларда Францияда чоп этила бошлади. Унинг биринчи шеърий тўплами – “Қайғули шарпалар” 1945 йилда Парижда нашрдан чиққан. Сенгорнинг миллий озодлик ҳаракатида иштирок этиши ўз халқининг орзу-интилишларини акс эттирган “Қора қурбонлар” (1948) номли туркум лирик-публицистик асарларининг юзага келишига замин бўлиб хизмат қилди. Унинг кейинчалик чоп этилган “Эфиопия тўплами”, “Кузги мактублар” каби туркум асарлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. 2006 йили Сенегалда ёзувчининг 100 йиллиги кенг нишонланди. 2005 йили “Янги арбоблар” номли Франция Адабиёт ассоциацияси томонидан Леопольд Седар Сенгор номида халқаро мукофот таъсис этилди.

Кўпгина манбаларда Сенегал насри асосчиси сифатида Усмон Сосе

Диоп (1911–1973) тилга олинади. У 1911 йил 31 октябрда Сенегалнинг Рюффиск шаҳрида туғилган. Адиб маҳаллий ўрта таълим мактаби ва нуфузли лицейни тамомлагач, ўз билими ва тафаккурини бойитиш мақсадида Францияга отланади. Ёзувчи 1935 йилда Париж тропик ветеренария институти билан бирга, бошқа бир университетнинг “Тил ва адабиёт” факультетини ҳам битиради. Сўнгра Сенегалда чорва назорати инспекцияси бошлиғи сифатида иш бошлайди. Шу тариқа жамиятда юз бераётган ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этаётган адиб 1946 йилда Франция Сенатига сайланади ва бир йилдан кейин Франция Республикаси Мажлиси котиби сифатида фаолият юритади. Усмон Сосе 1950 йилларда Сенегалда яшайди ва бир нечта журналнинг чоп этилишига бош-қош бўлади. У 1958–1960 йиллар орасида Сенегалнинг АҚШдаги элчиси, БМТнинг Сенегалдаги вакили каби нуфузли лавозимларда ишлайди.

Усмон Сосенинг бадиий ижоди 30-йилларга – замонавий Сенегал миллий адабиёти шаклланиши даврларига тўғри келади. Унинг 1935 йилда чоп этилган “Карим” романи Ғарбий Африкада француз тилидаги илк роман ҳисобланади. Романда Сенегалнинг тарихи “ўтмиш саркити”га айланиб қолганлиги, маҳаллий аҳолининг туб маданий кадриялари Ғарб маданияти таъсирига қул бўлаётганлиги тасвирланади. Мазкур роман автобиографик услубда яратилган.

Усмон Сосенинг иккинчи романи – “Париж сароблари” 1937 йилда чоп этилади. Асар Парижга келиб, ўрталарида маданий девор бўлишига қарамай, оқ танли қизга уйланган африкалик йигитнинг фожиали тақдирига бағишланган. Романда қизнинг бевақт ўлимига чидай олмаган африкалик йигитнинг изтироблари ва охир-оқибат ўзини Сена дарёсига ташлаши билан боғлиқ ҳаётий драматик воқеалар таъсирчан акс эттирилган.

Бундан ташқари, шоир ва ёзувчи, Африка халқ эртакларини тўплаб, алоҳида нашр эттирган фидойи ижодкор Бираго Диоп (1906–1989) асарлари ҳам Европа ва Сенегалда анча шуҳрат қозонган. Асарларидаги миллий эртаклар билан бойитилган сюжетлар унинг ижодий-услубий ўзига хослигини таъминлаган. Университетда ўқиш даврида шоир Леопольд Седар Сенгор билан дўстлашади ва унинг “Негритюд” ҳаракатига кўшилади.

Сенегал адабиётида аёл ижодкорларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Жумладан, Мариама Ба, Аминат Соу Фаль, Фату Диом, Мариама Балар ижоди Сенегал миллий адабиётининг тараққиётига катта ҳисса қўшган. Хусусан, Мариама Баларнинг ижодида замонавий Африка жамиятида аёлларнинг камситилиши ҳақида кўплаб исёнкор, истехзо ва изтиробга тўла шеърлар мавжуд. Шоира 1980 йилда “Нома” мукофотига сазовор бўлган. Ҳозирда Сенегалда ижод қилаётган истеъдодли адиба Аминат Соу Фаль ҳам кўплаб китобхонларнинг эътирофига сазовор бўлаётган ёзувчилар сирасига киради. У олий таълимни Францияда олгач, ўзи туғилган Рюффиск шаҳрида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Кейинчалик аёл ёзувчилардан биринчи бўлиб Сенегал Ёзувчилар уюшмаси раиси бўлиб фаолият юритади. Бир нечта давлат мукофотлари соҳиби бўлади. Унинг ижоди ўрта таълим мактабларида ҳам ўрганилади.

*Нодир ЖЎРАҚЎЗИЕВ тайёрлади.*

## Тасвирий санъат



Замонавий Сенегал худудида илк тасвирий санъат белгиларини узоқ тарихда кўриш мумкин. Жумладан, Сенегал марказидан милоддан аввалги VIII–VI асрларга оид кулолчилик буюмлари, шунингдек, металл ва олтиндан ясалган такинчоқлар топилган.

Профессионал тасвирий санъат эса XX аср ўрталарига келиб ривожланади. Дакар шаҳрида 1972 йил Нафис санъат мактаби очилади ва у ерда Францияда таълим олган рассомлар дарс бера бошлайди.

Сенегал тасвирий санъатида бир томондан, анъанавий миллий тасвирий санъат шаклларини бевосита қўллаш, бошқа томондан – европача профессионал санъат даражасига қизиқиш сезилади. Бунда Сенегалнинг етакчи рассомлари Европада бадий таҳсил олиб, ўз юртида анъанавий санъат ривожига ҳисса қўшганлари ҳам сабаб бўлган. Жумладан, Бен Энвонву ва Феликс Идубор ижодида ўзига хос янгиликлар кўринади. Англияда таҳсил олган бу рассомлар кейинчалик нафақат Африкада, балки Европада ҳам шуҳрат қозонишди.

Сенегал санъатининг йирик намояндаси Кофи Антубам (1922–1964) дир. Ачимота коллежини тугатиб, Англияда бадий курсларда ўқиган бу ижодкор кейинчалик миллий санъат ривожига ўзини бағишлайди. У Ачимота бадий мактабини бошқаради, Европада ўтказилган кўплаб кўргазмаларда қатнашиб, Сенегал тасвирий санъатини чет давлатларда ҳам намойиш этади.

Сенегал тасвирий санъати ривожиди Пото-пото мактабининг ўрни катта. Бу мактабга француз рассоми ва этнографи Пьер Лод 1951 йили асос солган. Ушбу мактаб вакиллари ташкил этилган пайтиданок Африка анъаналарини тарғиб қила бошлаган. Пото-пото унча катта бўлмаган шахсий студиядан бора-бора замонавий Африка санъат марказларидан бирига айланади. Ун йиллар ичида Пото-пото устахонаси рангтасвирда такрорланмас услуб яратади.

Пото-пото вакиллари асосан Сенегал қишлоқлари ҳаётини қаламга олади, урф-одатлар, анъаналарга эътибор қаратади. Шу тарика туркум асарлар – “Ов”, “Қишлоқ байрамлари”, “Бозор” ва “Ракс” каби мавзулардаги картиналар яратилган.

Сенегаллик миллий рассомлардан яна бири – Талл Папа Ибра (1935) нинг ижоди ҳам эътиборга лойиқ. Кўплаб африкалик рассомлар сингари у ҳам Европада, Париждаги бадий мактабларнинг бирида ўқиган. Замонавий француз санъати, айниқса, амалий безак унинг ижодий шаклланишига катта таъсир ўтказди, лекин Ваганига қайтгач, у диққат билан она юртининг анъанавий санъати ва замонавий ҳаётини ўрганади. Рассомнинг ижодидаги ўзига хослик шундан иборатки, графика билан декоратив рангтасвирни уйғунлаштиради. Айниқса, у гиламларга чизган эскизларда буни кўриш мумкин. Булар гиламга ўхшамас эди, балки ўзгача картина, яъни қутилмаган тарзда ҳаёлий ва ҳаётий образлар бир-бири билан боғланиб кетган эди. Рассом инсонлар, ўсимликлар ва жонзотлар тасвирини ажойиб нақшга айлантиради.

*Чарос ФАНИЕВА тайёрлади.*





## Меъморчилик

Сенегал меъморчилиги шартли равишда икки турга бўлинади: аҳоли тураржойи меъморчилиги ва замонавий шаҳар қурилмаси. Шаҳарлар кўлами

кенгайишига қарамай аҳоли тураржойлари меъморчилиги катта аҳамият касб этади.

Сенегалнинг ғарбий ҳудудларида тураржойлар квадрат шаклидаги лойсувоқли хужралардан иборат, тўрт қатламли маҳаллий ғиштлардан қурилган ҳамда лойсувоқ билан ишлов берилган. Шарқий ҳудудларда эса думалоқ кўринишдаги тураржойлар шох-шаббалардан тўқилган, томи қурилган қамиш билан бекитилиб, конус кўринишида қурилган ва тўртбурчак шийпони ҳам бўлган. Жанубда аҳоли асосан ярим айлана кўринишдаги тўртбурчак ёки квадрат лойсувоқли уйларда истиқомат қилган. Бундан ташқари, пешайвон билан ўралган чўзиқ доирасимон тураржойлар ҳам жанубий туманларга хосдир. Уларнинг олд томони қизил ва кўк рангдаги жониворлар ва ўсимликлар расмлари билан безатилади.

Қурилиш хомашёси сифатида лой ва сомон қоришмасидан қуйилган ғиштлардан фойдаланилган. Камдан-кам ҳолларда овал шаклидаги тураржойлар ҳам учраб туради, улар очиқ айвон билан ўраб олинган. Деворлар қизил ва кўк рангдаги суратлар билан безатилган.

Сенегал меъморчилигида масжидлар архитектураси ажралиб туради. Жумладан, Тубадаги тақасимон равоқли масжид диққатга сазовор. Масжид ҳовлисининг атрофи пешайвонлар ва тўрт тарафи саккиз қиррали миноралардан иборат бўлиб, Шимолий Африканинг ўрта асрлар меъморчилиги услубида қурилган. Тўрт бурчагида учбурчаксимон миноралар кўтарилган. Масжид шарққа қараган жуда катта пештоқли дарвоза билан бошланади. Масжид ҳовлиси атрофи устунли очиқ айвонлар билан ўралган, икки ён томони ва ўртасида унча катта бўлмаган пештоқ-гумбазли бинолар қурилган. Ҳовлининг ичкарасида эса кичик пештоқ ва унинг бурчакларида ҳам қиррали минора ишланган. Шу пештоқ билан масжиднинг асосий биноси бошланади. Масжиднинг ички ва ташқи томонини безашда кўк, сарғиш ва қизил рангли нақшлардан иборат сирли кошнлардан фойдаланилган. Айниқса, қизғиш ва сариқ ранг бутун бино колоритида мужассам бўлиб, бошқа давлатларнинг меъморий безакларидан кескин фарқланади.

XX асрда шаҳарларда замонавий тураржойлар, меҳмонхоналар, маъмурий бинолар қуришга киришилди. Кўп қаватли уйлар офтоб тўсгич қурилмалар билан тропик иқлимга мосланиб, айна пайтда, французча услубда қурилди. 1960 йилдан кейин бир ва икки қаватли бетон уйлардан иборат ишчилар яшайдиган шаҳарчаларни барпо этиш авж олди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Сенегалнинг марказий кўринишлари кескин ўзгаради. Шаҳар марказларида европалик меъморлар томонидан кўплаб жамоа ва тураржой бинолари қурилади. Африканинг иқлимий шароитидан келиб чиққан ҳолда замонавий биноларни лойиҳалаштиришда европалик меъморлар маҳаллий меъморий анъана-

ларига эътибор беришган. Бунда, асосан, галерея типигаги тураржойлар қурилади. Ҳар бир ички хона ложа-балконлар билан мослаштирилади. Бу усул халқ меъморчилигида ҳам қўлланилган (Конакри тураржой бинолари мажмуи, Аккрада марказий кутубхона биноси, Кумаси университети, Секондидаги мактаб ва бошқалар).

Сўнгги йилларда шаҳарларда қайта тиклаш ишлари олиб борилиб, асосий қурилиш жойлари шаҳар четларига кўчирилмоқда. Бу даврда қурилиш ишларининг конструктивлик қирраси кўпроқ марказий шаҳарларда намоён бўлди. Осмонўпар биноларнинг енгил каркасли системалари баъзи иншоотларда бутунлай ойналар билан ишланган. Меъморчилик йўналишларидан “органик стил” оқими ажралиб чиқди. Хоналар оч, енгил рангларга бўяган. Баъзан интерьерда деворларнинг пастки қисми мебель қайси дарахт туридан қилинган бўлса, уни панел шаклида декорировка қилиш, мебелда эса ҳар хил металллардан орнаментал шаклдаги декор қўлланилиши кенг тус олган эди. Керамика, шишадан ишланган буюмлар жуда оригинал бўлиб, интерьерда кўп ишлатилади. Интерьерда катта ўрин чинни буюмларга – вазалар, ҳайкалчалар, ўзининг рангли колорити билан хона композициясини тўлдириб турувчи предметларга берилган.

*Шоҳсанам НИШОНОВА тайёрлади.*

## Рақс ва мусиқа

Ғарбий Африка давлатлари рақс ва мусиқа санъати миллий маросимларни ўтказиш билан боғлиқ урф-одатлар асосида ривожланган. Маросимлар маълум мақсадга йўналтирилганлиги сабабли, асрлар давомида рақс ва мусиқа санъатида ўзига хос умуммиллий хусусиятлар шаклланган. Шу сабабдан, Сенегал миллий рақси ва мусиқаси негизини ҳам халқ маданий тарихи, анъаналари ва маросимлари ташкил этади.

Сенегал рақслари нафақат мамлакатнинг ўзида, балки Африканинг бир қатор давлатларида ҳам оммалашган бўлиб, жанубий ҳудудларда “мбалах”, “волоф”, “ленжин”, “зула” қабилар урфга айланган. Ушбу давлатнинг миллий рақс санъати ва мусиқаси биринчи марта XVII асрда ёзиб олинди, тадқиқ этилган. Ўрганилган рақс тури ижроси ўзига хос бўлиб, унда ижрочининг бошига қўйилган ноғора уриб чалинган, раққослар эса бир-бирлари билан беллашган ҳолда рақсга тушишган. Ноғоранинг баланд товуши узоқ-узоқларга ҳам эшитилиб турган. Шу тариқа мазкур рақс қабилалар ўртасида бир-бирига хабар етказиш вазифасини ҳам бажарган.

Сенегал рақслари орасида “сабара” машҳур бўлиб, у никоҳ тўйлари, халқ сайиллари, турли базмларда ижро этилади. Унда ижрочилар катта доира ҳосил қилади. Бир ёки икки раққос ўртага тушиб, ўзларининг энг зўр ҳаракатларини намойиш этади. Рақс ижросида сакраш, қўл ва оёқ ҳаракатига алоҳида урғу берилади.





“Мбалах” ракси Сенегалнинг миллий омма-боп ракси саналиб, у ғарб мусиқасининг “жаз”, “соул”, “рок” услублари ва “сабара” уйғунлигидан вужудга келган. “Мбалах” ракси пайдо бўлгунга қадар, Сенегалда Куба мусиқаси таъсиридаги куйларни ижро этиш урфга айланган. Африканинг француз тилида сўзлашувчи хуудларида “сальса” ракси оммалашган. Шунингдек, “блюз” ва “соул”, “сабар” ва “гевел” (“гриот”), Куба “румба”сининг Сенегал миллий мусиқа-ракси билан синтези тажрибаси амалиётга киритилган. 1970 йилдагина “мбалах” ракси пайдо бўлган. “Мбалах” анъанавий ракси ғарб маданиятидан таъсирланган янги куй ва ритмлар билан бойиб

борди, йирик байрамларда, кейинчалик тўйлар, оилавий маросимларда ҳам ижро этила бошлади. Тиззалар ҳаракатидан иборат “мбалах” ракси 4-6 барабан жўровозлигида полиритмик услубда ижро этилади.

Сенегалнинг жанубий қисмларида пайдо бўлган “мандинка” ўйини сероуба ва боугаробу ноғоралари жўровозлигида ижро этилган. “Мандинка” ракси тарихи Мали давлати билан боғлиқ бўлиб, у аниқ ритмларга мос ҳаракатларга асосланади. Бунда раққослар гавдаларини буккан ҳолда қўллари горизонтал ҳолатда чўзилади ва оёқ ҳаракатлари ритмга мувофиқ ҳаракат қилади.

“Фулани” (“пеул”) рақслари флейта, скрипка ва буба ноғора куйлари жўровозлигида нозик ижро этиладиган рақс саналади. Рақсда асосий эътибор елка ҳаракатларига қаратилади.

Замонавий рақслар катта театр томошалари учун саҳналаштирилсада, Сенегал анъанавий рақс турлари қишлоқларда сақланиб қолган. Улар раққос ва раққосалар томонидан қайта ишланиб, авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.

Сенегалда балафон, жембе, тама, палиела, гнагнур, флейта каби чолғулар жўровозлигида кўшиқчилик санъатининг турли жанрлари ривожланган. Булар орасида мусиқа ва рақс уйғунлигидаги диний ашулалар алоҳида ажралиб туради. Сенегал мусиқаси маҳаллий халқ ва гриотлар санъати, шунингдек, араб ва Европа мусиқа маданиятининг таъсирида ўзига хос услублар билан бойиб борган. XX асрнинг иккинчи ярмидан Америка поп мусиқаси таъсирида янги мусиқий услублар пайдо бўлди ва кенг тарқалди.

Сенегал 1966 йилда 1-бутунжаҳон негро-африка санъати фестивали (ФЕСМАН) ўтказиш ташаббускори ва ташкилотчиси бўлди. (Кейинчалик ФЕСМАН халқаро фестивали Африка мамлакатлари, хусусан, Сенегал мусиқа санъати ривожига катта роль ўйнади). Мавританиянинг Нуакшот шаҳрида 2004 йилда ўтказилган 1-кўчманчи халқлар мусиқа фестивалида фольклор гуруҳлар ва мусиқа жамоалари иштирок этди. Шу йилнинг ноябрь ойида сенегаллик бастакор ва кўшиқчи Абду Гите Сек “Радио Франс интернационал” радиостанцияси томонидан Африка, Кариб ҳавзаси ва Ҳинд океани хууду мусиқа санъатини ривожлантириш ва тарғиб этиш мақсадида ўтказиладиган “Жаҳон мусиқаси” халқаро танловида фахрли ўринни эгаллади. Абду Гите Сек кўшиқлари сенегалча ритмлар ва Ғарб рок мусиқаси уйғунлигида яратилган бўлиб, у ижод қилган “Вок” Франко-Сенегал гуруҳи 2000 йилда “Жаҳон мусиқаси”

фестивали совриндорига айланган. 2003 йилда ушбу соврин “Позитив Блек Сулл” рэп гуруҳи бастакори Дидье Авадига насиб қилди.

Замонавий мусиқачилар ва кўшиқчилар орасида мандинго анъанавий мусиқаси, “фанк” ва “регги” усулидаги куйлари билан эътибор қозонган “Даанде Ленол” гуруҳи раҳбари Бааба Маал ва Мансур Сек ижоди машҳур. Бундан ташқари, композитор Гу Ба Нигерия ижоди ҳам эл орасида танилган бўлиб, у Гвинея, Комор ороллари бастакорлари билан ҳаммуаллифликда куйлар яратади.

*Обиджон АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.*

## Театр



Сенегал театри кўплаб Африка мамлакатларининг театр санъати ривожига асос бўлиб хизмат қилган. Сенегал театр санъатининг илдизлари анча қадимий бўлиб, бу борада халқ оғзаки ижоди ижрочилари бўлмиш гриотлар (халқ бахшилари)нинг ҳиссаси катта. Улар сайёр тарзда мамлакат бўйлаб кезиб юрганлар. Далада меҳнат қилаётган деҳқонлар орасида кезиб юрган гриотлар халқ термаларидан олинган, эпослардан озикланган ижролари билан улар кўнглини хушнуд этишган. Табиийки, гриотлар термалар ижро этар экан, улардаги ҳар бир қаҳрамон образига киришга, унинг руҳиятига сингишга уринишади, иложи борича воқеаларни атрофдагиларга жонли тарзда етказишга ҳаракат қилишади. Овоз, оҳанг, хатти-ҳаракатлардаги тақлид, ҳар бир даврага мослашиш ва ҳар даврада ўзгача услубда воқеаларни ривожлантириш, кутилмаган импровизациялардан фойдаланиш гриотлар мисолида бир актёр театри элементларини вужудга келтиради.

Замонавий кўринишдаги театрга асос бўлувчи халқ санъати намуналари асосан Сенегал миллий рақслари ва кўшиқлари билан боғлиқ. Халқ бир жойга тўпланганида айнан мана шу санъат турлари биргалликда намоиш этилган. Бу ҳолат Африкада, хусусан, Сенегалда мустамлакачилик сиёсатига асос солингунга қадар давом этган. Дастлаб голландлар, сўнгра узоқ давр мобайнида Франция таъсирида бўлган Сенегалга Европа маданияти кириб кела бошлади. Хусусан, театр санъатининг замонавий шакли ҳам айнан мустамлакачилик даврида кириб келди. Ғарбий Африка мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб Сенегалда замонавий театрлар пайдо бўлди. Улар ўзига хос тарзда мактаб-театр шаклида ташкил этилди.

Замонавий Африка ҳаётдан ҳикоя қилувчи дастлабки спектакль 1933 йилда Дакардаги Уилям Понти мактаб-театрида француз тилида намоиш этилган. Замонавий мавзулардан ташқари ушбу мактаб-театрларда тарихий мавзудаги ҳамда халқ меросидан олинган асарлар ҳам сахналаштирилган. Уларга “Бигола” тарихий драмаси ҳамда “Даъвогарлар – рақиблар” маиший драмаларини мисол келтириш ўринли.



50-йилларда Дакарда фаолият бошлаган консерваторияда мусикали драма театрлари учун ижрочилар тайёрланганлиги бу борада кадрлар масаласига жиддий эътибор қаратилганини кўрсатади.

Сенегал театрининг бадиий-ижодий ривожланиши баробарида унинг тарғиботи, жаҳонга юз очиши ҳамда профессионал кадрлар билан таъминланишида режиссёр, драматург, ташкилотчи, жамоат арбоби Морис Сонар Сенгорнинг бекиёс ўрни бор. Сенгор 1926 йилда Дакарда туғилган. У ёшлигидан турфа маданиятлар қоришган Сенегал ҳаёти, бой урф-одатларини диққат-эътибор билан ўрганди. Олий таълимни Парижда олди. 1948 йилда Парижда биринчи Африка кўшиқ ва рақс ансамблини ташкил этди. Ушбу ансамбль билан бутун Европа бўйлаб гастролларда бўлди. 1954 йилдан бошлаб Дакардаги “Пале театри” да директор сифатида фаолият юритди. Ушбу театр ўша пайтларда Ғарбий Африкадаги ижодий марказлардан саналарди.

Сенегал мустақил мамлакатга айлангандан кейин ҳам Ғарбий Африкада театр санъати борасидаги етакчилигини сақлаб қолди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, этник жиҳатдан хилма-хил бўлган Сенегал халқи турли динга эътиқод қилади, урф-одатлари ҳам турлича. Бирок ушбу мамлакат театр санъатининг ўзига хос киёфаси бор.

1961 йили Сенгорнинг ташаббуси билан Миллий балет ансамбли ташкил этилди. Бу профессионал сахна ижодкорлари етишиб чиқишига замин яратди. 1965 йилда эса Сенегалда биринчи профессионал театр ташкил этилди. Даниэл Сорано номидаги ушбу театрга унинг ташкилотчиларидан бўлган М.С.Сенгор раҳбарлик қилди. Ушбу театрнинг ташкил этилиши 1966 йилда Сенегалда бўлиб ўтган Негрлар санъати биринчи халқаро фестивали учун тайёргарлик вазифасини ҳам ўтади. Рақс ҳамда драматик воқеалар асосидаги “Синдели” спектакли, “Сатидонг” интермедияси, “Капкура” пантомимаси, “Жаноб порахўр ва компания” сатираси, “Сохта лайлак” каби комедиялар Сенгор бошчилигидаги ансамблнинг ҳам, театрнинг ҳам доврўғини оширди. Ушбу ижодий гуруҳлар 60–70-йилларда бутун Европа ҳамда кўплаб бошқа мамлакатларда гастролларда бўлган.

Сенегал театрларида XX асрнинг 70-йилларигача мустамлакачилик зулмига қарши курашган мард, жасур ўғлонлар сиймоси акс этган спектакллар сахналаштирилди. Жумладан, Амаду Сиссе Дианинг “Лата-Диорнинг сўнгги куни”, Шейх Ндаонинг “Албурунинг ҳайдалаши” асарлари асосида режиссёр Р.Эрмантье сахналаштирган спектакллар кўпчиликнинг олқишини қозонди. Айниқса, “Албурунинг ҳайдалиши” спектакли 1969 йили Жазоирда ўтказилган Панафрика маданияти фестивалида энг яхши спектакллардан деб топилди.

Сенегал театрлари, хусусан, Даниэл Сорано театрида хорижий драматургларнинг пьесалари ҳам муваффақиятли сахналаштирилган. Улардан У.Шекспирнинг “Макбет”, Н.В.Гоголнинг “Ревизор”, А.П.Чеховнинг “Айик” асарларини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Сенегал миллий драматургияси ривожда Амаду Сиссе Диа, Абду Анта Ка, Шейх Ндао каби ижодкорларнинг ҳиссаси катта. Улар орасида Амаду Сиссе Диа (1915–2002)нинг ўзига хос ўрни бор. Ёзувчи, драматург, сиёсатчи А.С.Диа ўз асарларини француз тилида ёзиб, уларда асосан ватанпарварлик ғояларини илгари сурган. “Дамелнинг ўлими”, “Лата-Диорнинг сўнгги куни” каби асарлари Сенегал театр санъатида катта воқелик бўлди. Ёзувчи сифатида Диа ҳатто Нобель мукофотига номзод сифатида тавсия этилган.



Даниэл Сорано каби профессионал театрларнинг жиддий, тарихий мавзудаги спектаклларни жуда кўп намойиш қилиши, чипталарнинг қимматлиги, мамлакат бўйлаб гастролларнинг ниҳоятда кам уюштирилиши натижасида профессионал театрлар фаолияти инкирозга юз тута бошлади. Бунинг оқибатида эса ҳаваскор театрлар кўпайиб борди. Уларнинг самарали томони халққа жуда яқинлиги, сайёр тарзда томошабинларнинг орасига кириб бориши ҳамда томоша нархларининг жуда арзонлигида эди. Бироқ спектаклларнинг савияси пастлиги сабаб ҳукумат бундан жуда ташвишга тушади. Шу сабабли уларнинг профессионал даражасини кўтариш бўйича чора-тадбирлар кўрилди. Хусусан, Ҳаваскор театрлар миллий федерацияси тузилди (кейинчалик Халқ театрлари федерациясига айлантирилди), улар ўртасида фестиваль ташкил этилиб, энг яхши труппалар қўшимча моддий таъминотга ва профессионал маслаҳатчиларга эга бўлишди.

Сенегал ёшларининг ривожланган хорижий мамлакатларга интилиши, замонавий маданиятларни ўзлаштиришга бўлган қизиқиши натижасида йилдан-йилга халқнинг миллий қадриятларига путур етаётганини кузатиш мумкин. Гарчи авваллари Сенегал театр санъати Африка қитъасида етакчилардан бири саналган бўлса, сўнгги йилларда бу борада оқсашлар кўзга ташланмоқда. Ҳукумат ҳамда санъат жонкуярлари томонидан эса, халқнинг миллий меросини асраб-авайлашга, ривожлантиришга катта аҳамият қаратилмоқда.

*Бахтиёр ЁҚУБОВ тайёрлади.*

## Кино

Кино санъати кўп ҳолларда сиёсий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ бўлгани боис, айнан ўтган асрнинг 50-йилларига келиб, Сенегал кино тарихида илк қадамлар ташлана бошлайди.

Сенегал давлатининг дастлабки фильмлари, кўп мамлакатлар кино тарихида бўлгани сингари, хужжатли кинодан бошланади. Лекин шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, франциялик киночилар XX асрнинг бошидан бошлаб, Сенегал табиатидан фойдаланган ҳолда Европа учун кўплаб фильмларни айнан Сенегал шаҳар ва қишлоқларида суратга олишади. Бу давр ҳақида Сенегал киносининг асосчиларидан бири Полен Виера шундай ёзади: “Бу фильмларда франциялик режиссёрлар маҳаллий аҳолининг экзотик яшаш тарзлари, урф-одатлари, кийимларидан фойдаланишган. Кўп ҳолларда Африка ёввойи ҳайвонлари билан боғлиқ сюжетлар ҳам айнан Сенегал жунглиларида суратга олинган”.

Француз кино ижодкорлари Африка халқларининг ўз эркинлиги йўлида курашаётганлигини, у ердаги оғир ва машаққатли аҳволни фильмларида кўрсатишга ҳаракат қилишган. Таниқли француз режиссёри Рене Вотье ўзининг “Африка – 50” фильмида Африка мамлакатларида мустамлакачилар томонидан бешафқат репрессиялар олиб борилаётга-





ни, аҳолига яшаш, ўқиш ва ишлаш учун имкониятлар яратилиб берилмаганини бадий образларда тасвирлайди.

Сенегал халқи бошқа Африка халқлари сингари кино санъатига эътибор қаратмаган.

Улар кўпроқ анъанавий мусиқа, ракс ва халқ ҳунармандчилиги каби санъат турларига аҳамият беришган. Кино санъати ва саноатининг ривожланишига Ғарбий Африка давлатларида на ижодий, на иқтисодий ва на сиёсий имконият бор эди. Ўтган асрнинг 50–60-йилларида Ғарбий ва Марказий Африка давлатларида сиёсий ўзгаришлар юз бериб, бу давлатлар ўз мустақиллигига эриша бошлайди. Ижтимоий-сиёсий эркинлик Тропик Африка давлатларида янги маънавий-маданий имкониятларни яратади. Хусусан, Сенегал мустақиллигининг илк йиллариданоқ таълим ва маданият ривожига катта эътибор қаратади. Кўп ўтмай сенегаллик ёшларда хорижга чиқиш имконияти пайдо бўлади, улар, асосан, Париж ва бошқа шаҳарларда таълим олишади.

Сенегалда намоёиш этиладиган фильмларнинг 90 фоизи Францияда яратилган бўлиб, сенегаллик томошабинлар орасида француз актёрлари жуда ҳам машҳур. Шунинг учун бўлса керак, илк Сенегал фильмлари айнан Парижда суратга олинган. 1955 йили Францияда ўқиб юрган сенегаллик бир гуруҳ ижодкорлар Парижда “Сена дарёсидаги африкаликлар” ҳужжатли фильмини ишлашади. Ватанпарварлик ғояларига йўғрилган бу фильм нафақат парижлик талабалар орасида, балки сенегаллик ва африкалик ёшлар орасида ҳам катта шухрат қозонади.

1961 йили Франциянинг таниқли кино усталаридан сабоқ олган сенегаллик режиссёр Полен Вьейра “Миллатнинг туғилиши” бадий фильмини суратга олади. Сенегалда кино саноатига ҳали асос солилмагани ва киностудия қурилмагани учун бу фильм ҳам Францияда яратилади. “Миллатнинг туғилиши” фильми орқали режиссёр Ғарбий Африка мамлакатлари халқини ўз эркинлиги учун кураши ғоясини илгари суради.

Сенегал киносининг энг йирик намоёндаси Сембен Усмон 1962 йил Парижда “Аравакаш” қисқа метражли фильмини яратади. Айнан мана шу кинокартина Франциянинг Туре шаҳрида ўтадиган фестивалда иштирок этади ва Сенегал киноси тарихидаги илк халқаро совринга эга бўлади. Фильм қаҳрамони оиласини боқиш учун Дакар кўчаларида аравакашлик қилади. Аравакаш бир мижоз билан жанжаллашиб, ундан қутулиш учун ўзи билмаган ҳолда бойлар маҳалласига бориб қолади. Бу ерда камбағалларнинг юриши ман этилгани боис полиция уни жаримага тортади. Пули йўқ аравакаш ягона бисоти – аравасини полицияга гаров тариқасида қолдиради... Эрининг уйга қуруқ қайтганидан жаҳли чиққан хотини нима қилиб бўлса ҳам пул топиш мақсадида уйдан чиқиб кетади...

Фильм Иккинчи жаҳон урушидан сўнг италиялик кинематографлар кашф этган “неореализм” йўналишида суратга олинган. Фильм ҳажман қисқа – йигирма дақиқа бўлишига қарамай, режиссёр бутун Африка халқининг дардини, муаммосини кўрсата олган.

1966 йили Сембен Усмоннинг яна бир муваффақиятли асари дунёга келади. Унинг “Қора танли аёл” фильми бутун Европани ларзага келтиради. Картина кўплаб фестивалларда совриндор бўлади, турли мамлакатларда намоиш қилинади. Драматик воқеаларга бой ушбу фильмда режиссёр қора танли инсоннинг киборлар орасида қанчалик хўрланишини, эркинликка чиққан Африка халқининг ҳали ҳам европаликлар тушунчасида “кул” бўлиб қолаётганини таъсирчан эпизодлар орқали кўрсата олган.

Африка киносининг жонкуяри бўлган Сембен Усмон Ўзбекистонга ҳам таниш. У юртимизда ўтказилган халқаро кинофестивалларда фаол иштирок этган. Жумладан, 1978 йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “V халқаро кинофестивалда у шундай дейди: “Тошкент шаҳридаги халқаро фестиваль ҳар томонлама ривожланиб келаётган Африка мамлакатлари учун катта мактабдир. Биз африкаликлар учун кинематография бирлаштирувчи куч саналади. Фильмлар орқали бизларнинг маданиятимиз яқинлашади. Биз бу ерда ўз фильмларимиз орқали юртимиздаги муаммоларни кўрсатиш баробарида Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларидаги жараёнлар билан ҳам яқиндан танишамиз. Кино барча халқларни бирлаштирувчи санъатдир”.

Дарҳақиқат, бугун ҳам Сенегал учун кинематография нафақат маънавий-маданий, эстетик-ахлоқий ривожланиш манбаи, балки сиёсий-ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда муҳим восита ҳисобланади.

*Санъатшунослик фанлари номзоди  
Ойбек ВЕЙСАЛ ўғли тайёрлади.*





## СЕНЕГАЛ ШЕЪРИЯТИДАН НАМУНАЛАР

### *Леопольд Седар СЕНГОР*

(1906–2001)

*Рус тилидан  
Зулфия МЎМИНОВА  
таржимаси*

Сенегаллик атоқли давлат ва жамоат арбоби, шоир. Европада таҳсил олган. Сенегал Республикасининг биринчи президенти (1960–1980). Француз тилида ижод қилувчи Африка шоирлари антологиясини тузган. “Тун ва кун қўшиқлари” (1965), “Танланган шеърлар” (1969) каби китоблари нашр қилинган.

### САРДОРГА

*Сардор!*

*Биз сени қалбларни бериб эшитдик.*

*Овозинг бизнинг тобе тунлар оралаб,*

*Худди Брусс ҳукмдори овозидек,*

*эгик елкаларимиз узра таралди.*

*Биз палапонлармиз – уясидан айрилган,*

*умидсиз бир жонсиз танамиз.*

*Йиртқичлармиз – тирноқлари юлинган,*

*қуролсизланган саллотмиз – ялангоч.*

*Мана биз ёғочдек беъхшов қотганмиз,*

*етакчисин йўқотган сўқирлардекмиз.*

*Виждонлилар ўлдилар, ўзларини отмадилар шармандалик бўғзига.*

*Маданиятли эл жоҳиллиги исканжасида ҳимоячимиз йўқ!*

*Биз таянч изласак, улар қум сочдилар кўзларимизга.*

*Биз раҳбар изласак, у – йўқ, қуролдош изласак, улар исташмади.*

*Биз танимай қолдик Францияни.*

*Тунлар камбағалликдан нола қилдим. Эътибор йўқ.*

*Князлар қулфлади ибодатхонани,*

*Ҳукмдорлар эса “бағрикенглик” ила дедилар:*

*“Гап занжилардами?! Гап одамлардами?! Бемаънилик!*

*Бариси бекордир Европа ҳақда гап кетса агар!”*

*Сардор!*

*Сенинг виждон ва ишонч деган овозинг*

*ҳаяжонга солди кўксимизни.*

Овозинг ваъда берар Республикадан,  
 Биз унда қурамыз ёруғ бир шаҳар –  
 Тенглар ичра тенг қардошлар аро!  
 Жавобимиз шу: “Бу ерда ўзимиз бекмиз, Сардор!”

### ЛЮКСЕМБУРГ БОҒИ

Люксембург боғини кезаман қузда,  
 Худди ёшлигимни кезганим каби.  
 Бунда йўқ энди севишиганлар,  
 Қайиқлар, фавворалар, болаларнинг  
 Шўх қулгилари – дилга яқин “сайёра” ҳам йўқ.  
 Фақат теннис кортида қулгили қариялар кезинар.  
 Бу қуз тонгида болалар қани?  
 Ёпиқ турар болалар театри!  
 Люксембург боғи, унда мен топмадим,  
 Ёшлик наҳорин, яшил баҳорин.  
 Наҳотки орзулар чилпарчин бўлди.  
 Наҳотки бу ерда голиб йўқ.  
 Хазонлар тўкилар, эзилган боғлар,  
 Устига худди сўнгги томчи қон каби,  
 Қариндошлиқ қабрини тўлдирмоқ учун.  
 Люксембург боғи, мен уни танидим.  
 Тўхтаб турар соатлар.  
 Тўплар турибди, қўрқоқ ҳокимиятни қўриқлаб, аяб.  
 Қачонлардир мен нозиклик ва нафислик нелигини англаганим  
 Ўриндиқ ёнида хандақ қазилибди.  
 Мен уни танидим – ёшликда битилган ёзувимдан.  
 Хазонлар тўкилар хандақ ва чуқурлар оғзини ёпмоқлик учун.  
 Тўкилар авлодларининг қони устига,  
 Европа кўймоқда янги халқнинг ишончлари-ю,  
 Миллатнинг тоза гулларин.

### Бираго ДИОП

(1906–1989)

Шоир, давлат ва жамоат арбоби. Шифокорлик ва ветеринария соҳаси бўйича таҳсил олган Бираго Диоп ўқувчилик йилларидан шеърлар ёза бошлаган. 1934 йили Африка халқ эртакларини тўплаб, китоб ҳолида чоп эттирган. Бу фидойилиги учун қатор мукофотлар билан тақдирланган. Бир нечта шеърини китоби нашр этилган.

### ЭШКАКЧИ ҚЎШИҒИ

Қора танли эшкак эшувчи  
 Бандаргоҳда куйлайди қўшиқ.  
 У қўшиқнинг боши қаерда  
 Ва қаерда тугар у қўшиқ?



Мен сўрадим сайроқ қаргадан:  
 “Недан пайдо учқур қўшиқлар?!”  
 У айтдики: “Ёз фаслин ушлаб  
 Шум шамоллар тўлқинга ташилар.  
 Сув эса гўзалликни асрамоқ бўлиб  
 Тўлқинларни тараб, қўшиқ бошлайди”.

Қора танли эшкак эшувчи  
 Бандаргоҳда куйлайди қўшиқ.  
 У қўшиқнинг боши қаерда  
 Ва қаерда тугар у қўшиқ?

Бир куни сўрадим яшил майсадан:  
 “Кимнинг куйларини обкетди туман?”  
 Улар айтди: “Ёз фаслин ушлаб  
 Совга қилиб тўфонга отди.  
 Аммо жингалак соч қария  
 Гўзаллик учун  
 Қўшиқни сочи-ла ушлаб,  
 Денгизга отди”.

Қора танли эшкак эшувчи  
 Бандаргоҳда куйлайди қўшиқ.  
 У қўшиқнинг боши қаерда  
 Ва қаерда тугар у қўшиқ?

Бир куни сўрадим шакарқамишдан:  
 “Қандай туғилади дастгоҳ айтган куй?”  
 Улар айтди: “Ёз фаслин ушлаб,  
 Олиб учди бир қуш фалакка.  
 Уни ерга, гулларга терди  
 Ва эшкакчига мангуга берди.

Қора танли эшкак эшувчи,  
 Менинг қўшиқчим,  
 Чаптастсан зоят.  
 Қўшиқ қандай туғилишини  
 Билдим ниҳоят.

## ДОНИШМАНДЛИК

Ҳар қандай истагу оғриқни отаман,  
 Олис ўлкалардан уйга қайтаман.  
 Майли, ёқсин куйдиргувчи тун,  
 Менинг қайғу-аламларимни.  
 Ҳар қандай истагу оғриқни отаман,  
 Ердан кўтараман қонли парчани –  
 Юрагимнинг синиқларини,  
 Товонингиз эзмаган бўлса,  
 Тирик бўлса ҳали юрагим,

*Ердан кўтараман қонли парчани.  
 Менга насиб этар ўнг келар тушлар  
 Ва учиб келади ёрқин бир соат.  
 Тўрт томондан тўрт шамол келар,  
 Ҳорғин кўзларимни эркалайди-ю,  
 Рўёга айланар тушларим абад.*

## АЖДОДЛАР НАФАСИ

*Илоҳий овозларни тинглагин гоҳо,  
 Диққатингда бўлсин ўтмиш баёти.  
 Шитирлайди олов овози,  
 Ойналидир сувнинг овози,  
 Далаларда кезиб юради  
 Аждодлар ёди.  
 Ўрганган жойидан кетмайди руҳлар,  
 Гоҳида абгор,  
 Қадрдон ўлкага қайтар кетганлар,  
 Қора тупроқни этмайин макон,  
 Шамол бўлиб осмонга кўчди.  
 Завод ичра сув каби тиниб,  
 Шаршарада сув ўйнайдилар.  
 Оломон ичра юрар, қўрғонни қўриқлар  
 Ўлмайдилар, ўтиб кетганлар.  
 Аждодлар ўлмасдир,  
 Бунда қолмиш жами ўтганлар.  
 Фоний ернинг устида улар,  
 Қадрдон жойлардан кетмас ўликлар.  
 Оналар кўксига улар  
 Келинларнинг кулгисига-ю  
 Чақалоқлар йигисига бор.  
 Ҳар бурчакда улар намоён,  
 Қуруқ ерни этмаслар макон.  
 Майсаларнинг шивирларида,  
 Рақс тушади гулхан ёнида.  
 Улар бизнинг ошёнларни  
 Маскан айлаб, манзил этганлар.  
 Мустаҳкамдир кун-ба кунимиз,  
 Улар билан боғлиқлигимиз.  
 Улар яқин – бармоқ теккудек,  
 Қалбимизга яқин турарлар.  
 Улар бизнинг сафларимизда,  
 Бамисоли тирик юрарлар.  
 Ўлмагандир, ўтиб кетганлар.  
 Нозик иплар боғлиқ улар-ла  
 Тортиб турар бизларга томон.  
 Кенгликларга қўнади улар,  
 Шамол бўлиб йўлларида шошар.  
 Қавжираган ўт-ўланлару  
 Шитирлайди том қамишида.*

*Кесилган дарахтлар ўрнидан бўйлар  
Заводда ухлайди, шаршарада ўйнайди.  
Улар ёди куч берар бизга,  
Асло кетмас вафот этганлар,  
Ўлмас руҳи заминимизда.*

## Сембен УСМОН

(1923–2007)

*Рус тилидан  
Сафар ОЛЛОЁР  
таржимаси*

*Таниқли носир, шоир ва кинорежиссёр. Фаранг тилида ижод қилган. “Сенегал ўғли” ва “Янги саҳифалар” (1964) ҳикоя ва шеърлар китоби, “Харматтан” (1966) асарлари чоп этилган.*

### КАЗАМАНС

*Казаманс – азим дарё,  
сенда замон руҳи жо.  
Мен дунёга келмасдан  
олдин бор эдинг ҳатто.  
Улугвор,  
осмон билан  
ўзингсан бирга оққан,  
аждодимдан ҳам кекса,  
доим олдга интилган...  
Казаманс – собит дарё!  
Кўзгусан мудом ойга,  
сен фақат самодан ёш,  
келтирдинг юртга фойда.  
Кўркинг завқ бермас кимга,  
билсанг,  
болалигимда  
бағрингдан балиқ овлаб,  
таскин топдим севгимга.  
Сен сергап ўртоғимдай  
ганга тутардинг атай.  
Камсухан,  
содда бола –  
мен сени не деб атай...  
Дарё!  
Оқиздинг зорим –  
ҳар рўзгорнинг губорин.  
Ибрат ювош тийнатинг,  
бетин чертдинг қалб торин.*

*Дарё,  
сен – халқ,  
сен – қудрат  
ҳам мулойим ҳамсуҳбат.  
Сатҳингда маишатга  
нокаслар топди журъат.  
Сенга нима бўлди, айт,  
Казаманс,  
оқдинг лоқайд?  
Темза,  
Рейн,  
Рон – тимсоҳлар  
ўрнида кема бу пайт...  
У ерларда бойлигу  
латофатингдан гулу –  
бунча сувни кўрмадим,  
ичингдан чиқиб, ёҳу!  
Оқишинг – элга нафас,  
шаштинг куну тун сўнмас,  
сувларинг – далаларга  
жонбахш шарбат эрур, бас.  
Сен янги авлодларни –  
саф-саф тирик асарни  
вояга етказасан,  
бахш айлаб хуш назарни.  
Сен бизда,  
сен биз билан,  
шаънингни куйлаб дилдан*

беҳад бойлик тарзида  
 эъозлар қадринг билган.  
 Халқ – бу улгаювчи куч,  
 сенга эш ҳар бир ҳовуч.  
 Номингни куйлар хушҳол,  
 қай бирига келсанг дуч.  
 Тўлқинларинг мавжланиб,  
 жўш урар бизни таниб.  
 Бағрингда яшар кўп жон

кўп хатардан асраниб.  
 Инжа ҳиссим айтсам гар,  
 тўлғонасан бешибаттар –  
 улар сиру овозинг  
 уфқ аҳлига тарқатар.  
 Тамтам саси таралган  
 қай дам тўлқинларингдан?..  
 Бизни кечир,  
 Казаманс,  
 куч-қудратинг бизга тан!

## МАРСИЯ

Диуана,  
 синглим-қондошим,  
 бағрим,  
 Казаманс қиргоғи – кўз очган юртинг.  
 Кўнгилдай кенг оқим уфқ томон тагин  
 шошилиб оқарди,  
 бахтиёр эрдинг.  
 Диуана,  
 синглим!  
 Бугун Африка  
 анча тинчиб қолган,  
 қамалдан холи –  
 қулортар кемалар боқмас афтига,  
 тинди айрилиқ ва даҳшат шамоли.  
 Занжирбанд акалар доду фарёди  
 энди тебрантирмас ўтли қиргоқни.  
 Хотирда бўзлашлар,  
 қий-чувлар ёди –  
 ким ҳам унутарди аччиқ фироқни.  
 Диуана,  
 синглим!  
 Вақт ўтар суқли,  
 чил-чил узилди-я қуллик занжири.  
 Қирчумоли аҳли кўҳна қудуқни  
 кемириб – семириб ўлди охири.  
 Бизни эзар ҳануз  
 номус,  
 кучсизлик,  
 ҳамон мавжуд баттол қамоқхоналар –  
 мозий қул кўрмаган аждодимиздек,  
 эздан чиқмас асло – тошибитик қадар.  
 Диуана,  
 синглим!  
 Субҳидам қуёш  
 қабрингга нур сочди ёрқин,  
 тилларанг.  
 Жўхори ва гуруч бошоғи сирдош –  
 бошингда бош эгиб,  
 ўсмоқда аранг.  
 Диуана,  
 синглим!

Бизнинг далада  
 муаттар ҳидлари тунги фараҳнинг –  
 жон тер ила сувлаб,  
 оний паллада  
 ёвгон ичган қулга келади раҳминг.  
 Озодлик насими – ватан согинчи.  
 Диуана,  
 хур Тонг аломатисан.  
 Гурбат ютди сени – йўқолди тинчим,  
 тақдирингда не фарқ аждодларимдан?!  
 Сени алдадилар,  
 гулдай қўлингни  
 сувтекинга сотиб олдилар гўё.  
 Иссиқсевар пальма каби феълингни  
 беписанд кўрдилар шимолга раво.  
 Диуана,  
 кун келар  
 ва бу кун яқин,  
 баралла айтамиз африкаликлар:  
 “Бу ўрмон, далалар ҳамда бу замин –  
 бизники,  
 биз учун қора мушаклар!”  
 Юраклар бўзлайди қабринг бошида.  
 Сингилчам,  
 тинч ёт,  
 чекма ҳеч фарёд.  
 Бил, Хуррият йўлдош Тонг қуёшига!  
 Яқинда Африка бўлар ҳур-озод!

## Давид ДИОП

(1927–1960)

Шоир, публицист ва жамоат арбоби. Француз тилида ижод қилган. У Франциянинг Бордо шаҳрида туғилган. Отаси сенегаллик, онаси камерунлик эди. Давид Сенегал мактабига ўқишга боради, кейин Иккинчи жаҳон уруши йилларида Парижнинг Бертло лицейида ўқийди. Унинг шеърларида қитъадошларининг забун ва мискин ҳаётидан изтироб чекиш, мустамлакачиларга қарши кураш оҳанглари устувор. Илк ва ягона шеърий тўплами 1956 йили босилиб чиққан. 1960 йилда Диоп рафиқаси билан Атлантика океани оша саёҳатга отланганида, улар чиққан самолёт ҳалокатга учрайди. Ундан атиги йигирма иккита шеър мерос қолган бўлса-да, Давид Диоп Сенегал адабиёти тарихидаги нурли сиймолардан бири саналади.

## УҚУБАТ ВАҚТИ

Оқ менинг отамни беном қилди –  
 Менинг мағрур отамни.  
 Оқ менинг онамни бадном қилди –  
 Менинг малика онамни.  
 Оқ менинг акамни тамом қилди –  
 Менинг паҳлавон акамни,

Елкаси қуёшда қоврилган.  
 Бироқ оқ тушмади ҳовуридан,  
 Оқ қора қондан қизарган  
 Қўлларини менга чўзди-ку  
 Ва мудҳиш бақирди дафъатан:  
 “Уруш! Покланиш! Сув!”



**БОРИДАН АЙРИЛГАН КИМСА**

Бизнинг кулбада ҳам қуёи порларди,  
 Аёллар ҳам эпчил ва хушқад,  
 Гўё пальма шабада чорларди,  
 Болалар сирпанар сўнмасдан аҳди  
 Дарёнинг бепарво чуқурлигига  
 Ва мардона курашар пишириқ аҳли  
 Ёввойи тимсоҳлар иштаҳасига.  
 Тунда эса моҳ волида қадар  
 Кулиб қарар эди ушбу ўйинга,  
 Бизнинг рақсларда шўх-шўх тамтамлар  
 Мусиқий маромни солар бўйинга,  
 Эркинлик гулхани атрофидаги  
 Севинчли,  
 Қайғули,  
 Бахтли ҳол каби.

Сўнг эса сукунат таширифи...  
 Бизнинг осмонда ҳам шамс қолмади собит,  
 Кулбалар унутди ҳатто машириқни,  
 Ва нўлатранг кўзли зобит  
 Юпқалаб оғзи билан чўзилди  
 Бизнинг қизил лабли қора аёлга.  
 Иштонсиз болалар ҳам ор қилди,  
 Ва лекин ҳеч бир дам билдирмай сирин,  
 Кимсасиз жойларда кийдирди молга  
 Темир ва қон рангли аскар мундирин.  
 Қалбимни эзарди қуллик занжири,  
 Сен эса жим эдинг, менинг тамтамим,  
 Куну тун бўлдим мен кўрқув асири,  
 Отамлар чалган соз, кўпайди ғамим.

**МАЖБУРИЙ ДАЪВАТ**

Сен йиғлайсан, елкангни эзасан,  
 Сен ҳалок бўласан, мавҳум сабаби,  
 Тунлари ухламай бедор кезасан,  
 Бошқалар дам олсин, дейсан дўст каби,  
 Сен кулишни ўрганиб олдинг,  
 О, менинг оғайним, кўзларингда ўқ –  
 Кўрқинч ва оғриқдан сен нега толдинг,  
 Кўксингни кўтар ва баралла айт:  
 “Йўқ!”

## АФРИКА Онамга бағишлов

Африка,  
 Африка,  
 Менинг Африкам,  
 Саванна бағрида саркаш ҳарбийлар.  
 Африка, дарёлар олис бўлса ҳам,  
 Момомнинг қўшиғи уларни куйлар.  
 Мен сени ҳеч бир дам била олмадим,  
 Лекин кўзинг тўлар менинг қонимдан,  
 Қора қон тўкилган кенг майдонлар жим,  
 Бу ажиб дунёда мен камман кимдан?  
 Сенинг қора теринг  
 Ва ҳар заҳматинг,  
 Қулона меҳнатинг ерга тўкилган.  
 Мен ҳам ўламанми кўрмай роҳатинг,  
 Болалар қутулгай қачон қулликдан?!  
 Африка, менга айт, жоним Африка,  
 Елкалар эгилган уқубатлардан,  
 “Ҳа” дея йўл аро дард еб тушликка –  
 Сенми, айт, жонини нисор айлаган?!  
 Менга жавоб йўллар бир мағрур овоз:  
 “Сабрсиз ўғлим!  
 Сен ёш зўр дарахт кўрсанг,  
 Бу ёнда – оқ гуллар ичра бепардоз  
 Ёлғиз гул ўсар, бу сенинг Африканг!”

У эса сабрли,  
 Ўсмоқда текис,  
 Кундан кунга мева бермоқда, зотан,  
 Сизларга насиба улашар серҳис  
 Озодликнинг хуштаъм шарбатларидан”.

## Ламин ДИАКАТЕ

(1928–1987)

Таниқли шоир, жамоат арбоби, журналист ва адабий танқидчи. Дакар ва Париж университетларида таҳсил олган. Париждаги “Sorafom” радиосида ва шу радионинг Сенегалдаги бўлими директори вазифаларида хизмат қилган. Сенегалнинг илк президенти Сенгор даврида давлат маслаҳатчиси ва ахборот, алоқа ва туризм вазири, шунингдек, Сенегалнинг Нигериядаги мухтор элчиси каби нуфузли лавозимларда хизмат қилган. Шеърят ва бадий адабиёт ривожига қўшган ҳиссаси учун Эдгар По (1971) ва бошқа халқаро адабий мукофотлар билан тақдирланган.

### “МЕНИНГ ИСТАГИМ!..”

Менинг истагим! Булутларга боғлиқ,  
 нимқоронғилик пастга чўкса гар,  
 юлдузлар баландда қолар осиглиқ,  
 халақит беролмас қат-қат булутлар.

*Менинг истагим! Қўнгироқлар ҳар он  
ажиб жарангласа байрамона – соз!  
Ер бўлса умидлар учун тинч майдон,  
кўзларда балқиса ишва ила ноз.*

*Менинг истагим! Менинг Африкамнинг  
қадимий қонида ёзилган достон,  
шабада илкида суврати замнинг,  
кишига завқ берган қондан тож қачон?!*

*Менинг истагим! Бутун ер қуррасин  
қамраб оладиган дўстона таҳсин  
шамол ҳақидаги орзудир.*

### КЕТДИК, ДУГОНАМ...

*Кетдик, дугонам, мен билан бирга,      Наҳот эшитмаган бўлиб чиқасан,  
бу ҳадсиз дунёни тарк этажакмиз,      ҳар учинчи туш хотимасида  
агарда таянсак қадим хотирга,      чўпон сибизгасин нозик сасидан  
кўҳна асотирлар қўзгалар шаксиз.      юлдузлар галаси тушар рақсга?*

*У ёқда – бундайин қадимий нафас,  
сержилва саробнинг у чеккасида.  
Нурли қанотларни қоқсак басма-бас,  
тинчлик замонига битгум қасида.*

### КУНУ ТУН ЙЎЛ БОСГУМ...

*Куну тун йўл босгум,  
қадимий қабилам даҳосига хос,  
оқилона тан олгум – сарварман ҳар зум.  
Сира дам олмай ва тўхтамай ноҳос  
боравераман,  
сенинг исминг баайни соя,  
худди табиий муаттар гулдай  
менинг лабларимга тегса кифоя  
ва мен бу чалкаш йўлда йўлимни билмай  
адашаман  
жилгалару ёлгизоёқ йўллардан.*

### КАМТАРИН СОВҒАМНИ...

*Камтарин совғамни кутдинг интизор,  
сарпойчан пойингга қўяман аста.  
Унда Фарбнинг дабдабаси бор,  
маромга тизилган руҳи шикаста.  
Журъатсиз нутқлар,  
чигал қайирмалар,*

қингир иборалар –  
мана, бари жам,  
юзаки асримиздан сабоқ бир қадар.  
Лекин сен қайғурма, сингил фариштам,  
иштиёқлар унутилар...

### О, БУ ХАЁЛИЙ ТАБАССУМ...

О, бу хаёлий табассум нени кўзларди.  
Тўрт девор ичинда ёлғизлик оҳи.  
Мен тўқиб ўргандим некбахт сўзларни,  
қизлар нурли шаҳар сўрашар гоҳи,  
юлдузли кечалар бўсағасида  
момолар эртаги мадҳ этган шаҳарни,  
сарғиш сочлар янглиғ нур ёгилса ҳар кўчасида,  
фавворалар сочса тилла сочалаларни,  
ўтиргичлар ҳаловатдан этса ҳикоят,  
одамлар кўзида балқиса ишонч,  
болалар безалва кутса ниҳоят,  
эртага қай тарзда келишин қувонч.  
Нурли шаҳар, ҳаётга шудир қасида –  
болалар болаликдан роҳат олсинлар.  
Юлдузли кечалар бўсағасида  
момолар эртаги мадҳ этган шаҳар.

### МЕНИНГ КЎЗИМ ҚАДАЛГАН...

Менинг кўзим қадалган ўрмон чангалзорига,  
мана, мен Аждодим тўйхонасида,  
яшил Гвинеянинг юрагининг тўрида.  
Майли, менга ўн икки каури<sup>1</sup>  
совга қилсин қадимгилар сири,  
майли, менга боқсин марҳумларнинг соҳир шарпаси,  
ҳаёт ҳасратин шивирлаб,  
айтсин ақида  
Қабр ортидаги абадий ором ҳақида.

### СЕН БУГУН АЖОЙИБСАН...

Сен бугун ажойибсан, ҳаммаси тузук:  
кумуш маржон,  
тилла билагузук,  
суданча кийимлар,  
Гвинея атири,  
лўппи юзинг юракни қийнар –  
бўлдим ҳуснинг асири...  
Бу ватандош жононалар яна топдилар  
исмсиз узоқ вақт оломон ичинда

<sup>1</sup> Каури – Океания мамлакатларида пул ўрнида ишлатиладиган моллюска чиғаноғи.

*йўқолган мунис сингилларини.  
Лекин у сени қачон билар?  
Мен биламан, алҳол, барини,  
бу қуёшсиз кун эди –  
иборат мунгдан,  
ёришган биргина табассумингдан.*

## БУ ҚУРУҚ ҚЎЛЛАР..

*Бу қуруқ қўллар,  
бу бармоқларим менинг йўлаклараро  
сочинг оралаб чиқди.  
Сен менга баҳорсан, билсанг, дилрабо,  
бу йил баҳор кечикди,  
Монмартрдаги тунги чироқлар гарчи сон-мингта  
ва кўҳна Париж жилмаяркан то,  
гарқ бўлади дилбар кўзингга.  
Кўрдингми,  
саёқ рассом ҳам ҳатто  
тушидаги орзуларинг тўрига илинди.  
Унинг орзулари эса ўзини ўйга ўради,  
тизилиб оқар улар,  
тўлқинли соябоннинг барларида билинди.  
Сенинг ёлқининг кўксида тортинчоқ атиргуллар.  
Гулчи аёл келажакни гулбаргларда кўради.*

## Малик ФАЛЬ

(1929–1978)

Таниқли шоир ва ёзувчи. Асосан француз тилида ижод қилган. “Бўртма нақшлар” шеърый тўплами ва “Жароҳат” романи эълон қилинган. Малик Фалнинг “Қоронғилик”, “Сайёҳларга” шеърларини атоқли шоиримиз Шавкат Раҳмон ўзбек тилига ўгирган.

183

## ЎЗАРО СЎЗ

*Мен қандай юксалдим маънан,  
Сўрама мендан,  
Менинг ажиб шаънга тан  
Бежаб сўзлашларимни  
Гапирма менга,  
Йўқ, шудир мақбули сенга,  
Бетин жилган жилгадай,  
Собит дарё янглиз оғишмай,  
Ўрнак олиб кучли оқимдан  
Мен денгизга ошиқаман.*

*Сен айтки,  
Мен сизларга аждодлар заковатин  
Назр қиламан,  
Мени руҳлантирар халқимнинг руҳи.  
Сен бирла ўқирман миллатим хатин,  
Бу менга шунчаки кўнгил шукуҳи.  
Йўқ,  
Сен менга кескин айт, ахир,  
Менинг ҳар сўзим  
Янги ташибеҳдир.*



## ИЖОД

*Мен бурнимнинг тагидаги  
Кўҳна деворларнинг сертуман  
Оқ-қора ранглар ҳақидаги  
Манзараларин  
Ёза олмайман.*

*Мен ёзаман  
Елда учган бадиий асарни —  
Кўҳна деворлардаги шамс тумани жсаранглатган  
Гуллар кулин —  
Рангдор сонаталарни.*

*Сен кўз юмасан,  
Зийрак тинглайсан,  
Иситмали бўёқларда бир сас яширин,  
Сен кўрасан  
Жодуларнинг сирли шивирин,  
Ҳам ёмғирнинг кечиккан қўшиқларин,  
Ҳам муҳаббатнинг олтинранг гардида  
Боларининг шира дардида  
Гувиллашини ва ҳатто —  
Қамашиган қулоқларинг бекитсанг —  
Менинг тасвири  
Дунёга кенг ва тенг тарқалган  
Азалий гўзалликнинг  
Яккаш номаси сирин  
Кўрсатар сенга.*

## ТУҒИЛГАН КУН

*Агар дўстлар сизга билдирмай  
Қай зум  
Ажиб совга ҳозирлар аллақандай —  
Китоблар, гуллар,  
Ўйинчоқлар, ашъорлар  
Ёки шунчаки табассум.*

*Агар дўстлар сизга зоят пинҳона  
Совга ҳозирлашар дўстона —  
Марҳамат, уларнинг бағрини тилманг,  
Пайқаб қолишига ҳаракат қилманг,  
Зотан, совга бу.*

*Дўстларни ранжитманг чиндан  
Ғаройиб фаҳмингиз билан!*

## Сембен УСМОН

(1923–2007)

### ФРАНЦИЯДАН МАКТУБЛАР

Ҳикоя

Инглиз тилидан  
Севара АЛИЖОНОВА  
таржимаси

Таниқли ёзувчи, сценарийнавис, актёр ва жамоат арбоби Сембен Усмон серқирра ижодкор сифатида наинки Сенегал, балки Африка маданий оламида сезиларли из қолдирган. У африкалик ёзувчилар орасида тилининг ўткир ва равонлиги, асарларида ижтимоий муаммоларни дадил ёритгани билан ажралиб туради. Айни пайтда Сембен Усмонни “Африка кинематографиясининг отаси” сифатида ҳам қадрлашади. Ҳукмингизга ҳавола этилаётган “Франциядан мактублар” ҳикоясида ёзувчи Африка аёлларини қийнаётган ҳақ-ҳуқуқсизлик, ирқчилик, миграция муаммоларини Франция ва “Қора Африка” одамлари ўртасидаги тафовут ва зиддиятларни очишга интиланган. Унинг “Она”, “Сохта пайғамбар”, “Биллонинг тўртинчи хотини”, “Ваъда қилинган ер” каби ҳикоялари ҳам жамиятдаги қусурлар, диний ва ирқий камситишларнинг бадиий таҳлилига бағишланган.

#### Марсель

*Салом, қадрдоним!*

Аразингни қўйсанг-чи! Менинг абгор ҳолим, қўлим қисқалигини билмай нега гина қиласан? Айблабсанки, хат-хабар ёзмай, сени йўқламай қўйибман. Наҳот мактубларим етиб бормади? (Етар, лабингни тишлама – бу одатни қўймаганингни яхши биламан). Хабарни қисқагина ёзаяманки, бошқа чорам йўқ. Менга ишон. Ишончингга муҳтожман.

Ўзинг яхши биласан, сендан бўлак кўнгил ёрар ҳамдамим, соғиниб-ўртанувчи кишим бўлмаса. Аразингни бас қил! Хатомни тан оламан. Ҳаётингдаги воқеалар, таниш-билишларнинг янгиликларини кечиктирмай ёзиб юбор.

“Абушқа”<sup>1</sup> тўғрисида кейинроқ бафуржа ёзарман. Ҳайратдан ёқа ушлашингни тасаввур қиляпман. Мен ўша-ўша ғариби нотавонман.

*Самимият ила қадрдонинг Нафи*

\* Манба: Sembene Ousmane. Tribal scars and other stories. 1962. p. 54–78.

<sup>1</sup> Абушқа – ёш хотинли қария.

*Салом, қадрлигим.*

Мактубинг кўлимга тегиши ҳамон кўзим тешилгудай, қоғозни ют-гудай ютоқиб ўқидим, отамдан ҳам хат олдим. У абушқага аталган экан – унинг бўйқизлар орзусидаги “шахзода”дан буткул бошқа одам эканини таъкидламоқчиман. “Эрим” хат отамдан келганини билдирди. Мактубни кимдир ўқиб эшиттирар. Ўзи ўқиёлмайди – кўзи хира, тиши кемшик чол. Бошқа ҳеч гап йўқ. Бошқа яна кў-ўп гап бор.

Ёзиб тур. Мендан хат-хабар бормаса ҳам ёз. Мактубингни интиқ кутиб қоламан.

*Сенинг Нафийинг*

## Марсель

*Салом, қадрдоним.*

Сўроқларингнинг барига жавоб беролмайман. Саволни ёмғирдай ёгдирибсанки!.. Гапнинг учини тополмай хуноб бўляпман. Хуллас, кундуслари, эрталаб ва чошгоҳда хат ташувчини излаб кўчага чиқаман. Улар “эрим”нинг кўлига тушиб қолишидан қаттиқ кўрқаман. Билишимча, у бундай ишларга жуда уқувли. Бирок у чошгоҳдагина остона хатлаб кўчага чиқади, эрталаблари уйда. Бугун не балога йўлиқдим, хат ташувчи амакидан хатни олар пайтимда “эрим” димиққан кулбасидан чиқиб қолди. Мактубинг амакининг кўлида эди. Ижара уйимизнинг бекаси мени нигоҳи билан ўйиб олди, бундан эримнинг “хабар бошқа бировнинг кўлига тушмасин” қабилида буйруқ берганини уқиш мумкин эди. Аммо мен хатни аёл кўлида чангаллаб кетишига изн бермадим. Месъега хатнинг менга юборилганини айтишга мажбур бўлдим.

Таъкибу тазйикларда этим ҳам, бетим ҳам пишиб кетганининг зўридан юрагимда кўрқув йўқ эди. Қадрдоним, мактубинг қанчалар севинтирганини тинглагинг келяптими – куёш нури вужудимни яйратгандек, ҳарорат танамда селдай кўтарилгандек, бутун борлигим – ичим у ташимни тўлқинлантирувчи хотиралар қайноқ қонимда кўпик мисол мавжлангандек титраб кетдим. Хотиралар инсонга шу қадар зарурлигига ишонмасдим.

Билсанг, ҳаётимда нур йўқ. Чор томони увадаси чикқан, тўкилай-тўкилай деб турган жиҳозлар билан ўралган, зах, бадбўйи кўнгилга урувчи, на ичимлик суви тушувчи ва на оқова суви кетувчи қувурлари бўлган биқик ҳужрада умрим ўтяпти. Ёлғизликка чидаёлмай баъзида ўзим билан бақириб-бақириб гаплашаман. Қишин-ёзин деворларнинг қуюқ сояларидан мунг сизиб кирадио бир маҳбусга ёпишади. Ўша маҳбус – мен. Кўзларим тортилиб йўқликка фарқ бўлай деганда, ёриқлар неча замонлардан буён йиғилиб-уйилиб ётган кулранг чангни бир силки-тиб кўяди ё бўёқлари ўчибтўкилай деган пол ғичирлаган мусиқа чалади. Шу алпозда яна биқик ҳаёт ўз қучоғига чақириб олади. Бошимни олиб қаёққа ҳам кетардим? Тағин ким билан? У биланми? Ҳеч қачон!

Бошимиз шу кулбага суқилган: пишир-куйдир ҳам, кир-чир ҳам шу ерда расамадини топади. Кечалари майда юмушлар билан овора бўлиб уйку элтганда, каравот ўрнидаги чемоданимга чўзила қоламан. Ижарадорларга битта ҳожатхонаю битта жўмрак. Менинг хонам, йўғ-э, таъкидлаб айтаманки, “эрим”нинг хонаси “зулматхона”нинг нақ ўзи. Пиллапоя рўпарасидаги эшик мамлакат қонунига мувофиқ ҳамиша тамбаланган. Юқоридаги эшиккина қия очик туради, унданам шуъла сирғалиб

кирадио хонани ёритиб юборавермайди. Юмушга қўл урай десам, ҳаммаёқ зим-зиё, кўр хассасини тополмайди! Бундай қоронғилик, мудом биқиқлик феълимга ва соғлигимга таъсир этмайдими!

Қандай ўйинқароқ эдим-а, эсингдами? Товонимдан ўт чакнарди, шаддодлигим билан ҳамманинг бошига етардим. Энди-чи, куёшда қотган гўштдай қовжираб ўтирибман. Очиғи, ўзим ҳам қашшоқлар шаҳарчасидаги ўша қадрдон уйимизда яшашга ўрганиб қолган эканман. У ерда жилла курса куёш нурини, одамлар кулгисини дариғ тутмасди; ҳаловат ва умиддан кўнгил тўқ юрардик. Бу ерда улардан ном-нишон тополмайсан. Ишонасанми, буткул ҳеч нима! Гоҳи сизиб юрагим қон бўлиб оғзимдан тушаётгандек сезаман.

Уй яқинидаги шоҳқўчани айланибгина куёш тафтини туяман. Бу ернинг куёшида қувват йўқ, ё тортинчоқ, ё кўрқоқ, нурини аягани-аяган – хасисми дейман. Кунда эмас, кунора сайр этиб, кўнгил чигилини ёзмоққа хилват қидираман. Хотинлар кунни кир-чирларини кўчага қараган илгакларга осиш билан бошлайди. Ҳаммаси шу қадар зерикарлики, гоҳи ғафлат босган мудроқларни айноҳаннос солиб уйғотиб юборгим келади.

Дўстижон, мени бу ёқда тушқунлик кун сайин ўпқондай тортиб кетмоқда-ку, у ёқда ҳамшаҳарлар бўлса, мени Франциядай шаҳри азимда даврон суриб юрибди дея ҳасад ўтида куйишаётганини қара! Улар билишсайди бу – “орзулар мамлақати”, “бахт-қувончга тўлиқ Франция”га қилча ўхшамаслигини! Мен буткул бошқа дунёдаман. Эзгин, тушқун олам мени баттар эзаётир, аста-секин, кунма-кун ўлдириб бораётир.

Бу суврат менинг қувғиндаги пайтимдан.

Турмуш қуриб надоматда қолдим... Энг катта йўқотишга йўлиқдим. Саробларнинг қурбонига айландим. Отам бир кишининг суратини кўрсатди: хушрўйгина, энг муҳими, Францияда яшайди. Бир неча кун ўтгач, отам ўша расмдаги киши кўлимни сўраганини айтди. Бир ҳафта ўтар-ўтмай, розилик бердим. Бор гап шу. Ўзим қатори ёш-яланг йигитлар совчи юбориб турганига қарамай, уни танладим. Тўғри, уларнинг ҳеч бири Франциянинг юзини ҳам кўрган эмас. Қандоқ қилиб ўқувчи қиз Франция, Парижу ёруғ келажакни кўзламасин, ахир! Тезгина кўниб кўя қолдим. Ҳаммаси шу лаънати Францияни деб. Шу ер ютгур жойни деб оғиз солганларнинг барини рад этдим. Нимани истаган бўлсам, икки ҳисса ортиғи билан эришдим. Чинданам, бу қадар тубан кетаман деб ўйламаган эдим. Ҳикоямни сўзлаб беришга ор қиламан. Ўзимизнинг ерни, хотинларнинг бозор-ўчарга саллона-саллона боришларини яна қайта кўрсамийди, ям-яшил табиатни қанчалар кўмсайман, билсайдинг! Фаввора атрофидаги қий-чувлар, қассобнинг қарсиллатиб гўшт чопишлари, кундалик чуғур-чуғурлар ичидан ҳам эшитилувчи қоранинг<sup>1</sup> сайроғини тинглашга бениҳоя интиқман; жўжаларнинг тупрокни ёрар куёш ҳароратидан соя-салқинда бир оёқда туриб паналашлари, уларга болақайларнинг оталари шиппагини қийдириб қўйишларию, панжарани кучоқлаб ҳалинчак учишларини мириқиб томоша қилсам эди... Бундан ортиқ бахтни ҳеч қаёқдан тополмайдиганга ўхшайман.

Ёлғизлигим ҳатто мурдаларнинг ҳасадини келтирар даражада. Ҳеч нимани оғзимга олгим келмайди, таъм сезмайман. “Эрим”нинг эса томоғидан ҳар лукма ҳам ўтавермайди. У кизил гармдорига тоқат қилолмайди, юзи қалампир тусга кириб, ошқозони ачишиб кетади.

<sup>1</sup> Кора – қуш тури, сув хўрози деб ҳам юритилади.

Бундай инжиқликларининг бадалига қуёш нурини қизғанмай турганида ҳам, ёшига қарамай, “эрим”га кўникиб кетган бўлардим. Шундай пайтлар жоним ҳиқилдоғимга келади.

Уни сенга ким деб таништирай? Нимадан бошласам экан? Наҳот, исканжасидан қочиб юрганим иқроор соати етди! Энди тан олмай ўзга чора йўқ. Тонг, олти ой аввал. Вақтнинг учқур шамол эканини эслата кўрма! Олти ой олтмиш йилдай имиллаб ўтдики, дўзах азоби шундай бўлар?.. Аминатага юборганим суратни кўрдингми? Худди ўша. Йигирма йил олдин олинган суврат! Қип-қизил маймунга ўхшайди, айёр маймунга! Ҳозир “етмиш уч ёшда”миш. Унинг лаънати қасамича, шундай. Эр ўлгур, ақалли туғилган санасини аниқ билмайди. Ёш кўринади, ҳар тугул. Совуқ ҳаво африкаликларни қаритмайди-ёв. Қисқаси, уям бир эр-да, жин урсин! Илтижоларим шамолларга совурилиб кетди. Унинг нигоҳлари сўник, бирам зерикарли, яшашга иштиёқдан зарра ҳам қолмаган.

Ҳозир нафақада. Бунгаям беш йиллар бўпти. Ҳар куни пешинда кемасозлик компаниясининг у офисидан бунисига изғийди. Кола ёнғоқларини чакана ё улгуржи сотиб келади. Эшиқдан ёнғоқ тўла халтасисиз ҳатламайди. Оқлар ҳам кола ёнғоқлари даромад келтиришига ишона бошлашганидан оғзи қулоғида. Бирам имиллаб юридики!.. Беш чақирим наридан, ҳеч рўпарамдан чиқмаган бўлсаям, лапанглашидан ё ўрдак, ё маймунни эслатади. Кўчага ёлғиз чиқиб, ёлғиз қайтади – халтаси ё бўш, ё ярим. Ҳар кечки дуосида топганига барака сўрайди. У кунлик тушумини шу қадар иштиёқ билан сарҳисоб қиладики, кузатиб ўтириб кулгим қистайди, сўнг неча замонлардан бери “сейф” вазифасини ўтовчи мактаб сумкасига эҳтиётлаб солиб қўяди. Баъзан “эрим”ни ўзи қатори чоллар йўқлаб туради ва менинг ёшимда тушунарсиз, бўлмағур мавзуларда суҳбат қуришади. Ҳаммаси ўтмишини эслайди. Уларнинг ўтмиш эртақларидан ўзимни кутқариб ётоққа кириб кетаман. Сиёсатдаги омадсизликлар, дунёнинг бевафолиги ҳақидаги суҳбатлар – кўпчилиги ўзларининг сусткашлиги оқибатида хорижликлар қўлига ўтиб кетган ҳукмронликдан ёзғириб гапирдилар. Келажакда боқий фаровонликни ваъда қилувчи қарамликдан бўлак гап эмас. Булар шунчалар аччиғимни чиқарадики, асти сўрама.

Қадрдон дўстим, ҳар на бўлсин, турмушимга исён қилолмайман. Осмон қадар орзуларимиз ёдингдадир – бахтга бурканган ҳаёт, орзумиздаги уй, турмуш ўртоғимиз ва фарзандларимиз? Кўпхотинликдан фиғонимиз кўкка чиқишларини эслайсанми?

Болалик ўйлари – шумтакаларнинг йиғи-сиғиси, ашула ва қуёш нури тўлдирган катта уйимизни беихтиёр қўмсайман-у ҳозирги ютиб юборувчи ёлғизлик мени даҳшатга солаверади. Оллоҳнинг қаҳри келмасин-ку, баъзан хавфли касалга йўлиқсам, баданимни яра-чақа босиб кетсаю менинг бу ҳолимга “эрим” қайрилиб боқмаса, яқинлашолмаса деб ният қилган кезларим ҳам бўлган. Бироқ ниятимга етмадим...

Шулар учун менга ҳасадинг келсинми? Ўзинг айтганингдек, менга ҳалиям ҳасад қилсанг, бу хатларни бошқаларнинг қўзидан пана қил, айниқса, ота-онамнинг қўлига бориб тушмасин. Ўтинаман сендан. Тейвни кўрсанг, саломимни етказ, аммо бошимга тушган кулфатлардан оғиз очма.

*Сени ўпиб қолувчи Нафи*



*Салом, қадрдоним.*

Сендан яхши мужда умидворман. Сенинг хабаринг – куёшнинг илик тафти, фаввора томчиларининг атрофга майдалаб сепилиши каби ёқимли. “Эрим” сайрга жўнади, сен билан бир ой, эҳтимол, ундан ҳам аввалги суҳбатимизни давом эттиришга кулай фурсат топилди. Баронна хонимдан хабар олишни ният қилгандим. У муюлишдаги озик-овқат дўконида сотувчи бўлиб ишлайди. Унинг сўзлари ҳақиқатдан йироқ бўлсаям мириқиб, жаҳлим чикмай эшитаман. Дарвоқе, кеча хатингни олдим.

Худди аввалгидек иккимиз ёлғизмиз. Юрагимни анордай очиб, сирларимни – анор доналарини сенга ушатаман. Сирларим юрак қонига қоришиқ алвон тусид ичу ташимни ёндирыпти. Бироқ ўртамизда, анор пўстлоғидек бўлсин, “девор” йўқлигидан таскин топаман. “Эрим”нинг ёши ўтинқираганидан ажабланибсан. Фель-атворидан сўз очсам, ҳайратдан ёқа ушлар экансан. Тахминларинг билан кўнглимга ҳадик солдинг. Ажабланишинг беҳудамас, мен тонгу шомимни шу ўйлар исқанжасида ўтказаман. Бу ришта Демба ва отамнинг ими-жими режаси билан қурилган. Ўй-миямни азбаройи итдай ғажийди. Ҳалигача бу ҳаётга кўнгим келмайди. Ўша пайтда нега ақлим етмадийкан, деб ўзимни койийверамаман. Шармандалиқ кунларимни бегона ўтдай юлиб отаверса, саҳродаги гулдай мадорим қуриб битаверса, қандай бахтиёр яшай?! Отангинг, ўз отангинг-а, қизини чақага сотганини билиб қолишингдан оғирроқ бахтсизлик йўқ экан... Аммо мен ишонолмайман. Мен билган отам меҳрибон, софдил, содда одам-ку, ахир! Шубҳа-гумонлар миямни қуртдай кемираверади...

Яна нега нишингни санча бошладинг? Йўқ, дугонажон, сен ҳақсан, лекин бу каби ҳақиқатларни билиш тўйингда ёкқан жаладай ёқимсиз.

Одамлар нега ҳақиқат излайверар экан-а? Ахир, мен ҳақиқатлардан мудом дилгир яшадим. Яна “эрим”... у отам қатори, ундан қари эмас деб сени ишонтироламан. Ҳа, ҳа, бир куни унинг хужжатини кўриб қолгандим. Афти олдингидан буришиб кетган. Ҳозир бизда киш – чақадиган совук, танам исимайди – унинг эгнида бўлса эртаю кеч калта иштон. Уй ичида ювинади. Оқшом келмаса дейман – зулмат кўзим қорачиғида қотиб қолади, кўнглимни қоп-қора булут қоплайдики, тонггача мени таъқиб қилаверади. Шу пайт менинг инон-ихтиёрим унинг жиловига ўтади. Лекин ҳирси жилов билмайди. Ўзидан меросхўр қолса дейди. Азоблар зулукдай қонимни сўради, одам зотидан шунчалар жирканиш мумкинлигига ишонмайсан. Оллоҳ кечирсин-ку, унинг ўлимигина мени қувонтиролса керак. Нафси қонганда, ўтмишининг узун йўлларида бери келмайди. Бир-икки ёшлиқ “шўхлик”лари ҳақида миңғирлагандай бўлади. Суҳбат қовушмайди, терс ўгирилиб ётаверамиз.

Ўзимнинг ҳам фарзанд кўргим келаяётганини тан олайн. Бир туни менга узоқ тикилди-да: “Сен ҳакимга кўринишинг керак”, деб қолди. Биринчи марта у менинг аҳволим билан қизиқди. Биринчи марта бандаргоҳларидан ортиб менга вақт ажратди-я! Мен ҳали ўйлаб улгурмай, кўшимча қилди: “Бордию ҳомиладор бўлсанг, биз кемасозлик компаниясига борамиз ва сен савдо-сотик ишларига бош бўласан”. У беш йил аввал экипаж бошқарувчиларидан бири эди. “Оқбилак ойимчалар ҳамма ишни ўз қўлларига ола биладилар, – деб кўшимча қилди. – Нега биз улардай қилмаслигимиз керак?!”

Ўша пайт мени қанчалар таҳқирлаганини билсайдинг! Устимдан

муздек сув куйди кўйди. Шу ҳолимга ёнғоқ сотиш майлига, яхши-ёмон кўздан қизғанмасми экан?!

Овози эшитилипти, келяпти чоғи, сени бироз ёлғиз қолдираман.

Сухбатимизни давом эттирай. Доктор кўригига бордим. Кутганим-дек, бўйимда бор эди. У қувониб кетди ва ҳар томонга жар солди. Энди шўримга шўрва тўкилиб, “эрим” кўп вақтини уйда ўтказяпти, қўланса ҳиди билан хонани булғаб юборади. Унинг рўпарамда қаққайиб ўтиришидан ғазабланаверамаман, меҳрибонлигию ғамхўрлиги ғашимга тегади. Тасаввур қилгин-а, “эрим” ҳатто мен учун бозор-ўчарга югуриб чиқар бўлди, бу матоҳларни машина ойнасидан ташлаб юборишимдан хавфсираб туришини кўрсайдинг. Аҳмоққа ақл битгани шумикан? Аммо мен ўзим англаб-англамай унинг башараси яхшиликларини кўрарга кўзим йўқ.

Энг қизиғи, кеча мен кема капитани билан учрашдим. Ер ёрилмадию ерга кириб кетмадим. Мени Дембанинг қизи деб ўйлабди. Мен учрашув сабабини, яъни бир неча йилдан бери ишсиз эрнинг хотини эканим, биринчи фарзандимни кутаётганим, сарик чақамиз йўқлиги, ҳатто бола туғилса, не қиларимизни билмаслигимни айтганимдан сўнг – ўша пайт бу гапларни самимий гапирдим деб ўйлайман – Дембанинг хужжатини кўлимга тутқазди ва деди: “Эрингиз нафақа ёшига етган (ва думалоқ кўзлари билан “У бобонг тенги-ку” маъносида қараб кўйди). Ҳамма жойда замонавий технологиялар, буларга тиши ўтмас одамга иш топиш амри маҳол, айниқса, ўтёқарликка. Аксига олиб, бирортаям кўмир қозон қолмаган. Ҳаммаси янгиланиб кетган”.

“Эрим”нинг ишдан чиққани рост экан. У эгнида тор нимча ва номига илиниб турган кенг шим билан пастда кутяпти. Мени кузатаётди: “Не қилсанг қилу, фаррошликка кўндир. Бортдаги бошқа ишларга уқувим йўқ”, деб тайинлаганди. Миямда тинимсиз шу сўз айланади. Унинг саркашлигидан бошқарувчига ялиниб-ёлбордим. Айтишича, “эрим” бу компанияда ўттиз йилдан ортиқ ишлаган, энди шунча йил ўтиб, унинг тагин иш беришига кўзлари етмаяпти. Улар “эрим”га на нафақа ва на бадал пули тўлашган, ноинсофлар! Ҳали туғилмаган боламнинг эртасидан кўрқувга тушиб кетдим – ҳар ой ижара ҳақини шақиллатиб санаб олувчи хотин, кўли калта ота-она ва туғилишга шошилиб, сўнг пушаймон чеккан фарзанд... Ўша офисда бир ярим соатлар чамаси қолиб кетдим. Ва ниҳоят бизнинг кўчадан ҳам байрам садолари эшитилди, улар “эрим”нинг хужжатига имзо чекдилар, кўнглимдан бир ўй шамолдай физиллаб ўтди: “Бу унинг охириги кема саёҳати бўлиши муқаррар!”

Мен сўнгги икки кунимни қандай ўтказганимни тасаввур этдинг-а?

Шомга бориб кемасозлик офисидан хушхабар билан қайтганим етти маҳаллага овоза бўлди. Кечки овқатдан сўнг “эрим”нинг дўстларию таниш-билишлари уруғ-аймоғи билан етаклашиб келишди. Улардан тамакининг сассиқ ҳиди анқир, кола ёнғоқларини қавш қайтаргандек завқ билан чайнашарди. Демба уларга фарзанд кутаётганимизни айтиши заҳоти ҳаммалари қаттиқ хавотир билан менга тикилиб қолишади деб ўйлагандим. Аммо қулоғимни динг қилиб анча вақт пойладим ҳамки, менинг номим тилга олинмади. Бирдан орага жимлик чўкди, ҳаммалари гапи оғзида қолган одамга анграйиб боқишди. Орадаги сукутни бандаргоҳдаги кемаларнинг бир-бир овози бузарди, тана ва жағлар ҳаракатдан тўхтаган – худди айбдор болаларни бурчакка турғазиб

қўйгандек тек туришибди. Уларнинг қимир этмай сўзу ҳаракатдан қолишлари менга йилда нари борса пойига бир марта гул қўйилувчи ҳайкалларни эслатиб юборди. Қадрдонлар нигоҳида кексалик, чексиз андухнинг сўник учқуни милтиллайди, ҳеч кимга кераксизлик ҳисси қадрларини ерга баробар букади, ўзларининг кичкина дунёсида жимгина яшаш ва эринмай ўтмишни сўзлашгина хира кунларини андак ёритиб туради.

Ҳаммаси ўзларининг тарихини тагин эринмай сўзлайди. Заминни ларзага солган биринчи жаҳон уруши ҳақида худди мен сенга ҳозирим ва келажакимни мароқ билан гапиргандек сўзлайдилар. Сув остига фарқ бўлган кемалар, тоннажлар, кема капитанларию бошқарувчилар, оқ-қора кунлар, яхши ва ёмон оқтанлилар – улар учун ҳалиям оқлар – ё яхши, ё ёмон – вафот этиб кетган ҳамкасбларини бир-бир ёдга олишади. Бири ўтмиши ҳақида сўз очиб қолгудек бўлса, ҳаммалари такводор сомёга айланишадики, овозидаги пушаймонлик оҳангидан гуноҳлари учун истиғфор айтаётибди, деган хаёлга бораман. Ўтмиш ҳикояларида бари ўзини кўради. Ҳикоя уларнинг хотираларини уйғотиб юборади. Қаҳрамонлар худди улар босиб ўтган ҳаёт йўлино уларнинг одатларича иш кўргани қизиқ.

Хотиралар улар ҳаётига нур киритади, аллақачонок унутиб юборилган хира кўзгу ойдинлашади. Бадарға қилинганлар ҳаёти! Улар икки карра бахтсизлар – ҳам ўзликларидан, ҳам она тилларидан узилган одамлар. Бугунга келиб ҳудудий, техникавий ва руҳий ўзгаришлар ичра улар буткул имконсиз, ўринларини тополмай ҳалақлар. Ортга, ўз юртларига қайтишга анча кеч, француз бўлишга эса умрлари етмайди. Ўтмиш воқеаларини ушлаб оладилар-да, чайнайверадилар-чайнайверадилар, худди ҳазми оғир таом тановул қилгандек.

Бирининг кетидан иккинчисини олиб кетаётган ўлим араваларини сабр-тоқат билан кутувчи чоллар чехрасида ғазабдан кўра беҳафсалалик бўртган. Уларнинг сафи камайиб бораётир, тириклари ҳам денгизда бир хасга тармашган юзта одамнинг ҳолини эслатади.

Бу кишиларнинг ҳаёт тарзи шундай ғалати.

Дарвоқе, Тейвнинг бузуки қизга уйланганини айтибсан. Қиз ўлгур уни қандай илинтирди экан, а? Ахир, Тейв йигитлар орасида энг мулоҳазали ва хушахлоқлиси эди-ку! Қизнинг казо-казоларни нишонга олгани аниқ, аммо ўйноқи ўқ Тейвга бориб теккан. Боланинг отаси маълумми? Бечора Тейв! Қиз номусини асрайман деб бошини кундага қўйибди, шўрлик. Ёлғизлик тубига тортган ё надомат ўртаган маҳалда унга хат ёзсамми деб ўйлаб қоламан. У ошиқларим ичида энг меҳрибони ҳам беғубори эди. Унинг хушахлоқигина менинг ҳисларимни жиловлаб турувди. Тақдирни қараки, қандайдир бетарбия билан кун кечиряпти экан. Ажримгача бахтиёр яшашларига умид қилайлик-чи.

Сенинг саломатлигингни эшитиб, ўзимнинг дардларимни тўкиб-солиб, кушдай енгил бўлдим. Қизлар ичида сенгина ақли бутун чиқдинг.

Мактуб эмас, дoston битибман! Ҳатто бошдан-охир ўқишга ўзимнинг юрагим бетламаяпти.

*Сабр тилаб сенинг Нафийинг*

*Салом, дугонажон!*

Сенга нима бўлди? Нафратинг шунчалар ошиб-тошдими? Охирги икки ой мени ёлғизлатиб қўймай, кўнглимни арши аълога қадар юк-

салтириб келаётган эдинг-ку! Ўзингни ўрнимга қўйиб кўргандирсан, эҳтимол... Душманамга ҳам ўз кунимни раво кўрмайман... Йўк, умримни зорланиб ўтказаётганим йўк, ташвиш чекма. Яшашни сўрама, яшамаяпман – “яшаш” сўзини четга суриб қўйганман, ахир. Энг расвоси ва энг оғири шу! Руҳий заҳматларимни ким ҳам тортиб кўрибди!

Ажраш дейсанми? Шу ҳолимга-я! Бу даҳмазалар ичида, уйдан нарида кўнгил буюрганини қилмоққа имкон қайда! Ҳамдардлингни сабаб тирик юрибман, шунисигаям шукур. Менинг турмушим бир мусулмон қизининг турмушидек, кам ҳам, ортиқ ҳам эмас. Қонунни тиқиштирама. Қайси қонундан нажот кутай? Қонун эркаклар ва уларнинг кўнгиллари билангина ҳисоблашса! Мен “эрим”дан воз кечишим керак – ҳақсан! Кейин-чи, кейин қаёққа бораман? Кимга керагим бор менинг? Дакарга қайтиб кетишга-ку сариқ чақам ҳам йўк. Бир муддат дам олиб, кўзимдан нари қилишим мумкин. Аммо бола-чи – бу ҳақда бош қотирмадингни? Сен калта ўйлаяпсан, қизиққонлик қилма! Ўзимни борлик марказидаги мавжудот деб ҳисобламайман. Жилла курса, ҳозирча.

Уйдагилардан, укам Бобокардан мактуб олдим. Ёзувига аранг тушуниб етдим. У мендан костюм жўнатишимни сўрабди. Мендан-а – ҳеч вақоси йўк одамдан?! Ўзимни сотиб олайми? Ўзимдан бошқа қимматли ҳеч вақом бўлмаса! Отам ҳам “эрим”га шу мазмунда хат жўнатибди. Гоҳи “ота” сўзи тилимда айланса, шубҳа-гумонлар юрагимни илма-тешик қилади, ғамга ботиб кетаман. Фарзандлик меҳрим ҳавога учади-кетади.

Ёшлигимизда осмон-осмон орзулар, тоғдай ниятларимиз борийди-я! Эрнинг чўрисига айланиш, кўз тушмай – кўнгил тушмай турмушга чиқишдан ўзимизча жамиятни айбситардик, бировнинг қўлига қарамай, кўнглимиз тусаганини сотиб олсак, қисқаси, озод Шарқ аёли бўлсак дея орзулардик. Мен-ку, чучварани хом санаган эканман. Эримнинг ёнғоқ тўла халтаси билан кунимиз шақиллаб ўтяпти-кетяпти. Францияда тошнинг ҳам нархи баланд. Оқтанли хониму жанобларнинг бари Африкани орзулайди. Баъзида “эрим” спагетти ва шакар тўла халта билан уйга қайтади, уларни қаердан олади деб ўйлайсан? Аҳолини моддий муҳофаза қилиш кўмитасидан. Бир куни талонни халтасидан топиб олдим. Уни Баронна хонимдан сўраб аниқладим. Садакага кун кечирар бўлдим, кўрйапсанми? Одоб чегарасидан йироқлашиб кетгандекман. Баронна хоним ахлоқ-одоб қоидаларининг икки тури борлигини айтади – бири касб одоби, бири мол-давлатники. Узоқ ўйлай-ўйлай, унинг ҳақ эканига иймон келтирдим. Уйга қайтиш умиди эса, туя ҳаммомни орзу қилишидек, ушалмас армон бўлаётир. Эримнинг ҳар якшанба ганака жўнаш одати бор. Шанба кунлари у пойгага тадорик кўради; бурчакка тикилиб олиб, отларни шайлайди. Сен уни кўрмасанг бўлмайди! У битта отни чўккалатиш учун милён марта вайсайди.

Ғариб абушқа! Шугина умиди қолган ҳаётдан.

Дўстлигимиз бардавом бўлсин учун шу қисқагина мактубни битдим. Ҳомила маромида ўсяпти. Бундан оиламдагиларнинг хабари йўк. Сен ҳам ҳеч кимга оғиз оча кўрма! Ҳеч зоғ билмасин!

*Сени ўтиб қолувчи Нафи*

*Салом, қадрдоним!*

Хушхабар бор! Тушкунлик домига тортиб турганда илиқ мужда бағримга шамол теккизди. Хайрият! Ноумидлик, лоҳаслик ва ёлғизликдан чиққандай бўлдим. Бир неча ойдан буён “эрим” билан

хамтўшак эмасман, истеъфога чиқдим. Шугина озодлик ҳам мени кўкка кўтариб юборди.

Чол бугун кемасини денгизга туширади. Мамнунлигимнинг сабаби бу эмас. Эшит!

Нимадан бошласам экан, а? Сассиқ чолданми? Унинг туллаглигини билсайдинг! Яқинда тиббий кўрикка чақиринди-ю, ўрнига биров кириб чиқди. Шифокор фарқига бормади – уям кора чол-да. “Эрим”нинг ёшида тиббий кўриқдан наф қаёқда дейсан!

Шу кунларда унинг офисида таъмирлаш ишлари бошланди ҳамки, ёлғизликка маҳкум ҳаётим баттар қуюқлашиб кетди. Бу тийра, биқиқ, совуқ деворлар кўзимга тобутдай кўринаверади. Борган сайин кўркувга тушавераман. Ундан мени Африкага жўнатса-да, ўша ёқда уни кутиб яшашимни ўтингим келдию... Ичимдан англаб бўлмас туйғу бўғзимни куйдириб ўтди – у ҳақида қайғура бошладим – балки сени аксинча сўзлар билан алдагандирман. Аммо икрорманки, у менинг яккаю ёлғиз ҳамроҳим, тўрт девор ичидаги узун сукунатни бузувчи ягона одам; уни ёқтирмасам ҳам анча боғланиб қолибман. Биқиқ ҳаётимда угина бор; касал одам дардга кўникканидек, унга тобора ўрганаёпман. Менга кўчадан, дунёдан хабар келтирувчи жарчи. Кўп вақтимни у билан ўтказаяпман – намоз вақтида, кундалик тушумларини сарҳисоб қила туриб – у атрофимдаги бўшлиқни тўлдириб туради. Шулар хотира бўлиб, умримга муҳрини босаётир. Баъзан чеҳрамиз очилиб суҳбат қурган дамларимиз ҳам бўлади. Меҳрим ийиб, унинг қор босган сочларини аста силаб қўяман...

Гиена ҳақидаги масал ёдингдир? У ҳайвонлар ичида энг кўримлиси деб топилади ва мағлуб рақиблари унга қарата дейишади: “Гиена, сен малика олдида қанчалар бадбашарасан!” У шундай жавоб беради: “Биламан. Мен кўримсизман. Сиз туфайли ғалаба қозондим. У узок муддат менигина кўрди ва менга кўникди. Охир-оқибат у мени ёқтириб қолди”. Гиена ҳақ экан.

У топган пулини менга сарфлайди.

У “озод” кемани бошқаряпти – бу сўзни тўғри талаффуз этдимми ё йўқ, билмайман, луғатим йўқ эди, бироқ шунга ўхшаш алоҳида кема-да.

Шундан ҳаётимда ўзгариш сезилди.

У билан докка тушадиган, мени бортда кемачиларга ғурур билан таништирадиган бўлди. Ҳамкасблари менинг дўппайган қорним ва унинг ажин босган юзига қараб, қартайган чолимга кўпол ҳазиллар қилишади. Очиғи, кўзим кўр бўлиб, шунча вақт фақат ўзимни – якка-ёлғиз Нафи ва унинг ҳаётини ўйлаб келибман. Бир куни каютада ўтириб олиб келажакка хаёл кетганда, туйкусдан бақирик эшитилди: “Синглим, кетишимиз керак!” Овоз уники эди. Озгин, найнов эрим кўринди. У менга қайрилиб қарамасди. Юзи тунд, жиддий, недир ноҳушлик бўлган. Эримнинг эгнида доимгидек мовий костюми – уни “Шанхай дельфини” деб аташарди, нега бундай тушунмайман. “Арона сени кузатиб қўяди”, деди “эрим” бужмайган юзи билан эшиқни итариб. Икки кўзини мендан узмай қўшимча қилди: “Аронадан тортинма, истаганингни сўрайвер”. “Эрим” маслаҳат бергандай бўлиб, мени йўлаккача кузатиб чиқди. Арона лабига сигара қистирганча, ўша чокдаги воқеадан сўзлай кетди. Айтишича, оқтанли найнов ундан “Бу сенинг хотинингми?” деб сўрабди. “Йўқ, бу анави чолнинг хотини”, жавоб берибди у. Аронанинг сўзлари кўксимга наштадек санчилди. Ўзимни қаёққа қўйишни билмай қолдим.



Қора танли аёлдан орланиш шунча бўларми? Унинг жавоби иккимиз ўртамызга чизик тортиш эмасми? Аронанинг қайта-қайта “Йўқ, йўқ” деяётган норози қиёфасини кўрсайдинг!

Докдан чикқач, йўлбошчим оғзига талқон солиб олди. Биз Эски портга элтувчи автобусга чикдик, сайр бир-бировимизни яқинлаштиргандек, ўртадаги деворни кўтаргандек бўлди. Мен “эрим”га иш излаб борган куним у бортда экан. Исмини эшитгандим – қариялар Аронани кўп эслашарди. У суҳбат чоғида юзини тортиб-чўзиб кўярди. Унинг Франциядаги қора ишчилар ҳамжамиятининг раҳбарларидан, қисқаси, жангарилардан эканини фаҳмладим.

Автобусдан тушдигу, Арона тирсагимдан ушлаб йўлдан ўтказиб кўйди. Унга итоаткорона бўйсунга қолдим. Майдонни Африка қуёши зиёси ила сийлаётгандек, нур тош юрагимни эритиб, ёруғлик олиб киргандек бўлса-я. Гала одам сайр қилаяпти, машиналар турнақатор тизилиб умрдай гув-гув ўтарди. Арона порт яқинидаги қаҳвахонага таклиф қилди, бирга қаҳва ичдик.

Вақт елдай ўтганини сезмай қолибман. Нақадар ажойиб! Менинг кўнглимга ҳам илиқлик кирар кун бор экан. Бунга сайин оқ танлилар ҳазар қилгулик қора танимдай зулматхонага сира қайтгим келмасди. Ғала-ғовур эса кулоқни батанг қилиб юборди – машиналарнинг сигналли, йўлни ямаётган ишчилар пармасининг шовқини, оломоннинг бақир-чақири...

Қалб шундай яйрасин экан-да! Ўша онда одамлигимни ҳис этдим. Тушкунлик, зерикарли ҳаёт юзимдан ранг олиб кетганига анча бўлувди. Ўша он бахтнинг қирмизи ранги юзимга, томирларимга оқиб кираётганди. Гиена зап топиб гапирган: “Биламан. Мен кўримсизман. Сиз туфайли ғалаба қозондим. У узок муддат менигина кўрди ва менга кўникди. Охир-оқибат у мени ёқтириб қолди”.

Арона юзимга тикилиб қарамади: аммо зимдан бир-биримизни кузатиб ўтирардик. У ўзини анча эркин тутарди, оёқларини чалкаштириб, тирсагини столга тираганча тамаки тутатди, Эски порт ва бандаргоҳ ташқарисидаги орол – Шате дифга қатновчи кемаларни кузатиб ўтирди.

– Шате дифда бўлганмисан? – сўради дафъатан.

– Йўқ.

– Қайғурма, шу ерда туғилганларнинг кўпи оёқ босмаган у оролга.

Арона мени ўша оролга таклиф қилмоқчи, деб ўйладим. Борди-ю, таклиф қилганда ҳам, хиёл ўнғайсизликда қолардик. Унга бир муддат болаларча махлиё бўлибман, хаёлимдан ўтганларини қара: “У уйланганмикан? Оқ танли хотингами? Қўлида никоҳ узуги йўқ. Бўлса-чи, узук ниманиям ҳал қиларди. Боласи бормикан?..” Бу саволларни унинг ўзига беришдан иймандим. Тўсатдан гап бошқа ёққа айланиб кетди – бу шунчалар тез бўлдики, англамай ҳам қолдим – африкаликларнинг Франциядаги муҳожирлиги масаласига. У бу борада етарлича билимдон эди. Сўзлай туриб унинг яшил кўзлари нурдан пана қидирарди. Арона муҳожир қариялар, ҳарбий хизматдан бўшаган аскарлар, денгизчилар ҳақида юракдан, тўлиб-тошиб гапирди. Уларга ачиниб, чинакамига куйиб-пишди. Аронанинг бу қадар ёниб-куйишидан ҳайратланиб, худди акасининг шикоятини миқ этмай эшитаётган гўдакдек жим ўтирдим.

Ёши нечада экан? Унда бўз йигитнинг ғайрати бор эди. (Ичимлик тугагач, мендан сўраб ўтирмай, яна шу хилидан буюрди). Сўнг уйга қайтишимиз лозимлигини айтди. Бу мени тағин ғамга солди... Наҳот

роҳат тугади?.. Биз қайтдик. У менинг чарчаганимни сўради деб ўйлайсанми? Йўк...

Эшик рўпарасига етиб келганимизда, у вақти-вақти билан мендан хабар олиб туришини, борди-ю, менинг ҳам кўргим келиб қолса, кечки соат олти-еттилар орасида Марказга кўнғироқ қилишимни тайинлади.

Аронани кўрганингдайди, ёқтириб қолардинг. Ҳа, шубҳасиз! У менга куёш нури, уммон мавжларидек бахтни инъом этди. У билан ҳаммаси гўзал ва ажойиб кечди. Сенингча, тўғри иш тутяпманми? Албатта, бу – менинг қарорим. Бола туғилгунича ҳаммаси изига тушиб кетар? Ниҳоят уфқда офтоб кўринди.

Ҳозирча шулар.

*Эски дўстинг Нафи*

P.S. Илҳом келиб ёзаверибман – ўн бет бўлиб кетибди. Чидам билан ўқий олармикансан?

Зинҳор! Маслаҳатингга қандоқ қулоқ тутай? У тўрт кунгача мен билан қолиб кетолмайди, ахир. Арона сўнгги марта ярим оқшом уйимдан чиқиб кетувди, эртаси куни эрталаб уй соҳибаси буни сезиб қолиб, нафрат тўла кўзи билан мени еб битирди. Арона охирги пайтлар анча бандлиги сабаб Нафакахўрлар уйига мени бўлак киши кузатиб бора-япти. Унинг дийдорини шундай қўмсаяпманки... Қачон келаркан ўша бахтли лаҳза? Кўнгли сезганини қара: “Уй соҳибасини жиним суймади”, деганди сўнгги келишида, аммо негалигини айтмай кетувди.

...Арона уч кун ўтиб, ёнимга келди. Ой нури тушсин, тоза ҳаво кирсин учун деразаларни очиб қўювдим, қўққис ташқаридан унинг овозини эшитиб қолдим. Арона бир неча жазоирликлар билан суҳбатлашиб келарди: “Агар Жазоир миллий озодлик армияси сизларга референдумда қатнашмасликка буйруқ бергудай бўлса, албатта итоат этишингиз лозим. Бироқ шу ерда ишловчи қора танли африкаликлар овоз бериши шарт. Бизнинг “Йўқ” овозимиз икки маънони англатади. Бири – бизнинг француз ишчилари билан бирдамлигимиз, ўтмишдаги ўзаро жанг натижасида улар эга бўлган яхши шароитдан биз ҳам наф кўришимиз важдан. Яна бири эса мамлакатимизда мустамлаканинг буткул барҳам топишидан умидвор эканимиз белгиси”, – деди у.

Шундан сўнг кулбам эшигини қоқди. Бироқ кўп қолмади. У кетиши керак эди...

Бу қалтис ўйиндан, аввалги хатларимдан сенга аён, унинг ҳамроҳлиги ва суҳбатидан роҳатланипман. Арона билан боғлиқ ҳаммасини гапириб берайми – кийим-кечаги, соч турмаги, оёқ кийими, у ёқтирган фильмлар... Хуллас, Арона сочлари ғижимланиб кетган қора танли аёлларни ёқтирмайди – улар устидан “қора мушук” деб кулади. Кўпинча иккимиз портга етаклашиб борамиз, ул-бул харид қиламиз. Йўл бўйи кулги кулгига уланиб кетади. Бир-биримизни суратга туширамиз. У расмларимни йиғиб юрибди. Дарвоқе, ҳазиллари бирам қалтис, унинг чин ё ҳазил эканини тушуниш душвор. Бир куни сайр қилиб юрибмиз дегин, рўпарамиздан ит етаклаган аёл чиқиб қолди. “Улар итларини қандай чақиради, биласанми?” шивирлади Арона. Унга маъносиз бош чайқадим. “Кет, яловчи”, деди у. Кулги ичимдан тошиб келди-ю! Ўша куни кийим дўконидаги воқеани айттайин: у сотувчи кизни кўриб қувлиги тутди. Ёнига бора солиб: “Хотиним фарзанд кутяпти, афтидан,

мендан, шекилли. Роҳатланган Аёлимнинг шу туришига битта кўйлак берсангиз”. Сотувчи бошдан-оёқ менга разм солди. Мен саросимада хижолат тортдим. Чексиз истиҳола билан – сотувчининг шиори харидор ҳамиша мамнун бўлиши керак – жавоб берди: “Сиз учун, жаноб, сиз учун ҳам, хоним, жуда хурсандман”. Арона унга имкон қолдирмай ўша оҳангда сўради: “Хонимни қандай ранг очади? Унинг ранги бақлажонни эслатади, ақлни шоширадиган таклиф кутмаяпманку-я, ўртамиёна ҳам бўлмасин”. Ўзимни бақриқдан зўрға тийдим; уни дўппослагим келди. Нима қиларимни билмайман – кўчага отилсамми? Унинг қилиқларига баъзан асабим дош бермайди! Ич-ичимдан ғазабим тошиб турибди, у бепарвогина кўйлақларни бир олиб-бир қўяди, эгнимга илиб кўради. Сўнг сотувчига ғўлдирди: “Йўқ, йўқ, бўлмайди”. Бу қилиғидан ўзи ҳам сал мулзам бўлар десам, қаёқда – оғзи қулоғида, кулгани-кулган. Мен баттар жаҳлдан тутақиб кетаяпман. Ўзимни масхарабоздай ҳис эта бошладим. Ранжимадимикан деб ҳам ўйламади, эҳтимол, ўйлаган чиқар? Лекин менга шундай туюлди.

Йўл-йўлакай ширинлик дўконига кирдик. Одам лик тўла, хизматчиларнинг қўли кўлига тегмайди. Бизнинг навбатимиз етиб, Арона “олтита қораялоқ” буюрди. Сотувчи аёл менга ҳайрон тикилди ва хижолатдан қизариб кетди. У гарансиган аёлдан кўзини уздию менга ўгирилиб сўради: “Шу етадими, жоним?” Қуюшқондан чиқиш ҳам шунчалар бўлар-да! Бўш ўриндиқ топиб ўтирдик, у ўзини оқлай кетди: “Дунёга енгил қарамасанг, ҳазил билан енгмасанг, у ютиб юборади. Ҳазил қилиб қувнайман. Бироқ доим ҳам имкон бўлавермайди. Сен билан бўлсам, яйраб кетаман”. Сўзининг маънисига тушунмадим. Аниқроғи, коса тагидаги нимкосага ақлим етмади. Аммо ғазаб ўти аста-секин сўна бошлади.

Кўрдингми, унинг ярамас, безорилигини! Арона жуда илгарилаб кетган, замонавий. У ҳақ-хуқуқини яхшигина билувчи, устига-устак, ўта кек сақловчи одам. Қизиқувчанлигим бор.

Ўша куни оқшомгача айланибмиз. Сўнг кинога тушдик. У бозор-ўчардан қайтишда мени огоҳлантирувди: “Кечки соат саккиз яримда тайёр бўлиб тур. Кинога борамиз”. Мен учун диккинафас уйдан кўчага чиқишдек хузурбахш иш йўқ ҳисоби. У бўлса, одамларни йўриғига юрдиришни яхши кўради. Мен унинг қўлида кўғирчоқдек гап. Шундай қилиб кечкурун “Ой ёғдуси”га тушдик. Чарли Чаплин фильми. Агар имконинг бўлса, шаҳарчангизда томоша кўйилса, албатта, бориб кўргин. Мусиқа ва рақс, қариянинг туйғуларини янчиб ташловчи раққос ҳаракатларидан кўзимга ёш қуйилди... юраги йўқ кишигина уни ҳиссиз кўролади. Кинодан уйга ета-етгунча, Арона ғик етмади. Унинг яна ўз оламига беркиниб олгани мениям ўйга чўмдирди. Аронанинг мен билан кун ўтказишларидан маъни нималигини сўраб билдим. Уни ҳам шу сўроқ қийнарди балки.

“Қийналма! – деди у. – Одамлар сен билан дон олишиб юрибди деб ўйлашларидан кўрқяпсанми? Наҳот сендек гўдакка шуни раво кўрсам?”

Ҳаётимда биринчи бор журъат қилдим, миямдаги бўлар-бўлмас ўйларни сиқиб чиқариш учун ўртамиздаги дудмал муносабатнинг охирига етишга бел боғладим. “Журъат” сўзи африкаликларнинг етти ухлаб тушларига кирмаслиги аниқ. Улар чеккан захматларимни, изтиробларимни билармиканлар? Менинг ҳам севишга, қулишга, кўчага чиқишга наҳот ҳаққим бўлмаса? Ҳа, буткул йўқ. Уларнинг барчаси эски анъаналарга содиқ, эски тутумни маҳкам тутиб олган эркаклар, муҳолифатчилар. Уларнинг кўпи ўз хотинларини икки, уч, ҳатто тўрт

йил олдин ватанларига жўнатиб юбориб, ўзлари оқбилак оймчалар билан давру даврон сурадилар. Ғазабдан ўзимни аранг босиб сўрадим: “Одамларнинг ғийбатидан сиз нима ўйга бордингиз?”

– Уларнинг ҳамма гапи ёлғон. Ўшалар ишимни баттар чигаллаштиради.

– Қандай чигаллик?

У сўзимни эшитмагандай юзини терс бурди. Унинг оғир сукути мени баттар эзиб юборди; жавобига интиқ бўлиб кўзимда ёш мавжланди.

– Чунки бировнинг хасмини хотин қилиш истагим йўқ, – деди ниҳоят.

– Мени қандай аёл санадинг?

– Ундай аёлларга менинг ҳам ҳушим йўқ.

– Бу ишлардан бир нима топдингми?

– Албатта!

– Нега мени ушлаб турибсан? Мақсадинг нима ўзи?

– Адолатсизликни кўришга тоқатим йўқ. Агар менга хотин керак бўлса, уни сотиб оламан, тамом.

Уни ўлгудай калтаклаб ҳам хуморимдан чиқолмасдим ўша пайт; кумурскадек эзгилаб ташласам дедим. Ундан ҳам баттари – ўзимни кечиролмай қийналдим, мени ўзига ўргатди ва кераксиз буюмдек четга суриб қўйди. Ортда қолган йўлимга ҳеч изоҳ тополмай эзилдим. Уни қайта кўрарга кўзим қолмади.

...“Эрим” шифохонадан қайтди. У борт палатасида даволанди. Касали жиддийга ўхшайди. Арона ҳеч нима бўлмагандек эримнинг олдида ғўддайиб турарди, айниқса, охириги суҳбатдан сўнг ҳам кўзида уятдан асар йўқ эди. Кейин мен сира кинога тушмадим. У билан сўнгги марта мени туғруқхонага кузатиб қўйганда учрашдим.

“Эрим”, ўша абушқага келсак, у ҳақдаги овозлар Африкани кезиб юрганмиш. Аммо аввалгидек мактублари шов-шувга сабаб бўлмай қолибди, эшитгандирсан? Бахшига бориб юрма. Аронанинг ҳаётимдан буткул изи ўчган, қайтмайди...

Қаттиқ янглишасан. Арона ҳаётимга яна бир хато бўлиб қўшилди. Тагин Оллоҳ билгувчи. Баронна билан унинг палаги бир. Баронна хоним коммунист аёл. Бу хотинникидек юрак ҳеч аёлда йўқ, деганди “эрим” бир сафар. Негадир ўша аёл билан суҳбат қургим келаверади. Яқинда у мени аёллар дўконига етаклаб борди. Ўша ерда Аронани дўсти билан учратиб қолдик. Дўсти: “Африка матолари жуда чиройли-я”, деди. Арона кўшимча қилди: “Африка матоси, Буссак муҳри”. Баронна хонимдан Буссакнинг Франциядаги йирик савдогар эканини билдим. Бу хотинга ҳар қандай иш бўлсин, хамирдан қил суғургандек.

Аммо бу қизиқ ҳолатдан каловланиб қолдим.

Туғруқхонадаман. Референдум бўлиб ўтибди. Сенегал ёқлаб чиқибди. Бемаъниликни қара! Якуний хулосани эшитиб, ихлосим қайтиб кетди. Айниқса, бу сафар Сенегалнинг ёқлаб чиқишини ҳеч ким қутмовди. Франциядагиларнинг ҳаммаси бир овоздан “Ҳа” дебди. Арона ўша-ўша мени йўқламади. Унинг мағлубиятини, қийналишини ўз кўзим билан кўрмоқчийдим. Унинг ҳаққи, сенегалликларнинг “Йўқ” дейишини жуда истовдим.

“Эрим” холимдан хабар олиб турибди. У аввалгидан анча хароб аҳволда. Оғир дардга чалингани маълум. Юрагим ачишиб кетдики...

У саёҳати давомида харид қилганларининг барини менга ҳады этди. Фақирликнинг оғир юки йиллар бўйи адл турган “эрим”нинг қаддини анчайин букиб қўйганди. Шифохонадаги бемор хонадошим уни отам, Аронани эрим деб чамалабди. Ҳамхонамнинг тахмини чин чикса эди! “Эрим”ни қай дардга йўлиққан деб ўйлайсан? Унда ўсма бор экан. “Эрим”нинг қадрдонлари мени йўқламадилар. Қандай ҳам қарасинлар, Арона билан боғлиқ миш-мишлар сабаб мени кўрарга кўзлари йўқ-ку, ахир. Кўнглим хотиржам. “Эрим” зинҳор мен билан Аронадан шубҳа қилмайди. Бизга ўзига ишонгандек ишонади. Унинг кўзича иккимиз ака-сингилдекмиз, афтидан.

Ҳаммаси жойида. Ҳозирча шундай...

...Баронна хоним қизи билан шифохонага келди. У менга атайин банан сотиб олибди. Қўлимга тутқазиб деди: “Булар сенинг ватанингдан келган”. Бир қора танли талаба-доя бор эди. Тогодан. У ҳам йўқлаб кетди. Арона олиб келибди уни. Қаллиғи бўлса керак? Ҳамма негадир ўша қизни мақтагани-мақтаган. Ўзи чинданам меҳнаткаш, иқтидорли қиз экан. У Африкада чиқадиган рўзномалардан бир қанчасини қўлимга тутқазиб кетди. Зерикканда эрмак қиляяпман. Ўзи кунига икки марта хабар олиб туради.

Хонада уч киши ётибмиз, ўнг томонимда араб аёли, менимча, мусулмон бўлса керак, иккинчи ёнимда италиялик хоним, у мени роман католигидан деб ўйлабди.

Ҳозирча шу янгилик. Вақти-вақти билан сайр қилиб келаяпмиз. Хонадошлар билан вақтим чоғ ўтаяпти. Улар Африка ҳақида ҳеч нима билмайди. Уларнинг бемаъни саволларига куни бўйи жавоб бериб чарчамаяпман.

*Сени ўпиб қолувчи Нафи*

P.S. Абушқанинг аҳволи оғир. Ундан жуда хавотирдаман.

## Марсель

*Салом, дўстим.*

Кўзим ёриди. Рухоний боламини чўқинтирай деди, кўнмадим. Ислобий қоидаларга мувофиқ, қулоғига ҳам азон чақирилмади. Қизимга Яйе Кодоу – қайнонамнинг исмини қўйдим. Ҳозир ҳужжатлар бўлимидаман.

Бахтимга “эрим” шифохонада, олти килоли бола билан гугурт қутисидек хонада учаламиз анча сиқилиб қолардик. Яшашга яроқлироқ уй излашим керак. Қутидек хонада қўш каравот, кийим жавони, бир неча кийим-кечак, ёнғоқхалта ва пишир-қуйдир жиҳозлари... болалар аравачасига аранг жой топдим. Болани қўйнимда олиб ётибман.

Отамдан хат олдим. У мендан доимгидек маслаҳатини аямаган. Ай-тишича, рафиқа дегани сира қуёш бўлолмас эмиш, унинг қисмати соя экан, шу сабаб итоаткор бўлишимни уқтирган. Отам, отагинам-а! Замон ўзгардию, отам ўзгармади-да. Марселга келганимдан буён онамдан бир энлик мактуб олмадим.

Биринчи боламизни – бахтимиз нашидасини қандай тасаввур этар эдиг-а? Хаёллар ҳақиқатдан йироқ кетдилар. Ҳолатимга кўникишдан ўзга имконим йўқлиги – оғир. Билганим шуки, барча орзулар шуурда сўник милтирайди, атроф-жавонибда ўзлигим, туйғуларим йўқолиб бораяпти. Уйқудаги сармаст одамга ўхшайман.



Францияга ўт қўйсам дейман! У мени не қўйга солди? Атагани – тўрт деворга мутеликми?!

Баронна хоним келди-кетдини канда қилмайди. Оилам, яқинларимсиз бу ерларда анча ёлғизланиб қолганим, бегоналигимни угина тушунади. Бу мамлакатда қўшничилик йўқ ҳисоби. Қизалоғим Яйе Кодоу билан сайрга чиққанда, бандаргоҳдаги аёллар нуқул бир саволни сўрайверадилар: “Бунча ширин болакай! Ўғилми?” “Йўқ, қизалоқ”. “Вой, ўғил деб ўйлабман”, дея қўшиб қўйишади. Шугина суҳбат. Шугина алоқа. Менинг қора танли қўшнилари бу оқбилак ойимлардан анча ақлли эди.

Сенгагина илинган хатим ҳозирча шу.

*Сенинг Нафийинг*

“Эрим”нинг ҳолидан хабар олишга бордим. Юкларимни йиғиштириб, унга буткул кетмоқчи эканимни айтишга аҳд қилувдим. Сабрнинг ҳам чегараси бор. Бас, етар энди! Мана бу кулба! Бу норасида! Ёлғизлик! Одам бундай яшолмайди. Шифохонага борганимда эса шахд-шижоатим кафтимдаги сувдай сирғалиб тушиб кетди. Унинг сўлғин юз-кўзидан тер куйиларди, ҳансираб-ҳансираб нафас оларди, бу ҳолида қандоқ ташлаб кетайин? Унинг тепасида қадрдонлари ҳозир нозир эдилар. Гўё улар эримдан рози-ризалик олишаётгандек. Юзларидан видолашув ифодасини ўқигандек бўлдим. Ҳаммалари унинг жони ором топишини истаётгандек. Бир бурчакка бориб чўкдим-у ўзим билан суҳбатлаша кетдим: “Нафи, ақлингни йиғ. Қаёққа кетмоқчисан?” Шу тобда ичимданми-ташимдан бир овоз янгради: “Йўқ, кетолмайман. Унинг сўнгги нафасигача ёнида қолишим шарт. Бу муқаррарият қачон келади – эртага ё бир-икки йилдан сўнг... аммо ёлғизлатиб қўёлмайман”.

Сўнгги пушаймон ўзига душман бўлмасин дейман. Эримнинг дўстлари бўлса хотиржам унинг ўлимини кутмоқдалар. Навбат кимга етдийкан? Балки улардан бирига, балки менга шивирлар ўлим фаришталари. Яшайпман-у уларнинг тунд чехраларига бокиб ҳаётдан умидим сўниб кетмоқда. Ҳаётга иштиёқим қаёққа ғойиб бўлдийкан?

У билан видолашув сўзим шу бўлди: “Демба, мен уйга қайтапман”. Қария қўлини қимирлатдию жони узилди. Ҳамманинг кўзи бир нуқтада. Совуқ тер баданимни жимирлатиб юборди. Турганларнинг ҳеч бири ҳамдардлик билдирмади. Худо шохид, мурдасини анча вақт қўриб ўтирдим. Кўнглим ағдарилаёзди. Гўдаги билан ёлғиз бевадан ўзга кимса қолмади, хонадан қуёш бўйини яшириб олди. Ўлим ҳиди анқиган хонадан “эрим” қўлимдан етаклаб кетса, ажабмас. Йўқ, ёлғиз ўзим жонсиз мурда устида ортиқ қололмайман – қўлимдан ушлаб ўзининг дунёсига чиндан тортаётгандек... бу ерда қокқан қозикдек турганим билан у энди қайтиб келармиди? Йўқ. У ёш хотини билан ўзининг сўнгги кунларини шундай орзуларди. Ниятига етди, бечора. Мен эса ҳали ўлим тўрвасини бўйнимга илмоқчи эмасман, ҳеч курса, бегона юртдан кетиб олай. Болам йиғлаб қолди... Чинқирашини бир эшитсанг эди! Қисқаси, ўзимни ўнглаб олмоққа вақт қурғур халал бераяпти. Суратга қараб таниёлмай қолдим Нафини. Сураткашнинг тортиғи шу бўлди – жафоли кунлар муҳри.

Отам сўнгги хатида Яратганнинг қудрати ҳақида ёзиб юборибди. Бу ишлар У учун ҳеч гап эмас, бироқ мен, ожиз бандага тоғдай юк. Отамнинг мактубини жавобсиз қолдирдим. Энг мақбул йўл шу. Оппок

тонгларнинг бирида у ўз оёғим билан уйга қайтганимни кўрар. Отам сўнгги марта бола пайтим кўрганди, кейин анча сувлар оқиб ўтди...

Шифохонадан чиққанимда ҳеч ким қолмаганди.

Арона уйга келди. “Сенга сўзлашга сўзим йўқ, сенга сўзлашга юзим йўқ”, деди. У мени ёқтирмаган, заррача ҳам. Бироқ уни лаънатламайман. “Уйга етиб олишга пулни қаердан оласан?” деб сўради. Мен бу ҳақда ўйлаб кўрмовдим. Лаънати, ўзи менда шундай имкон бўлганмиди? Аронанинг кўнглидан ҳам шулар ўтди-ёв, миқ этмади. Унга мададкорим йўқлигини айтдим. Сўнг овозим борича: “Франциядан нафратланаман!” – деб бақирдим. У хотиржам жилмайди ва деди: “Сен Франция ҳақида ҳеч нима билмайсан”.

*Қадрли дугонам.*

Борингга шукур! Сен бўлмасанг, ҳолим не кечарди? Мактублар ва сен асрадинг мени. Ҳис-туйғуларимни шеърга солмоққа ожизман, шоир эмасман. Ўртамиздаги уммон дўслигимизни эмас, ғам-андуҳларнигина ювиб кетганидан бениҳоя шодман.

Кутилган кун келди. Эрим қазо қилди. Икки ҳафта бурун. Дафн маросими бўлди. Африкалик муҳожирларнинг бари қатнашди. Бизнинг ислом ақидаларига зид амаллар бажарилди. Начора. Арона маросимлар ўтгач, уйга қайтишим мумкинлигини айтувди. У тўсатдан мени тутиб олиб: “Қарияларнинг ватанига қайтмай, шу ерда эканига қойил қолаяпман. Улар зинҳор аросат тузумни, аросат турмушни танламадилар, зинҳор Францияга тобеликни тан олмадилар. Улар дили ва тилининг поклиги билан мудом африкалик бўлиб қолдилар”, деди. Бироқ мени ҳозир на Аронанинг ва на бошқаларнинг фикри қизиқтирарди. Унингча, хотима амалнинг моҳиятини белгилайди. У ҳеч ким билан дилидагини бўлишмас эди. Аммо тўсатдан... Майли, сенга беҳуда сўзларни ёзиб вақтимизни увол қилмайин.

Қариянинг ўлими мени тушкунликка тушираёзди. Тан олмасам, сени алдаган бўламан. Қувончлиси, фикрларимга эрк бердим, қувончимдан тонгга етиб боролмайман деб ҳам хаёл қилаяпман. Африкалик муҳожирлар менинг кетиш-қолишим тўғрисида кенгашдилар. Аронанинг вазминлиги ва ҳаққонийлиги ҳасадимни келтирар даражада. У ҳатто ўз фикрида собит қолиш учун бола ўлдиришдан ҳам тап тортмайдиганлар хилидан. Фейл-атворим ҳар қанча унинг жиғига тегмасин, келажагим ҳал бўлар чоқда ёнимда тиргак бўлиб турибди. У ҳаётга ҳақиқат кўзи билан қарайди. Кенгаш мажлисидан сўнггина у ҳақда сўнгги хулосага келдим. “У қирқ кунлаб ҳам вайсайверишдан тийилмайдиган аёл. Аммо унинг яқини борми бу ерда? Бозор-ўчарни ким эплайди? Бизнинг мамлакатда аёл зотининг эрталабдан кўчага чиқиши, номаҳрам билан паранжисиз гаплашиши тақиқланса. У энди алдовлардан сақланиши, саломатлигини тиклаб олиши лозим эмасми? Дембанинг бевасини зудлик билан ўз юртига қайтариш керак. Ягона чора шу”. Узоқ муҳокамадан сўнг, кенгашдагилар унинг фикрини маъқулладилар. Ўйлаганим сари юрагим орзиқиб кетаяпти. Францияда қолувчиларга нақадар оғирлигини ҳис этасанми?

Эримнинг ўлиmidан сўнг мен учун Францияда ҳаёт тугади ва бугун оқшом кемада йўлга чиқаман.

Бу менинг Франциядан йўллаган сўнгги мактубим.

Кўришгунча кадрдоним, қолганини юзма-юз гаплашамиз.

*Сенинг Нафийинг*



*Леопольд Седар*  
**СЕНГОР**



Шоир ва файласуф, сиёсатчи ва давлат арбоби Леопольд Седар Сенгор номи нафақат Сенегалда, балки бутун Африка қитъасида машҳурдир. Барча ирқ вакиллари тенг эканлиги ҳақидаги гуманистик қарашлари, африкаликлар маданиятининг узоқ тарихга эгаллигини исботлашга қаратилган ҳаракатлари Леопольд Сенгорни дунёга ватанпарвар инсон сифатида танитди.

Леопольд Седар Сенгор 1906 йил 9 октябрда Сенегал соҳилбўйида жойлашган Жоаль шаҳрида савдогар оиласида таваллуд топди. Болалик йиллари денгиз соҳилида, тенгқурлар давраси-ю сеҳрли эртаклар ва кўшиқлар дунёси билан кечди. Кейинчалик мана шу таассуротлар, ҳаёлий қаҳрамонлар унинг шеърларида қайта жонланди.

1928 йил Сенегалда католик таълимини тугатган Сенгор Франциядаги Сорбонна университети-га киради. Олий маълумотга эга бўлгач, бир муддат француз лицейи ва коллежларида педагоглик қилади. 1935 йили француз тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади. Шу йиллардан бошлаб Леопольд Сенгор шеърлари билан матбуотда кўрина бошлайди. Унинг ижодидаги Европа шеърияти-

да учрамайдиган ноодатий тимсоллар, ўзгача тасвирлар кўпчиликда қизиқиш уйғотади.

Айни пайтда қизгин ижтимоий фаолият олиб борган Сенгор ўзини она юртининг элчиси деб билади. Шу мақсадда университет йиллариданок бир неча журналлар билан ҳамкорлик қила бошлайди, улар орасида, айниқса, “Африкаликлар таълими” журнали Сенгорнинг бўлажак ғояларини юзага чиқаришда катта ёрдам беради. Айни шу нашрда у Африка халқлари, хусусан, сенегалликларнинг ўтмиши ва келажаги ҳақидаги қизиқарли мулоҳазалари билан иштирок этади. Сенгор ўз фалсафий қарашларида африкаликлар руҳиятини рақсга боғлаб тушунтиради, уларни табиат фарзанди деб билади. Унинг таъкидлашича, ҳаракатдаги инсон ритмни ҳис қилади ва борлиқ билан муносабатга киришади, ритмга монанд ҳаракат замирида эса мусиқа яшириндир. У илгари сурган негр-ритюд назариясини ўзига хос жаз фалсафасига қиёслаш мумкин. Сенгор рақс ва мусиқадаги уйғунликни миллат ҳаётига татбиқ этиш орқали барчани ягона мақсад сари бирлаштиришга уринади: “Тери ранги – ирқнинг мудроқлиги эмас, балки қалбдаги қуёшдир. Ранж-алам ва

кутиб ўтиришга вақт йўқ, нурли келажак сари интилиб ҳаракат қилиш керак. Негритюд, бу – негр эканлигини эътироф этиш, холос. Ўзлигинга содиқ қол, шунинг ўзи етарли”.

Сенгор негритюд назарияси тарғиботи учун “Presence Africaine” маданий-маърифий журналининг таъсис этилишига кўмаклашади, 1948 йилда “Янги негр ва мальгаш шеърляти” антологияси чоп қилинишида фаоллик кўрсатади. Таниқли француз ёзувчиси Жан Пол Сартр мазкур тўпламга кириш сўзи ёзар экан, негритюдни “ирқчиликка қарши ирқчилик” дея таърифлайди. Сенгор бошқа оқимлардан фарқли равишда, асосий эътиборни ирқий тафовутларга эмас, балки маданиятлараро рангинликка қаратиб, Африка ва Европа анъаналарини ўзаро омукталаштириш йўлидан боради. Сенгор ижодида ҳам шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратади. Унинг шеърларида ХХ аср француз шеърляти анъаналари Африка фольклори оҳанглари билан уйғунлашиб кетади.

1945 йили Сенгорнинг биринчи шеърй тўплами – “Қайғули шарпалар” чоп этилади.

Урушдан кейинги даврда Сенгор давлат ва жамоат ишларига шўнғиб кетади. У нозикфаҳм давлат арбоби, фидойи фарзанд сифатида, аввало, ота юртининг озодликка эришиши зарурлигини яхши ҳис этарди. Шу мақсадда мамлакат Миллий жамоат вице-спикери, депутати сифатида тиним билмай ишлайди, 1948 йили янги ташкилотга асос солади. Бу тузилма 1959 йили Сенегал Тараққийпарварлар иттифоқига – мамлакатнинг озодликка эришишида ҳал қилувчи ўрин тутган жамоага айланади. Ниҳоят Сенегал 1960

йили мустақил давлат мақомига эга бўлади ва унинг биринчи Президенти этиб Леопольд Сенгор сайланади.

Сенгор она Ватанининг истиқболини ташқи дунёдан узилган ҳолда тасаввур қилолмасди, аксинча, барчани замонавий илм-фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланишга тарғиб этади, халқаро ҳамжамият билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга киришади. 1966 йили Сенегал Президентининг халқаро Африка санъати фестивалини ўтказиш ҳақидаги фармони ҳам мана шу йўлдаги дадил қадамлардан бири бўлади. Натижада дунё ҳамжамияти Африканинг бой маданий мероси, қадим урф-одатлари ва дунё цивилизациясига қўшган ҳиссаси билан яқиндан танишади.

Сенгор Сенегал Президенти сифатида давлат ишлари билан мутасил банд бўлса-да, уни шоирона қалби тез-тез безовта қилиб турарди. Ана шундай беҳаловатлик ҳосиласи ўлароқ “Ноктюрнлар” (1961)дан то “Катта элегиялар” (1979)гача қатор шеърй тўпламлари нашр этилади. 1981 йили президентлик лавозимидан ихтиёрий равишда истеъфо берган Леопольд Сенгор ўзини буткул ижодга бағишлайди.

Сенгор умрининг сўнги йилларида Францияда яшайди ва 2001 йил 20 декабрида Нормандияда вафот этади.

Салкам бир асрлик ҳаёт йўли Сенгор номини буюк инсонлар, ўз халқи ва миллати, юрт истиқболи учун тинимсиз заҳмат чеккан фидойилар қаторига муҳрлади. Сенегалдаги энг йирик футбол стадиони ҳамда халқаро аэропорт унинг номи билан аталади. Париждаги Сольферино кўприги ҳам 2006 йили Леопольд Сенгор шарафига қайта номланди.

*Азиз МАТЁҚУБОВ тайёрлади.*

## *Папа Ибра ТААЛ*



Замонавий Сенегал тасвирий ва амалий санъатининг йирик намояндларидан бири Папа Ибра Таалдир. Серкирра ижодкор, моҳир сюрреалист-рассом, ҳайкалтарош сифатида танилган бу мусаввир миллатининг фахрли фарзандларидан биридир.

Папа Ибра Таал 1935 йили Тивауан шаҳрида таваллуд топади. Унинг 1947 йили чизган бир неча сурати дастлабки муваффақиятли ишлари сирасига киради. 1955 йилда Таал билим ва тажрибасини янада ошириш мақсадида Францияга йўл олади. 1974–1991 йиллар ижодкорнинг сермахсул даври бўлди. Унинг суратлари Европа, Осиё ва Америкада бўлиб ўтган катта-катта кўргазмаларда намоиш этилади ва эътирофга сазовор бўлади. Айниқса, 2013 йилдаги дунёга машҳур Венеция санъат кўргазмасида Папа Таал картиналари мутахассислар ўртасида қизгин баҳс-мунозара кўзгайди.

Папа Ибра Таал Францияда ўқиб юрган кезларида негритюд назарияси билан танишади. Сенегалнинг биринчи Президенти Леопольд Седар Сенгор ташаббуси билан юзага келган мазкур ҳаракат Африка маданияти ва санъатини тараққий эттириш ва Ғарб маданияти таъсиридан холи сақлашни мақсад қилган эди. Таал ҳам негритюд ҳаракати фаолига айланади, натижада асарларида африкаликлар руҳи, турмуш тарзи, урф-одатлари яққол акс эта бошлайди. “Урмон сирлари”, “Сенегал бўйлаб саёҳат”, “Оналик” каби асарлари, “Сенегал эртак ва афсонлари” китобига чизган иллюстрациялари рассомнинг юксак маҳоратидан далолатдир.

Журналимиз муқовасида тақдим этилаётган “Сенегаллик нуруний” портрети ҳам рассомнинг эътиборга молик суратларидан биридир. Ундаги образ бир қарашдаёқ африкалик киши сиймосини кўз олдимизда гавдалантиради. Рассом унинг ўткир нигоҳи, маъноли кўзларидан донишмандлиги, нозик қалб эгаси эканлигини кўрсата билган, айна пайтда қахрамоннинг машаққатли меҳнатда тоблангани, метин ирода ва матонатга эгаллиги ҳам сезилиб турадики, айна жиҳатлар заҳматкаш африкаликлар учун хос белгилардан саналади.

Рассом Папа Ибра Таал ҳозирги кунда қизгин ижод билан банд. У Дакар шаҳри тасвирий санъат академияси ва Тиес амалий санъат марказида ҳам фаолият кўрсатяпти.

*Аброр УМАРОВ тайёрлади.*



### 1 АПРЕЛЬ

**1930–2004 йиллар. Хорен Абрамян**, машхур арман актёри, кино ва театр режиссёри. Актёр “Отелло”, “Ромео ва Жульетта”, “Кориолан”, “Номус”, “Доктор Штокман” каби спектакллар, “Она қалби”, “Ака-ука Сароянлар”, “Биринчи муҳаббат кўшиғи”, “Масхарабоз ҳақида афсона” фильмларида роллар ижро этган. “Ўлим машаққати”, “Жиноятчилар оиласи”, “Тугалланмаган монолог”, “Қирол Жон” каби спектаклларни сахналаштирган.

### 3 АПРЕЛЬ

**1911–1969 йиллар. Мамарасул Бобоев**, таниқли шоир ва таржимон. М.Бобоев “Ватан шаънига”, “Шодиёна”, “Қуёш йўли”, “Севган кўшиқларим”, “Ота кувончи”, “Янгра, рубоб”, “Айни ёз”, “Юрагимнинг айтганлари” сингари шеърий тўпламлар муаллифи. У М.Лермонтов, Н.Некрасов, К.Симонов, С.Вурғун, Қ.Қулиев, М.Жалил, Р.Ҳамзатов каби шоирлар шеърларини ўзбек тилига моҳирона ўгирган.

### 6 АПРЕЛЬ

**1670–1741 йиллар. Жан Батист Руссо**, француз шоири. Унинг “Лаганбардор”, “Қахвахона” комедиялари, “Турфа ишлар” шеърий тўплами, “Буюк Британия қиролига қасида”, “Бретон герцогининг таваллудига”, “Омад” каби қасидалари француз адабиётида ўзига хос из қолдирган. Шоирдан асосан қасида, кантата ва эпиграммалар етиб келган.

### 7 АПРЕЛЬ

**1926 йил. Очилхон Отахонов**, хонанда, Ўзбекистон халқ ҳофизи. Унинг ижросида “Насруллои”, “Талқинчаи ушшоқ”, “Ёлғиз”, “Эҳтиёж”, “Самарқанд ушшоғи”, “Фигон”, “Эй, дилбари жононим” сингари мақом ва мумтоз кўшиқлар маромига етган. О.Отахонов актёр сифатида “Юрак сирлари”, “Олтин кўл”, “Аршин мол олон”, “Нурхон” каби спектаклларда роллар ижро этган.

### 9 АПРЕЛЬ

**1336–1405 йиллар. Амир Темур**, буюк саркарда ва давлат арбоби. Соҳибқирон сиймосига чуқур эҳтиром ўлароқ, Тошкентда марказий хиёбонга Амир Темур номи берилди, улуғвор ҳайкали ўрнатилди, Темурийлар даври музейи барпо этилди (1996), “Амир Темур” ордени таъсис этилди (1996) ва Халқаро Амир Темур жамғармаси ташкил қилинди (1995). Тошкент, Самарқанд ва хорижий мамлакатларда ЮНЕСКО раҳбарлигида Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди (1996). Хорижда Амир Темур ҳақидаги биринчи китоб

1553 йили Флоренция (Италия)да чоп этилди. Испан тарихчиси Перо Мексиканинг “Буюк Темур тарихи”, машхур Испания элчиси Клавихонинг “Эсдаликлар”и, инглиз драматурги Христофор Морлонинг “Буюк Темур” деган сахна асари ҳам шу асрда яратилди. Амир Темур шахси ва фаолияти чет элларда ҳозир ҳам кенг тадқиқ этилмоқда.

### 10 АПРЕЛЬ

**1894–1938 йиллар. Абдулла Қодирий**, буюк ўзбек ёзувчиси. Унинг “Аҳволимиз”, “Миллатимга”, “Тўй” каби шеърлари, “Бахтсиз куёв” пьесаси, “Жувонбоз”, “Улоқда” ҳикоялари, “Тошпўлат тажанг нима дейди?”, “Калвак маҳзумнинг хотира дафтарида” сатирик асарлари, “Обид кетмон” қиссаси, “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари ўзбек адабиётининг хазинасига айланган. У таржимон сифатида Гоголнинг “Уйланиш”, Чеховнинг “Олчазор” ва бошқа ғарб ёзувчиларининг сатирик ҳикояларини ўзбек тилига ўгирган.

### 14 АПРЕЛЬ

**1916–1990 йиллар. Сулаймон Юдаков**, бастакор, Ўзбекистон халқ артисти. “Майсаранинг иши” (опера), “Менинг Ватаним”, “Муборакбод” (кантата), “Мирзачўл” (5 қисмли вокал-симфоник сюита), “Фурқат” (вокал-симфоник поэма), “Она хотирасига” (поэма-рапсодия), “Алёр” (хор-вокал поэма), “Тантанали увертюра”, “Фестиваль увертюраси”, 7 қисмли “Ғалаба” ораторияси каби ранг-баранг жанрдаги мусиқалар муаллифи.

### 16 АПРЕЛЬ

**1946 йил. Фаррух Зокиров**, машхур эстрада хонандаси, бастакор, Ўзбекистон халқ артисти. 1976 йили ташкил этилган “Ялла” ансамбли яккахон хонандаси. Унинг “Бойчечак”, “Мажнунтол”, “Учкудук”, “Унутма мени”, “Бака-банг”, “Ўртағамизда”, “Чинури”, “Шахрисабз”, “Чойхона”, “Келибди”, “Ўзбекистон – ватаним” кўшиқлари эл орасида севиб тингланади.

### 26 АПРЕЛЬ

**1896–1991 йиллар. Лutfихоним Саримсоқова**, ўзбек театр ва кино санъатининг ёрқин юлдузларидан бири. Актриса “Аршин мол олон”, “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Маликаи Турандот”, “Икки бойга бир малай”, “Гулсара”, “Майсаранинг иши”, “Алпомиш”, “Паранжи сирлари”, “Нурхон” спектакллари ва “Сен етим эмассан”, “Маҳаллада дув-дув гап”, “Фарзандлар” фильмларида бош ролларни ижро этган.

### 30 АПРЕЛЬ

**1883–1923 йиллар. Ярослав Гашек**, чехиялик сатирик-ёзувчи, драматург, журналист. Унинг “Уч эркак ва аюла”, “Май ойидаги ҳайқирик”, “Тинчлик конференцияси ва бошқа кўшиқлар”, “Жаноб Тенкратнинг азоби”, “Қари бўйдоқнинг тавбаси”, “Шоввоз Швейкнинг бошидан кечирганлари” каби асарлари чоп этилган.

*Севара АЛИЖОНОВА тайёрлади.*



●● В рубрике «25-летие независимости Узбекистана» представлено эссе Шаима Бутаева «Спаситель мольбы Орфея». Статья посвящена известному художнику, обладателю ордена «Буюк хизматлари учун» («За выдающиеся заслуги») Игорю Савицкому. В ней мастерски повествуется, как талантливый живописец, автор ряда прекрасных картин, избрав нелегкий путь, самоотверженно отыскивает, коллекционирует и сохраняет для будущего поколения ценные произведения искусства.

●● Небольшой по объему рассказ именитого французского писателя Жан-Мари Гюстава Ле Клезиво «О, вор, вор, что за жизнь у тебя?» оставляет неизгладимое впечатление. Герой произведения – вор, мерзкий тип, который готов на любую подлость. («Знаешь, ты можешь вычитать в газете о кончине какого-либо богатея, и спокойно обворовать его дом в день похорон, когда все уйдут на кладбище»). В то же время это несчастный человек, осознающий, насколько низко он пал. («А ныне жизнь моя словно порожний сосуд, занавес, за которой пустота»). Читайте в рубрике «Лауреаты Нобелевской премии».

●● Очередной маршрут рубрики «Литературное путешествие» – Франция. Уход из жизни известного актёра Жерара Филипа в возрасте 37 лет стало тяжелым потрясением для его жены. Анн денно и ночью не отходила от умирающего супруга, который так и не смог оправиться после операции. Биографическая повесть французской писательницы Анн Филип «Одно мгновенье» состоит не только из воспоминаний, это своего рода исповедь. «Я хочу избавиться от тебя, хотя прекрасно понимаю, что это самое ужасное, но именно в такую минуту у меня недостает сил позволить тебе завладеть мною. Ты или я. Тишина комнаты вопиет сильнее, чем самый отчаянный крик. В голове хаос, тело безвольно. Я вижу нас в нашем прошлом, но где и когда?» Подобные откровения героини, ее душевные страдания берут за живое.

●● Творчество Алишера Навои – неиссякаемый источник для различных трактовок и толкований. Перед современным литературоведением стоит острая необходимость осознать новые, неизведанные грани произведений почтенного поэта и философа. Автор статьи «Методология развития», доктор филологических наук Бахтиер Менглиев обращает свой взор на просветительскую значимость поэмы «Лисон ут тайр» («Язык птицы»). В статье в увлекательной форме повествуется об этапах развития, которые последовательно должен пройти человек. Они сравниваются с частями (долинами) произведений, чередующихся один за другим. («За первой ступенью следует вторая. Перешагнуть одну из них невозможно»).

●● 4 апреля народ Сенегала празднует День независимости. В связи с этим в данном номере журнала уделено отдельное место литературе и искусству Сенегала. В рубрике «Поэтические меридианы» представлены избранные образцы творчества таких известных поэтов, как Леопольд Седар Сенгор, Бираго Диоп, Сембен Усман, Давид Диоп, Ламин Диакате, Малик Фаль. Рубрику «Проза» украсил рассказ «Письма из Франции» Сембена Усмана. Рубрика «Глобус» богата познавательными статьями, посвященными культурной жизни Сенегала.



●●● An essay “The Savior of Orpheus’s Prayer” by Shoim Butayev is presented in “The 25th Anniversary of Independence of Uzbekistan” rubric. This work is about Igor Savitsky, well-known painter and holder of “For Notable Merits” order. The essay relates of a talented painter, an author of several wonderful pictures who chose difficult way, searched, found, collected and kept important works of art for future generation.

●●● A short story named “Oh, Poor Thief, Is It Your Life?” by famous French writer Jean-Marie Gustave Le Clezio makes great impression on readers. The main character of the story is a robber. This ugly person is able to do any meanness. (“Look, you can read about a death of some rich man in a paper and quietly rob his house when everyone is gone to a funeral”). At the same time he is an unhappy man who realizes how deep he had fallen. (“Now my life looks like an empty vessel, a curtain with emptiness behind it”). Read it in “Noble Prize Winners” rubric.

●●● The next route of “Literary Travel” rubric is France. The death of Gerard Philipe, 37 years old well-known actor, became a shock for his wife. Anne was beside her dying husband day and night, but he couldn’t recover after an operation. A biographical narrative named “One Moment” by French writer Anne Philipe is not just a memory, but a confession of its sort. “I want to get rid of you, but I know that it is the most terrible choice. Exactly at this moment I can’t find a power to let you obsess me. You or me. The silence in the room yells loudly than the most desperate shout. Mess in my head, my body is weak-willed. I see us in our past. When and where?” Such kind of revelations and heartache of the heroine touches on the raw.

●●● Alisher Navoi’s works are inexhaustible spring for different treatments and interpretations. The modern literary criticism must open new unexplored sides of great poet and philosopher’s works. Bakhtiyor Mengliyev, doctor of philology, an author of an article “Methodology of Development”, researches educational importance of “Lison ut-Tayr” (“Language of Bird”) poem by Alisher Navoi. Important periods of human development are widely described in the article. These periods are compared with parts (valleys) of literary works rotating alternately. (“The second stage comes after the first one. It’s impossible to overstep them”).

●●● The people in Senegal celebrate Independence Day of their motherland on April 4. Literature, art and culture of Senegal are widely presented in this issue of the magazine. Poems by famous Senegalese poets as Leopold Sedar Senghor, Birago Diop, Sembene Ousmane, David Diop, Lamin Diakate, Malik Fall are presented in “Meridians of Poetry” rubric. The story “Letters from France” by Sembene Ousmane are given in “Prose” rubric. You can also read several interesting articles about Senegalese culture in “Globe” rubric.

# Жаҳон АДАБИЁТИ

2016 йил апрель сони

Навбатчи муҳаррир: А.ОТАБОЕВ  
Техник муҳаррир: Д.ҲАМИДОВА  
Мусахҳих: Д.АЛИЕВА  
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829

2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.  
Ўзбекистон Мағбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, № 189.  
Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.  
“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда  
ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олинishi шарт.

**Таҳририят манзили:**

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: (0371) 244-41-60, 244-41-61, 244-41-62.  
Сайт: [www.jahonadabiyoti.uz](http://www.jahonadabiyoti.uz)  
E-mail: [jahonadabiyoti@list.ru](mailto:jahonadabiyoti@list.ru)

Босишга рухсат этилди 17.04.2016 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.  
Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.  
Адади 3600 нусха. 4293 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.  
“Жаҳон адабиёти” журнали таҳририятининг компьютер  
марказида териблиб, “Sharq” НМАКда чоп этилди.

**Босмаҳона манзили:**

100000, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

© Жаҳон адабиёти, 2016 й.